

ЧАҒОНИЁН ТАРИХИ



63.3(59)

У-12


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЧАҒОИИЁН ТАРИХИ

«Тошкент ислом университети» — 2002



Китоб Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига
ва Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланади.

Ушбу мажмуа қадимий (қадимдан милоднинг XVI асригача мавжуд бўлган) Чағониён ўлкаси (Сурхондарё вилояти) тарихи, ундаги шаҳарлар, таниқли кишилар ҳақида мозий манбалари, улар асосида ҳозирги илмий тадқиқотлар ва археологик қазилмалар хулосаларидан йигилган бўлиб, тадқиқотчилар, ўқитувчилар, талабалар ва ўлкамиз тарихи билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчи ва русча манбалардан таржимон
АБДИНАЗАР ХИДИРОВ

Тахрир ҳайъати: Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари — **М.ХАЙРУЛЛАЕВ, А.МУҲАММАДЖОНОВ, Э.В.РТВЕЛАДЗЕ, У.ИСМОИЛОВ;** фан докторлари — **М.ИСҲОҚОВ, Т.ШИРИНОВ;** фан номзодлари — **О.БЎРИЕВ** (масъул муҳаррир), **Б.ТУРҒУНОВ, Н.ҲОТАМОВ;** журналист — **З.МАМАЖОНОВ.**

Тақризчилар: фан докторлари — **Р.СУЛАЙМОНОВ, М.ҚОДИРОВ, А.ЎРИНБОЕВ.**

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти
ва Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли
Шарқшунослик институти илмий кенгашлари нашрга тавсия этган.

Нашр учун ҳомий Тошкент ислом университети.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёти, 2002.

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.

И.А.КАРИМОВ

Мамлакатимизнинг узоқ тарихи, айниқса, жаҳон тараққиётидаги катта ҳиссаси, инсоният тафаккурини бойитишга дахлдор буюк даҳларни етиштирган бунёдкор халқи, бир неча минг йиллик давлатчилиги ҳамда бой ўтмиш маданияти билан ҳамиша фахрланамиз. Юртбошимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида айтганларидек: “Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди... Биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз... Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатдан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин”. Қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа улуғ аждодларимиз таваллудларининг халқаро миқёсда нишонланганлиги, жаҳон цивилизациясида муносиб ўринга эга Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини ўтказиш келтирилган фикрлар нақадар ҳаққоний эканлигининг исботи бўлаётир.

Бунёдкорликдан иборат ўтмишимиз, мустақиллик ёғдусида ривож топиб, ҳар жиҳатдан юксалиб ва нурафшон бўлиб бораётган бугунги кунимиз ва жозибакор ҳамда порлоқ келажакимиз барчаси узвий бир тизимни ташкил этади. Шу жумладан, Чағониён тарихи ҳам Ватанимиз ўтмишининг бир қисми, бир шохчасидир.

Чағониён жанубдан Сарманган (Жарқўрғон), шимолдан Новандак (Сурхоннинг бошланиши), ғарбдан Дари Оҳанин (Темир Дарвоза), шарқдан Боботоғ оша Кофирниҳон, Амударёгача бўлган ҳудудни ўз қамровига олган жаннатмакон ўлка бўлган. Ҳозирги харитадаги тасаввурда Сурхондарё вилоятининг тахминан Жарқўрғон, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон, Олтинсой, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун туманлари, Тожикистон Республикасининг баъзи туманларининг умумий ҳудудида тўғри келади.

Қадимдан бу вилоят ва унинг пойтахти Чағониён деб аталган, аслида Саканиён (саклар юрти маъносида) бўлса керак. Водийга обиҳаёт берув-

чи дарёни Чағонруд (ҳозирги Сурхондарё), бу жойнинг бошлигини Чағонхудот деганлар. Чағониён ўлкаси қадимда гуллаб-яшнаган, ривож топган бир давлат бўлиб, давр ўтиши билан тарих силсиласида мозий қатида ботинга айланган. Ундан ўша вақт битикларида бирмунча маълумотлар, ер қаърида яширинган кўҳна харобалар қолган. Янги авлодлар бу юртни бошқа номда бўлса-да қайта-қайта тиклаб, ривож топтириб, унда ризку рўз ундириб истиқомат қилиб келмоқдалар ва мустақиллик шарофати ила уни янада гуллаб-яшнаган диёрга айлантирмоқдалар.

Тарихий манбалар, тадқиқотлар, мазкур жойларда олиб борилган археологик қазишмалар асосида қадимий Чағониён тарихи тикланмоқда. Маълумки, қадимда Суғд, Хоразм, Бақтрия аталмиш давлатлар шаклланган. Уларнинг таркибида эса бир нечтадан вилоятлар бўлган. Бақтрия подшоҳлиги таркибида, аниқроғи, унинг шимол қисмида жойлашган вилоятлардан бири Чағониён деб аталган ва у нисбатан мустақил давлат сифатида қадимий Таҳористоннинг кўзга кўринган вилояти саналган. Бу жойда қадимдан чорвачилик билан бир қаторда суғорма деҳқончилик ривожланганлиги, кўплаб суғориш тармоқлари мавжудлиги маълум.

Чағониён Аҳамонийлар, Бақтрия, кейинчалик Грек-Бақтрия давлати таркибида марказий ўринлардан бирини эгаллаб турган. Милоннинг биринчи асри бошида барпо этилган ва тўрт юз йил ҳукм сурган Кушон империяси, III — IV асрларда Сосонийлар, V асрда Хионийлар, VI асрда Эфталитлар давлатлари таркибида бўлганда ҳам, VII асрда Турк ҳоқонлиги чоғида ҳам Чағониён нисбатан мустақил сиёсат юритган ва уни чағонхудотлар бошқарганлар. Маданият, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, шаҳар қурилиши, ҳунармандчилик, кулолчилик ўша давр мезонида юксак даражада бўлган, ўз пул (танга)ларини зарб қилганлар.

Бу ҳолни қадимий Чағониён ҳудудидаги Далварзинтепа, Холчаён, Будрач шаҳристонида қазиб олинган археологик топилмалар ва ёзма манбалар яққол кўрсатиб турибди. Шу асосда хулоса қилганда, бу гуллаб-яшнаган диёрда элатлар ислом кириб келгунга қадар зардуштийлик, будда, монийлик каби динлар ақидаларига сиғинганлар. Афросиёб деворидаги VII асрга оид ноёб санъат асари ҳам Чағониён тарихидан ҳикоя қилади. Унда Туронтош ҳукмронлиги даврида Чағониён элчиларининг Самарқандга келиши, Самарқанд шоҳи Вархумон ҳузурда қабул маросими Афросиёбнинг бутун бир томон девори бўйлаб рангли тасвирда чизилган, бу тасвир ўз навбатида Чағониённинг нуфузи, унинг обрў-эътибори Суғднинг энг йирик шаҳри бўлган Самарқанд билан ҳар жиҳатдан тенглашадиган маскан бўлганлигидан далолатдир.

Чағониён ҳам неча-неча босқинлар ва вайроналикларни бошидан кечирган. Лекин унинг меҳнатсевар халқи, аҳолиси ўз юртини яна обод қилиб, ривожлантириб келган. Бу сўлим гўшада ўрта асрларда Дақиқий, Фаррухий, Тоҳир Чағоний, Абу Жаъфар Ҳозий Сағоний, Лабий, Мунжик Термизий, Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний Устурлобий сингари таниқли адибу олимлар ижод қилганлиги, машҳур “Шоҳно-

ма” асарининг минг байти шу ерда Дақиқий томонидан битилганлиги ҳам Чағониённинг қанчалик маълуму машҳурлигидан гувоҳлик беради.

Тарих — курашлар, босқинлар, бунёдкорликлар силсиласи. “Босқинчилар келиб-кетаверади, лекин халқ боқий қолаверади, унинг маънавияти абадий яшайди” (И. Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”). Ҳар жиҳатдан юксак даражада ривожланган, мустаҳкам давлат бўлган, юқори маданиятнинг, тараққиётнинг муайян баланд меъёрига эришган Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар қатори Чағониённи ҳам Чингизхон босқини таназзулга учратди, хароб қилди. Аммо, Чағониён узоқ йиллар мобайнида, айниқса, Темурийлар даврида қад ростлади. Бу пайтда Деҳи-нав (Денов) қароргоҳи пайдо бўлиб, марказ шахрига айланди. Чағониён вилояти яна обрў-нуфузга эга бўла бошлади. Амир Темур даврида ислом оламининг нуфузли вакилларида бири, нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси Алоуддин Аттор Чағониён вилоятига келганлиги, кейинчалик бу жойда шу тариқат давомчилари Яъқуб Чархий, Ҳасан Аттор валийлар фаолият кўрсатганлари маълум.

Манбаларнинг ҳамда Будрач шахристонида олиб борилган қозишманинг гувоҳлик беришича, Чағониён амири Боқи Чағониёний Бобур тарафида бўлиб, ўз юртини қаттиқ ҳимоя қилгани учун, Шайбонийлар вилоятни талон-тарож қилди, шаҳарларни, жумладан, Чағониён шаҳрини бутунлай вайронага айлантди. Топталган Чағониён вилояти Маҳдий Султонга инъом этилди. Шаҳар эса шундан кейин қад кўтармади. Мозий қаърига шўнғиб кетди, вилоят ҳам кейинчалик бўлиниб, Деҳнав, Бойсун ва бошқа бекликларга айлантирилди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради... Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган” (“Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблари). Чағониён диёри тарихида ҳам шундай ҳолат қайта-қайта содир бўлган.

Минг марта шукроналар бўлсинки, қадимий Чағониён диёри бугун асосан бошқа ном билан бўлса-да, тинч-осуда, мустақиллигимиз шарофати ила тараққий этиб бораётган Ўзбекистон ҳудудида, Сурхондарё вилоятида янада ривож топиб, гуллаб-яшнаб бормоқда.

Айни даврда қўйилаётган улуғвор вазифа халқимизнинг, мамлакатимизнинг, давлатчилигимизнинг ҳаққоний тарихини ёзиб баён этиш, уни истиқлолимиз талаблари асосида бутун оламга тараннум қилиб кўрсатиш бизни мамлакатимизнинг бир гўшаси бўлмиш қадимий Чағониён тўғрисидаги битикларни тўплаб нашр этиш иштиёқи сари даъват этди.

Ушбу китобда Чағониёнга оид айрим ўзбек тилидаги, шунингдек, ўзбекча ўтирилган мақолалар берилди, В.В.Бартольд, Г.А.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе ва бошқаларнинг юртимиз улуғвор тарихини эътироф этиб ёзган мазкур мавзудаги асарлари русчадан танлаб таржима қилиб киритилди. Мавзуга оид кўпгина арабча, форсча асарлардаги матнлар-

ни ўзбек тилига ўгиришда соҳа мутахассислари, шарқшунос олимлар кўмаклашдилар, узилиш бўладиган жойларини ёзиб тўлдирдилар. Шу тариқа Чағониён ўлкасининг бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, хўжалиги, инсоният цивилизациясида тутган ўрни, бу жойда истиқомат қилган аждодларимиз рўёбга чиқарган бунёдкорлик ҳамда халқнинг урф-одатларини акс эттирувчи бир мажмуа яратилди.

Ушбу тарихий мажмуани тузишда каминага холисона кўмаклашувчилар бўлди. Денов “Чағониён” газетаси муҳаррири Зоир Мамажонов ушбу тўпламнинг тайёрланишида ташкилотчилик қилди. Бу олижаноб ва хайрли ишда Республика Бадий академияси Санаъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти олимлари жуда катта ёрдам кўрсатдилар.

Санаъатшунослик илмий-тадқиқот институтидан академиклар Г.А.Пугаченкова ва Э.В.Ртвеладзелар ўзларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилишга миннатдорчилик билан рухсат беришди. Айниқса, мазкур институт олими, ўзбек-япон илмий археологик экспедиция раҳбари Баҳодир Турғунов ушбу ишда ҳамкору ҳамнафас бўлди, Далварзинтепа билан боғлиқ йирик бир қисмини ёзиб тўпламга киритди.

Республика Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходими, манбашунос олим Омонулло Бўриев институтда мавжуд (форсий, арабий) қўлёзмаларда Чағониён, унинг теварак-атроф ҳудудини ёритган манбаларнинг таржима қилинишини ташкил этди ва ўзи ҳам бир қисмини тайёрлади, китоб қўлёзмасини бошдан-оёқ таҳрир этиб, унга масъул муҳаррирлик қилди.

Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети унинг нашр этилишида ҳомийлик қилди ва ўз нашриётида нашр эттирди.

Ушбу тўплам икки қисмдан: Чағониён вилояти ва шаҳарлари борасидаги “Талқиқотлар” ҳамда “Манбаларда Чағониён” қисмларидан таркиб топган. Лавҳаларни танлашда иложи борича бир-бирини такрорламайдиган қилиб олинди ҳамда таржимада такрор жойлар, Чағониёнга унчалик алоқаси бўлмаган ўринлар тушириб қолдирилди. Матнни илмий-оммабоп шаклга келтириш мақсадида изоҳлар деярли берилмади.

Мазкур мажмуа қадимий Чағониён вилояти ҳамда шаҳарлари тарихидан бир шингил бўлиб, унинг ўтмишини ёритувчи дебочадир. Кўп маълумотлар, тарихнинг бутун гувоҳлари ҳали ер остида ва бошқа битикларда бўлиши табиий. Истиқлолимиз туфайли, ҳаққоний тарихимизни яратишдек улуғвор вазифа шарофати билан қадимий Чағониён ўлкаси, унинг ҳудудидаги ботин бўлиб ётган минг-минглаб шаҳару қароргоҳлар, жумладан, Чағониён шаҳристони тарихи ҳам ҳар жиҳатдан мукамал ўрганилажак, тикланажак, у билан кишиларимиз рухий, маънавий куч-қувват олажаклар.

Абдиназар ХИДИРОВ



ТАДҚИҚОТЛАР

ЧАҒОНИЁН ЭЛЧИЛАРИ САМАРҚАНДДА*

1965 йилнинг баҳорида Афросиёбда олиб борилган қазишма ишлари вақтида очилган девордаги суратлар археологлар учун қутилмаган бир воқеа эмас эди. 1903 йилнинг баҳоридаёқ В.Л.Вяткин Афросиёбда қазишма ишлари ўтказган вақтида деворга солинган суратнинг яхши сақланмаган парчаларини аниқлаган. Афсуски, ходимларнинг бу расмларни бузилишдан сақлаш (консервация) усулини билмаганлиги оқибатида у сақланиб қолмаган. Суратли сувоқ қуриб қолиб тўкилган, лекин ундан нусха олиб қолинган. Деворда одам суратлари тасвирланган бўлиб, улар тагидан эса йўл-йўл қилиб нақш берилган.

1961 йили Афросиёбда ўрта асрлардаги хумдонларни қазиш вақтида деворга ишланган нақш бўлаклари топилди. 1963 йилда Жоме масжиди худудида суратлар чизилган девор (нақшинкор ҳошия), 1965 йилнинг баҳорида деворларида расмлар солинган яна олти иморат очилди. Биринчи бўлиб қазилган залнинг фақат шимол томонидаги деворгагина сурат солинган. Унда тахтиравон тагида ўтирган эркак ва аёл тасвирланган бўлиб, қўлларида олов ёниб турган косалар бор. Уларнинг ҳар икки томонида хизматкорлар турибди. Қолган уч девор оқ ранг (ганч)га бўялган. Ягона карниз икки товус сурати билан безатилган. Товуслар мева солинган косага қараб турибди, улар тагида нақшли ҳошия бор.

Иккинчи залнинг ярми очилган. Ундаги суратлар яхши сақланган. Учтинчи залда жуда ажойиб нақш бўлаклари топилди. Қолган учта залда суратларнинг борлиги аниқланди, лекин улар очиб кўрилмади.

1965 йилда В.А.Шишкин раҳбарлигида шаҳарнинг иккинчи деворидан шарқ томон қўҳна шаҳарнинг марказий қисмида катта археологик қазиш ишлари олиб борилди. Бу ерда X—XI асрлардаги кулоллар-

*И.Мўминов масъул муҳаррирлигида нашр этилган “Самарқанд тарихи” («Фан» нашриёти, Тошкент—1971 йил) китобидан.

нинг уйлари жойлашгани (жуда кўп хумдонлар, шунингдек, суғориш учун ишлатилган сопол буюмлар тайёрланган иморатлар) аниқланди.

Ана шу иморатлар остида VI—VII асрларда яхлит шаҳар қурилишининг катта мажмуаси аниқланди. Улкан турар жой биноси ёки сарой мажмуаси бўлган заллардан биридаги суратлар анча тўла сақланган. Унинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 11 м. Унинг деворлари пахсадан урилган бўлиб, аввал сомонли лой билан, кейин яхши ивитилган лой билан юпка қилиб сувоқ қилинган. Кўпинча деворларнинг сирти оқ рангли тупроқ (ганч) билан қайта бўялиб, рассомлар ана шу тайёр сувоққа сурат чизганлар.

Чунончи, катта залнинг тўла очилган жануб томонидаги деворнинг шарқий қисмида кесик пирамида шаклида шартли тарзда (томошабиндан) чап томонга, қасрга қараб бораётган тантанали юриш маросими кўрсатилган. Олдинги қаторда зеб бериб безатилган чакмон кийган тўрт эркак киши тасвирланган.

Сурат тўла сақланмаган, суратларнинг белидан бир оз пастки қисми бузилган. Аста-секин қадам ташлаётган оқ фил тантанали юришни бошлаб бормоқда. Унинг хартуми ўралган, тишлари олдинга чиқиб турибди. Филнинг бўйнига осиб қўйилган қўнғироқ ва абзалига маҳкамланган оғир кўк попуқлар оҳиста силкиниб бормоқда. Филнинг устида марварид доналаридан безатилган жул, унинг ўртасида қанотли шер тасвирланган.

Туяга минган икки эркак бораяпти. Қорачадан келган биринчи эркак катта ёшда бўлиб, соқоли ва мўйловига оқ тушганлиги яққол сезилиб турибди. Унинг ўсиқ қуюқ қошларигача ҳам оқ. Қорамтир юзида қовоқлари ботиқ, кўк кўзлари ёрқин кўринади. Сочлари оқ боғич билан боғланган. Чап қулоғида зирак бор. У ўнг қўлининг икки бармоғи билан қалъани кўрсатапти. Чап қўлида учига ҳайвон боши ишланган чўқмор. Устига қизил чакмон кийган. Елкасигача ташланган сариқ енгсиз кийим шамолда ҳилпирайди.

Иккинчи эркак ёш, рангпар юзли, қора соқолли ва ингичка мўйлови бор. Қора сочлари қизил боғич билан тортилган. Биринчи эркак киши сингари унинг юз тузилиши ҳам европаликларникига ўхшайди. Катта қирғий бурунли, оғзи кичик бу кишининг ўнг қўлида сариқ (олтин) чўқмор бор. Иккала эркак ҳам узун қилич билан қуролланган бўлиб, бу қилич камарнинг чап томонида осилиб турибди. Уларнинг белбоғларига калта ханжар осилган бўлиб, дасталарида ёввойи қушлар бошининг тасвири солинган. Туялар жигарранг, биринчисининг устида филларнинг сурати солинган кунгуралар билан безатилган доирасимон жул бор. (*Муқовадаги расм.*) Кейинги гуруҳлар учун ҳам ана шундай тасвир характерлидир.

Биринчи қаторда жул билан ёпилган кўк от бўлиб, унинг оёғида ранг-баранг боғичлар ҳилпираб турибди. Қуюқ қора соқолли эркак от-

нинг юганидан ушлаб келяпти. Унинг юзида оғзи ва бурнини беркитиб турувчи рўмол бор.

От тепасида тўртта оққуш тасвирланган бўлиб, уларга суғд сўзлари ёзилган. Қушларнинг бирига катта-катта қилиб “оёқ” сўзи ёзилган. Иккинчисида у кўп марта такрорланган, лекин яхши сақланмаган. Ёш йигит қушларни ҳайдамоқда. Унинг сочлари кокилча қилиб ўрилган. Юзида эса отни етаклаб келаётган эркакникига ўхшаш рўмол бор. Шунга ўхшаш тасвирлар кумуш товоқда ҳам учрайди.

Учинчи планда расмнинг энг юқори қисмида илгари гапириб ўтилган бир тўда отлиқлар кўрсатилган. Лекин суратдаги от оёқларининг тасвиригина сақланиб қолган. Бу гуруҳ кетидан оқ қушлар, афтидан ғозлар тасвирланган доиралар билан безтилган қизил чакмон кийган чавандоз сариқ отда келяпти. Унинг камарида қинли қилич ва қоплон терисидан тортилган ёй филофи. Эркакнинг жуссаси белигача бўлак-бўлак тарзда сақланган. Отнинг қора думи ўрта қисмидан боғич билан боғланган, унинг оёқларида ҳам боғичлар бор, оёғида суғд ёзувининг излари ҳамда эфталит ва араб хатининг қинғир-қийшиқ ёзувлари бор.

Бу отлиқ композициядаги асосий шахс бўлиб, делегация бошлиғига ўхшайди, унинг қиёфаси қолганларга қараганда икки марта катта бўлиб, бу билан рассом унинг юқори мартабали киши эканлигини таъкидлайди. Асосий қаҳрамонни ана шундай ажратиб бўрттириб кўрсатиш усули Шарқ санъати учун характерлидир.

Иморатнинг ғарбий девори ярмигача очилди. Унда кўп планли ғоят қизиқарли лавҳалар тасвирланган. Олдинда ҳадя олиб бораётган тўққиз киши (5 та сурат яхши сақланган) тасвирланган бўлиб, улардан уч киши қимматбаҳо чакмон кийган. Уларнинг қўлларида ҳадялар—тангалар, олтин билан безатилган маржонлар, қанотли шер сурати солиниб доиралар билан безатилган бир тўп газмол бор. Тўнлик газламани безаш учун тўнғиз, тумшуғида марварид шодасини тутган қуш, қанотли итлар кўринишидаги афсонавий ҳайвонлар бошлари тасвирдан фойдаланилган. Туҳфани инъом этувчилар олтин камар боғлаб, ханжар ва қилич тақиб олган. Камарининг ўнг томонида рўмоллар, ҳамёнлар. Икковининг сочи боғичлар билан боғланган. Улардан бирининг оч жигарранг юзида яхши сақланмаган ёзув бор. Совға кўтариб борувчи учинчи киши уларнинг каттаси бўлса керак, бошида ёввойи тўнғиз сурати тасвирланган шойи телпак кийган ва устига кўк рангдан боғлаб қўйиладиган енгсиз кийим ташлаб олган. Унинг бўйнида ҳам ёзувлар изи мавжуд.

Тасвирдаги суратлардан антропологик кўриниши ва устидаги кийимига кўра бошқа икки киши ажралиб туради. Уларнинг уч ўрам қилиб ўрилган узун сочлари белларидан ҳам пастга тушиб турибди. Ингичка қора мўйловлари бор. Уларнинг чакмонлари элчиларнинг либосидан кўра камтарроқ. Биринчиси икки ёқали ва ўртасида боғичи бор қизил, иккинчиси сариқ чакмон кийган. Суратлар эркин ҳолатда турибди. Са-

риқ чакмон кийган эркак орқасидан келаётган кишига унинг кетидан боришни таклиф қилаётгандек бошини ўша тарафга қаратган. Ана шу ёзув икки сурат билан деворнинг очилган қисмидаги суратлар тугайди. Бу суратлардан юқорироқда жанубий деворда тик турган икки эркак тасвирланган. Улардан бири қизил чакмон, орқасига ўтирилган иккинчиси эса оқ чакмон кийган бўлиб, чакмоннинг очик жойида сугдча ёзув бор. Ана шу ёзув деярли тўлиқ сақланган. Махсус котиб томонидан ёзилган ўзига хос бу ишонч ёрлиғи 16 сатр келадиган вертикал матндан иборат.

Хатнинг таржимаси қуйидагича: Хунлар шоҳининг элчиси етиб келгач, у оғзини жуфтлаб (бундай дейди): “Чағониён маҳкамасининг бошлиғи мен Бур-затак (Бур ўғли) Самарқанд шоҳига иззат-икромимизни изҳор қилмоқ учун Чағониён подшоси Турантош ҳузуридан Самарқандга келдим. Мана, эҳтиром билан (Самарқанд) шоҳи олдида турибман. Сизлар менга ҳеч шубҳа билан қараманглар — Самарқанд худолари ва Самарқанд ёзувидан яхши хабардорман. Мен қудратли шоҳингизга ҳурматимни билдираман. Сизлар эсон-омон бўлинглар. Шунингдек, хунлар подшоси ҳам... (бу ёғи бузилган) Чағониён маҳкамасининг бошлиғи шундай дейди”.

Зал деворларидаги суратлар композициясини қуйидагича изоҳлаш мумкин? Жанубий деворда Чағониён шоҳининг ўзи бошчилик қилаётган элчилар тасвирланган. Оқ от минган шоҳ тантанали юриш маросимининг марказида турибди, олдинда — фил устида эса малика ўтирибди. Элчилар Самарқанд шоҳига совғалар, жумладан, чиройли қушлар, қимматбаҳо буюмлар ва ҳоказолар олиб бормоқда.

Фарбий деворнинг очилган қисмида Самарқанд шоҳи ёки Сугднинг асосий худосига совғалар топшириш лавҳаси тасвирланган. Саройга келган Чағониён элчилари совғаларни тақдим этиб, “ишонч ёрлиғи”ни топширяпти. Бу ёрлиқнинг матни, юқорида келтирилгандек, тасвирланган персонажлардан бирининг тўни этагида ёзилган. Самарқанд шоҳининг аъёнлари элчиларга ҳамроҳ бўлмоқда. Улар антропологик кўриниши ва кийимлари жиҳатидан меҳмонлардан фарқ қилади. Сарой аъёнлари орасида рассомлар, котиблар (уларнинг камарига ичида қаламлари бўлган филофлар осиглиқ турибди), олимлар, ёзувчилар бор. Улар гилам устида ўтириб, қизгин суҳбатлашмоқдалар, ўтирганлардан бирининг кўлида китоб.

Тарихий маълумотларга қараганда, Самарқанд шоҳи қароргоҳида ибодатхона бўлиб, бу ерга олтинчи ойда қурбонлик келтирилган. Бошқа жойларнинг ҳокимлари қурбонликда қатнашиш мақсадида бу ерга келишган. Ана шу маълумотга асосланиб, Чағониён элчилари ўз тухфалари билан худди шундай тантананага келишган, деб тахмин қилиш мумкин. Бу ерга келган кишилар “Самарқанд худоларидан яхши хабардор

эканликлари”, бинобарин, расм-русмларини ва Самарқанд шоҳига эҳтиром билдириш одатини ҳам билганликлари ёрликда кўрсатилади. Курбонлик қилиш одати анъаналари узоқ даврларга бориб тақаладиган байрам билан боғлиқ бўлиши мумкин. Суғда маросимлар қандай бўлганлигини айтиш қийин, албата. Шарқий девордаги композицияда байрам маросими тасвирланган бўлиши мумкин.

Афросиёб суратларининг бадиий хусусиятлари ҳам қизиқарлидир. Бу ердаги суратларнинг композицияси кўп планли ва кенгдир. Бу ерда манзарани кичрайтириб кўрсатиш кўринмайди, лекин композициянинг чуқурлиги сезилиб туради. Рассом баланд нуқтадан туриб расм солганга ўхшаб туюлади. У деворнинг бутун текис жойини суратлар билан тўлдирган, лекин бу ерда ортиқча суратлар бўлиши ва перспектив кичрайтиришнинг йўқлиги сезилмайди.

Фарбий девордаги суратлар ҳам худди шу услубда бажарилган. Олдинда Чағонийён элчилари ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар, иккинчи қаторда эса иккитадан бўлиб, бир-бирига қарама-қарши ўтирган одамлар тасвирланган. Ана шу кишиларнинг бир жуфти мураккаб ракурсда, орқа томондан тасвирланган. Рассом воқелик билан маҳкам боғланган кенг фикрлаш истеъдодига эга бўлган, воқелик эса фантазия элементлари билан чирмашиб кетган, филлар, отлар, суворийлар — буларнинг ҳаммаси реал воқеълик инъикосидир.

Элчиларнинг бошқа аъзолари тасвирланган суратда уларнинг руҳий ҳолати таъкидлаб ўтилмайди, лекин ҳар бир кишининг юзи ниҳоятда ўзига хос бўлиб, уни бошқа юзлар билан алмаштириб юбориш мумкин эмас. Рассом персонажлар портретларини бир-бирига ўхшатиш учун ҳаракат қилган бўлса керак, лекин у бунга қанчалик эришганини айтиш қийин. Ҳар ҳолда рассом портретда муайян этник типни тасвирлаб беришга эришган.

Суратларда фил реалистик тасвирланган. Лекин девор билан чекланган шу лавҳанинг бутун композицияси ҳажми рассомга маълум ўлчамга риоя қилиш имконини бермаган, унинг ўзи ҳам бунга унчалик аҳамият билан қарамаган.

Оқ қушларни (эҳтимол туяқушларни) тасвирлашда реалистик хусусиятлар камроқ намоён бўлган. Рассом бу қушларни ҳикоялар ва ёзма манбалар бўйичагина тасаввур қилган бўлиши умкин.

Афросиёбда топилган суратларда феодал жамиятининг юқори табақалари ҳаётидан олинган лавҳалар тасвирланган. Турли антропологик типларни, Чағонийён элчилари турли этник гуруҳларининг вакиллари тасвирлаш — юзларда тукларнинг кўплиги, сочларнинг жингалак, юмшоқ, қора ва малларанг бўлиши рассомнинг реал дунёнинг кўп томонларини акс эттирганлигидан далолат бериб туради. Шунингдек, рассом кишиларнинг юз тузилишларини, пешана, бурун ва кўзларни жуда моҳирлик билан тасвирлай олган.

Суратларда тасвирланган одамларнинг бошқа гуруҳи узун қилиб ўрилган қора сочли, ингичка мўйловли кишилардир. Уларнинг соқоли йўқ, яноқ суяклари ҳам унчалик чиқиб турмайди, лекин айрим белгиларига кўра, кўз қийғи тор, ташқи бурчаги ички бурчагидан баландроқ жойлашгандир. Бурун тўғри, лаблар ўртача қалинликда, юқори лаб пастки лабга қараганда бир оз чиққан.

Ўз замонасидаги одамларнинг суратларини чизган рассомлар ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар этногенези масалаларига оид маълумотлар билан бизни бойитди...

В.В.БАРТОЛЬД

ЧАҒОНИЁН ҲАҚИДА*

Чағониён арабча ёзувда Сағонийон — Оксининг юқори ҳавзасидаги вилоят. Мазкур вилоятнинг бош шаҳри ҳам шундай аталган, Чағониёний, Чағоний лақаблари ҳам шунга боғлиқ. Шубҳасиз, Чағониёндан оқиб ўтадиган дарёнинг номи Чағонруд (ҳозир Сурхон) аталиши, маҳаллий ҳукмдорларнинг нисбаи олийлари Чағонхудот деб улуғланиши ҳам шу сўз ўзагидан келиб чиққан. Чағониён маркази Термиздан тўрт кунлик йўл ёки 24 фарсах ва Қуватион (ҳозирги Қабодиён)дан 3 кунлик узоқликда жойлашган. Шаҳарни В.В. Бартольд (Туркистан, ч. II, стр. 74, ушбу нашр Т. I, стр. 123) мазкур жойнинг маркази ҳозирги Денов (Деҳинав — “Янги қишлоқ” сўзидан) ўрнида, Ле Стренж эса бирмунча шимолда жойлашган Сариосиё ўрнида бўлган, деб кўрсатадилар. Биринчи нуқтаи назарни қувватлаш тариқасида тарихчи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср)нинг “Ҳудуди Чағониёнки имрўз ба Деҳинав машхур аст”, — деган сўзларини келтириш мумкин (Соч. Т. III, стр. 158).

Водийнинг жанубий қисмида, Термиз ва Чағониён оралиғида бир неча шаҳар эслатилган. Аввало, Термиздан 1 кунлик ёки 6 фарсах масофада жойлашган Сармангон ёки Чормангон шаҳри. Ҳозирги Жарқўрғондан 5 чақирим жанубда мавжуд харобалар ушбу шаҳарнинг қоллиқлари бўлиши мумкин. У ерда ҳозир баландлиги 40 аршин ва диаметри 2 саржин бўлган пишиқ гиштдан қурилган минора сақланган. Сармангон бошқа бир шаҳар — Ҳошимгирд (бу шаҳар Термиздан Темир Дарвоза томон боришда бир кунлик йўл масофада бўлган) билан бирга алоҳида вилоят (маркази Термиз шаҳри) таркибига кирган. Бу вилоят мусулмонлар давридан олдин махсус деҳқон ёки шоҳ (Термизшоҳ) ҳукмрон-

* Қадимий Чағониён ва унда ўтган кишилар, шаҳарлар ҳақида ҳақиқатда эътироф этилганлари танлаб олиб таржима қилинди.

лиги остида бўлган. Сомонийлар даврида эса баъзан уни Чағониён амирлари бошқарган...

Сармангондан бир кунлик йўл ёки 6 фарсах масофада аҳолиси гавжум ва тўқимачилик билан машғул, бой Дарзанги шаҳри жойлашган эди. Жоме масжид бозорнинг ўртасида қад кўтариб турган. Шаҳар ёнидан Сурхондан бошқа яна бир дарё оқиб ўтган. Бу ҳозирги Бандихонсой ёки Кумқўрғондан 6 чақирим ғарбадаги Кўкжар бўлиши мумкин... Дарзанги билан Чағониён оралиғида яна Баранги қишлоғи жойлашган. Чағониён вилоятида яна боғ-роғлари кўп Босанд қишлоғи ҳам эслатилган. Бу катта қишлоқ Чағониёндан икки кунлик масофада бўлган. Шунга ўхшаш яна бошқа қишлоқлар: Зинвар — Чағониёндан 1 кунлик масофада; Сангардак — Сангардакдарёнинг қуйилишига яқин жойда; Регдашт — пойтахтдан 6 фарсах масофада; Кумғанон — пойтахтдан 2 фарсах.

Чағониён ва Вашгирд оралиғидаги, яъни Денов ва Файзобод оралиғидаги йўл ҳақида араб географлари турлича маълумот ёзганлар. Сурхон водийси билан Кофирниҳон водийсини бирлаштирувчи текисликда ўрта асрларда Оҳарун (ёки Ҳорун) ва Шумон вилоятлари жойлашган, Шумон Оҳарундан шарқроқда эди. VIII аср бошида ҳар иккала вилоят бир ҳуқумдорга бўйсунган... Ғуфтон вилояти Сурхон водийсининг жанубий қисмида, кейинги Шеробод беклиги худудида бўлган. (Том I, стр. 122 — 125).

Ибн Ҳавқал Кеш вилоятига қарашли 16 туманни санаб ўтади: 1) Миён-Кеш, 2) Руд, 3) Баландарон, 4) Росмаин, 5) Кашк, 6) Ару, 7) Бузмажин, 8) Сиём, 9) Арғон, 10) Жажруд, 11) Ҳузорруд, 12) Хуззор, 13) Суруда, 14) Ички Сангардак, 15) Ташқи Сангардак, 16) Маймурғ. Туман номлари Кеш (Шаҳрисабз) вилоятига кейинги Ғуззор беклиги ва ҳатто Сангардак дарёси водийси ҳам қараганлигидан гувоҳлик беради. Айни пайтда, Сангардак Чағониён шаҳарлари қаторида эслатилади. (Сочинение Т. I, стр. 189).

Окснинг чап ва ўнг юқори соҳилларидаги бошқа тоғ вилоятлари каби, Чағониёнда ҳам маданий ҳаёт Бухоро ва Самарқандга қараганда кўпроқ Балх таъсирида бўлган. Хитой сайёҳи Сюан Цзан (милоднинг 630 йили атрофида) гувоҳлик беришича, бевосита араблар бостириб келиши олдидан бу жойларда будда дини ҳукмронлик қилган. Ўша вақтда Чағониёнда роҳиблар сони кам бўлса-да, 5 тагача ибодатхона мавжуд бўлган. Бу жойлар ҳуқумдорларининг кўпчилиги сингари, Чағониён шоҳи (малик) 86 (705) йили ноиб Қутайба ибн Муслимга бўйсунishi керак эди (Табарий). 119 (737) йил Чағонхудо араблар иттифоқчиси сифатида эслатиб ўтилади. Сурхоннинг қуйи оқимидаги ерлар Термиз билан ва ундан бир кунлик йўлда ёки 6 фарсах масофада, юқорида жойлашган Чармангон билан бирга Чағониёнга қарамас, ўзининг ало-

ҳида ҳукмдори Термизшоҳ ҳукмронлиги давлати қамровида турарди (Ибн Хурдодбех). Кейнчалик ҳам Термиз шаҳри ва унинг вилояти одатда Чағониёндан сиёсий жиҳатдан ажралган бўлган, аммо маълум даврда, IV (X) асрда, Сомонийлар даврида бу вилоят ҳам, шунингдек, Чағониёндан шарқда жойлашган Шумон ва Хорун вилоятлари ҳам Чағониён амирларига бўйсунган.

Ибн Ҳавқал айтганидек (ал-Муҳтож сулоласи) Чағонхудотлар орасиданми ёки қандайдир араб амирларидан келиб чиққанми, бу маълум эмас. Бу хонадондан чиққан амирлардан энг машҳурларидан Аҳмад (Абу Али) ибн Абу Бакр Муҳаммад бўлган.

Чағониён шаҳри ўша вақтда ҳудуди жиҳатдан Термиздан катта, лекин Окс ёқасидаги бу савдо шаҳри билан аҳоли сони жиҳатидан ҳам, ўзининг бойлиги жиҳатидан ҳам тенглаша олмас эди (Истахрий). Бозор майдонида пишиқ гиштли устунлари бўлган, лекин арксиз Жоме масжиди қад кўтариб турарди (Мақдисий). Сомонийлар давридаёқ Чағониён масжиди “ажойиб ва машҳур” иншоот бўлган. Мақдисий таъкидлашича, Чағониёнга қарашли қишлоқ ва шаҳарлар сони 16000 тага етган. Термизга қараб юрганда, шаҳарлардан Баранги (Чағониёндан 5 фарсах) ва Дарзанги (7 фарсах узоқликда, бу шаҳарда фақат тўқувчилар яшашган); Чармангон Дарзангидан 6 фарсах масофада жойлашган. Чармангондан у ёғи Термизга тобе бўлган.

Чағониённинг кейинги вақтлардаги тарихи унчалик маълум эмас. V (XI) асрнинг биринчи ярмида Чағониён ҳукмдорлари Фазнавийлар олий ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлганлар (Т.II, ч.2, стр. 511). Балх 451 (1059) йили тинчлик сулҳи билан салжуқийларга бутунлай ўтиб кетгандан кейин, Окснинг бу томонидаги вилоятлар ҳам янги ҳукмдорга бўйсунди. Чағониён ва Хуттолда кўтарилган қўзғолон 456 (1064) йили султон Алп Арслон томонидан бостирилади. VI (XII) асрда Чағониён гоҳ Самарқанд хонлари мулки қамровида, гоҳ Бомийён ғурийлари давлатининг бир қисми сифатида тилга олинади.

Мўғулларнинг босқинчилик юриши тўғрисидаги хабарларда Чағониён тилга олинмайди, кейнчалик у Чигатой набираларидан бири ва унинг авлодларининг мулки сифатида чиқади. Сурхон водийси ўзининг яйловлари туфайли нафақат мўғуллар, балки бошқа кўчманчи халқлар томонидан ҳам жуда юқори баҳоланган, айни пайтда ўзбеклар эронлик аҳолини бутунлай сиқиб чиқарганлар. Мусулмонларгача бўлган ва ўрта асрлардаги шаҳарлар бу жойларда анча бурун йўқ бўлиб кетган, ҳатто унинг хабарлари ҳам, афтидан сақланмаган. Ҳозирги сайёҳлар ёзувларида Бандихон дарёсининг (ҳозир фақат баҳордагина тўлиб оқади) Сурхонга қуйилиш жойидан узоқ бўлмаган ердаги пишиқ гиштдан қурилган эски кўприк эслатилиб туриладики, афтидан, бу жойда Баранги шаҳри жойлашган бўлса ажаб эмас. Чағониён шаҳри VII (XIV) асрда

умуман бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Деҳинав Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидагина эслатиб ўтилади, айти вақтда Бобур (“Бобурнома” асарида) вилоят ва унинг марказини Чағониён деб атайдик, бу фақат адабий бир анъана таъсири остида бўлиши ҳам мумкин (В.В.Бартольд, Сочинения Т. III, стр. 558 — 559).

Чағонруд Оксининг ирмоғи бўлиб, ҳозир Сурхондарё деб аталади. Чағонруд (Сағонруд) номи “Худуд -ул-олам”да ҳам эслатиб ўтилади ва XIV аср манбаларида ҳам сақланган. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида (В.В.Бартольд. Сочинения Т. III, стр. 560).

Аҳмад (Абу Али) ибн Абубакр Муҳаммад ибн Музаффар ибн Муҳтож Сағониён (Чағониён) ҳукмдорлари сулоласидан.

327 (939) йилда ўз отаси ўрнига Хуросонга ноиб этиб тайинланган, Буидлар ва Зиёридлар билан муваффақиятли жанг олиб бориб, Рай шаҳрини эгаллаган. 331 ҳижрий жумод-ул-охир ойида (943 йил феврал—мартда) сулҳ тузилади.

Аҳолининг арзи рўкач қилиниб Сомоний Нуҳ ибн Наср томонидан 333 (945) йилда ноибликдан бўшатишга Аҳмад 335 йил бошида (946 йил августда) шаҳзода Иброҳим Аҳмад (ҳукмдорнинг амакиси)ни ёқлаб қўзғолон кўтаради, янги тайинланган ноиб Иброҳим ибн Самжурни Хуросондан қувиб юборади. Амударёдан ўтиб, Нуҳни Самарқандга чекинишга мажбур қилади ва Бухорода жума номози хутбасини Иброҳим номига ўқитади (335 йил жумод-ул-охир ойида, яъни 946 йил декабр — 947 йил январда). Бу жой аҳолисининг душманлик муносабати оқибатида, у тез орада мазкур шаҳарни қолдириб, ўз юртига — Сағониёнга кетишига тўғри келади (335 йил шаъбон ойида — 947 йил феврал — мартда). Шаҳзодалар (Иброҳимдан бошқа яна Нуҳнинг икки биродари) Нуҳ билан алоқа боғлайдилар, уларни тўла афв этиш кафолатланади; Нуҳ Бухорони қўлга киритгандан кейин (335 йил рамазон ойида, 947 йилнинг март — апрел ойида) ўз ваъдасини бузади ва ҳар учала шаҳзоданинг кўзини ўйишга буйруқ беради. Аҳмад Амударёнинг юқори ҳавзасидаги барча қарам мулклардан Нуҳга қарши иттифоқ тузади. У очик майдонда енгилишига қарамай, ўз юртидаги тоғ жойларда муваффақиятли жанг олиб боради. 337 ҳижрий жумод-ул-охир ойида (948 йил декабрда) улар орасида сулҳ тузилади. Аҳмад Сағониён ҳукмдори бўлиб қолади. Унинг ўғли Абулмузаффар гаров сифатида Бухорога жўнатилади ва у ерда жуда катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинади. 340 ҳижрий йил охирида (952 йил май ойида) яна Хуросонга ноибликка тайинланган Аҳмад ўз мулки қамровида тартиб ўрнатади ва Буидларга қарши қайтадан жанг бошлайди. Тез орада бу уруш ҳар икки томоннинг сулҳ тузиши билан тугайди. Сулҳ шартномасини Нуҳ бекор қилади ва Аҳмадни вазифасидан четлатади. Буидлар ёрдамида Аҳмад яна исён кўта-

ради ҳамда ўз номига ва Халиф ал-Муътиъ (ўша вақтгача у Хуросонда тан олинмаган эди) номига хутба ўқишни амр этади. Аммо кўп ўтмай Абдул Малик I (Абдул Малик — Абул Фаворис ибн Нуҳ Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг (348 — 350/954 — 961) ҳукмдори, отаси Нуҳ ибн Насрнинг вориси) даврида ўрнига тайинланган Бакр ибн Малик яқинлашиши билан ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади ва Сомонийлар ва Буидлар орасида сулҳ тузилгандан кейин кўп ўтмай 344 йил ражаб ойи охирида (995 йил ноябрида) вафот этади, унинг жасади ўз юрти Сағониёнга келтирилади (В.В.Бартольд. Сочинения, том II, часть 2. 1964, с. 498 — 499).

Г.А.ПУГАЧЕНКОВА

ХОЛЧАЁН*

Ёзма манбаларда Сурхон водийсида Сағониён (Чағониён)дан** ташқари яна Босанд, Зинвор, Буроб, Сангардак, Ригдашт, Қумғонак ва бошқа шаҳарлар ҳам эслатилади. Мақдисий (X аср) ўрта асрларда Чағониёнда 16000 турар жой бўлганлигини қайд этади. Бу рақам муболаға бўлмаса керак. Ҳозиргача сақланиб қолган кўплаб тепалар (улардан қанчадан-қанчаси вақт ўтиши билан йўқ бўлиб ҳам кетган) ўрта асрларга доир ашёвий далилларни ўз бағрида яширган бўлиб, вақт жиҳатдан мўғуллар истилоси давригача етиб келгандир.

Аммо антик Чағониённинг пойтахти қаерда жойлашган? Будрач шаҳристонини ҳам, Денов қўрғони қатламларидан ҳам V—VI асрдан қалимийроқ даврга оид ашёлар топилмаган. Археологик тадқиқотлар қулдорлик даврида Сурхондарёнинг ўрта оқими соҳилида бош марказий шаҳар Далварзинтепа бўлган, деган хулосага олиб келди. Далварзинтепа Деновдан 30 километр жанубда. Бу тепа қалин маданий қатламларга эга йирик шаҳар қолдиғидир. Етти гектарча майдонни эгаллаган қалъа девор ва хандақ билан ўралган. Шаҳарга кириш жойи унинг жануби-шарқий қисмида бўлган. Аркнинг жануб томондан тўғри тўртбурчак шаклида дунё томонларига мос ҳолда шаҳарнинг ўзи туташган, у ҳам хандақ ва девор билан ўралган.

Далварзинтепа қалъасини ўрганишни биз қалъадан бошладик. 1962 йилнинг кузида қўрғон деворининг ғарбий қисмида (жануби-ғарбий бурчак яқинида) Б.Турғунов ва Д.Сидоровалар дастлабки қидирув ишларини ўтказдилар, қалин истехком девори очилди.2 —

* Г. А. Пугаченкова, “Халчаян” (изд. “Фан” Т. 1966) китобидан танлаб олиниб қисқартириб таржима қилинди.

** Таржимада бундан кейин фақат “Чағониён” ёзилади.

Қалъа деворининг юқори қисми 5,20 м қалинликкача етган. У йирик (45x45x12 см) хом ғиштдан қурилган бўлиб, усти лой сувоқ қилинган. Бу девор ҳозирги кунда тагликдан 12,5 метр кўтарилиб турибди. Кейинги қурилиш босқичида у ташқи томондан 4,70 метр кенгликда қурилма билан мустаҳкамланган. Ғилоф девор уч хил катталиқдаги— 33x35x11 см, 31x30x12 см, 41x40x11 см хом ғиштдан тикланган. Ғиштларда уларнинг лойлигидаёқ чизилган белгилар бор: иккита бир-бирига параллел тўғри ёки қийшиқ чизик, бурчаксимон чизма нотўғри чизик, тухумсимон шакл ва бошқа белгилар. Бу девор ҳам ташқарига нишаб қилиб қурилган, лекин сувалмаган; атрофи хандақ билан ўралган, айни пайтда тупроқ босган пастқамликдан иборат. Иккинчи девор соғ тупроқдан 3,80 метр баландликкача сақланиб қолган. Ҳар иккала девор ҳам антик даврга тегишлидир.

Қандайдир бир даврда Далварзинтепа қалъаси ташландиқ бўлиб қолади, истехком қудрати инқирозга юз тутади, деворлари ивиб тушади. Сўнгра девор устида янги қурилиш қад кўтаради. Бироқ у хўжалик аҳамиятига молик эди, холос.


Вайрон бўлган антик давр девори устида тикланган бинонинг қачон қурилганлигини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин. Равоқ очилганда, ғиштлар орасидан VI — VII асрга оид турк-суғд тангалари чиқди. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри келади. Далварзинтепадаги антик давр истехкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жараёни, афтидан, IV — V асрларга тўғри келади. Мамлакат VI — VII асрларда инқироздан чиққач, истехком қулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳарнинг ўзи эса хароба бўлиб қолади.

Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси чоғида узил-кесил тугади, чунки арқда ҳам, шаҳристонда ҳам араблар келгандан кейинги даврнинг изи йўқ. Чағониённи 705 йили Қутайба босиб олади ва 737 йилда унинг ҳокими — Чағонхудо арабларга ўлпон тўлайдиган бўлади.

Халқ орасида ҳозирги Далварзинтепа жуда қадимий мамлакат пойтахтининг қолдиқларидир, ҳукмдори афсонавий қаҳрамон Дол (Зол) бўлган, араблар бу шаҳарни халифа ҳазрат Алининг бевосита раҳнамолигида эгаллаганлар, сўнгра бу шаҳарда ҳаёт бутунлай сўнган, деган нақл юради.

Далварзинтепанинг жуда катта жойни эгаллаганлиги, қурилишлар зичлиги, археологик қатламлар қалинлиги мазкур қадимий шаҳарнинг милоддан олдинги биринчи асрда ва милоднинг дастлабки йилларида барқ уриб яшнаб турган вилоят маркази бўлганлигидан далолат беради.

Чағониён қайд этилган антик давр маълумотлари бизгача етиб келмаган. Бу вилоят дастлаб араблар истилосидан, олдинги вақтга оид тарихий манбаларда эслатилади. VII аср (хитой) солномасида шундай



дейилади: “Чинган-йен-на — бу мамлакат машриқдан мағрибга 400 *ли* ва шимолдан жанубга 500 *ли* га яқин майдонда ястанган. Пойтахти — айланаси тахминан 10 *ли*. Шарқ томонда Хво ло-мо деган жойга бориб туташади”.

Ўн *ли* тахминан 5 *км* га тенг. Бу ерда гап Чағониённинг анъанавий маркази Далварзинтепа тўғрисида бораётган бўлса керак. Чағониён жанубда Термиз вилоятига туташган эди. Шимолда эса VII аср манбаларида Хво-ло-мо — Хваромо вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун деб қайд этилган. Ибн Хурдодбех ва Қудама (IX аср) Чағониёндан 6 (ёки 3) фарсах узоқликда Навандак, ундан 7 фарсах масофада Хамоварон номли жойлар бўлганлигини ёзадилар.

Далварзинтепа антик даврда давлат маъмурияти, йирик ибодатхоналар, иқтисодий алоқа тармоқлари, ҳарбий салоҳият мужассамлашган катта тарихий-маданий вилоят маркази, йирик марказий шаҳарлар сирасига кирган. Ўзидан кичик бўлган кўплаб аҳоли қароргоҳлари унга бўйсунган. Шундай бўйсунувчи шаҳарлар сирасига Холчаён ҳам киради.

Холчаён харобалари Сурхондарёнинг ўнг соҳилида, аниқроғи, унинг қадимги қайирида, ҳозирги Денов туманининг Холчаён ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Холчаён қишлоғидаги пахта даласининг шимолий қисмида бўртиб чиққан дўнгликларни кўриш мумкин. Улардан баъзиларининг номи бор, бир қисми номсиз. Айрим тепаликлар турар жойлар тагида қолмоқда ёки далаларни ҳайдаб текислаш жараёнида йўқ бўлиб кетяпти.

Бу дўнгликларнинг энг йириги Қорабоғтепа деб аталади. Айни пайтда унинг каттагина қисмида иморатлар қурилган, пастқамроқ қисми эса экинзорга айлантирилган. Бу жойнинг юза қисмидан ҳамда чуқур бўлиб қолган ерларидан топилган археологик ашёлар унчалик кўп эмас, аксари антик даврга оид сирланмаган сопол парчаларидир, сўнгги феодализм даврига хос сирланган сопол бўлаклари ҳам учрайди.

Қорабоғтепадан ярим чақирим ғарбда бир-бирига туташ дўнгликлардан ташкил топган Хонақоттепа жойлашган, йўл бўйлаб ястанган пастроқ дўнгликлар ҳам бор. Улардан иккитаси жануби-ғарбда (Шайиттепа ва Сичқонттепа), учтаси шарқда (Тўғаноқтепа ва иккитаси номсиз), битта номсиз тепа ғарбда, тўртта дўнглик шимолда (Кўй-Тўрабектепа, Маслаҳаттепа ва иккитаси номсиз) жойлашган. Хўжалик аъзоси А.Гулмирзаев маълумотига кўра, 50 - йилларда ер текисланаётган пайтда Маслаҳаттепадан тош пойдевор ва тош девор қолдиқлари, тангалар, қизғиш гил-балчиқдан ишланиб қуйдирилган, яъни терракот ҳайкалча, кўплаб сополлар ва ҳатто тош ҳайкал синиғи ҳам чиққан. Афсуски, улар ҳаммаси йўқ бўлиб кетган эди. Дарвоқе, хўжалик аъзоларидан бири бизга терракот ҳайкалча бошчасини ва уч дона танга берди. Бу тангалардан иккитасини Сотер Мегас, биттасини Васудева I зарб эттирган экан. Масла-

ҳаттепа жарлигида ва унинг атрофида антик даврга оид сопол парчалари анчагина. Маслаҳаттепадан 300 метр шимолдаги пастроқ номсиз тепада ҳам антик даврга оид сополлар учрайди, бу жойдан ерли аҳоли топиб бизларга тақдим этган иккита тангадан бирини Сотер Мегас, иккинчисини эса “бадавий Гелиокл” зарб эттирган бўлиб чиқди.

Маслаҳаттепадан ярим километр чамаси шимолдаги жойлардан деҳқонлар бизга сопол парчаларидан ташқари, яна антик даврга тааллуқли оқ тошдан йўнилган таг-асос, суякдан ишланган яланғоч маъбуда ҳайкали, мис тангалар ҳам топиб беришди. Тангалардан учтаси Сотер Мегас, биттаси Хувишка ҳукмронлигида зарб этилган. Бу ҳудуд Кўй-Тўрабектепа дўнглиги билан тугайди. Чорва фермаси қурилганда бу тепанинг четлари қирқилиб текисланиб кетган ва мозордан иборат қисмигина сақланиб қолган. Дўнгликнинг баландлиги 3,5 — 4 метр, антик давр иморати қолдиғига ўхшайди, сопол бўлаклари, хом гиштдан девор ва қирқма тошлардан ишланган пойдевор аниқланди.

Эрта баҳорда ерлар энди ҳайдалиб экилган ва гўза ниҳоллари майдонни ҳали қоплаб олмаган пайтда, бу жойлардаги катта-кичик тепаликлар оралиғида кўплаб археологик ашёлар сочилиб ётганини кўриш мумкин. Антик даврга хос археологик ашёлар синиқлари Хонақотепадан шимолга 1 километр, жанубга 400 метр, гарбга 700 метр чамаси, шарққа Қоработтепагача майдонда тарқалган. Ашёларнинг тарқалиш чегарасига қараб, бу ердаги қадимги қароргоҳ шимолдан жанубга 2 километр ва шарқдан гарбга 1,5 километр майдонни эгаллаган, деса бўлади.

Маҳаллий кексалар айтишича, Холчаён теварак-атрофи ҳали ўзлаштирилмаган пайтда, бу ерларда баланд-паст тепаликлар анчагина экан. Қадимий қурилишлар ўрнини англатувчи бу дўнгликлар кейинчалик ерларни текислаш, ҳайдаш вақтида йўқолиб кетган.

Холчаённинг умумий археологик-топографик манзараси бу жойда қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ манзилгоҳ бўлганлигини ва Далварзинтепага ўхшаш хандақ ва кўрғон билан ўраб олинган шаҳар мавжуд бўлмаганлигини кўрсатади.

Холчаён ўрнида жойлашган антик шаҳар қолдиқлари доирасида ўрта асрларга оид археологик ашёлар топилмалари жуда оз миқдорда, Кўй-Тўрабектепада, ундан гарбдаги бир дўнгликда, ундан шимолроқда жойлашган Юнустепада ўрта асрларга оид сирланган сопол парчалари қайд этилди.

Илгарироқ Юнустепа теварагидан топилган тангалардан бири Шайбонийлар даврида, яъни ҳижрий 911 (милодий 1505—1506) йилда зарб қилинган дирҳам эканлиги ҳам маълум бўлди.

Холчаённинг жанубида ва жануби-шарқида ҳам ўрта асрга оид кичикроқ аҳоли масканлари қолдиқлари сақланиб қолган. Улардан йи-

рикроғи Қозоқтепадир. Бу ерда пишиқ ғиштлар X—XII асрларга хос сопол, ўрта асрлар мис тангалари учрайди. Бу жойдан топилган иккита қадаҳсимон идиш тепаликнинг асосида Кушонлар даври қатлами ётган, деб фараз қилишга имкон беради.

Холчаёнга етмасдан йўл ёқасидаги улкан қадим чинордан бир чақиримча жанубда жойлашган Гургактепадан ҳам ўрта асрларга оид оч яшил кулранг сопол парчалари топилди; устига тўқ жигарранг ва оч жигарранг нақшлар солинган. 1960 йили бу ерда пишиқ ғишдан қурилган гумбазсимон тим ҳам топилган бўлиб, уни ерлик аҳоли бузиб олишган. Ҳозирги Холчаён жамоа хўжалигидаги Пистамозор қўрғони яқинида эски қабристон ва Шийпонтета жойлашган. Иккала тепалик ҳам топталиб ясси бўлиб кетган, у ерда сирланмаган сопол парчалари учрайди. Шу ерда ўз бағрида X—XII асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол буюмларни сақлаган кичикроқ қароргоҳ қолдиғи Чимқўргонтета ҳам бор.

Холчаёнда бизнинг тадқиқотларимиз, асосан, Хонақотепага қаратилди. Хонақотепанинг ғарб томони анча бузилиб кетган, уни шу жойдан ўтадиган йўл кесиб тушган, шимоли-шарқий қисми трактор таъмирлаш устахонаси ҳовлиси ва иморатлари билан банд, унга туташ дўнгликда эса хўжалик аъзолари уй қуриб олишган, жануби-шарқий бурчакда тегирмон бор.

Бироқ трактор таъмирлаш устахонасининг ҳовлисида квадрат шаклидаги дўнглик ястанган, бу бизнинг дастлабки тадқиқот жойимиз бўлди.

Хонақотета ва Қорабоғтепада Холчаён шахристони қатламларини аниқлаш мақсадида ернинг табиий қатламигача чуқур — археологик шурфлар қазидик.

Холчаённи тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, Сурхон водийсининг асосий қисмини ташкил этган Чағониённи кенг ободонлаштириш жараёни милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарида содир бўлган. Бу жойларни ўзлаштириш эса анча олдин бошланган бўлиши ҳам мумкин. Том маънода ўзлаштириш маълум даражада мукамал суғориш тармоқлари барпо этилган тақдирдагина мумкин бўлади. Ёзда қорнинг эриши ва баҳорда ёғингарчиликлар пайтида тўлиб-тошиб оқадиган дарё кўпинча ўз ўзинини ўзгартириб турар, тик чап соҳилни ювиб ва ўпириб жар қилиб кетар, тўқайзор ва ўт-ўланлар қоплаган ўнг соҳилни эса сув босар эди. Ишни марказлашган тарзда ташкил этган тақдирдагина, тиргакли тўғонлар, катта-кичик ариқлар, зовурлар билан таъминланган мураккаб суғориш тармоғини яратиш мумкин бўларди. Булар ҳаммаси Чағониён ўша вақтлардаёқ юксак даражада уюшган давлат эди, деб тахмин қилиш имконини беради.

Хонақотепада қазилган шурфдан олинган маълумотлар бу жойда ҳаёт бутун антик даврда деярли узулуксиз давом этганлигидан далолат

беради. Бирок, иморатлар харобага айлангани, устига яна қурилишлар қад кўтарганлигини тасдиқловчи қолдиқлар мазкур ерда тинч ҳаёт қандайдир воқеалар оқибатида вақти-вақти билан бузилган, деган хулосага олиб келади.

Қадимий дарё ўзанининг қум-шағаллари устида ўрнашган энг қуйи маданий қатлам милоддан аввалги IV — III асрларга тўғри келади. Афтидан, бу Ўрта Осиёнинг Александр Македонский юришларидан сўнг Эллин мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақкам алоқалар ўрнатилган давр тарихи билан боғлиқ. Ўша кезларда Бақтрияда янги шаҳарлар барпо этиш ёки эски шаҳар марказларини кенгайтириш учун имкониятлар юзага келади. Бу жараён, масалан, қадимий Марвда кузатилади; у ерда милоддан олдинги III асрда Салавкийлар қадимги истехком (Арк қалъа) ўрнида қад кўтарган улкан антик шаҳар атрофини девор билан ўраганлар (Гаур қалъа). Холчаён ўша вақтда том маънодаги шаҳар саналмаган бўлса-да, ҳар ҳолда аҳоли маскани сифатида шаклланган эди.

Бу жойнинг жуда қадимий қиёфаси таги ясси сопол идишлар шаклида ойдинлашади. Бу сополлар Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик маданияти тарқалган Суғд, Бақтрия, Парфиёна, Маргиёна, Хоразм каби кўпгина вилоятларида қайд этилган.

Холчаёнда тадқиқот олиб борилган бир нечта жойда Грек-Бақтрия подшоҳлиги даври (милоддан аввалги III — II асрлар) археологияси акс этган. Деметрий тангасининг топилиши ҳамда Қорабоғтепада мил. ав II — I асрларга оид иморатлар қайд этилгани бунга мисол бўла олади.

Бу ерда қўрғон барпо этилиши вақт жиҳатдан Грек-Бақтрия подшоҳлигининг авжи ривожланган ёки унинг қулаши пайтига тўғри келади. Милоддан аввалги II аср учинчи чорагида ўлкага бостириб келган кўчманчилардан ҳимоя воситаси мақсадида чекка вилоятларда шунга ўхшаш ҳимоя нуқталари барпо этилган эди.

Хонақоттепада қазилган шурфда милоддан аввалги III — II асрларга оид сополлар чиқди. Бу сополлар сифатида сезиларли силжиш бор, яъни бу вақтга келиб сополларни қизил ангоб билан қоплаш (бўяш) ва бўз тупроқдан буюмлар тайёрлаш жорий этилган. Янги шакллар орасида эса, уч товонли хумча ҳамда тўмтоқ юпқа деворли жомларни кўрсатиш мумкин. Мазкур кулолчилик маҳсулотлари Бақтриянинг бошқа вилоятлари (Кубодиён, Термиз, Балх)даги сополлар билан маълум умумийликка эга бўлиш билан бирга, муайян фарқ ҳам бор. Масалан, бунда қизил жиллоли пардоз йўқ.

Иккинчи шурфдан чиққан хум дафина ниҳоятда муҳимдир. Яъни Ўрта Осиёда араблар келишидан олдин кенг одат бўлган оссуарий дафиналарнинг ёрқин намунаси қаршимизда турарди. Хоразмда олиб борилган тадқиқот ишлари мурдани катта хумлар (оссуарийлар)га солиб

кўмиш маросими “сўнгги кантгюйлар” даврида (милод. ав. II аср — милоднинг I асри) қўлланганлиги маълум.

Холчаёнда оссуарий сифатида оғир қопқоқли аъло даражада тайёрланган хум танланган. Унинг ичида бир тўп кўкрак суяги ва шикастланган бош суяги ётарди. Афтидан “кўмишга тайёрлаш” маросимида “Авесто”даги маздакчилик қонун-қоидаларига амал қилинган кўринади. Мурда дастлаб йиртқич қушлар ёки махсус боқилган мурдахўр итлар еб кетиши учун қўйилган. Сўнгра тозаланган суяк қолдиқлари суякдонга жойлаштирилган.

Бақтрияликларнинг дафн маросимлари тўғрисида қадимий муаллифларнинг маълумотлари деярли йўқ. Страбон Онесикритнинг бақтрияликлар тирик кексаларни махсус боқилган одамхўр “гўрков” итлар емишига ташлашлари ҳақидаги хабарини келтиради (бу одатни Александр Македонский тақққлайди), аммо кўмиш маросими тўла тасвирланмаган. Айни пайтда парфияликлар ҳақида ёзганда, уларнинг “одатдаги кўмиш маросими итлар ёки қушлар еб кетиши”дан иборат, ғажиб ташланган суякларни эса улар ерда сақлайдилар, дейилган. Страбон ёзган маълумотга кўра, Бақтриядаги шаҳар девори орти тоза бўлган, бироқ ички катта қисми “одам суяги билан тўлиб-тошиб кетган экан”. Шундай қилиб, гап марҳумнинг суягини қандайдир ташқи қабристонда эмас, балки айнан аҳоли маскани ичида сақлаш тўғрисида бораётир. Буни Холчаёндаги хум — оссуарийнинг қадимий кўрғоннинг аҳоли зич яшайдиган қисмида сақланиб қолганлиги ҳам тасдиқлайди.

Антик даврда хумга солиб кўмиш анъанаси Жанубий Тожикистон ҳудудида (милоддан олдин I—II асрлар) ҳам учрайди. Бироқ, у ерларда ярим қоқланган мурда хумга солиб кўмилган, Холчаёнда эса фақат суякнинг ўзи кўмилган. Бу топилма археологик адабиётларда хумга солиб кўмиш — оссуарий дафиналарга хос, фақат кейинги даврга тааллуқли урф-одат эмас, балки бу кўмиш маросимининг бошқа тури деб қайд этилган мулоҳазани тўла тасдиқлайди. Умуман қадимий Бақтрия аҳолиси орасида кўмиш маросимининг турли шакллари мавжуд бўлган.

Агар Грек-Бақтрия зодагонлари асосан грек худоларига сиғинган бўлсалар, Бақтрияда омма орасида ўз эътиқодлари ва удумлари амал қилган ва Холчаёндаги оссуарий (идиш)га солиб кўмиш маросими бунга ёрқин далилдир. Бу масалада Холчаёндан топилган милоддан олдинги III—II асрларга оид санамлар ҳайкалчалари, шунингдек, суякдан ишланган яланғоч маъбуда шакли акс этган тақинчоқ қадимда Шарқда мавжуд бўлган Она Худога сиғиниш удуми билан боғлиқдир. Айни пайтда, Эллин бадий услубларининг Холчаённинг Бақтрия даври архитектурасига таъсирини акс эттирувчи топилмалар ҳам бор.

Холчаён тараққиётининг йирик қурилиш тадбирлари билан боғлиқ навбатдаги босқичи милоддан олдинги II — I асрларга тааллуқлидир. Бу

давр тарихий жиҳатдан улкан сиёсий воқеалар билан боғланган. Милоддан олдинги 140 йилларда Гелиоклнинг ўлими билан Грек-Бақтрия подшоҳлигининг инқирози юз беради.

Грек-Бақтрия подшоҳлигининг инқирозга учраши, афтидан, Бақтрияга сакларнинг дастлабки бостириб келиши ва ўзлари эгаллаган ҳудудда ўтроқ бўлиб қолиши, сўнгра, юежийлар бостириб келиб, сакларни Амударёнинг нариги соҳилига улоқтириб юбориши даврига тўғри келади. Бу зарба Холчаённинг ҳам тақдирига ўз таъсирини кўрсатган ва мазкур жойдан топилган археологик топилмаларда, қатламларда ўз аксини топган. Вақт ўтиши билан ҳаёт ўз изига тушиб боради, янги қурилишлар ҳамда таъмирлашлар бундан далолат беради.

Чағониён (Сағониён) жой номининг келиб чиқишини изоҳлаш ҳам жиддий эътиборга молик. Бу атама араблар келишидан сал олдинги даврларда тилга олинган бўлса-да, аслида анча қадимги даврга бориб тақалган кўринади. Бу сўзнинг ўзаги “сағ” (“чағ”) қадимги сакларга тақалади. Улар милоддан олдинги II—I асрларда Бақтрия ва ундан жанубган силжиган йирик кўчманчи бирикмалари эдилар. Саклар номи Сакистон (ҳозирги Сеистон) атамасида акс этган. Шу нарса эътиборга моликки, Шопур (III аср) давридан бошлаб Сакистонни бошқарган сосоний подшозодалар “сағоншоҳ” деб атала бошлаган. Эҳтимол милоддан олдинги II асрда сакларнинг бирор қабилавий тўдаси Сурхон водийсида қолиб, аста-секин ўтроқ бўлиб қолган. Уларнинг номи вилотнинг (Сағониён), дарёнинг (Сағонруд) аталишига кейинчалик эса, маҳаллий ҳукумдорлар унвони аталишига (Чағонхудот) асос бўлган дейиш мумкин.

Сак-юежий (ёки “тоҳар”) даври Холчаён тарихида археологик жиҳатдан аниқ акс этган.

Милоддан аввалги II—I асрлар учун хос бўлган “бадавий Гелиокл” деб аталувчи бронза тангаларнинг топилиши айнан шу даврдаги гавжум шаҳар ҳаётидан дарак беради. Уларнинг шаҳристоннинг турли жойларидан топилганлиги бу ерда ҳар хил пуллар муомалада бўлганлигини ва бозорнинг эҳтиёжи кенг қўламлигини билдиради.

Ўзининг археологик-топографик қолдиқларида милоддан олдинги II—I асрларда Холчаён йирик аҳоли маскани сифатида намоён бўлади. Бу ерда мулкдорларнинг (эҳтимол, қулдорларнинг) турар жойлари боғлар ўртасида жойлашган ва атрофда экинзорлар ястанган. Жанубий қисмда бирмунча ихчамроқ қурилишлар (Қорабоғтепа ва Хонақоттепа) ўрин олган. Бинолар Сурхондарёдан чиқарилган бош ариқ ёқалаб барпо этилган, қароргоҳларнинг археологик излари бундан далолат бериб турибди. Холчаённинг гуллаб-яшнаши йўлга қўйилган суғориш тармоқлари мавжудлиги шароитидагина мумкин эди. Буларни эса, тўғонлар қуриш, уларни таъмирлаб туриш, зовурлар қозиш, ариқлар ва истеҳком хан-

дақларини тозалаш орқали амалга ошириш мумкин эди. Бу, ўз навбатида, ишчи кучи (эҳтимолки, қулларни) сафарбар қила оладиган даражадаги давлат идоралари мавжудлигини талаб қиларди.

Милоддан олдинги II—I асрларда Холчаённинг ривожланганлиги йирик қурилишларда ўз аксини топган. Қорабоғтепанинг жануби-шарқида пишиқ гишт (черепица)дан қурилган каттагина иморат қолдиғи ва саройнинг юзага келиши ўша даврга тўғри келади. Грек-Бақтрия даври иморати харобаси ўрнида хом гишtdан Фарбий уй қад кўтарган, кейин у кенгайтирилган, унинг марказий баланд қисми хом гишт ва пахса девор билан тубдан қайта қурилган. Жануби-фарбдаги уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Архитектурада арк қурилиши юзага келган, туташтирувчи пишиқ гишт учун черепица ишлатилган, тош асослар кенг тарқалган.

Холчаёндан чиққан сак-юежий даври сополлари кулолчиликнинг янада ривожланганлигини, сопол буюмлар сифатининг яхшиланганлигини, қизил тупроқли, кўп миқдорда сариқ тупроқли сополлар аксариятини ташкил этишни, қизил лойдан ишланган сополларнинг тўқ қизил ёки тўқ жигарранг тусда ангоб тарзида ва қора рангга бўяшнинг кенг ёйилишини ифодалайди. Кулолчилик юқори даражада ривожланган бўлиб, Чағониёнда аҳоли қароргоҳларининг ўсиши ҳамда ривожланиб борган бозори, хусусан, тоғлик чорвадор аҳоли билан товар айрибошлаш талабларига тўла жавоб берган.

Холчаёндан топилган сополлар тўла-тўқис шаҳар ҳунармандчилиги услубига хосдир. Бу ерда кўчманчилик даври ашёлари айтарли учрамайди. Холчаёндаги сарой биноси милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида қад кўтарган. Бунинг вақтини археологик маълумотлар асосида ҳамда айвон ва меҳмонхона безаклари— гилдан ясалган ҳайкалчаларнинг ясалиш хусусиятларидан аниқлаш мумкин.

Сарой, афтидан, ҳукмдор хонадонининг қайсидир аъзоси томонидан қурилган бўлиши мумкин. Саройнинг унча катта бўлмаганлиги унинг соҳибининг Ўрта Осиё тарихи саҳнасида каттароқ сиёсий эътиборга эришмаганлигини ёки бу саройнинг иккинчи даражали аҳамиятга эга эканлигини англатади. У ҳолда асосий йирик сарой, шубҳасиз, пойтахт шаҳар— Далварзинтепада (ёки Будрачда) бўлади.

Дастваб иморат кичикроқ қабулхона сифатида барпо этилган ва унда қабул ҳамда тўй маросимлари ўтказилган. Кейинчалик бу иморат шуҳрат топиб, “илоҳий аждодлар уйи” вазифасини ўтай бошлайди ва бутун Буюк Кушонлар ҳукумронлиги даврида ўзининг бу мавқеини сақлаб қолади.

Холчаён топилмалари асосида Кушон подшоҳлигининг даствабки ҳудудлари тўғрисида ҳам мулоҳаза юритиш мумкин. Бу подшоҳлик ўшанда Амударёнинг шимолида ястаниб ётган Бақтрияда бўлганлиги аниқдир.

Унинг ҳудуди шимоли-шарқда Қободиёнгача, жунуби-ғарбда эса Термизгача ястанган эди.

Далварзинтепани археологик ўрганиш Катта Юежийлар “ўз пойтахтларини Гуй-Шуй дарёси (Амударё)нинг шимол томонида барпо этганликлари”ни англатади ва унинг ўрни Далварзинтепадаги дастлабки қалъага тўғри келади. Далварзинтепада қад кўтарган шаҳар қадимий манбаларда Ходзо номи билан қайд этилган ва Кушонларнинг пайтахти бўлган. Далварзинтепадан 30 чақирим масофада жойлашган Холчаён эса, Кушонлар Герай уруғининг йирик қароргоҳи вазифасини ўтаган ҳамда Кушонлар сулоласининг бутун ҳукмронлиги даврида ўз мавқеини сақлаб қолган.

Милоддан олдинги I асрда Бақтриянинг авжи юксалиш пайти бўлди. Бу даврда Амударё ўз ирмоқлари билан бирга Бақтриядан ўтган жаҳон миқёсидаги муҳим савдо тармоғи ҳисобланган. Милоддан олдинги I аср охирида Кадфиз I тарқоқ юежий мулкларини бирлаштира бошлайди. “Сотер Мегас” туридаги тангаларнинг тарқалиш ҳудудига қараганда, Бақтрия вилояти, шу жумладан, Чағониён ҳам унинг қудратли давлати таркибига кирган. Зотан, бир хил тангалар Холчаёнда ҳам жуда кўплаб топилди.

I—II асрларда, яъни Кушонлар даврида Холчаён ривожланишда давом этади. Кадфиз II тангаларининг топилиши, Канишка, Хувишка, Васудева (аксарияти катта ва ўртача ҳалқали) тангаларининг кўплиги ва уларнинг аксарияти сийқаланиб кетганлиги кенг кўламда бозор умомаласида бўлганлигини кўрсатади.

Канишка ва Хувишка даври Кушонлар сулоласининг энг юқори чўққига эришган вақти бўлса-да, аммо ички қарама-қаршиликлар ва ташқи ҳужум хавфи ҳам намоён бўлаётган эди. Чунки бу даврда антик Чағониёнда, умуман олганда бутун Бақтрияда ҳам шаҳарларда катта мудофаа истеҳкомлари қуриш ишлари олиб борилганлиги кўринади.

Чағониённинг пойтахт маркази бўлмиш Далварзинтепа шаҳар деворлари ва шахристон қалъаси бу даврда мудофаа қудратини янада кучайтирувчи янги қудратли девор билан ўралади. Холчаёнда ҳам шундай мудофаа ишлари олиб борилган. Яъни Қорабоғтепадаги олдинги кўрғон девори устидан саккиз метр қалинликдаги девор “ғилоф” урилади, қалъанинг шимоли-шарқий бурчагида қудратли истеҳком барпо этилади.

Кушон ҳукмдорларининг шаҳарларда кучли мудофаа иншоотлари барпо этишлари, уларнинг сиёсий дастурларидаги муҳим омил бўлса керак. Кушонлар даврида Термиз шаҳрида ҳам яхлит қалин девор барпо этилган. Хайрободтепа шахристониди милоднинг I асрида илк қадимий пахса девор устидан янги истеҳкомли минора қурилади. Кадфиз II ёки Канишка даврида Баграмда йирик мудофаа қурилишлари олиб борилган.

Холчаён ёдгорлигида тадқиқ этилган I—II асрларга доир маданий қатламлардан кўплаб сермазмун маълумот олса бўлади. Археологик то-

пилмаларнинг энг кўп тарқалган тури бўлган сопол буюмлар ишлаб чиқаришда усулларнинг ва шаклларнинг янада такомиллашиб борганлиги кўзга ташланади.

Сопол идишлардан ташқари, чарх-урчуқлар ҳамда осма тўкув асбобларининг топилганлиги қадимий Чағониёнда ҳунармандчилик кенг қўламда ривожланганлигидан далолат беради. Сурхондарёда аёллар, айниқса, бутун атрофни ўраб олган тоғ жойлари хотин-қизлари аксарияти нақшиндор тўқима газламалар, шолча, гилам тўқишган. Улар кашта тикишга ҳозирги пайтда ҳам ниҳоятда устадирлар. Хонақотепадаги йирик иморатларда топилган тўқимачилик асбоблари аввало хотин-қизларнинг хонадонда олиб борган ишларини кўрсатиш билан бирга, қулдорлик даврига хос махсус тўкувчилик устахоналари мавжуд бўлганлигини ҳам истисно этмайди.

Холчаён саройи “ҳазина”сида хорижий мамлакатлардан келтирилган ашёлар — шарқий Рим вилоятларида ишланган ойна-пиша, садаф, арабий ёки ҳиндча қизғиш қимматбаҳо тошлар (сердоликлар), хитой ипак матолари қайд этилганлиги антик Чағониённинг чет эллар билан кенг қўламда иқтисодий алоқада бўлганлигидан далолатдир.

Милодий II аср охири — III аср бошларида Кушон империяси инқирозга юз тутди. Бу жараён Холчаёнда айниқса ёрқин из қолдирган. Қорабоғтепа истехкоми дарвозахонаси катта ёнғинда қолган ва унинг излари Кушонлар даври қурилишларида ёнғин қатлами тарзида сақланган. Хонқотепадаги ўрганиб чиқилган учала иморат ҳам хароб этилган ёки қулатилган. Бу ҳол айниқса саройда яққол кўзга ташланади. Бу ерда қимматбаҳо ашёлар ва ибодат буюмлари талон-тарож қилиб кетилганлиги билан бирга, тахтхонада тош тагликлардан бири ағдариб ташланган, айвонда эса устун тагликлари қўпорилган, баъзилари улоқтириб юборилган.

Шундан сўнг Холчаёнда ҳаёт қисқа вақт бироз меъёрига келади, бино қўл учиди таъмирланади. III асрда шошилинич қайта таъмирланган Холчаён қўрғони узоққа дош бермайди ва бутунлай ташландиқ бўлиб қолади. Сарой ёниб кетган, ундаги ҳайкаллар ерда сочилган, ўраб турган деворлар вайронага айланган. Бошқа Кушон археологик ёдгорликлари ҳам худди шундай III асрда ўзининг охиригидан даврини яшаб вайрон бўлган ва абадий ташлаб кетилган.

Демак, Холчаён тақдирида археологик муҳрланиб қолган ўлимга маҳкумлиқ III аср бошида Кушон шоҳлигини қамраб олган умумий воқеа бўлган. Бу ҳолат, бизнингча, қандайдир умумий ички жараён, эҳтимол “қуллар инқилоби” воқеалари билан боғлиқдир. Тарихий йилномаларда бу ҳақда бирор нарса баён қилинмаган бўлса-да, аммо бундай турдаги жараёнлар қадимги дунёнинг сўнгги қулдорлик давлатлари учун кўп учрайдиган табиий бир ҳол эди. Милоднинг III асрида қадим

мий шарқда қулдорлик жамияти тугатилиб, унинг заминида келажакка феодал муносабатларининг ривожланишига олиб келувчи янги социал кучлар ўсиб чиққанлиги ҳам бу тахминни тасдиқлайди.

Шуниси эътиборлики, Холчаёнда ҳам, Баграмда ҳам мулкдорлар ҳукмронлиги бойлиги ҳамда қудратининг рамзи бўлмиш сарой бинолари ва қалъа истехкомлари вайрон этилган, таланган, ёқиб юборилган.

Ҳар ҳолда Кушон давлати айнан қандайдир чуқур ички зиддият ва инқироз оқибатида ўта кучсизланиб қолганлиги аён. Шу сабабдан, III асрнинг иккинчи ярмида Сосонийлар шоҳи Шопур I кушонлар устидан тўла ғалаба қозонди ва ўз мулкани Синдгача ва ўнг соҳил Бақтригача кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Кейинги — IV—V асрлар кечинмалари кўчманчи халқлари — кедритлар, хионитлар, эфталитларнинг Ўрта Осиёга ҳаракати билан боғлиқдир. Бу давр социал жиҳатдан қулдорлик тузумининг бутунлай емирилиши ва ўрнига VI асрга келиб илк феодал давлат таркиб топиб шаклланиши билан белгиланади. Бу воқеа археологик жиҳатдан Тоҳаристон вилоятида (бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби) кўпчилик антик шаҳарлар ва қароргоҳларнинг ташлаб кетилиши ва кимсасиз бўлиб қолиши билан акс этади. Бу ҳолат Холчаёнда ҳам, Далварзинтепада ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Антик Чағониённинг улкан маркази — Далварзинтепа бутунлай хувуллаб қолади, истехком деворлари қулаб тушиб вайрон бўлади, Кушонлар давридаги уйлар ташландиқ бўлиб қолади. Холчаён тақдирига келсак, Қорабоғтепа истехкоми харобага айланади, сарой ва жануби-шарқий уй ташлаб кетилади. Фақат ғарбий уйнинг тепаликка айланган харобаси устида III аср охирлари ва IV аср бошларига келиб кичкина қишлоқ уйи қад кўтаради, аммо тез орада у ҳам ташлаб кетилади, уйдаги ёнғин излари босқинчиларнинг шиддаткор ҳужумлари деярли ташландиқ бўлиб қолган ушбу жойларни ҳам четлаб ўтмаган, деб ўйлашга асос бўлади. Холчаёнда V асрга оид археологик ашёлар мавжуд эмас.

Тоҳаристоннинг феодаллашуви даврида, яъни VI — VII асрларда ижтимоий турмуш феодал шаҳарчалари ва қароргоҳлари атрофида юзага келган қишлоқ ва овулларда тўплана боради. Серсув, ҳосилдор ерли Чағониён янгидан ривожланиб, маҳаллий ҳукмдорлари Чағонхудоғлар бошчилигида мустақил феодал мулкдорликни ташкил этади. Бу даврга келиб Далварзинтепа қисман ривожланади, аммо энди шаҳар маркази тариқасида эмас, балки қулай бир тепаликдаги яшаш жойи сифатида қад кўтаради.

Холчаёнда ташлаб кетилган антик шаҳар теваарак-атроф ерлари аллақачон тўқайзорга айланганлиги оқибатида, шаҳристон вайрона тепаликлари фақат қабристон учунгина қулай жой бўлиб қолган эди. Қорабоғтепада топилган ўша вақт кўмиш маросими — суяк қолдиқларини

жамлаб идишга жойлаб қўйиш (оссуарий) қолдиқлари бунга ёрқин мисолдир...

Чағониён мусулмончиликка қадар бошқа бир жуда кенг тарқалган диний ҳаракат маркази бўлганлигини эслатиб ўтмоқ жоиздир. Бу диний ҳаракат зардуштлиқ билан билвосита бўлса-да алоқаси бўлиши мумкинлигини X асрда Чағониён амири сарой шоири Дақиқий шундай баён этади:

Оламда неки бор яхши-ёмондин
Тўрт нарсага мойил Дақиқий дили:
Ёқутранг лаблару чангнинг ноласи,
Хушранг май-шаробу зардуштий дини.

*(Шеърый нарчани Нормурод Нарзуллаев
форсийдан таржима қилган).*

Холчаёндан IV аср охири — VII асрга оид турк-суғд туркумига тааллуқли иккита танга топилди. Улар Суғд ва Шошдан топилган тангалар билан олд томон тузилиши иконографик жиҳатдан ўхшаса ҳам, улардан маълум даражада фарқ қилади. Бу тангалар Амударёнинг шимолий қисмидаги айрим феодал вилоятлар турк ҳоқонлигига мансублигини англатади, тамғалар ва бошқа белгилардаги фарқ эса Чағонхудоғлар зарбининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Дарвоқе, араблар 719 йили Амударё бўйи вилоятларига етиб келган вақтда, туркча “Ябғу” унвонли Тиш исмли Чағониён ҳукмдори Тоҳаристон қўшинларига бош бўлиб турган.

Араблар босиб олган даврдан бошлаб Холчаён узоқ вақт эътиборсиз қолди. XIII аср охири — XIV аср бошида антик тепаликлардан баъзилари қабристон сифатида фойдаланилади. XVI асрда Қорабоғтепанинг шимоли-шарқий қисми дўнглигида қандайдир мулк пайдо бўлади. Шундан сўнг шаҳристон атроф ҳудуди янада ботқоқликка айланиб, бизнинг давримизгача ўзлаштирилмай қолади.

Холчаёни тадқиқ этиш Бақтрия маданий ҳаётига, айниқса, унинг бадий маданиятига янги маълумотлар киритади. Бу кузатишлар Ўрта Осиёнинг мазкур йирик вилоятида антик давр шаҳар қурилишининг баъзи жиҳатларини қайта очиб беради. Бу борада тарихий маълумотлар ниҳоятда кам.

Шу тариқа македонияликлар бостириб келгунга қадар бақтрияликлар шаҳар қурилиши санъатига асос солганлар. Аммо Бақтриянинг бу даврлардаги шаҳарлари ва истехкомлари янги кашфиётлар ва тадқиқотларни кутмоқда.

Баъзи мулоҳазалар... Холчаёндаги Қорабоғтепа кўргонида деворларда буржлар йўқ. Буржсиз ҳимоя деворлар қурилиши антик Чағониёнинг

бош марказий шаҳри бўлими Далварзинтепага ҳам тааллуқлидир, Термиз туманидаги Хайрободтепа деворлари ҳам буржсиз бўлган. Бу ёдгорликлар Бақтриядан истеҳком деворлари тарихи айна бир вақтда икки хил усулда (буржли ва буржсиз) олиб борилганлигига далилдир.

Бақтрия шаҳарларининг милоддан олдинги III — II асрлардаги қурилишида яхлит режа қўлланилгани кузатилади. Кўҳна қалъадаги қазилмаларда шаҳристоннинг турли қисмида иншоотлар ва иморатларнинг бир хил жойлашганлиги аниқланди. Айниқса, Холчаёндаги қурилишлар ягона ўқ бўйлаб жойлашганлиги Қорабоғтепа ва Хонақоттепадаги иморатларда ҳатто бир ярим километрлик масофада ҳам яққол кўзга ташланади. Шундай экан, биз бош кўчалар, катта-катта даҳалар ва йирик мавзеларнинг қатъий параллел жойлашганлигини эътироф этмоққа ҳақли бўламиз. Хонақоттепада бу ҳол аниқ намоён бўлган: жанубий уйлар қатори, ғарбий уй, сарой — ҳаммаси яхлит бир кенг мавзени ташкил этади. Булар юксак ривожланган шаҳар қурилиши санъати, бутун шаҳар тузилишини фикрлаш маҳорати ҳамдир.

Кушонлар даврида қулдорлик давлат ҳокимияти кучайиб, халқаро алоқалар кенгайди, савдо-сотиқ ривожланди, кенг кўламда маданий алоқалар таркиб топди, шаҳарлар сезиларли даражада такомиллашди. Термиз, Далварзинтепа сингари йирик марказлар атрофи девор билан ўраб олинди. Термизнинг майдони 500 гектарга етди. Делварзинтепа (47 гектар) тўғри тўртбурчакли кучли истеҳком девор ва хандақ билан ўралган эди. Бу вақтга келиб Холчаёнда ҳам мустаҳкам Грек-Бақтрия даври иморати маъмурий ҳамда ҳимоя вазифасини ўтовчи қалъага айланган. Термизда янгидан девор урилган, Далварзинтепа атрофи қалин ва баланд истеҳком билан ўралган. Қорабоғтепада эски девор устидан бор айланаси бўйлаб қоплама қилиб истеҳком кучайтирилган ҳамда баланд кўтарилган, ташқи бурчагида бурж юзага келган.

Аммо бу даврда шаҳар ҳаёти қалъада эмас, балки кўпроқ шаҳарнинг ўзида қайнаган. Унда ҳунармандчилик даҳалари юзага келиб гавжумлашган, жумладан, Термизда антик чилангарлар даҳаси аниқланди, Далварзинтепанинг шимоли-шарқий қисмида кулолчилик қолдиқлари топилди. Унда, шунингдек, саройлар (Термиз, Холчаён), ибодатхоналар ҳам ўрин олган (Холчаён Қорабоғтепасидаги ёки Термиз Чингизтепасидаги будда ансамбллари), турур жой даҳалари ёки алоҳида бинолар қолдиқлари археологик қазилмалар олиб боришда Далварзинтепада ва Холчаёнда аниқланди.

Ўнг соҳил Бақтрия шаҳар қурилишида камида икки турдаги шаҳар мавжуд бўлган. Улардан бири — тарихан таркиб топган вилоятларнинг марказий шаҳарлари. Буларнинг зич қурилмалари шаҳар истеҳкоми доирасида ўрин олган, бундай шаҳарлар Амударё соҳилидаги Термиз, Сурхон дарёси бўйидаги Далварзинтепа, Ҳисор водийсидаги Шаҳри-

нав, Қободиёндаги Кайқубодшоҳ шаҳристонларидир. Холчаён эса бутунлай бошқача тузилган. Унда арк ҳам (Қорабоғтепа), йирик архитектура мажмуаси ҳам (Хонақоттепа) бор, аммо қурилишларнинг кўпи кенг майдонда катта-кичик (афтидан, қулдорлик даврига хос) ҳовлилар кўринишидадир. Шаҳар (бутун туманнинг) қишлоқ хўжалиги йўналишига мос ҳолда таркиб топган ва ривожланиб борганлиги сабабли, улар боғ ва узумзорлар орасида, ҳосилдор ерлар қуршовида кенг майдонда ёйилиб қурилган. Шаҳар қандайдир ташқи девор билан ўралганмиди? Бўлиши мумкин, бироқ унинг излари сақланмаган. Агар бундай девор бўлган тақдирда ҳам анча мўъжаз бўлган, унда баланд девор, буржлар, ташқи ҳандақ кабилар бўлмаган.

Холчаён Бақтрия архитектураси тарихи борасидаги тасаввуримизни янада тўлдиради. Археологик тадқиқотлар туфайли Бақтриянинг сўнгги Кушонлар босқичига доир будда иншоотлари қолдиқлари Айритомда, Термизда (Қоратепе, Чингизтепа, Зўрмўла), айниқса, Сурхкўталда аниқланган бўлса-да, бироқ Кушонлардан олдинги давр қоронғи эди. Холчаён саройи, у ердаги ғарбий ва жануби-ғарбий уйлар, топилган айрим архитектура нишонлари эҳтимол тўла тасаввур бермас, лекин ўша даврни тушуниб етиш учун муҳим ашёвий маълумот манбаи бўла олади.

Холчаён ҳозирча Кушонлар келиши арафасидаги давр учун яхлит меъморчилик ҳақида тасаввур берувчи Бақтриядаги ягона кўрғон саналади. Унинг ташқи архитектурасининг асосий жиҳатлари қуйидагилар: салобатининг оддийлиги ва яхлитлиги, айвон ва унинг атроф-муҳит билан маконда боғланиши, ўзига хос кенг очиқ айвонли ва унга нақшлар ўйилган бўлган.

Сарой архитектурасида яқин вақтларгача Бойсун туманининг тоғ қишлоқларида сақланиб келган уй-жой қурилиши анъаналари акс этган. Саройнинг меъморий услублари фақат шу биногагина хос бўлмай, балки анча оммалашган. Холчаён шаҳристонининг турли жойларидан топилган силлиқ ёки муайян шаклдаги тош асослар, нақшкор мезаналар ва тоқалар бунга мисол бўла олади.

Холчаён саройида қурилиш жойлашишининг кўндаланг ўқ бўйлаб қад кўтариб борганлиги Бақтрия уй-жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятидир. Чунки Бақтриядаги ибодатхоналарда (ҳозирча фақат Кушон давридагиси аниқланган) энг катта бевосита ибодат қилиш жойи квадрат шаклидадир. Термиз Қоратепеда, Айритомда, Сурхкўталдаги Кушон сулолавий ибодатхонасида айнан шундай.

Холчаён архитектурасида Бақтриянинг асосий меъморчилик услублари мавжуд хомашё сифатида хом ғишт ва пахсадан фойдаланилган, қуббасимон пештоқ қурилган уйни ёпишда тўсинлар кенг қўлланган, устунлар кўпинча ёғочдан ва аксар ҳолда тош асос устида бўлган.

Антик Холчаён архитектураси шакли ва баъзи қисмлари жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидаги шундай қурилишлар билан ўхшашлиги бор, лекин айнан бир хил эмас.

Сопол ёпқичлар (черепица) Холчаёнда алоҳида туркумни ташкил этади, зеро, у юнон услубига мансуб ва Ўрта Осиё учун хос эмас. Черепица қия ёпиладиган иморатларга мосланган.

Шундай қилиб, агар Бақтрия меъморчилигида эллинистик архитектура анъаналари билан боғлиқлик сўзсиз бор бўлса-да, бироқ унинг маҳаллий меъморчилик анъаналарига сингдириб юбориш жараёни ҳамда шу жой анъанасига мослашиб кетиши ҳам яққол намоён бўлган. Айни вақтда Бақтрия меъморчилигининг Шарқий Парфия архитектураси билан муайян даражада умумийликка эгаллигини ҳам қайд этмоқ зарур. Бу умумийлик Хоразм архитектураси билан ўхшашликка қараганда анча кўпроқдир. Бақтрия меъморчилиги ўзига хос йўл билан борган: маҳаллий қурилиш услублари, тарх тузишда иқлимий шароитлар ва турмуш эҳтиёжи назарда тутилган, маҳаллий эстетик мезонларга амал қилинган, меъморий — безак услубида мутаносиблик бўлган. Булар ҳаммаси Бақтрия меъморчилик мактабини антик Ўрта Осиё умумий меъморчилигидан алоҳида олиб қараш учун тўла асос бўла олади.

Холчаён архитектураси антик шакл-шамойил ихтирочилиги учун маҳаллий меъморчиликнинг кўпгина услуб ва анъаналари асос қилиб олинган ва бу услуб кейинги даврларда ривожлантирилган девор ва равоқлар қурилишида асосий хомашё хом гишт бўлиши, гумбаз — равоқ тузилмаларининг оддийлиги, айниқса, устунли айвон ва бошқалар илк ва ривожланган ўрта асрлар Ўрта Осиё архитектурасида қадимий қулдорлик шаҳар ҳамда қишлоқлари қурувчилари сулоласи тажрибасидан кириб келган.

Худди шу тариқа Ўрта Шарқ илк феодал тасвирий санъати ҳам антик Ўрта Осиё санъатининг кўпгина бадиий жиҳатларини қабул қилган ва бунда Парфия ҳамда Бақтриянинг ижодий улуши сезиларлидир. Ҳақиқатда ҳам, тантанали тахт саҳнаси ва Холчаён саройидан топилган сопол медальон Панжикент беаги ва ёғоч ўймакорлигида, Варахша беақларида ҳам ўз аксини топган. Холчаён ҳайкалтарошлигидаги елиб бораётган чавандозлар тасвири кейинчалик Таки-Бўстон овчилик рельефларида ҳамда Сосоний идишларида акс этган.

Шу билан бирга, антик меъморчилик ва тасвирий санъатдаги кўпгина жиҳатлар асосан ўз даври доирасидагина қолди. Масалан, Холчаён саройидаги зал — қабулхона илк феодал Ўрта Осиё архитектураси услуби ҳам қоришган.

Холчаён ҳайкалчалари Ўрта Шарқ ҳайкалтарошлик санъатида шу йўналишдаги узилишни тўлдиради. Агар ҳайкалтарошлик санъати тараққиётининг илк антик Грек-Бақтрия босқичи умумий йўналишлар-

дагина гавдаланса, сўнгги антик Кушон босқичи Термиз, Айритом ва Сурхқўталда олиб борилган қазилма ёдгорликларида намоён бўлади; уларни ажратиб турган деярли икки асрлик давр ҳозиргача тўлғазилмай қолаётган эди. Холчаён ҳайкаллари Грек-Бақтрия ҳайкаллариغا нисбатан ўрта антик босқичда Ўрта Осиё ҳайкалтарошлигининг янги поғонаси сифатида эътироф этилади.

Бақтрияни сак-юежийлар эгаллаган давр санъатда ягона йўналишларни ҳосил қилди. Айрим юежий уруғларининг бу ерда ё маҳаллий аҳолига сингиб кетиши, ёки аксинча, туб аҳолини ўзига аралаштириб сингириб юбориши антиэллинистик кайфият туғдирди. Бу ҳол бадий маданиятда кенг аҳоли қатламидагина эмас, балки ҳукмдорлар муҳитида ҳам акс этади. Эллинистик услублар фақат айрим қисмлардагина сақланади. Холчаёндаги лойдан ясалган ҳайкаллар бу жараёни ёрқин намоён этади.

Холчаён ҳайкалсозлигининг аҳамияти шундаки, унда Бақтрия маҳаллий мактабининг изланиш ва шакилланиш жараёнларини қўради. Бу жараён маҳаллий қулдорлик маданиятининг ўрта антик босқичига тўғри келади.

Илк босқич — Грек-Бақтрия босқичида (милод. ав. III — II асрлар) юксак даражага эришган эллинистик санъатга мурожаат этиш, бу юксак санъатни ўрта босқич — сак-юежий босқичида (мил. ав. II аср — милоднинг I асри) ўзлаштириш ва ижодий ўзгартириш, сўнгги босқич — кушон босқичида (милоднинг I — III асрлари) бу санъатни енгиб ўтиш, инкор этиш ва маҳаллий асосда мутлақо бошқача санъат яратиш босқичлари Бақтрия антик бадий маданиятининг асосий даврларини ташкил этади. Қизиғи шундаки, Шимолий Парфия вилоятлари (Жанубий Туркистон) санъатида ҳам худди шундай даврлар ва шунга ўхшаш ижодий жараёнлар аниқланган.

Санъатни синтез қилиш инсониятнинг энг юксак ижодий ютуғи бўлиб, бу Бақтрия бадий маданиятига ҳам муҳим илова бўлиб киради. Ўрта Осиёда бу синтезнинг дебочаси маҳаллий антик маданият таркиб топиши ва ривожланиши даврида, яъни қулдорлик тизими ўзагида бошланган эди. Бошқача айтганда, греклар келганда Ўрта Осиёда меъморчилик ва тасвирий санъат синтезининг ибтидоси чоғи эди. Ундан кейинги даврда Ўрта Осиё меъморчилигида, жумладан, Бақтрия меъморчилигида, эллинистик ҳайкалтарошлиги, нақш санъати таъмири кузатилади, унинг уйғунлашиб кетиш жараёни давом этади. Кейинги даврларда Бақтрия худудида ҳайкаллар билан жиҳозланган меъморий ёдгорликлар вужудга келди: Холчаён саройи, Айритом ибодатхонаси, Қоратепадани будда монастири, Сурхқўтал сулолавий ибодатхонаси, Болаликтепадаги илк ўрта асрга оид бой жиҳозланган уй каби иморатлар барчаси Бақтрия (Тоҳаристон)да санъат синтези монументал меъморчиликда

антик давр ва илк ўрта аср давомида катта аҳамиятга молик бўлак бўлганлигини кўрсатади. Тасвирий санъат цикли ёки унинг айрим таркибий қисмлари мазмун жиҳатдан мазкур иморатнинг вазифаси билан боғлиқ бўлган. Аммо саройларда ҳам, ибодатхоналарда ҳам дунёвий ва мифологик йўналишлар уйғунлашганлиги эътиборни тортади. Холчаёнда шоҳлар ва ҳомий худолар образлари ёнма-ён тасвирланган.

Бақтриянинг тарихий алоқалари фақат Грек-Рим олами билангина чегараланиб қолмаган. Холчаёнда кўп ҳолларда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Шарқий Парфия санъати билан ўзаро алоқа жуда сезиларли бўлган. Бу алоқа айниқса меъморий шакллар ва ашёларда ҳамда саройни беаган ҳайкаллар образлари гуруҳида яққол намоён бўлади. Бу ўзаро алоқа хронологик (даврий) жиҳатдан асосан милоддан аввалги II — I аср — Грек-Бақтрия подшоҳлиги ва сак-юежий даврини ўз ичига олади. Бу вақтда афтидан Аршакидлар давлат, айниқса, ҳинд-сак ва ҳинд-парфия мулклари билан бевосита алоқалар мавжуд бўлган. Буюк Кушонлар даврида, яъни Ўрта Шарқнинг иккита улуғвор қулдорлик давлати — Аршакидларнинг Парфия давлати ва Кушон подшоҳлиги сиёсий рақобат ҳолатида бўлган вақтдан бошлаб бу алоқалар бир-бири билан туташди. Бироқ, Ҳиндистон яримороли шимолий қисмининг Кушон подшоҳлиги таркибига кириши милоднинг дастлабки асрларида ҳинд алоқаларининг кучайишига олиб келди.

Буддизм ўз мавқеини мустҳкамлаб олган Термиз ва Айритом ёдгорликларида ҳиндлашув элементи яққол акс этган. Буддизм Чағониён, Қабодиён, Хутталонга қанчалик тарқалганлигини ҳали айтиш қийин, бу жойларда олиб борилган кузатишлар ҳозирча бу борада аниқ маълумот бермайди. Аммо Чағониёнда бешта будда ибодатхонаси мавжудлиги ҳақидаги маълумот VII асрга тегишли бўлса ҳам, эътиборга моликдир. Чин сайёҳи бу даврда будда жамоалари Амударё ҳавзаси вилоятларида инқирозга учраганлигини қайд этган, демак, улар илгарироқ барпо этилган бўлади. Археологик топилмалардан (тангалар, сопол, тағхатлар) келиб чиқиб, Тоҳаристонда будда ибодатхоналарининг пайдо бўлиши Кушонлар даврига бориб тақалади, дейиш мумкин (Термиз, Айритом). Жанубий Чағониёндан топилган ашёвий ёдгорликлар орасида К.Шахурин томонидан Жанубий Сурхон сув омбори атрофидаги Қоровултепани қазиб пайтида топилган Будданинг ўтирган ҳолатидаги пишитилган сопол ҳайкалчасини кўрсатиш мумкин. Аммо бу ҳайкалчанинг ижро услуби бўйича ясалган вақти IV аср ёки ундан бир мунча кейинги даврга тўғри келади.

Ҳинд бадий анъанлари таъсири Холчаён саройининг Кушонлар даври қатламидан ва Термиз туманидаги Кушонлар шаҳристонидан топилган маймуннинг пишиқ сопол ҳайкалчаларида кўринади. Кушон-

лар даврида бу ҳайкалчалар Ўрта Осиёда кенг тарқалиб, чегараси шимоли-ғарбда Марв ва Хоразмгача, шимоли-шарқда Хутангача етган. Барибир, Холчаён пишиқ сопол буюмлари орасида маймун ҳайкалча-си ягонадир.

Ўнг соҳил Бақтрия ёдгорликлари милоддан авалги I асргача Бақтрия меъморчилигида Ҳиндистон сезиларли мавқе тутмаганлигини тасдиқлайди. Аксинча, айнан, Бақтрия ва Шарқий Парфия Ҳиндистоннинг Гандҳар ҳайкалтарошлик мактаби шаклланишида ҳинд анъанасига таъсир ўтказган. Милоднинг дастлабки асрларида, буюк Кушонлар даврида эса тескари жараён кечди, бу вақтда мазкур мактаб ва унинг самарали Будда концепцияси бутун кучи билан Тоҳаристон санъатига ёпирилиб кириб келади.

Гандҳар мактаби муаммоси — бу ярим асрлик мунозара мавзуси: бу мавзуга қатор асарлар, қўплаб махсус ва оммабоп мақолалар бағишланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Афғонистонда Франция археологик делегацияси бошлиғи Д.Шлюмберже Гандҳар муаммоси таҳлили билан жиддий шуғулланди. Унинг ёзишича, “Грек-Бақтрия санъати” мавжуд бўлиб, бу санъат ҳозирча Бақтриянинг қандайдир уфқида яшириниб ётибди.

Француз олимнинг башорати Холчаённи тадқиқ этиш миқёсида ўзининг ёрқин тасдиғини топди. Бироқ, буни олим таклиф этгандек “Грек-Бақтрия санъати” эмас, балки шунчаки “Бақтрия санъати” дейиш тўғрироқ бўлади. Холчаён бунга тўла-тўқис асос беради. Аммо бу ёдгорликнинг аҳамияти фақат Гандҳар мактаби шаклланишида Бақтрия қўшган ҳисса билангина чекланиб қолмайди.

Холчаён саройи Грек-Бақтрия даврига эмас, балки Сак-юежий даврига тааллуқлидир ва бу даврда грек анъаналарининг бевосита таъсиридан чиқилган ва унинг ўрнини маҳаллий принциплар асосида меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг мустақил йўналиши эгаллаган эди. Бу ёдгорлик эллинизмни ижодий ўзлаштириш жараёнида қандайдир аралашма эмас, балки Бақтрия бадий маданиятининг оригинал шакли вужудга келганлиги ва унда антик Ўрта Осиёнинг мустақил йўналиши ва бадий услублари ўз аксини топганлигидан дарак беради.

Бақтрия санъати мумтоз санъатнинг бир тармоғи сифатида эмас, антик оламнинг бир гўшасидаги Грек-Рим цивилизацияси учқуни сифатида эмас, балки Осиё қитъасининг шундоққина қалбида, эллинлашган Шарқ ва скифлар Осиёси қадим маданияти туташган жойдаги Бақтрия заминида ўсиб чиққан ўз цивилизацияси сифатида намоён бўлади.

ЧАҒОНИЁНГА САЁХАТ*

Тарих саҳифаси бўйлаб. Ўрта Осиё худудида тарихий тараққиёт жараёнида қадимги даврдаёқ кўплаб тарихий-маданий вилоятлар ташкил топган. Маъмурий асосда яратилган бўлинмалардан фарқли ўлароқ, тарихий-маданий вилоятлар турли-туман белгиларига: ҳудудий умумийлиги, географик ўрни, хўжалик, маданий ва этник бир хиллигига қараб узоқ давр мобайнида таркиб топган. Кичик вилоятларда жойлашган халқ муайян сабаблар, аввало социал-иқтисодий ва табиий сабаблар туфайли, вақт ўтиши билан кўнаиб, катта ҳудудга тарқалган ва бу ҳудуд кўп ҳолларда олдинги кичиклигидаги номи билан аталиб қолган. Ўрта Осиёнинг Суғд, Хоразм ва Бақтрия каби йирик мамлакатлари ҳам тахминан шундай йўл билан шаклланган. Йирик давлатлар ҳам аксар ҳолда шу тарзда вужудга келади. Қадимда ҳар бир йирик тарихий-маданий вилоят дастлаб маъмурий асосда эмас, балки муайян тарихий-маданий сабабларга кўра кичик-кичик вилоятлардан ташкил топган. Бу вилоятлар, асосан, йирик ва кичик дарёлар ўзанларида ёки тоғли жойларда нисбатан чекланган майдонларни эгаллаган.

Чағониён ҳам худди шундай тарихий-маданий вилоятлардан бири ҳисобланган. Сурхондарё (унинг эски номи Чағонруд) ҳавзасидаги, тахминан ҳозирги Жарқўрғон шаҳридан дарёнинг бошланиш қисмигача бўлган ҳудуд қадимда Чағониён деб аталган. Бу ном дастлаб милодий 630 йилда Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳарлари ва вилоятларида бўлган (хитойлик) сайёҳ — будда роҳиби Сюань-Цзяннинг эсдаликларида учрайди. Аммо бу топоним анча қадимда пайдо бўлган, деб фараз қилишга ҳам асослар бор. Масалан, Фирдавсий ўзининг машҳур “Шоҳнома” асарида, қадимий афсонавий даврларга оид Рустам ва Афросиёб ўртасидаги курашни акс эттирган шеърларидан бирида, Чағониённи эслаб ўтади. Сосонийлар шоҳи Баҳром Гўр-Варахран I аср (421-439) воқеалари акс эттирилган шеърларда эса Чағониён ботири Фартуш ҳақида ҳикоя қилинади.

Араб тарихчиси Абу Ҳанифа ад-Диноварий асарида Чағониён Сосоний подшоҳлар Қубод (484—531) ва Хусрав Ануширвон (531—579) ҳукмронлигига боғлаб ёдга олинган. Форсча “он” (ён) кўшимчаси бирикмасидаги **Чағониён** жой номи кейинроқ пайдо бўлган ва унинг ўзатини “**Чағоний**” топоними ташкил этади. Таниқли эроншунос олим В.А.Лившиц Афросиёбдаги суғд девор ёзувларида, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида, шунингдек “Нафнома” деб аталувчи халқлар рўйха-

* Э. Ртвеладзе, А. Сагдуллаев. “Памятники минувших веков” (Т., 1986) китобидаги ушбу таржима қилинган бўлим Э.Ртвеладзе ёзган қисм эканлиги ҳақида муаллиф маълумотнома берган.

тида бу ном **Чағони** шаклида ифодаланганлигига эътибор берди. Бу вилоят номининг маҳаллий аталиши бўлса ажаб эмас.

Афсуски, **Чағони** сўзининг аниқ маъноси олимлар учун ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолаётир, чунки ҳозирча фанда чағоний тили ҳақида маълумот йўқ, уни бақтрий тилининг шеваларидан бири, деб тахмин қилинади. Бу тилнинг асл ватани Бақтрия (бу вилоятнинг бошқача аталлиши: Бактриана, Баҳди, Баҳли) бўлган ва у, эҳтимол, милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Шимолий Афғонистондаги Балхоб дарёси водийсида шаклланган бўлиши мумкин.

Аммо милоддан аввалги I минг йиллик боши ва ўрталарида Бақтрия аҳолиси форсий тилда сўзлашган. Тарихий маълумотлар — Бақтрия топонимияси ва қатор ёзма манбаларда қайд этилган бақтрияликларнинг исмлари шундан далолат беради. Вақт ўтиши билан форсий тилли қабилалар жуда катта ҳудудга — Афғонистондаги Ҳиндикуш тоғидан то Ўзбекистоннинг жанубий қисми, Тожикистондаги Ҳисор ҳамда Помирғача ёйилди. Икки юз йил давомида Аҳамонийлар давлатининг чекка шарқий вилояти бўлиб келган Бақтрияни милоддан аввал 329—327 йилларда Александр Македонский эгаллайди. Унинг давлати инқирозидан кейин Бақтрия то милоддан аввалги III аср ўрталаригача Салавкийлар эллинистик монархияси таркибига кирган, сўнгра, то милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмигача юнонлар томонидан тузилган Грек-Бақтрия подшоҳлигининг марказий қисмини ташкил этган.

Милоддан олдинги II аср охирида кўчманчи сак ва юежий қабилаларининг ҳужумлари натижасида Грек-Бақтрия подшоҳлиги парчаланиб кетди. Милоднинг I асри биринчи ярмида юежийлар қудратли Кушон подшоҳлиги туздилар ва бу империя тўрт юз йилдан кўпроқ вақт давом этди. Бақтрияда эллинистик анаъаналарнинг, юнон тилининг ва ёзувининг мустаҳкам ўрнашиб амал қилиб турганлиги Кушон империясининг дастлабки даврларида бу ерда расмий давлат тили юнон тили бўлиб туришига сабаб бўлди ва у кейинчалик Бақтрия ёзувигача асос солди.

Бу ёзув милоднинг биринчи асрида, эҳтимол, буюк Кушон шоҳи Канишка ёки ундан олдин ҳукмронлик қилган Вима Кадфиз даврида яратилган. Бақтрия ёзуви ёдгорликлари Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида, жумладан, Термизда ва Сурхон водийсида, яъни тарихий Чағониён вилояти ҳудудида топилган.

Милоднинг III асрида қудратли Кушон давлати аста-секин инқирозга юз тутиб боради. Сўнгги Кушон шоҳи ўз буюклигини сақлаш мақсадида, ҳиндлардан иборат аҳоли уни қўллаб-қувватласин, деб Васудева исмини олади (Васудева—ҳинд худоларидан бирининг номи). У ўз тангаларининг орқа томонига ҳиндларнинг уруш худоси Шивани, унинг Нанди исми буқаси билан тасвирлашни буюради. Аслида эса, бу Ку-

шон шоҳи бўлиб, унинг исми ҳам шу сулоладаги бошқа шоҳлар исмлари каби кушонча бўлган, яъни Канишка деб аталган. Тангаларга у шу номни зарб этган. Ушбу тангаларда яна бақтрияликлар учун хос бўлган рамз — Ардохш худоси ҳам тасвирланган. Ҳиндукуш тизмасидан то Ҳисор тоғларигача ораликда ана шу худо юксак қадрланган.

Марказлашган давлатнинг қулаганлиги тангалари тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бақтрия — Тоҳаристонда тўла оғирликка эга олтин ва мис тангалар ўрнига сўнгги Кушон шоҳлари Хувишка ва Васудева (Канишка III)нинг мис тангаларига ўхшаган тангалар зарб этилди. Улар ғадир-будур бўлиб, устига подшоҳларнинг ва худоларнинг ноаниқ шакллари ҳамда афсонавий сўзлар битилган эди.

Бу хилдаги тангалар археолог Б.Турғуновнинг 1984 йили Далварзинтепадан топган тангаларида яхши акс этган. Топилма Кушон давлати қулагандан кейин Бақтриянинг пул муомаласидаги ўзига хос янги даврни ифодалайди. Жами тўққизта танга топилган бўлиб, саккизтаси мис ва биттаси кумуш танга эди. Мис тангалар нисбатан кичкина, четлари нотекис доира шаклида, ундаги тасвирлар содда ва хиралашган, олд томонида меҳроб олдида турган шоҳ, орқа томонида эса Шива худоси ва Нанди ҳўкизи туширилган. Бу тангалар кушон шоҳи Васудева тангаларига тақлидан зарб этилганлиги, иккита бошқа танга орқасида хотин худо Ардохшнинг ўтирган ҳолати тасвири солинган.

Кумуш танга жуда яхши сақланган ва барча дафинанинг вақтини билиш учун аниқ маълумот беради. Бу танганинг олд томонида ўйиб ишланган гардиш ичида тож кийган шоҳнинг кўкрагидан юқори қисми тасвирланган бўлиб, унинг бўйнига қимматбаҳо тошлар шодаси осилган, бошининг орқа томонида сочи сосоний шоҳлари услубида ёйиб жингалак қилинган. Гардиш бўйлаб паҳлавий (ўрта форс) ёзувида “(Ахура) Маздага сизинувчи худолар авлодидан бўлган Эрон шоҳаншоҳи ҳукмдор Шопур” деб ёзилган. Орқа томонида ўртада олов меҳроби (оташдон) тасвирланган. Оташдон атрофида оташпарастрларнинг мубодлари белларида қилич ва қўлларида найза билан ифодаланган. Бу тангани Шимолий Тоҳаристондан топилган Шопур I даврига оид биринчи танга деса бўлади. Бинобарин, хазинадаги бошқа тангалар Шопур I ҳукмронлик қилган ёки бир мунча кейинроқ III асрнинг иккинчи ярмида, яъни Буюк Кушон давлати инқирозидан сўнг, муомалада бўлган, деган хулоса келиб чиқади.

Милоннинг IV асрида Ўрта Осиёнинг шимолида кўчманчи хионит қабилалари ҳаракатга келиб, сосонийларни ўзларига қарашли ҳудуднинг бир қисмидан воз кечишга мажбур этади ва гуллаб яшнаб турган Бақтрия ҳамда Хуросон воҳаларига ёпирилиб кириб кела бошлайди.

Сосонийлар хионитлар ҳужумини бир неча бор қайтаришади, ғалабалар мағлубият билан алмашилиб туради. Бу ҳақда Рим Ёзувчиси Ам-

миан Марцелин: “Сапор (сосонийлар шоҳи Шопур II; 309—374 йиллар) ўз подшоҳлигининг чекка ерларида душман ҳужумини зўрга қайтариб турибди”, — деб ёзади; бу халқлар орасида эса хионитлар ҳам бор эди. Охир оқибатда сосонийлар хионитлар билан сулҳ ва иттифоқ тузадилар. Бироқ бир неча ўн йилликдан кейин Сосонийлар янада қудратлироқ душман билан тўқнаш келдилар. Дунё тарихи саҳнасида янги бир халқ пайдо бўлди ва фанда улар эфталитлар деган ном олдилар. Бу ном уларга сосонийлар томонидан берилган эди. Аслида эса улар ўзларини алхонлар деб атаган бўлишлари мумкин.

Эфталитлар V асрнинг ўрталаридаёқ Бақтрия — Тоҳаристоннинг кўпчилик қисмини эгаллаб, у ерда икки йўналишда юриш бошлайдилар: бир қисми жануби-шарқ томон юриб, Панжоб ва Шимолий Ҳиндистонни эгаллайди ва бу ерда қудратли давлат барпо этади, аммо бу давлатнинг умри қисқа бўлди, тахминан милоднинг VI асри ўрталаригача мавжуд бўлиб турди; эфталитларнинг Тоҳаристонда қолган бошқа қисми шимолга қараб ҳаракат қилади. Улар 467—480 йиллар оралигида Суғдни ўзларига бўйсундирдилар, кейинчалик — VI аср бошларида эса Шарқий Туркистонни босиб олиб, йирик давлат барпо этдилар.

Милодий V асрнинг иккинчи ярмида эфталитлар сосонийларга, айниқса, шоҳаншоҳ Ферузга бир неча бор қақшатқич зарба бердилар. Феруз эфталитлар устига уч марта бостириб бориб, учаласида ҳам енгилди. Биринчи урушдаёқ у асирга тушиб, Византия императори уни тўлов тўлаб қутқазиб олади. У кейинги юришда ҳам асирга тушиб қолади ва қутулиш учун жуда катта товон, яъни 30 ҳачир танга пул тўлаши лозим бўлади. Бироқ, ҳатто сосоний шоҳларнинг ҳазинасида ҳам бу миқдордаги пул йўқ эди. Феруз товоннинг бир қисмини тўлайди, қолган қисми учун ўгли Қаводни гаровга қолдиради ва ҳеч қачон эфталитларга қарши жанг қилмасликка сўз беради. Кўп ўтмай Феруз шартномани бузиб, яна эфталитлар устига юриш қилади. Унинг бу юриши ҳам аянчли тугайди, қўшинларнинг катта қисми эфталитлар қазиб, устини ёпиб қўйган ўраларга тушиб қолади ва қириб ташланади.

Шуниси қизиққи, сосоний шоҳларининг Ўрта Осиё ҳудудида топилган тангаларининг кўпчилик қисмини подшоҳ Феруз тангалари ташкил этади. Олимлар бу тангаларнинг аксарияти, афтидан, Ферузнинг эфталитларга тўлаган товон тангалари бўлса керак, деб талқин қилишади, бунда ҳақиқат бор.

Чағониён топилмалари таркибида шоҳ Феруз тангалари кам эмас. Бу тангалар ажойиб хусусиятга эга; уларнинг олд томонида, баъзан эса орқа томонида ҳам бақтрия тилида, баъзи ҳолларда суғд тилида лавҳалар ўйиб ёзилган бўлиб, уларда ҳукмдорларнинг унвонлари қайд этилган. Кўпинча бу тангаларга чўзиқ тўртбурчак (ромб) шаклидаги белги қўйилган. Эҳтимол бу белги ўша вақтда Чағониённи бошқарган сулоланинг қан-

дайдирам тамғаси бўлса керак. Айрим ёзма манбаларда бу вилоятнинг эфталитларга бўйсунганлиги аниқ таъкидлаб ўтилган. Фирдавсийнинг ёзишича, турклар Бухоро яқинида эфталитларни қаттиқ мағлубиятга учратиб, уларнинг бошлиғи Фатифар ўлдирилганидан кейин (бу воқеа 563 — 567 йиллар орасида бўлиб ўтган), улар ўзларига Чағониён ҳукмдори Фағонишни янги йўлбошчи қилиб, жанубга чекинганлар.

Зотан, эфталитлар тарихининг муҳим воқеалари етарли даражада маълум бўлса-да, бироқ уларнинг дастлаб қаерда яшаганлиги, этник ҳолати ва қайси тилда сўзлаганлиги Ўрта Осиё тарихида ҳозиргача энг мушкул муаммолардан бири бўлиб турибди.

Баъзи бирлар эфталитлар ёки айрим ёзма манбаларда аталганидек “оқ хуннлар” кўчманчи қабилалар бўлиб, Ўрта Осиёга Шарқий Туркистондан ёки Олтойдан келган деб кўрсатишади. Таниқли тарихчи С.П.Толстов фикрича, эфталитлар дастлаб Ўзбекистоннинг шимолида, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи соҳилларида яшашган. Олимлар К.Еноки ва Л.В.Гумилев эфталитлар Помир ва Ҳиндикушнинг туб аҳолиси бўлган, деган фаразни ўртага ташлайдилар.

Эфталитлар гаплашган тил ҳам аниқ эмас, бироқ ёзма манбаларнинг хабар беришича, у ёски туркий ва ёски мўғул тилларидан фарқ қилган.

Эфталит ҳукмдорларининг Тоҳаристонда зарб этилган тангаларидаги битиклар, асосан, Бақтрия қия (курсив) ёзувида, Бақтрия тилида ёзилган. Эфталитларнинг Покистон ва Ҳиндистонда зарб этган дастлабки тангалари ҳам бақтрия ёзувида бўлган.

Ўзбекистоннинг жанубида, айна эфталитлар ҳукумронлигига тўғри келадиган IV — VI асрларга оид қабристонлар қазилганда, уларнинг (эфталитларнинг) этник тегишлилигини муайян даражада ойдинлаштирувчи қизиқарли маълумот олинди. Улардаги дафн маросими олдинги Кушон давридагидан жуда кам фарқ қилиши аниқланди. Бу қабрлардаги кўплаб суякларни ўрганган антрополог Т.Қ.Хожайов ҳам шу ҳолни тасдиқлайди, бу суяклар бронза ва антик даврдаги Бақтрия қабрларидан топилган суяклар билан бир хил бўлиб чиққан. Булар ҳаммаси Шимолий Тоҳаристонда яшаган халқлар кўп асрлар давомида этник жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам мустақкам алоқада бўлганларидан далолат беради.

Бундай ҳолатда эфталитларнинг гўё бошқа жойларда яшаб бу томонга кўчиб келганликлари тўғрисидаги фаразларга нима дейиш мумкин? У вақтда, уларнинг дафн маросимлари ва маданияти, антропологик турлари маҳаллий халқларникидан бошқача бўлиши керак эди-ку. Афсуски, археология ҳозирча аниқ маълумотларга эга эмас.

Буларнинг ҳаммаси бизни эфталитларнинг келиб чиқиши ҳақида олдин мавжуд бўлган фаразлардан бир мунча фарқ қиладиган хулоса

чиқаришга олиб келди. Эфталитлар, қадимдан Бақтрия — Тоҳаристонда яшаб келган туб аҳоли бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ёзма манбаларда эфталитларга мутлақо бир-биридан фарқ қиладиган, турлича тавсиф берилганлик кўпчилик тадқиқотчиларни чалғитиб қўйган. Масалан, Узоқ Шарқлик муаллифлар эфталитлар чодирларда яшаганлигини, яъни кўчманчи тарзида ҳаёт кечирганликларини кўрсатадилар, ва бинобарин, улар кўчманчи бўлган, деб маълумот берадилар. Бунинг акси ўлароқ, византиялик тарихчи Прокопий Кесарий эфталитлар ҳақида: "... улар кўчманчи эмас, улар қадимдан ҳосилдор ерларда ўтроқлашиб олишган ..." деб ёзади.

Бироқ Бақтрия аҳолисининг ўзига хос бўлган хусусияти — уларнинг қадимдан, бронза давридан бошлаб кўчманчи ва ўтроқ халққа бўлинганлигидир, уларнинг ҳар иккиси ҳам бақтрияликлар эканлиги назарда тутилса, юқоридаги фикрларда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқлиги аён бўлади. Кейинроқ, айниқса, милоддан олдинги биринчи ва милоднинг дастлабки асрларида уларнинг таркибига баъзи бир дашт халқлари келиб қўшилиб, бақтрияликларнинг антропологик турини, эҳтимол уларнинг ташқи қиёфасини ҳам муайян даражада ўзгартирди. Бу келиб қўшилганларнинг бир хиллари қора соч, қўй кўз, буғдойранг, бошқалари эса кўк кўз, оқ танли бўлишган. Бақтриядаги эфталитларнинг ана шу ўзига хослиги, "оламини ҳайратга солувчи" халқлар асосан мўғул қиёфасида бўлган, деган ақидаги ўрганган Прокопий Кесарийни шунчалик ҳайрон қолдирган эдики, у ўз китобида: "Барча хуннлар орасида фақат уларгина оқ танлидирлар ва юз қиёфалари бадбашара эмас", деб қайд этган. Бироқ, бу ҳамма эфталитлар ёппасига оқ танли эди, деган маънони англатмайди. Кейинги вақтларда Чағониёнда ва Афросиёбда топилган деворий тасвирлар маҳаллий аҳолининг ташқи қиёфаси турлича бўлганлигини кўрсатади. Милоднинг биринчи асрига оид Далварзинтепа деворий тасвирида икки киши акс этган: бири оқиш рангли, иккинчиси унга қараганда сал қизғиш. Афросиёб деворидаги VII асрнинг иккинчи ярмига оид тасвирда Чағониёндан Самарқанд шоҳи ҳузурига келган элчи тасвирланган: Чағониёнликларнинг бири — қизғиш танли, кўк кўз, соқоли оқ, кекса; иккинчиси — оқ юзли, қора соқолли, қора соч, қўй кўзли йигит.

Эфталитлар 563—567 йилларда турклар томонидан тор-мор қилингандан кейин, уларнинг айрим кичик гуруҳлари Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоятларида то араблар бостириб келгунга қадар сақланиб турган.

Будрач вайроналарида. Ўрта асрда Шарқнинг кўпчилик ҳукмдорлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида шоирлар, машшоқлар, олимларга ҳомийлик қилганлар. X аср иккинчи ярми— XI аср бошида Чағониён ҳукмдорлари ўз саройларида Шарқнинг энг буюк шоирларини тўплаб шуҳрат қозонганлар. Чағониён вилоятининг маркази — Ча-

ғониён шаҳри ўша вақтда Ўрта Осиёнинг муҳим маданият марказларидан бирига айланиб қолган эди.

Будда роҳиб Сяун Цзяннинг ёзишича, VII аср бошларида Чағониён пойтахти айланаси 10 ли (5 километрга яқин) майдонни эгаллаб, унда унча катта бўлмаган бешта сангарам (будда ибодатхонаси), кам сонли роҳиб бор экан.

Чағониён шаҳри ҳақида араб-форс ёзма манбаларида анча маълумот берилган, лекин афсуски, улар етарли даражада батафсил эмас. Чағониён милоднинг X–XI асрларида Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган, аҳолисининг сони ва бойлиги жиҳатидан Термиздан кейин турса-да, бироқ майдони жиҳатдан ундан катта эди. Шаҳарда чиройли тимлар (ёпиқ бозорлар) ва пишиқ гиштдан қурилган масжид қад кўтариб турган. Ҳар бир ҳовлидан ариқ ўтказилган. Аҳолиси эътиқодлилиги ва меҳмондўстлиги билан ажралиб турган.

Чағониён ўзининг отлари, жун матодан тикилган кийимлари, гиламлари ва бўёғи билан донг таратган эди. Шаҳар атрофидги ерлар тўкин суғорилиши туфайли қалин дарахтзор бўлган ва у ерларда қишда қуш овланган. X асрда Чағониён Ўрта Осиёнинг тараққий этган маданий марказларидан бири бўлиб, муҳим сиёсий мавқега эга эди. Унинг ҳукмдорлари Муҳтожидлар сулоласидан бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Музаффар ва Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад (Абу Али Чағоний) Сомонийлар давлатида жуда муҳим ҳарбий ва маъмурий вазифаларни эгаллашган. Айниқса, Абу Али Чағоний ўзининг жангу жадал жасоратлари билан ном қозонган бўлиб, кўпгина араб ва форс тарихчилари унинг шаънига мақтовлар битган эдилар.

XIX асрдаёқ бир қанча чет эл ва рус олимлари шаҳарнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо ўша вақтларда Шарқий Бухорога (Бухоро хонлигининг шарқий қисмига) кириб келиш ниҳоятда машаққатли эди. Шунинг учун ҳам қидирув ишлари, асосан, ўрта асрларда араб тилида ёзилган сайёҳатномалар ва жуғрофий хариталар маълумотларини солиштириш асосидагина олиб бориларди. Баъзи олимлар Чағониённи Сариосиё қишлоғи ўрнида, кўпчилик олимлар эса Денов шаҳри ўрнида жойлашган, деб тахмин қиладилар. Бунда улар, хусусан, Маҳмуд ибн Валининг: “Унинг (яъни Чағониён вилоятининг) катта жойларидан бири Деҳи-Нав бўлиб, қадимда уни Чағониён деб атаганлар ва бу шаҳар унинг биринчи пойтахти эди”, — деган маълумотларига таянганлар.

Илмий адабиётда Чағониён шаҳри Денов ўрнида бўлган, деган тахмин то ҳозирга қадар мажуд. Бироқ, бу масалани араб манбалари хабарлари билан археологик маълумотларни солиштириш орқалигина ҳал этиш мумкин эди. XX асрнинг 60-йилларида Санъатшунослик илмий, тадқиқот институтининг илмий экспедицияси Чағониёнда кенг кўлам-

да изланишлар олиб борганлиги туфайли бу масала ўз ечимини топди. Экспедиция бошлиғи — таниқли олима, профессор (ҳозир академик) Галина Анатольевна Пугаченкова ўз ходимлари олдиға фақатгина антик давр ёдгорликлари — Холчаён ва Далварзинтепани археологик тадқиқ этиш билан чекланиб қолмай, балки бутун вилоят ҳудудининг археологик ва тарихий жуғрофиясини аниқлашни мақсад қилиб қўйди.

Ушбу йўсинда ишлаб, экспедиция Сурхон ва Қизилсув дарёлари қўшилган жойда катта шаҳар қолдиғини топишға муяссар бўлди ва қатор белгиларига кўра, уни қадимги Чағониён шаҳри дейиш мумкин эди.

Маҳаллий аҳоли бу жойни Будрач шаҳри вайроналари деб аташади. Бу ном қадимда мазкур жойда аҳоли будда динига сиғинганидан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Биз бу номнинг маъносини излаганимизда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида “Будрач” шахс исми сифатида эслатилганлиги эътиборимизни тортди. Асарда Будрач турк мусулмонларига қарши курашган будпараст уйғурларнинг йўлбошчиси бўлганлиги қайд этилган.

Будрач шаҳри харобасининг ўрни Денов шаҳридан 6 км жанубда, Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигида, Заҳартепа қишлоғи яқинидадир. У Қизилсувнинг Сурхондарёға қуйилиши жойидаги чап ва ўнг қирғоғи бўйлаб жойлашган. Шаҳристон ер юзаси нисбатан текислик, Сурхон дарёсига томон нишаброқ. Шаҳар ўрнининг умумий майдонни 6 квадрат километр, балки ундан ҳам кўпроқдир, чунки Шаҳристон жуда ёмон сақланганлигидан унинг чегарасини аниқлаш ниҳоятда мушкул эди. Шаҳристоннинг катта қисми ҳайдалиб экинзорға айлантирилган, бир қисмида қишлоқ аҳолиси уйлар қурган.

Шаҳар ўрнининг жануби-шарқий қисмида, Қизилсувнинг чап соҳилида ярмини дарё ювиб кетган, ён бағрилари тик, соғ тупроқдан ташкил топган баланд тепалик — Оқмозортепа жойлашган. Ундан шимол томонда 100 метрлар чамаси масофада, чуқур хандақ билан ажратилган яна бир тепалик — Дунётепа бор. Бу тепалик 200x100 метр майдонни эгаллаган, баландлиги 8-12 метр, ён бағирлари ясси, жанубий қисми Қизилсув томон нисбатан нишоб бўлиб кетган. Дунётепадан шимолда 2 км масофада соғ тупроқли дўнглик — Заҳартепа жойлашган. Афтидан бу дўнглик шаҳарнинг чеккаси бўлса керак. Бу тепаликлар орасидаги жойлар айни пайтда пахта даласига айлантрилган бўлса-да, бироқ у ерларда ҳозиргача сопол ва ғишт бўлақлари, тангалар, тошқол (шлак)лар, ойна парчаларини учратиш мумкин.

Маҳаллий аҳоли орасида Заҳартепа билан боғлиқ қачонлардир бу жойда яшаган аждаҳо ва илонлар ҳақида афсона сақланиб қолган. Архитектор З.А.Аршавская Вахшивор қишлоғида ёзиб олган афсонада ҳикоя қилинишича, кўп йиллар муқаддам Оллоёр исмли бир золим ҳукмдор яшаган экан. Ҳатто унинг яқинлари ҳам ундан кўрқиб яшириниб юрар-

канлар, унинг овозини эшитганда бешикдаги гўдаклар ҳам жим бўлиб қоларкан. Бир куни Оллоёр ҳомиладор хотиннинг ундан қўрқиб бола ташлаб қўйганлигининг гувоҳи бўлиб ўйланиб қолади ва қандай бўлмасин халқ олдида ўз гуноҳларини ювишга қарор қилади. У бойликларидан воз кечиб, Бойсунтоғдаги заҳарли илонлар ва аждаҳолар макони бўлмиш Ваҳшимор (илонлар макон)га йўл олади. Оллоёр Ваҳшиморга келиб тақвода ҳаёт кечира бошлайди. У жойларга сув чиқариб, қишлоқдан илонларни қувиб юборади. Илонлар бу ерни тарк этгач, қишлоқни Вахшивор деб атай бошлайдилар.

Илонлар ва аждаҳолар галаси Боботоққа ўтиб кетаётиб, қадимий шаҳар ёнидаги тепаликка келиб тўхтади. Ўша пайтдан бошлаб у ерда ўсадиган ўт-ўланлар моллар учун гўёки заҳарли бўлиб қолган эмиш ва у жойга маҳаллий аҳоли Заҳартепа деб ном қўйганмиш.

1970 йиллар охирида археологлар Э.В.Ртвеладзе ва М.Исҳоқовлардан иборат экспедиция бўлинмаси Будрач шаҳри харобасида археологик тадқиқот олиб борди. Шу жойдаги мактабнинг тарих ўқитувчиси О.Хўжанов ишларни йўлга қўйиш ҳамда археологик ашёларни тўплашда жуда катта ёрдам кўрсатди.

Шаҳар харобасидаги қазув-қидирув ишлари ҳажми ҳали унчалик кенг қўламда бўлмаса-да, бироқ, унинг тарихий босқичларини тадқиқ этиш имконияти юзага келган эди. Бу эса Бақтрия—Тоҳаристон шаҳарларининг қадимги ва ўрта аср давридаги тараққиёти қонуниятларини аниқлаш учун ниҳоятда муҳимдир, чунки бу шаҳарлардан кўплари ўрта асрларгача сақланмаган ва IV — V асрларга келиб йўқ бўлиб кетган. Будрач шаҳри эса бундан истисно, жуда яхши сақланиб қолган.

Афтидан, милоддан олдинги биринчи ва милоднинг I асрларида бу ерда турар жой барпо бўлган ва бутун Кушон подшоҳлиги давомида тараққий этиб бориб, маълум даражада йирик шаҳарга айланган. Шаҳар хом ғишт ва пахсадан қалинлиги 10 метрга етадиган девор билан ўралган йирик қалъа — Оқмозортепа (1,5 гектар) ва аҳоли яшаш жойи Дунётепа (2,5 гектар) дан иборат бўлиб, айланаси мустаҳкам истеҳком девори билан ўралган эди. Уларнинг оралиғида ўралмаган шаҳар атрофи, бир мунча нарироқда эса, қишлоқлар жойлашган. Шаҳарнинг умумий майдони, теварак-атрофидаги қишлоқларни ҳисобламаганда, 20 гектардан ортиқроқ жойни ташкил этарди. Кушонлар давридаёқ Будрач шаҳри Қизилсув — Сангардақдарё ва Сурхондарё оралиғидаги учбурчак ҳудуднинг бош маркази бўлганга ўхшайди. Унинг устивор мавқеи илк ўрта (V — VIII) асрларда ҳам сақланиб қолади. Кушонлар даврида шаҳар атрофидаги турар жойлар зичлашиб кетган бўлса ҳам, Оқмозортепа олдингидек шаҳарнинг қалъаси бўлиб қолаверди.

Илк ўрта аср даврининг турли-туман топилмалари ва қатламлари кенг майдон бўйлаб қайд этилгани ўша вақтдаёқ шаҳристон ташкил

топгани ва у катта жойни эгаллаганидан далолат беради. Шаҳристон девор билан ўралганга ўхшайди. Унинг атрофида қишлоқлар, деҳқон кўрғонлари, будда сифиниш маркази (Кулолтепа, Култепа, Чағаноқтепа, Чордингак) жойлашган эди. Бу вақтда Чағониён мулк марказлари — Термиз ва Хутталдан икки барабар кичик бўлса-да, лекин Тоҳаристон қамровидаги бошқа мулклар (Кубодиён, Ҳаморавон, Шумон) билан барабарлашарди.

Шаҳарнинг қадимда ва илк ўрта асрда барпо этилган кўпгина қисмлари ривожланган ўрта асрда ҳам мавжуд мавқеини сақлаб қолган. Жумладан, шаҳарнинг истеҳком қисми — Оқмозортепа ва Дунётепа.

Шундай қилиб, Будрач шаҳри ўрнида илк қадимги даврдаги шаҳар билан нисбатан кейинги даврдаги шаҳар орасида узвий боғланиш мавжуд, дейиш мумкин, бу эса муҳим тарихий аҳамиятга эга. Бироқ, ривожланган ўрта асрда шаҳарнинг алоҳида қисмлари (арк, шаҳристон, работ) янада аниқроқ, мукамалроқ шаклланиб улгуради уларнинг ички тузилиши ва мазмуни анча ўзгаради.

Ўрта Осиёнинг кўпгина ўрта аср шаҳарлари каби, Чағониён—Будрач ҳам уч асосий қисмдан, арк (қалъа), шаҳристон (шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисми) ва работ (шаҳар атрофи)дан иборат бўлган. Кенг майдондаги шаҳристон 51 гектарни эгаллаган, унинг атрофи девор билан, шунингдек, чуқур ва кенг хандақ билан ўралган, шаҳарнинг чегарасини ана шу девор ва хандақ қолдиқларига қарабгина аниқлаш мумкин бўлди.

Шаҳристоннинг жануби-шарқий бурчагида мустаҳкам қалъа (Оқмозортепа) жойлашган бўлиб, унинг Кушонлар даврида қурилган деворлари шунчалик бақувват бўлганки, ўрта асрда уни бир оз тиклаганлар холос. Ҳозир дўнгликнинг баландлиги 17,5 метрга етади. Қалъанинг гуркираб-яшнаган даврида унинг қанчалик мустаҳкам бўлганлиги шундан ҳам маълум. Ривожланган ўрта асрда Дунётепада сарой маъмурий мажмуаси—маҳаллий ҳукмронлар — Мужоҳийлар сулоласидан бўлган амирлар қароргоҳи жойлашган бўлса керак. Дунётепанинг ҳозирча озроқ қисми қазиб-текшириб кўрилган бўлишига қарамай, бу қазилмаларнинг ўзиёқ ажойиб натижалар берди. Қароргоҳ ўртасида катта ҳовуз бўлиб, унинг атрофида пишиқ гиштдан қурилган меъморчилик иншоотлари қад кўтариб турган. Бир неча иморатлар ичидан кўк, сариқ ва қизил рангдаги нақшинкор ва битикли сувоқларнинг қулаб тушган катта-катта бўлаклари топилди. Будрач шаҳристонининг айрим қисмларида ҳунармандлар (кулоллар, темирчилар, шишадамгарлар, чилангарлар, заргарлар) маҳаллалари ўрин олган эди. Ўртароқда чиройли мачит бўлган ва бу мачит ҳақида ўрта аср араб жуғрофлари ёзиб қолдирганлар.

Работ кенг майдонни — 4 квадрат километр жойни эгаллаган. У ғарб томондан Заҳартепага туташган ва у ерда ҳам бинолар бўлган, жанубдан

Қизилсувнинг ўнг соҳилидан бир қисмини эгаллаган. Шаҳарнинг работ қисмида дарёнинг чап соҳили билан ўнг соҳилини туташтирувчи XV асрда пишиқ ғишдан қурилган кўприкнинг асос (таг) қисми ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Аммо бу жойда олдин ҳам бундай иншоотлар бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Қизилсувнинг тик қирғоғида поғонадор шаклдаги ғалати бир иншоот қолдиғи топилди. Бу дарёда сувнинг кўтарилиши ва тушишини ўлчаб турадиган махсус қурилма қолдиғи бўлиб, ҳозиргача Ўрта Осиёда бундай иншоот топилмаган эди.

Работ айниқса X — XI асрларда шимоли-шарқий томонларга тез суръат билан кенгайиб борган, аммо бу ерларда унинг чегараси аниқ эмас, чунки работнинг катта қисмини ҳозирги вақтда қишлоқ эгаллаган.

Мўғуллар истилосидан сўнг шаҳристоннинг деярли бутун худуди ташландиқ ҳолга келган. Қалъа эса XV асрда қабристонга айлантирилган, бу ерда ғишдан ишланган сағаналар барпо этилган. Эҳтимол, шундан кейин қалъа ўрни Оқмозортепа деб атала бошлаган бўлса керак. Аммо шаҳар ҳали бутунлай йўқ бўлиб кетмаган эди. В.В.Бартольднинг фанда кенг тарқалган “Чағониён бу вақтда бутунлай йўқ бўлиб кетган эди”, — деган фикрига қарама-қарши ўлароқ, биз шаҳарнинг яна қайта қад кўтарганини, аммо янги жойда, работ қисмида мавжуд бўлганини аниқладик. Бу жойда қалинлиги 4 метр бўлган 1 квадрат километрлик майдонда XIV — XV асрларга оид қатлам қайд этилди, у ердан ўша давр тангалари, жумладан, хазиналар, сополлар, ғишлар чиқди. Топилмалар Ғишли деган жойда айниқса жуда кўп бўлиб, турли хил ғишт парчалари ҳар қадамда сочилиб ётарди. XVI аср бошида Чағониённи Шайбонийхон қўшинлари босиб олгандан кейин шаҳар бутунлай вайронага айланган бўлса керак. Вилоят маркази Қизилсув дарёси бўйлаб 6 километр юқорига—Деҳинав (Янги Қишлоқ—ҳозирги Денов) ўрнига кўчади ва бу ҳақда дастлабки маълумотлар XVI аср охирларига тўғри келади. XVII аср бошларида Деҳинав мустаҳкам қўрғони, ажойиб бозори, катта мадраса ва хонақоси бўлган йирик шаҳар бўлиб шаклланади.

Будрач шаҳри харобаларини қазиш ва у ердан чиққан нарсаларни тўплаш жараёнида бу шаҳарнинг милоднинг дастлабки асрларидан бошлаб сўнгги ўрта асрларгача кечган даврдаги моддий ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи турли-туман ашёлар топилди. Кушонлар даври ашёлари орасида қиздириб пишитилган сопол ҳайкалчалар эътиборга моликдир. Улардан бирида тик турган эркак киши (ҳайкалчаланинг боши сақланмаган) тасвирланган, у кушонларга хос тиззагача тушиб турган чакмон кийган ва китобга ўхшаш бир нарсани кўкрагига босиб турибди. Бошқа ҳайкалчалар ҳам бор, масалан, юмалоқ юзли ва бодомқовоқ аёл тимсолини акс эттирувчи ҳайкалча, бошидаги тожининг гардишига нақшланган ярим ой рамзидан уни ой худоси дейиш мумкин.

Илк ўрта аср топилмалари орасида VI—VIII асрларга оид тангалар

якши сақланган. Улардан ташқари 400 тача танга тўпланган хазина ҳам топилди. Хазинадан Сосоний подшоҳлар Феруз (454 — 484) ва Хусрав I Анушервон (531—579) кумуш тангалари топилди. Аммо хазинанинг асосий қисмини Хусрав I тангаларига тақлид қилиб ишланган маҳаллий Чағониён тангалари ташкил этади. Кўпчилик тангаларда қуйма зарблар мавжуд, аммо уларда баъзи фарқлар бор: Феруз тангаларида “тамға”, суғд ва бақтрий ёзувлари, маҳаллий ҳокимнинг даражаси зарб этилган. Хусрав I тангаларида эса, маҳаллий ҳокимликларнинг даражаси билан бирга исми илова қилинган. Бу исмлар бақтрий ётиқ ёзуви (курсив) бўлишига қарамай, биз В.А.Лившиц билан бирга айрим исмларни аниқладик: Сашроҳидев, Зариноҳидев ва Ҳнароҳидев.

Бу тангалардан кўплари ҳозиргача фанда маълум бўлмаган ва нодир саналади. Топилмалар Чағониённинг сиёсий тарихи ва ундаги товар-пул муносаблари тараққиёти борасида мутлақо янги маълумотлар беради.

Будрач шаҳри харобаларидан ҳаммаси бўлиб мингга яқин шундай танга топилди, булар мазкур шаҳарнинг ўз даврида муҳим ўрин эгаллаганининг далилидир.

Чағониёнда мис тангалар зарб эта бошлаганларидан кейин, унинг олд томонида ҳуқумдорнинг кўкрагидан юқори қисми акс этирилиб, орқа томонида эса, Чағониён ҳокимлари сулоласининг тамғаси зарб қилинган. Тангаларда улар анчагина битиксиз, яъни ҳеч қандай ёзув бўлмаган, лекин уларнинг ичида жуда мураккаб қия бақтрия ёзуви билан зарб этилган битга ноёб танга ҳам бор эди, уни ҳозирча ўқий олмадик. Будрач шаҳри харобалари ўрнида ва Чағониённинг бошқа шунга ўхшаш археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар бу вилоятнинг қадимда Эрон, Тоҳаристон, Суғд, Уструшана, Хитой ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан мунтазам савдо ва маданий алоқалари мавжудлигидан далолат беради. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда то VIII аср, яъни араблар истилоси давригача бақтрия ёзуви қўлланиб келинган. Ваҳоланки, Тоҳаристоннинг бошқа вилоятларида бу ёзув ўрнини суғд ёзуви эгаллаган эди.

Шаҳар харобаларидан топилган ривожланган ўрта асрлар моддий ва бадиий маданиятини акс этирувчи ашёлар ниҳоятда кўп ва турлича эди. Улардан юқори сифатли сир-бўёқли, нақшинкор сирланган сополларни алоҳида қайд этмоқ лозим бўлади.

IX — X асрларда шаффоф кулранг сирли ва оқ таглик устига ярим сирли, қора нақш ишланган сопол буюмлар кенг тарқалган эди. Ундаги безакларнинг ўзига хослиги — турли нақшлар (ўсимлик ёки геометрик шакллар тасвири, шунингдек турли хил арабча ёзувлар) туширилганлигидир. Улардан баъзиларининг мазмуни саховат ва билимни мадҳ этувчи эзгу истак ва ҳикматлардан иборат. Баъзан турли фантастик мавжу-

дотлар — қушлар ва ҳайвонларга сифинишни англатувчи рамзий тасвирлар ҳам учрайди. Сирланган сопол буюмлар орасида ички юзасида яшилтоб тублик (фон)да оқ каптар тасвирланган коса туби эътиборни тортиб туради.

Милоднинг XI—XII асрларида чуқур мазмунли лавҳалар деярли йўқ, улар ўрнини эпиграфик нақшлар эгаллайди. Айни пайтда мураккаб геометрик чизмалар ва ўсимлик тасвирлари ҳам кенг қўламда сақланиб қолиб, расмлардаги ранг-баранглик ортиб боради. Чағониён кулларини хилма-хил шакллар билан ажралиб турувчи сирланмаган сопол буюмлар тайёрлашда ҳам устасифаранг бўлишган. Қолипга солиб нақш туширилган хушбўй ёғ солишга мўлжалланган “симоб кўзача” деб аталувчи идишлар ҳам жуда ажойиб. Сопол чироқлар ижроси ва шакли жиҳатидан турли-тумандир. Сирланмайдиган сопол буюмларга нақш тушириш учун яхши пиширилган лойдан тайёрланган қолиплардан фойдаланилган. Улар кўпинча цилиндрсимон (ғўла шаклида) бўлиб, ёнбошига бирор-бир расм солинган. Уста кулол турли хил нақшли қолиплардан фойдаланиб, идишларда беқиёс ифодалилиги ва мукамаллиги билан ажралиб турувчи санъатни ифодалаган.

Чағониён усталари металл буюмлар тайёрлашда ҳам юксак маҳоратга эришганлар. Улар идиш дасталарига турли-туман қуш ва ҳайвонлар тасвирини ўйиб ишлаганлар. Унга ўсимлик расмлари ва геометрик шакллар чизмаларини илова қилганлар. Йўлбарс боши кўринишидаги бронза чилимнинг юқори қисми жуда ажойиб ишланган. Бундай чилимлар дунёнинг бир қатор музейларида бор ва улар XI — XII асрларга оиддир. Биз топган чилим Чағониённинг ўзида ишланган бўлиши мумкин, чунки бу хилдаги чилимлар Хуросон-Ироқ усталари томонидан ясалган, дейилади. Яна бир ажойиб санъат асари — бу қанотларини кенг ёйиб турган бургутнинг бронзадан ишланган ҳайкали бўлиб, жуда ноёб топилмадир.

Шаҳарнинг ўзида қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлган. Дунётепа қазилганда ёй ўқи учлари, қилич синиқлари, темирдан ишланган салмоқли чўқмор — гурзилар топилди.

Шаҳарда заргарлик ҳунармандчилиги ҳам яхши ривожланган. Заргарлар турли хил тошлардан чиройли мунчоқлар, нафис узуклар ва сирғалар тайёрлаганлар. Бу жойдан заргарлик буюмлари билан бирга, безакларнинг турли қисмини қуйиш учун мўлжалланган тош ва металлдан тайёрланган қолиплар ҳам топилди.

Мазкур жойдан топилган нарсаларнинг ҳаммасини муфассал шарҳлашнинг иложи йўқ. Бироқ, шу қисқа баённинг ўзидан ҳам Чағониён шаҳрининг моддий ва бадий маданияти юксак даражада бўлганлиги аниқ кўриниб турибди. Бу бой маданият маҳаллий асосларда қадимги Бақтрия ва Тоҳаристон анъаналарида шаклланиб, ривожланган ўрта

аср даврида Ўрта Осиё ва Шарқ маданиятининг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Шунинг учун ҳам Будрач шаҳри харобаларидан топилган кўпгина ашёлар бир томондан бошқа вилоятлар ва шаҳарлардан топилган ашёларга ўхшаш бўлса, айрим жиҳатлари ўзига хослиги ва қадимийлиги билан ажралиб туради.

Булутларга туташ мозорот. 1979 йил ёзида Боботог этагидан канал қазиш вақтида қадимий қабрлар очилди. Бу қабристондаги топилмалар ўзига хос ажойиб кўмиш маросими ашёлари жамланмаси бўлган мозорот ва унга ўхшаш бу вилоятда ҳали учрамаганлигидан дарак берарди. Ҳозир бу қабристон фанда у жойлашган ернинг махсус номи билан Биттепа (афтидан бу ном “битик” — “ёзув” сўзидан келиб чиққан бўлса керак) деб юритилади.

1979 йилнинг ноябрь ойи кунлари мазкур қабристондан қазишма ишларини олиб боришга киришган бизнинг уч кишидан иборат кичкина гуруҳимиз учун анча машаққатли кечди. Ўн кун давомида эрта тонгдан то қуёш ботгунга қадар биз қабристонда қазиш ишлари олиб бордик.

Бу қабристон ўзи нималардан иборат ва уни ўрганишнинг илмий натижалари қандай бўлди, — деган савол туғилади. Мозорот бир бўлмали сағаналардан ташкил топган бўлиб, бу сағаналар сойлик тубидан 15-20 метр баландликдаги қумтепага ковлаб жойлаштирилган эди. Бу ерда оралиғи 4—6 метрдан қилиб ковланган жами еттита сағана топилди, улардан олтитаси бир хил баландликда, фақат биттаси 2 метр юқори-роқда жойлашган эди.

Ҳар бир сағана (эҳтимол муайян авлод хилхонасидир) квадрат (2,4x2,4 м, 3,3x3,3 м.), тўғри тўртбурчакли (1,8x2м, 2,3-4,9м) ёки хочсимон бўшлиқдан иборат бўлиб, унинг шипи 1,3—1,9 метр баландликда текис, куббасимон ёки ярим доира шаклида эди. Сағанага тор ва узун, баландлиги 1,0—1,2 метр гумбазсимон кириш йўлаклар олиб борарди. Йўлакнинг ўрта қисмида кичкина тоқчалар бўлиб, унда ёғоч тўсин қолдиқлари сақланиб қолган. Кириш йўлагига 52x26x10 сантиметр катталикдаги тўртбурчак хом гишт ёки тош ётқизилган. Сағаналардан ҳар бирида 10 тадан 18 тагача майит қўйилган. У ердан ҳар хил ашёлардан ясалган мунчоқлар, буғу тасвири туширилган чақмоқтош (халцедон) дан ишланган тамғача, бронза сирғалар, қўнғироқчалар, темир ва бронза тўқалар, уч патли камон ўқининг учлари, темир пичоқлар, чақмоқтошдан ўт чиқарадиган пўлат парчаси, бронза узуклар (улардан бирининг кўзига ит тасвири ўйиб туширилган), шунингдек, бир дастали тор бўғизли кўзача шаклидаги бронза шокила ва бошқа ашёлар топилди.

Ноёб топилмалар орасида қўлида қанотларини ёйиб турган катта қушни ушлаган санам (бут) шаклидаги бронза шокила ва лойдан ишланган бутнинг боши ҳам бор эди. Шунингдек, қизил рангга бўялган пахта ва ипак матолар ҳам учрайди.

Топилган 15 дона кумуш ва мис тангалар (уларнинг бир қисми дафн этилганларнинг оғзидан олинди) орасида Феруз (459 — 484) зарб қилган тангага ўхшашлари, Хусрав I Анушервоннинг (531 — 579) учта ҳукмдорнинг бош қисми туширилган тангалари, Хўрмузд IV (590 — 628) тангалари, Урк Варгармукнинг квадрат шаклида тешиги бўлган сўғд тангаси, подшоҳ ва маликанинг қўшалок тасвири ўйилган “турк-суғд” тангаси услубида зарб этилган Чағониён тангалари (лекин бу Сағониён тангасининг орқа томонига бошқача “тамға” босилган, гардишида курсив (қийшиқ) бақтр ёзувида ҳукмдор номи битилган) бор эди. Бу тангалар гўристоннинг майитлар қўйилган даври милоднинг VII — VIII асрига тўғри келишини аниқлашга имкон берди. Ўрта Осиёда бу даврга хос қабристонлардан жуда кўпи маълум. Аммо бу қабристоннинг ўзига хос томони бор. Қояликда ўйиб ишланган шу хилдаги қабристон қадимий Уструшана вилоятида ва Қуруқат деган жойда (ҳозирги Шимолий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ҳудудларида) топилган. Бироқ, фақат шу икки жойдагина топилган бу ноёб қабристонлар хилхоналарининг топографик хусусияти ва тузилиши жиҳатидан анчагина ўхшашликларга эга бўлишига қарамай, улардаги дафн этиш усуллари ҳамда дафн ашёлари туркумида муайян фарқлар ҳам мавжуд. Биттепа қабристони хилхоналари ҳар хил яратилган: тўғри тўртбурчак, квадрат, хочсимон, орқа девори нишаб тўғри тўртбурчак шаклларда.

Қуруқат қабристони хилхоналари эса фақат бир хил: орқа ён девори нишаб тўғри тўртбурчак тарзда тузилган ва унда узун баланд кириш йўллари мавжуд эмас.

Улардаги дафн усуллари ҳам ҳар хил: Қуруқат қабристониде суяклар олдиндан тозаланган ҳолатда, тўплаб хумларга ва шундай катта сопол идиш (оссуарий)ларга солиб кўмилган. Биттепа хилхоналарида эса мурдалар чалқанча ётқизилган. Дафн ашёлари ҳам уларда ҳар хил.

Биттепа қабристонидан дафн маросимида оид муҳим маълумотлар олса бўлади. Унинг ўзига хос томони — сопол идишларнинг бутунлай учрамаслигидир. Уларнинг ўрнига ёғоч идишлар ишлатилган деб тахмин қиладиган бўлсак, бироқ ёғоч идишлар қолдиғи ҳам йўқ. Ёғоч шунча вақт сақланмаган бўлиши мумкин, деб ҳам бўлмайди, чунки Биттепа қабристониде ёғочдан ишланган кичкина қутича жуда яхши сақланиб қолган. Шундай қилиб, қабрларда идишларга овқат ва сув солиб қўйиш одатидан воз кечиш, кўпроқ дафн маросимидаги қандайдир ўзгариш билан боғлиқ бўлиб чиқади. Бронза давридан бошлаб чағониёнликлар марҳумларга ғамхўрлик тариқасида уларнинг қабрига овқат ва сув солинган кўплаб идишлар қўйиб келган бўлсалар, энди уларнинг нариги дунёдаги ҳаёти борасида тасаввурларида янги ўзгариш бўлган кўринади. Яъни нариги дунёда инсонга овқат керак эмас, деб ҳисоб-

лайдиган бўлишган. Қадимий қабрларда атаб сўйилган ҳайвон гўшти солинган таомлар қолдиқлари — қўй суяклари, баъзан қорамол суяклари ҳам чиқарди. Чағониёндаги илк ўрта аср қабристонларидан эса сиғинув ва ўйин ашёларидан бошқа бирорта ҳам ҳайвон суяги топилмади. Айрим қабрларга турли хилдаги дон қўйилгани аниқланди.

Бинобарин, бу ҳолни умуман овқатдан воз кечиш эмас, балки биринчи навбатда гўштли таомдан воз кечиш, деб изоҳламоқ лозим бўлади. Қизиғи шундаки, айнан монийлик динининг бош шартларидан бири гўштли овқатни тақиқлаш бўлган ва бу динга сиғинувчилар ва унинг ихлосмандлари ўсимликдан тайёрланган овқатнигина истеъмол қилишлари лозим эди.

Монийлик ҳақида бир неча сўз. Бу диний-фалсафий таълимот милоднинг III асри охирида Эронда юзага келган. Унинг асосчиси Моний.

Монийнинг “жаҳон дини” асосини дуалистик дунёқараш ташкил этади ва унда олам ўзаро доимий курашда бўлган икки бошланишдан— ёруғлик ва қоронғуликдан иборат деган тушунча акс этган. Ҳар бир ҳақиқий монийчининг вазифаси жонни ёмон иллатлардан қутқозишдан иборатдир, бунга эса ахлоқий баркамоллик йўли билангина эришиш мумкин бўлади. Моний ҳаётлиги давридаёқ яхши йўлга қўйилган тарғибот туфайли монийлик дини фақат Эрондагина эмас, балки Месопотомия, Кичик Осиё, Римга ҳам кенг ёйилади, Шарққа ва Ўрта Осиёга кириб келади. Монийнинг ўзи: “менинг диним ҳар бир мамлакатда, ҳар қандай тилда ҳам тушунарли бўлади ҳамда мамлакатларга ёйилади”, — деб таъкидлаган.

Моний таълимотининг муваффақиятлари, ундаги айрим ижтимоий норозилик жиҳатлари, улар қанчалик суст бўлмасин, Эроннинг ҳукмрон доиралари ва зардуштлиқ қоҳинларини ҳавотирга солмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам сосонийларнинг Шопурдан кейинги шоҳи Вараҳрон I давридаёқ Моний қамоққа олинади ва қатл этилади, монийлик дини тарафдорлари эса қаттиқ таъқиб остига олинадилар. Монийлик динидагилар оммавий тарзда Ўрта Осиё ва жанубий Туркистонга кўчиб ўтадилар ва янги жойда ўрнашиб қоладилар. Маълумки, монийлик дини турк қабилалари орасида ҳам кенг тарқалган, уйғур хони эса милоднинг VIII асрида монийликни ўз давлатининг ҳукмрон динига айлантиради. Айнан Шарқий Туркистонда монийлик динига оид, жумладан, туркий тилда ёзилган кўплаб асарлар топилган.

Монийлик дини айниқса, Чағониёнда кучли мавқени эгаллаган, Чағониён шоҳи 719 йили Хитой ҳукмдори ҳузурига монийлик таълимоти бўйича устод (буюк мошо)ни элчи ва дин тарғиботчиси сифатида йўллайди. “Бу киши катта тажрибага эга бўлган мунажжим ҳамда теран донишманд эрур “ ва жавоб бера олмайдиган бирорта савол мавжуд эмас”, — деб ёзиб юборади Чағониён шоҳи. Шоҳ шунингдек, бу устоз-

га ўз дини ақидаларига кўра тоат-ибодат қиладиган бир ибодатхона қуриб олиши учун имконият берилишини ҳам сўраган.

Буларнинг ҳаммаси Чағониёнда монийлик нафақат расмий тан олинган дин, балки ҳукмрон дин ҳам бўлганлигидан далолат беради. Бу бо-рада Афросиёбда қазиб очилган бинолардан бирининг деворидаги расм — безак тагида ёзилган суғдча лавҳа диққатга сазовордир (бу лавҳа Лившиц томонидан ўқилган). Унда Самарқанд шоҳи Варҳумон ҳузурига Чағониён шоҳи Туронтош номидан элчилар юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Суғд пойтахти (Самарқанд)га келган чағониён-ликлар Самарқанд аҳолиси орасида ўз диний эътиқодларини жорий этмайдилар ва тарғиб қилмайдилар, дейилган. Бунда монийлик назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, икки далил — қабрларда вафот этганлар жони учун гўштлик овқат қўйилмаганлиги ҳамда Чағониёнда сўзсиз монийлик мавжуд бўлганлиги далиллари биз очган қабристон мазкур дин ихлос-мандларидан қолганлигини кўрсатиб турибди.

Монийчиларда, хусусан монийлик дини мустаҳкамланган жойлар— Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда узил-кесил таркиб топган дафн маросимлари мавжуд бўлмаган кўринади. Бу дин ихлосмандлари мазкур вилоятларда олдиндан мавжуд бўлиб келган дафн удумларига ўз динлари талаблари асосида бирмунча ўзгартиришлар кирита олганлар, холос. Бу динга янгидан қабул қилинганлар эса дафн маросимларига маҳаллий, илгаридан шу жойларда қўлланиб келинган урф-одатлар ва эътиқодларни сингдириб борганлар.

Бу жиҳатдан Чағониённинг илк ўрта аср дафн маросимларида ёрқин ифодаланган, яъни маросимларга муайян янгилик киритилгани ҳолда, айни пайтда уларда қадимги дафн удумлари ҳам ёрқин намоён бўлиб туради. Хусусан, Биттепа қабристонидан чиққан кўпгина суяклардаги оғиз, юрак ва қўл ўрнидан кумуш тангалар топилди. Бу Ўрта Осиёда милоддан олдинги асрлардаёқ қўлланган жуда қадимги одат бўлиб, уни ўша пайтда келиб қолган юнонлар олиб келган бўлиши мумкин. Археологлар тилида бу одат “Хорун обол” (танга пули) ёки “Хорунга тўлов” номини олган. Бу ном қадимий афсонавий шахс номи бўлиб, у ўлганлар жонини ер ости Стикс дарёсидан нариги дунё — Аид дунёсига олиб ўтган. Юнон манбаларига кўра, жони нариги дунёга ўтказиб қўйилганлиги учун Хорунга икки обол (кумуш танга), кўпинча бир обол тўлаш керак бўларкан ва у ўликнинг тишлари орасига жойлаштириб қўйилган.

Бу одатнинг бошқа бир мазмун-моҳияти ҳам эҳтимолга жуда яқин. Хусусан, Биттепа қабристонидан бир нечта танга юрак ўрнида топилганлиги баъзи халқларда мавжуд одат, яъни ўликнинг қабридан чиқишига халақит бериш мақсадида унинг юраги устига тош қўйиш одати

билан боғлиқ дейиш мумкин. Баъзи бир тангалар гўрнинг турли жойида ётарди. Бу ҳолатни бошқача дафн маросимига тегишли ашё деб ҳисоблаш лозим бўлади. Яъни марҳумнинг гўё нариги дунёда яшаши учун зарур бўладиган одатдаги нарсалар, деб қарамоқ тўғрироқ бўлар. Шунингдек, бу ҳолат ер юзида яшовчи кишиларнинг ўлганларга улардан қўрққанлари эвазига берган тўловларини билдириши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Этнографлар Ўрта Осиё халқлари орасида яқин вақтларгача танга билан боғлиқ турли хил ақидалар бўлганлигини аниқлаганлар. Янги қурилатган уй мустақкам бўлиши учун унинг пойдеворида танга қўйишган, аслида эса бу одат — ер руҳига садақа қилишдан иборат энг қадим замонлардан келатган ақидаларнинг акс-садосидир, янги турмуш қураётганларга бахт-саодат тилаб бошидан танга сочишган. Тангалар қудратли ғайри табиий мавжудот устидан ҳукмронлик қилишга қодир бўлган мўъжизакор тумор ҳам ҳисобланган. Улар кўпинча маржонлар шодасида бало-қазолардан асрайдиган нарса вазифасини ўтаган. Кумуш танганинг мўъжизакор кучига бўлган ишонч туфайли, идишга сув солиб, унга кумуш танга ташлаб қўйиш одати келиб чиққан. Бу сувдан болага ичирилса, у турли иллатлардан халос бўлади, деб билганлар. Кўп жойларда ҳозир ҳам “Ҳорунга тўлов” удумининг қолдиғи тариқасида мазоротга пул ажратиб бериш одати сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Танга даволовчи сеҳр сифатида ҳам фойдаланилган. Оғриқни тўхтатиш ёки камайтиш учун кумуш тангани касал жойга сурса кифоя эмиш.

Кўпгина урф-одатлар жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, авлодан-авлодга ўтиб бораркан, ўзининг дастлабки моҳиятини йўқотган, мозийдаги мазмунининг ташқи кўринишинигина сақлаб қолган холос. Бироқ уларни ўрганиш Ўрта Осиёнинг қадимги ва илк ўрта асрдаги қабрларда танга қўйиш удумининг туб моҳиятини тушунишга ёрдам беради, бу маъно ниҳоятда хилма-хил бўлган.

* * *

Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларини тадқиқ этиш мазкур ҳудуднинг қадимий тарих ва маданиятини ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. Бирмунча олдинроқ Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари археологик ёдгорликлари харитаси тузиб чиқилган эди. Юзлаб қадимий жойлар — йирик шаҳарлар, алоҳида қўрғонлар, қишлоқлар ва қалъалар аниқланди, уларни илмий ўрганиш фан учун жуда катта аҳамиятга эга.

Мустақилликдан олдин кўпинча қадимий турар жойлар ва шаҳар қолдиқларининг бузиб ташланганлиги ҳақида ташвишли хабарлар келиб турарди. Бу ёдгорликлардан бир хиллари йўқ қилиб юборилди, баъзан асрлар давомида қурилган ёдгорликларни қудратли техника бир

неча соат ичида вайрон қилиб суриб ташлади. Сурхон водийсида Қизилтепа — Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳар маркази ҳалокат ёқасида қолди. Худди шу ерда қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёнида миллоддан олдинги I аср бошларидаёқ асос солинган ажойиб Бандихон манзилгоҳи бузиб ташланди. Ҳозирги вақтда ўтмиш даврлар ёдгорликларини авайлаб асраш, ўтмишнинг ажойиб анъаларини сақлаб қолиш, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза этиш вазифаси қўйилди. Айни кунларда бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Э.В.РТВЕЛАДЗЕ

СУРХОНДАРЁНИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЁДГОРЛИКЛАРИ*

I. ЧАҒОНИЁН ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ ВОҚЕАЛАРИ (Ўрта асрлар)


Илк ўрта асрларда (миллоднинг V — VIII асрларида) Сурхондарё вилояти қадимий Бақтриянинг катта қисмини ўз қамровига олган йирик тарихий-маданий ҳудуд бўлган Тоҳаристон таркибига кирган. Тоҳаристон (тоҳарлар номидан келиб чиққан) жой номи сифатида дастлаб миллоднинг 383 йилига мансуб ёзма матнда қайд этилган. Шундан кейин бир неча юз йил бу топоним мавжуд бўлиб турган. VI—VIII асрларда Тоҳаристон кўплаб ҳокимликлардан иборат бўлиб, шулардан иккитаси: Да-ми (Термиз) ва Чи-о-Янь-на, ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида бўлган.

Термиз ҳозиргача шу атамадаги шаҳар номи билан аталиб келинади. Чағониён атамаси эса то XVII асргача манбаларда учраб келади ва ундан кейин бу ном қўлланмайди.

Ўрта асрларда бу вилоятларнинг тарихи мураккаб кечади ва ёзма манбаларда ниҳоятда қисқа ёритилган, шу сабабдан, тарихий маълумотлар нумизматик далиллар билан тўлдириб борилмоқда. Кушон давлатининг инқирозидан кейин бу ҳудуд III—IV асрларда Сосонийлар давлати мулклари таркибига қиради.

V асрнинг биринчи чорагида Амударёдан шимолдаги вилоятларни хионит кўчманчи қабилалари сосонийлардан тортиб олишади. V асрнинг биринчи ярми охирида сосоний Яздигард II Тоҳаристон вилоятини яна босиб олади, аммо унинг бу жойдаги ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди. Сиёсат майдонига эфталитлар чиқади.

* З.А.Аршговская, Э.В.Ртвеладзе, З.А.Хакимов. “Средневековые памятники Сурхандарьи. (Т.,—1982) китобидан танлаб таржима қилинди. Академик Э.В.Ртвеладзенинг ёзма маълумотига кўра, Чағониёнга доир таржима қилинган қисмлар муаллифи унинг ўзи.



Ўзбекистон жанубининг милоднинг VI асри сиёсий тарихи воқеалари ёзма манбаларда етарли даражада ёритилмаган. Ад-Диноварий маълумотларига кўра, сосоний Хусрав I Анушервон (531—579) эфталитлар мамлакатига қўшин юбориб, Тоҳаристон, Кобулистон ва Чағониённи эгаллаб олади, бироқ бу юришнинг аниқ санаси маълум эмас. Фирдавсий келтирган маълумотга кўра, турклар Бухоро яқинида эфталитларни тор-мор қилгандан сўнг, 563 ва 567 йиллар оралиғида Эфталитлардан бир қисми жанубга, Чағониёнга қочади, ўзларининг ҳалок бўлган бошлиқлари Гатифар ўрнига эфталит Фағонишни Чағониён ҳукмдори қилиб кўтардилар. Фағониш туркларга қарши курашда ҳимоя олиш мақсадида Хусрав I Анушервонга бўйсунди. Турк хоқони Истеми ва Хусрав I Анушервон орасида тузилган шартномага кўра Хусрав I Анушервон 571 йили Чағониённи ва эфталитларга қарам бўлган бошқа жойларни олади.

Шу тариқа, Чағониён деярли етмиш йил эфталитлар давлати таркибида бўлди. Чағониён Эфталитлар давлати таркибида ҳам, Сосонийлар давлатига кирганда ҳам муайян даражада мустақил бўлган. Қизиғи шундаки, Хусрав Анушервон эгаллаган ўша вақтдаги барча Бақтрия вилоятлари орасида ад-Диноварий фақат Тоҳаристон ва Чағониённи кўрсатиб ўтади.

Ўзбекистон жанубининг эфталитларга бўйсунганлигини Пероз тангаларига тақлидан ясалган эфталит тангаларининг Термиз, Хайрободтепа, Қулуғшоҳтепа, Будрач ва Далварзинтепадан, яъни Сурхондарёнинг барча худудидан топилганлиги ҳам тасдиқлайди.

Бирмунча кейинроқ, аниқроғи VII аср — VIII аср биринчи ярмида Чағониёнда Чочнинг туркий ҳокими ва Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари ҳукмдорлари тангаларига тақлидан тангалар зарб қилинган. Бу тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орқа томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган. Сосонийлар зарб қилган тангаларга тақлидан яратилган олдинги тангалар билан Чочнинг туркий ҳукмдорлари тангаларига тақлид қилиб зарб этилган мазкур тангаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилишига асосланиб, Чағониёнда VII асрнинг биринчи ярмида ҳукмдор сулолалар алмашуви содир бўлган ва олдин ҳукм суриб келган эфталитлар сулоласи ўрнига бу ерда ҳокимиятга туркий сулола келган, дейиш мумкин. Аммо бошқа бир тахмин — Чағонхудотларнинг эски сулоласи ўз мавқеларини сақлаб қолган ҳолда, энди сосонийларга эмас, балки 589 йилда Тоҳаристонга кириб келган туркларга мослашиб олган, деган тахмин ҳам бор. Чунки турклар бир неча марта Тоҳаристонга бостириб келганлар.

Қоон Тун Ёбғу даврида (618—630) Тоҳаристон узил-кесил туркларга қарам бўлди. Туркий қабилалар Тоҳаристонга, айниқса, унинг шимолий қисмига қўшлаб кириб борган.

VII аср ўрталарида араблар Хуросонни босиб олгач, Марвда ўрнашиб оладилар ва у ерда Тоҳаристонга босқинчилик қилиб турадилар. 651 йилги жангда сағониён (чағониён)ликлар ҳам қатнашганлар: бу урушда араб саркардаси билан Сағониён шоҳининг яккама-якка олишуви бўлган.

Араблар Абдул Малик халифалиги (685—705) давридагина Мовароуннаҳрни режали тарзда босиб олишга киришдилар. 705 йил Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим Ўрта Осиёга ўзининг босқинчилик юришларини бошлади. Мамлакатнинг тарқоқлиги ҳамда маҳаллий ҳукмронлар ва феодалларнинг доимий ўзаро низолари бу юришларнинг муваффақиятли тугашига имкон яратди.

Бироқ ҳали араблар шу вақтдан бошлаб Чағониёнга мустаҳкам ўрнашиб олишган ва ислом бу жойда ҳукмрон дин бўлиб қолган деб бўлмайти. Чунки вилоятда амалдаги ҳокимият бу ерда камида юз йилдан буён ҳукмронлик қилиб келган Чағонхудоотлар қўлида эди. Айни пайтда, арабларнинг Ўрта Осиёдаги бошқа вилоятлар ҳукумдорлари билан олиб борган урушларида чағонхудоотлар арабларга кўмак ҳам берганлар.

Чағониён Тоҳаристонда нисбатан йирик ва қудратли вилоятлардан саналган ва унинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз ҳукмрон сулоласи бор эди. Унинг ҳукмдорларидан бири — Тиш кейинчалик олий Ябғу — Тоҳаристон ҳукмдори бўлади. Чағониён худудида кўплаб қишлоқлар, йирик шаҳарлар бўлган, ўз пулини зарб қилиб чиқарган. Бу вилоят шоҳлари бошқа давлатлар билан дипломатик, диний ва сулолавий алоқалар ўрнатганлар. Масалан, Афросиёб саройидаги деворий ёзувларда таъкидланишича, В.А.Лившиц ўқиганига қараганда, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандни бошқарган шоҳ Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори номидан элчи келган ва у совға-саломлар билан бирга келин ҳам олиб келган экан. 719 йили Чағонхудоот Тиш ҳузуридан Хитойга монийлик динининг йирик намояндаси буюк Мо-жо бошчилигида элчи юборилган.

Чағонхудоотлар сулоласи қачон тугаганлиги ҳозирча маълум эмас, афтидан, бу ҳодиса IX аср биринчи ярмида содир бўлган бўлса керак, чунки Чағонхудоотлар ҳақида VIII аср охиридаги ёзма манбаларда ҳам эслатиб ўтилади. IX аср охириги чорагида эса бу жойларни Муҳтожийлар сулоласидан бўлган амирлар бошқарган. Чағониён ва Термизнинг IX асрдаги сиёсий тарихи етарли даражада маълум эмас. Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари сингари, Чағониён ва Термиз ҳам 821 йили Тоҳарийлар ҳокимиятига бўйсунган бўлса керак. Ҳижрий 211 (милодий 826) йилда Абдулла ибн Тоҳарий даврида тузилган солиқ рўйхатида кўра, Чағониён тўлайдиган хирож 48500 дирҳамни, Термиз тўлайдиган хирож 48100 дирҳамни тапшил этган, иккала вилоят бир бўлиб тоҳарийлар хазинасига 96600 дирҳам тўлашган. Бу миқдор машҳур қумуш конлари бўлган Шошнинг солиғидан анча кам бўлса-да, бироқ Насаф,

Уструшана солиқларидан кўп, Кеш ва Хўжанддан тушадиган солиқлар билан деярли тенг эди.

IX аср II ярмидан бошлаб Чағониёнда Муҳтожийлар сулоласи қарор топади, бу сулола номи унинг асосчиси Ал-Муҳтож исми билан боғлиқ.

IX аср охирида Ўзбекистоннинг жануби Исмоил Сомоний тузган (892 — 907) қудратли Сомонийлар давлати таркибига қўшиб олинади. Бироқ бу ерда ҳокимият амалда ўша вақтда ниҳоятда кучайган Муҳтожийларнинг Чағониён сулоласи қўлида қолади. Улар аста-секин ҳозирги Сурхондарё вилояти ерлари ва унга туташ ҳудудларни ўзларига бўйсундириб оладилар. Чағониён ҳокимлари Хоразм ва Исфижоб ҳукмдорлари сингари Сомонийлар давлатида ниҳоятда қудратли мавқеда турардилар. Улар Сомонийларга солиқ эмас, балки рамзий тўғфалар юборишарди, холос. Сомонийлар давлатида 930 йилдан 939 йилгача энг муҳим маъмурий ва ҳарбий лавозим эгаллаган, яъни Хуросон ноиб бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Музаффар мазкур сулола қудратини янада оширади. Кейин шу лавозимга, унинг ўғли Абу Али Чағоний ўтиради ҳамда амалда Сомонийлар ҳокимиятини тан олмай, ҳатто мазкур сулоланинг ички ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлайди. Абу Алининг вафотидан (955) кейин ҳам Муҳтожийлар ўз куч-қудратини йўқотмайди, афтдан, улар X аср охири ёки XI аср бошларигача ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида ҳукмронлик қилган бўлишлари керак. Бу сулоладан баъзи бир ҳукмдорлар ўз пулларини — мис тангаларини зарб этиб чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ҳозирги пайтда Чағониёндан Муҳтожий Абу Мансур Наср ибн Аҳмад 365 ҳижрий (976 милодий) йилда ва Абулқосим Ҳасан ибн Аҳмад 377 ҳижрий (987—988 милодий) йилда зарб этган тангалар топилган. Муҳтожийлар сулоласи ҳукмронлик даврининг охири аниқланмаган. Ҳижрий 393—398 (милодий 1002—1008) йилларда Чағониёнда Музаффар Қиё номидан танга зарб этилгани маълум, эҳтимол у Муҳтожийлар сулоласидан бўлгандир.

XI аср бошида Сомонийлар давлати қулагандан кейин Чағониён ва Термиз икки давлат — Фазнавийлар ва Қорахонийлар давлатлари ўртасида талаш майдонига айланди. Фазнавийлар мулки ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисми ҳудудида жойлашган эди. Қорахонийлар эса Мовароуннаҳрни бошқарарди ва улар орасидаги шартномага кўра, ҳар икки давлат чегараси этиб Амударё белгиланган эди. Аммо Қорахонийлар бу аҳдномани кўп марталаб буздилар ва Фазнавийлар мулкига бир неча бор бостириб кирдилар. Фақат 1008 йил Балх яқинида Маҳмуд Фазнавий Қорахонийлар қўшинини бутунлай тор-мор келтириб, қириб ташлагандан кейингина уларнинг бу вилоятларга бостириб кириши барҳам топди. Шу билан бирга Термиз шаҳри ҳам Фазнавийлар мулкига киритилди.

Чағониёнда аҳвол бошқача эди. Фазнавийлар билан Қорахонийлар ўртасидаги доимий кураш шароитида бу чоғроқ вилоят ҳукмдорлари

усталик билан иш олиб бориб, муайян даража сиёсий мустақилликни сақлаб қолдилар. Ғазнавийларнинг қудратли давлати шунчалик яқин қўшни бўлишига қарамай, Чағониён амирлари Музаффар Қиё ҳамда Фахриддавла Аҳмад ибн Муҳаммад ўзларини Қорахонийларга тобе ҳисоблаганлар.

Чағониённинг ҳижрий 418 — 434 (милодий 1027 — 1043) йилларидаги сиёсий тарихини нумизматик маълумотлар анчагина тўлдиради. Ҳижрий 416 — 417 (милодий 1025 — 1027) йилларда Чағониён Қорахонийлар давлати таркибига кирган, аммо ҳижрий 418—430 (милодий 1027—1039) йилларда бу вилоят амалда мустақил мулк бўлган. Ҳижрий 424 — 430 (милодий 1032—1039) йилларда бу ерда зарб қилинган тангаларда фақат “Адолатли шоҳ Абулқосим” исми битилган. “Тарихи Масъудий” асарида бу шахс Чағониён амири ва Ғазнавийлар султони-нинг куёви сифатида эслатиб ўтилган.

Чағониён ҳижрий 430 (милодий 1038) йилда Қорахоний Бўритегин томонидан Қоратоғ дарёси юқори қисмида яшовчи турк қавми кумижийлар ёрдамида босиб олингандан кейин ўзининг сиёсий мустақиллигини йўқотди. Тангаларнинг гувоҳлик беришича, у Чағониённи ҳижрий 430 (1038 — 1039) йилдан 434 (1042 — 1043) йилгача бошқарган.

Термиз шаҳри эса XI асрда Ғазнавийлар томонидан махсус тайинланадиган кутвол бошқарувида ҳарбий қўшин турадиган қудратли истеҳкомга айлантирилган эди. Қорахонийлар Термизни эгаллаш учун жуда кўп марта уруниб кўрдилар, аммо ҳар гал бу урунишлари зое кетди. XI аср ўрталарида Термиз, шунингдек, Чағониён ҳам Салжуқийлар давлати таркибига киради. Бироқ Чағониён ҳокими Мусо Салжуқийларга бўйсуннишдан бўйин товлаганлиги сабабли, 456 ҳижрий (1063 милодий) йилда Салжуқийлар султони Алп Арслон Чағониёнга қарши қўшин тортишига тўғри келади. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Салжуқийлар қўшини Чағониён шаҳрига яқинлашган пайтда, амир Мусо кўп сонли жасур йигитлари билан баланд тоғ ён бағридаги кўрғонга чиқиб кетади. Бу кўрғон ҳозирги Сина қишлоғи ёнидаги Қизқўрғон деган жойга тўғри келса керак. Алп Арслон кўрғонни ишғол этиб, Мусони жазолагандан кейин бутун вилоятни ўзига қаратади ва шундан сўнггина Марвга қайтади.

Ҳижрий 458 (милодий 1065) йили Алп Арслон ўзига тобе ерларни мулк (иқто)ларга тақсимлаганда, Чағониён ва Тоҳаристон, шу жумладан, Термиз ҳам унинг биродари Илёсга тегишли бўлади.

Салжуқийлар салтанати XII аср иккинчи ярмида қулагандан кейин Термиз ва Чағониён туркий қабила Қарлуқлар мулки бўлиб қолади. XII асрнинг олтмишинчи йиллари ўрталари ва етмишинчи йилларда бу икки вилоят гоҳ Самарқанд ҳукмдори Масъуд ибн Ҳасанга, гоҳ Афғонистондаги тоғли Ғур вилоятидан чиққан Ғурийлар сулоласидан бўлмиш Шамсиддин Муҳаммадга бўйсунган. 1206 йил Ғурийларга қарашли бўлган

Термиз Муҳаммад Хорзмшоҳга урушсиз таслим бўлади ва у ҳам Чағониён сингари унинг улкан давлати қамровига қўшиб олинади. Бу даврда мазкур вилоятларда қўплаб мис тангалар ва кумуш қопланган дирҳамлар, Термизда эса олтин динарлар зарб этилиши, уларнинг катта иқтисодий мавқени эгаллаганидан далолат беради. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг улкан сиёсий режалари кўламида Термиз сайидлари авлодига эътибор алоҳида ўринда эди, сайидлар авлодидан Ало ал-Мулк ҳатто мусулмонларнинг янги халифаси деб эълон қилингани ҳам маълум.

Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшини Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олгандан кейин, 1220 йил кузида Термизга бостириб келди. Термизликлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Мўғуллар ўн бир кун давом этган жангдан сўнг шаҳарни ишғол қилдилар. Чингизхоннинг буйруғи билан шаҳар аҳолиси буткул қирғинбарот қилинди, шаҳар эса харобазорга айлантирилди. Тоғ аҳолиси анча вақтгача уларга қўп қаршилик кўрсатди. Машҳур донишманд ва табиб Чан-Чунь 1222 йил апрел охирида Шимолий Афғонистонда турган Чингизхон ўрдасига йўл олганда, уни кузатиб бораётган 1000 та жасур жангчи Темир Қопқани четлаб ўтгач, Чағониён тоғларидаги қасоскорларни тинчитиш учун шимоли-шарққа ҳаракат қилади. Мўғуллар даврида Чағониён Чигатой улуси мулки таркибида бўлган.

XIV асрнинг эллигинчи йиллари охирларида Чигатой улуси бир қатор мулкларга бўлиниб кетгандан кейин Термизда маҳаллий сайидлар сулоласи қарор топади. Кейин Жанубий Ўзбекистондаги вилоятлар Амир Темур давлати таркибига киради (1370 — 1405). Амир Темур вафотидан кейин Термизни унинг набираси Халил Султон эгаллайди. 1409 йилдан бошлаб эса бу жой Темурнинг ўғли Шоҳрух (1409 — 1447) давлатига киради.

XV асрнинг иккинчи ярмида маркази Ҳисор шаҳри бўлмиш Ҳисор мулкининг мавқеи кучайди. Бу вилоят ҳукмдорлари айниқса, Маҳмуд мирзо ва Хусравшоҳ ҳозирги Тожикистон, Ўзбекистон жануби ва Шимолий Афғонистоннинг анча қисмини то Ҳиндикушгача бўлган жойларни эгаллаган эдилар. Хусравшоҳ даврида Чағониён ва Термизни унинг укаси Боқи Чағониёний бошқаради. 1504 — 1505 йилларда бу вилоятларни Шайбонийхон эгаллайди, аммо унинг ўлиmidан кейин бу жой қисқа вақт Темурийлардан бўлмиш Заҳриддин Бобур қўлига ўтади. Бобурнинг 1512 йили Ўрта Осиёни бутунлай тарк этганидан сўнг, бу жанубий ўлкалар яна Шайбонийлар мулки бўлиб қолади. Ундан кейин эса, бу вилоят 1598 йилдан то 1747 йилгача Ўрта Осиёда қарор топган янги ўзбек сулоласи Жонийлар (Аштархонийлар) мулки бўлади. Бу даврда Чағониён ўрни Деҳнав беклиги аталган ва у Ҳисор беклигининг бир қисми бўлиб, унда ўзбек беклари бошчилик қилган ва улар кўпинча марказий ҳокимиятга тобе бўлмаган мустақил сиёсат олиб борганлар.

Шаҳар ва қишлоқлари. Сурхондарё вилоятининг ўрта асрларда мавжуд бўлган шаҳарлари ва қароргоҳлари кам ўрганилган. Қазишма олиб бориш йўли билан илк ўрта асрларга доир бир қанча ёдгорликлар (Болаликтепа, Зангтепа, Жумалоқтепа, Чаёнтепа, Яхшибойтепа) тадқиқ этилди, ривожланган ва сўнги ўрта асрлар даври ёдгорликларида деярли қазиш ишлари олиб борилган эмас. Кўҳна Термиз шаҳристони ва Сурхондарё водийсидаги бир нечта кичик-кичик қароргоҳ (Мунчоқтепа, Сополлитепа, Гўрмалитепа) қазилмаси бундан мустасно. Кейинги йилларда Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси Чағониён вилояти маркази бўлмиш Будрач қазишмасига киришди.

Сурхондарё вилоятидаги ўрта асрларга доир шаҳар ва қишлоқларни муфассал баён этишга, ҳозирча археологик маълумотлар етарли эмас ва умумий таъриф бериш билан чекланишга тўғри келади.

Илк ўрта асрларда аҳоли яшаш жойларини икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин: янги яшаш жойларда барпо этилган ва эски Кушон қароргоҳларида мавжуд бўлган яшаш жойлар. Катталиги, жойлашиш хусусиятлари ва жойлашиш ўрни жиҳатидан янгидан барпо этилган қароргоҳлар гуруҳи иккинчисига қараганда кўпчиликни ташкил этади.

Илк ўрта асрларда бу жойларда йирик шаҳарлар билан бир қаторда, кичик шаҳарчалар ҳам мавжуд эди: Термиз, Будрач-Чағониён, Новандак, Каттатепа ва бошқалар. Кушон давридаги кичик шаҳар ва қишлоқларнинг сонини нисбатан ҳисоблаганда, бир кичик шаҳарга олтита-саккизта қишлоқ тўғри келган деса бўлади. Илк ўрта асрлар даври ҳам тахминан шундай нисбатга тўғри келади. Бу тасодиф бўлмай, балки Бақтрия—Тоҳаристондаги тарихий босқичларда, қишлоқ жуда кўп бўлган.

Сурхондарё вилоятида, археологик кузатиш маълумотларига қараганда, VIII асрнинг биринчи ярмида араблар истилоси янги даврни бошлаб берди. Бироқ бу жойларда бирмунча қароргоҳлар ташлаб кетилган. Бу ҳолатга ўша даврдаги бошқа муҳим сиёсий воқеалар ҳам сабаб бўлган. Масалан, 775 йили Муқанна лашкарбошиси Сарихама Чағониёнга бостириб кириб ҳамма ёқни вайрон қилади, унинг шаҳар ва қишлоқларини бир ой давомида талайди. Сиёсий вазият барқарорлашуви ҳамда VIII асрда Тоҳаристоннинг араб халифалиги таркибига кириши вилоятда маданиятнинг умумий тарзда юксалишига, IX — X асрларда Тоҳарийлар ва Сомонийлар давлати таркибида эса янада тараққий этишга имкон яратди.

Ривожланган ўрта асрлар даврида (X—XII асрлар) Термиз, Чағониён, Наовандак шаҳарлари ва қишлоқлар юксалади, янги қароргоҳлар барпо этилади, қисман ташлаб кетилган кушонлар даври манзилгоҳлари қайта жонланади. Тоғли туманларда металл қазиб олиш ва ишлаш билан боғлиқ жойлар таркиб топади. Айниқса, Шеробод, Термиз ҳудуд-

лари, Юқори Сурхон сойлиги — Чағониён вилоятининг ҳудуди кенг кўламда ўзлаштирилади. Мақдисий (X аср) маълумотига қараганда, фақатгина Чағониён вилоятининг ўзидаёқ 16000 турар жой бўлган. Араб-форс географлари ва тарихчилар фақат иккита йирик шаҳарни ва бир нечта шаҳарчани эслатиб ўтганлар, қолган қароргоҳларни қишлоқ ҳисоблайдилар. Бу ҳол қишлоқ аҳолиси аксариятни ташкил этилганлигидан далолат беради. Танга топилдиқларнинг жойлашиш ўрнига қараганда, қишлоқ аҳолиси товар-пул муносабатларида фаол иштирок этган кўринадди. Аҳоли зичлиги туфайли суғориш тармоқлари кенгайтирилган ва янги ариқлар очилган.

Дехқончиликнинг асосий йўналиши ғаллачилик бўлган, заъфарон (шафран) ҳам етиштирилган. Пахтачилик ҳам кенг ёйилган. Шаҳарлар атрофи боғ-роғ ва полиз экинлари, тоқзорлар билан банд бўлган. Чорвачилик яхши ривожланган эди. Мақдисий Чағониён шаҳрида нон арзонлигини, гўшт эса кўп миқдорда сотилишини таъкидлайди. Чорвачиликка ихтисослашган марказлар мавжуд бўлган, айниқса, зотдор отлар кўплаб боқилган. “Чаҳор мақола”да кўрсатилишича, Чағониён амирининг “ўн саккиз минг қулунли бияси” бор экан. Чағониён амирининг Ғазнавийлар султони Масъудга инъом этган тухфалари орасида зотдор отлар ҳам эслатиб ўтилади.

Чорвачилик, хусусан кўйчилик, шунингдек пахтачилик ривожини туфайли тўқимачилик ҳунармандчилиги тараққий этади. Ёзма манбаларда Чағониён вилоятининг маҳсулотлари орасида жун кийим-кечаклар, гилам ва шолчалар эслатиб ўтилади. Бандихонсойнинг Сурхондарёга кўйилиш ерида жойлашган Дарзанги шаҳарчаси тўқимачиликнинг маркази бўлган. Бу ерда иссиқ кийимлар, жул-жабдуқ, гилам ва шолча тайёрланган.

Тўқимачилик билан бирга, кулолчилик ҳам яхши йўлга кўйилган эди. Бу соҳа билан хумдонлари бўлган Чағониён ва Термиз сингари йирик шаҳарлардагина эмас, балки Гўрмалатепа каби кичик-кичик шаҳарларда ҳам шуғулланганлар. Ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёда кўплаб ишлаб чиқарилган сирланган сопол бу ер учун ҳам хос эди. Чағониён ва Термизнинг сирланган сополлари ўзининг юксак сифатли шакли ва нақшинкорлиги билан ажралиб турган.

Қурилишда пишиқ гишт кўп ишлатилган, демак, гишт пишириш тармоғи ҳам яхши ривожланган. Бироқ шуни қайд этиш жоизки, Сурхондарё вилоятида ривожланган ўрта аср даврида турар жойлар учун ҳам, сифиниш бинолари учун ҳам олдингидек квадрат шаклдаги хом гишт кўпроқ ишлатилиб келинган.

Ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларида шиша ишлаб чиқариш, чилангарлик ва металл буюмлар ишлаб чиқариш нисбатан яхши тараққий этган эди. Термиз, Будрач шаҳристонида ва Формалитепадан то-

пилган тошқоллар, шиша бўлакчалари, дераза ойнаси синиқлари шиша ишлаб чиқариш, айниқса, темирчилик ва чилангарлик ривожланганини тасдиқлайди. Темир рудаси эритилган жойлар қолдиқлари Кўҳитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғда талай миқдорда топилди. Куйма темир шу ердан шаҳарларга олиб борилган ва у ерда қайта ишланган. Термизда чиланганлар даҳаси саккиз гектарга яқин майдонни эгаллаган, худди шундай даҳа Будрачда ҳам бўлган кўринади.

Ўрта асрларда Сурхондарё водийсидаги энг йирик шаҳар **Чағониён** бўлган. Бу шаҳар ёзма манбаларда дастлаб 630 йилда қайд этилган Сюан Цзяннинг ёзишича, Чағониён вилоятининг маркази, яъни Чағониён шаҳри айланаси 10 ли бўлган, ал-Истахрий (X аср) Чағониён шаҳри ҳақида, у Термиз шаҳридан аҳоли сони ва бойлик жиҳатдан кейинда турса ҳам, лекин майдони катта, деб ёзган эди.

Биобарин, тахминан уч юз йилдан кўпроқ давр мобайнида Чағониён шимолий Тоҳаристонда энг йирик шаҳар бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Чағониён шаҳрининг ўрни Деновдан олти километр жанубда, Сангардақдарё-Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойи яқинида жойлашган Будрач шаҳри харобалари эканлиги аниқланди. Буни ёзма манбалар хабарлари ҳамда археологик-топографик изланишлар натижалари тасдиқлайди. Айни пайтда, жуда кўп қисми ҳайдалиб, экин майдони бўлиб кетган Будрач аслида девор билан ўралган, жануби-ғарбга бирмунча кенгайиб борган тўртбурчаксимон шаҳар бўлган. Ўлчами жануби-ғарбий йўналиш бўйлаб 850 метр, шимоли-шарқий йўналиш бўйлаб 600 метр, шимоли-ғарб ва жануби-шарқ томонга эса 700 метрни ташкил этади. Шу ердаги Оқмозортепа, Дунётепа ва Заҳартепа ҳам қадимий шаҳар атрофи билан қўшилиб тўрт квадрат километрдан ортиқроқ бўлган. Бундан ташқари, шаҳарга яқин жойларда қишлоқлар жойлашган ва уларнинг ўрни ҳозир тепалар шаклида мавжуддир (Қорақизтепа, Култепа, Чағоноқтепа). Чағоноқтепа топоними киши диққатини ўзига тортади, чунки бу “кичик Чағониён”, деган маънони англатади.

Шаҳарнинг дастлаб Г.А.Пугаченкова тавсифлаган ривожланиш жараёнига ҳозир бирмунча аниқликлар киритиш мумкин. Кушонлар даврида Дунётепа ўрнида дастлабки қароргоҳ юзага келади. Илк ўрта асрда бу ерда Дунётепанинг бутун худудини, шунингдек, шаҳарнинг ўзининг - шаҳристоннинг кўпчилик қисмини эгаллаган йирик шаҳар мавжуд бўлган. Будрач шаҳристонини томонлари жами узунлиги 3 километрга яқин. Шундай қилиб, Сюань-Цзяннинг тавсифи олдин тахмин қилинган эски Далварзинтепага эмас, балки Чағониённинг янги маркази — Будрачга тааллуқли бўлиб чиқади.

X — XII асрларда Чағониён шаҳри янада ривожланади ва кенгаяди. Оқмозортепа ободонлашади, шаҳристон тўла қурилиб бўлинади. Савдо-ҳунармандчилик даҳаларидан иборат шаҳар атрофи—рабат жадал ривожланади. Шаҳристондан 700 — 800 метрлар чамаси шимоли-шарқ-

да катта қабристон юзага келади, ҳозир ҳам бу жойни Мозор дейишади. Шаҳарда турли хил касб-корлар, меъморчилик ва қурилиш ишлари, савдо ва пул муомаласи кенг қўламда ривож топган, баъзи йиллар бу ерда мис ва қумуш тангалар ҳам зарб этилган. Чағониён Х асрда, Муҳтожийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Сурхондарёнинг маъмурий марказига айланади. Уша даврда шаҳар майдони Термиз ва Шимолий Тоҳаристондаги бошқа шаҳарлар майдонларидан ошиб, тўрт квадрат километрни ташкил этди. Ал-Истаҳрий ва ал-Муқаддасий ёзишларига кўра, Сағониён (Чағониён) шаҳрида қалъа, катта чиройли бозор, бозор ўртасида пишиқ гиштдан қурилган муҳташам масжид бўлган. Ҳар бир ҳовлига оқар сув ўтказилган, сувнинг мўл-қўллиги туфайли, шаҳар атрофи экинзор билан қопланган эди, қишда бу ерларда қуш ови ўтказилган, ўт-ўланлар шунчалик баланд ўсганки, отни ҳам кўмиб кетган. Шаҳар аҳолиси динга ихлосмандлиги ҳамда меҳмоннавозлиги билан ажралиб турган, аммо аҳоли орасида уламолар кам, фақиҳлар эса умуман бўлмаган экан.

Чағониён шаҳри йирик маданий марказ ҳам бўлган. Шу шаҳарда Муҳтожийлар саройида машҳур шоирлар Дақиқий ва Фаррухий ўз ижодий фаолиятларини бошлаганлар. Араб ва Форс ёзма манбаларида Сурхондарё вилояти ҳудудида, асосан Чағониёнда яна бир қанча аҳоли масканлари эслатиб ўтилган. Археологик тадқиқотлар натижасида улардан баъзилари ҳозирги вақтда аниқланган.

Сармангон ёки Чорманган В.В.Бартольд фикрига кўра, Жарқўрғондан жанубда, Минора қишлоғи ҳудудида бўлган. Бу бизнинг кузатуви-миз асносида ҳам тасдиқланди. Бироқ унинг ҳажмини аниқлаш имкони бўлмади.

Дарзанги Чағониёнга қарашли, аҳолиси кўп, бозори ва масжиди бор катта турар жой. Сармангондан олти фарсах, Термиздан ўн икки фарсах масофада жойлашган. В.В.Бартольд фикрича, Дарзанги қароргоҳи Кўкжар (Бандихонсой)нинг Сурхондарёга қуйилиш жойи яқинида бўлган. Биз ўтказган кузатиш ишлари давомида Термиздан 62 км масофада Жолойир қишлоғи ёнида ўрта асрларга доир йирик аҳоли маскани қоллиғи топилди, бу жой Дарзанги бўлиши мумкин. Бу ердан топилган сополлар асосида изоҳланадиган бўлса, турар жой 50 гектарга яқин майдонни эгаллаган бўлиб, унда илк ўрта аср давридан XIII асргача одам яшаган, зотан, асосий ҳаёт қайнаган даври IX — XII асрларга тўғри келади.

Баранги. Ибн Хордодбек ва Кудума маълумотларига қараганда, бу жой Дарзанги билан Чағониён оралиғида бўлган. Термиздан 19 фарсах (тахминан 95-100 км). Биз мазкур жойни Шўрчидан 7 — 8 километр шимоли-шарқда, Сурхондарёнинг чап соҳилида аниқладик, Формалитепа ана шу Баранги бўлган. Бу жойда аҳоли яшаган давр VI — XII асрлар белгиланади.

Басанд. Истаҳрий фикрига кўра, бу боғлари кўп қишлоқ бўлган.

Чағониён шаҳридан икки кунлик масофада, Бухоро ва Самарқанддан Чағониёнга келадиган йўлда жойлашган. “Худуд-ул-олам”да бу аҳолиси жанговор бир қўрғон бўлганлиги айтилади. Ҳозирги Бойсун шаҳарчасига тўғри келади, мазкур жойдан топилган сополлар IX — XII асрларга доир.

Сангардак. Истахрий ва Муқаддасий ёзишига кўра, Сангардак турар жойи Чағониён шаҳридан бир кунлик йўл масофада жойлашган. В.В.Бартольд Сангардакнинг ўрнини Сангардакдарё — Қизилсувнинг қуйилиш жойи яқинида бўлган, деб тахмин қилган. Аммо археологик маълумотларга қараганда, Сангардакдарё — Қизилсувнинг қуйилиш жойидаги шаҳар Чағониёнга тўғри келади. Сангардак турур жойини Будрачдан 20 километр масофада жойлашган ҳозирги Юрчи қишлоғи ўрнида бўлган, дейиш мумкин.* Бу ердан X — XI асрга доир сополлар топилган.

Қумғанон. Гардизийнинг ёзишича, Қумғанон турар жойи Чағониён шаҳридан икки фарсах масофада жойлашган. Эҳтимол, бу Деновдан шимоли-шарқда, тўрт километр узоқликдаги ҳозирги Жартақтепа бўлса керак. Сополларга кўра, IX — XIV асрларда обод бўлган.

Буроб. Чағониён шаҳридан бир манзил ёки тўрт фарсах (20—24 км.) масофада жойлашган. “Худуд ул-олам”да кўрсатилишича, мустаҳкам қўрғони бўлган йирик шаҳар ҳисобланган. Буробга, тўғрироғи, Чимқўрғонтепа тўғри келади (биз олдин тахмин қилганимиздек, Йўлошгантепа эмас). Чимқўрғонтепа тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчами шимолдан жанубга 350 метр, ғарбдан шарққа 200 метр, жануби-ғарбий бурчагида—ўлчами шимолий ва шарқий томонларида 125 метр, ғарбий ва жанубий томонларида 80—90 метр, баландлиги 7— 8 метр келадиган мустаҳкам қалъа жойлашган. Бурчакларида буржлари бўлган. Асосий қароргоҳ девор билан ўралган бўлиб, унинг қолдиқлари бир неча жойда сақланиб қолган. Топилган сополларга қараганда, бу турар жой V — XIII асрларда обод бўлган.

Зинвар. Истахрийнинг ёзишича, бу шаҳарча бўлиб, Чағониёндан бир кунлик йўлда, Муқаддасийнинг ёзишига кўра эса, уч кунлик йўл масофада жойлашган. Истахрий маълумотига асослансак, бу жой, Деновдан шимоли-шарқда, қадимги Будрач шаҳридан 20 километрча масофадаги Оққўрғонтепага тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Оққўрғон икки қисм — квадрат шаклидаги (50x50 метр) қалъа ва унга туташ турар жойдан иборат. Бу жойдан чиққан сополлар ва тангаларга қараганда, манзилгоҳда ҳаёт жуда узоқ давр — илк ўрта асрлардан то сўнгги ўрта асрларгача давом этган.

Рикдашт. Юқорида кўрсатилган манбаларга қараганда, пойтахтдан 6 фарсах (30 км) масофада жойлашган. Узундан 2 км шимолий-ғарбда, Қорасувнинг чап соҳилидаги Ғўрозтепага тўғри келади. Бу жойдан то-

* *Таржимон изоҳи.* Ҳозир Сангардак Деновдан от-эшақда бир кунлик йўл. Унда Сангардакдарёга Туроб суви ва Мониза суви қўшилади. Юрчи сангардакликларнинг қишлайдиган юрти бўлган. Баҳор келиши билан унда юртчи қолдириб, ўзлари чорва молларини Сангардак томон ҳайдашган. Юрчининг номи ҳам юртчи сўзидан, дейишади.

пилган сополларга кўра, V — VI асрлардан то XII — XIII асрларгача обод бўлган.

Новандак. Даствлаб Ибн Хурдодбеҳ ва Қудамма саёҳатномаларида Чағониёндан Ҳамиравонга боришдаги манзилгоҳ сифатида эслатилади. Бу ҳақда Бобурномада ҳам маълумот бор. Бизнингча, бу жой ҳозирги Узундан уч километрча шимоли-шарқда жойлашган Нованактепа ёки Кофирқалъа шаҳар харобаларига тўғри келади

Хошимгирд. Ёзма манбалар маълумотларига қараганда, Темирдарвозадан бир кунлик йўлда жойлашган. М.Е.Массон уни Навшаҳар яқинида, деб ҳисоблайди, бироқ улар Темирдарвоза йўлидан бирмунча четда... эҳтимол, Хошимгирд Ангорга яқин, Каптархона атрофида бўлса кеарак, чунки бу масофа жиҳатдан ҳам ва бу жойдаги ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлар мавжудлиги ҳам шунга мувофиқ келади.

Темирдарвоза. Темирдарвоза борасида энг қадимий маълумотни Сюан Цзян (630 й.) ёзиб қолдирган. Унинг сўзига қараганда, “Шундай номланадиган ўтиш жойи чап ва ўнгдан тоғлар билан қисиб келган. Бу тоғлар ҳаддан зиёд баланд. Йўл эса ниҳоятда тор... Ҳар икки томондан даҳшатли, темир рангли қоялар савлат тўкиб турибди. Бу жойда икки қопқали ёғоч дарвоза ўрнатилган бўлиб, у темир билан қопланган ҳамда унга кўпгина қўнғироқчалар осилган. Ўтиш йўлини тўсадиган ана шу дарвоза туфайли, у Темирдарвоза, деб аталади”.

Темирдарвоза Темир Қопиғ номи билан VIII асрдаги туркий битикларда (турк ҳоқонлари) Бумин ва Истеми-Қоон даврида (VI аср) туркларнинг юришлари бориб етган энг чекка жой сифатида бир неча бор эслатилади. Араб-форс географик адабиётда дастлаб, бу жойни ал-Йаъқубий (IX аср) “Дари Оҳанин” номи билан эслатган.

Биз Темирдарвоза ва унинг теварак-атрофини дастлаб 1969 йил археологик нуқтаи назардан текширдик. Бу ўткил Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасига яқин Саримас тизмасида, Дарбанд қишлоғидан тахминан 9 — 10 километр шимоли-ғарбда ва Термиздан 150—160 километрча масофада жойлашган. Бевосита ўткилнинг ўзида археологик ёдгорликлар қайд этилмади. Ўткилнинг бошланишида жанубий томонида биз X — XII асрларга доир сопол парчалари топдик, холос. Бироқ Темирдарвозадан 10 км масофада жойлашган Шўроб қишлоғи яқинидаги Оқтепа деган жойда сополлар топилди ва улар бу жойда илк ва ривожланган ўрта асрларда обод бўлганлигини кўрсатади. Асосий кўрғон Дарбанд қишлоғи ўрнида бўлганлиги ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади, бу жойдан VI — XII асрларга оид сополлар топилди. Бундан ташқари, Дарбандда кўрғон мавжуд бўлиши муҳим стратегик аҳамият ҳам касб этган. Бир томондан, у Сурхондарё водийсига борадиган йўлни тўсиб турса, иккинчи томондан қадимги даврда ва ўрта асрларда Суғд билан Тоҳаристонни боғлаб турган.

Сурхондарё вилоятининг сўнгги ўрта асрлардаги (XIII — XVII асрлар) шаҳарлари ва бошқа манзилгоҳлари кам ўрганилган; бу ерлар-

да археологик қазилмалар олиб борилмаган, улар ҳақида ёзма маълумотлар ҳам ниҳоятда оз.

Сурхондарё вилоятининг (Термиздан кейинги) иккинчи йирик шаҳри — Чағониённинг мўғуллар босқинидан кейинги даврдаги тарихи янада камроқ маълум. В.В.Бартольд XIV асрда Чағониён шаҳри мавжуд бўлмаган бўлса керак, уни Бобурнинг эслатиши адабий анъаналар деб ҳисоблайди. Аммо Ўзбекистон Санъатшунослик институти экспедициясининг археологик тадқиқотларида Будардач — Чағониён шаҳри, майдони сўзсиз қисқарган бўлса ҳам, бу даврда мавжуд бўлганлиги исботланди ва кўп миқдорда топилган кумуш ва мис тангалар (XIV аср) бу ерда жуда қизғин ҳаёт давом этганлигидан далолат беради. XV — XVI асрларда Чағониён ҳали нисбатан йирик шаҳар бўлиб, унда XV аср ва XVI аср бошида ўзининг мис тангалари зарб этилган. Аммо танга топилмалардан маълум бўладики, бу борада асосий шаҳар деярли хароб қолга келиб, ҳаёт шаҳар атрофида гавжумлашади.

XVI аср Чағониён шаҳрининг сўнгги даври ҳисобланади, шундан кейин у мавжуд бўлмаган. Вилоят маркази Қизилсув дарёси бўйлаб 6 км юқоридаги Дехинав (ҳозирги Денов) қишлоғига кўчади. Денов ҳақида дастлаб XIV асрда эслатилган. XVII аср бошларида Денов мустақкам кўрғони, ажойиб бозори, катта мадрасаси ва хонақоси бўлган йирик шаҳарга айланди. У ерда нақшбандия тариқатининг энг таниқли намояндаларидан бири Алоуддин Агтор дафн этилган.

Сурхондарё вилоятидаги сўнгги ўрта асрларда мавжуд бўлган бошқа шаҳарлар ва қишлоқлар тақдири тўғрисида фанда ҳали маълумот йўқ. Бу даврга доир ёзма манбаларда фақат Новандак эслатиб ўтилади унда XV асрнинг иккинчи ярмида мис танга зарб этилган. XV — XVI асрларда Вахшивор катта қишлоқ бўлган.

Басанд дастлаб XVII аср бошида Бойсун шаклида эслатилади. XVIII аср бошида кўнғирот уруғидан Шералихон Шерободга асос солади ва у кейинчалик шарқий Бухоронинг йирик шаҳарларидан бирига айланади. 1758 йили Муҳаммад Раҳимхоннинг Ҳисорга юриши тавсифида Ҳисор вилоятига кираверишда Миршоди қишлоғи эслатилади.

II. АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР


Каталог*

Бойсун туманида**

1. **Оқтепа** — Шўроб қишлоғи ёнида. Шўробсой чап соҳилида, Дарбанддан 5 километр ғарбда. Бу жойдан чиққан сополлар XI — XII асрларга тааллуқли.

* Каталогда археологик ёдгорликлар асосан Э.В.Ртвеладзе 1969—1977 йиллар йиғган маълумотлари асосида келтирилди.

** Туманлар ҳам ўша йиллардаги ҳолати бўйича берилган.



2. **Оқтепа** — Тўда қишлоғи яқинида, сойнинг чап соҳилида. Олинган сопол кўлда ишланган қизил ёзувли ёки тамғали, XI—XII асрларга тегишли.

3. **Азизқўништепа** — Кентала ва Қизилнавр оралиғида жойлашган. Ўрта асрлар даврланади.

4. **Номсиз манзилгоҳ** — Дарбанд қишлоғи ўрнида, чиққан сополлар X—XII асрларга даврланади.

5. **Номсиз тепа** — Эгарчи қишлоғи ёнида. Ўрта асрларга даврланади.

6. **Номсиз манзилгоҳ** — Хатак қишлоғига яқин. Бу жойдан топилган ёй ўқининг темир учлигига (Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейида сақланмоқда) кўра, ўрта асрларга даврланади.

7. **Номсиз манзилгоҳ** — Мачай қишлоғида Р.Ш.Пидаев маълумоти-га кўра ўрта асрларга даврланади.

8. **Номсиз тепа** — Кофурун қишлоғи шимолий чеккасида, шу номдаги сойнинг чап соҳилида. Топилган сополга ҳамда тўғри тўртбурчакли ғиштга кўра VI — VIII асрларга доир.

9. **Номсиз манзилгоҳ** — Бандихондан 9 километр шимоли-шарқда, Кофурунсойнинг чап соҳилида. Топилган сополга ва пишиқ ғиштга қараганда, XI — XVIII асрларга даврланади.

10. **Номсиз манзилгоҳ** — Сарибанд сув ҳавзасидан 2 километр жанубда. Бандихон қишлоғидан 7 километр шимолда. Ўргилсой ўнг соҳилида. Жануби-шарқий равоқ марказида давроза бўлиб, ундан дарёга тушиб борилган. Топилган сополга кўра, ўрта асрларга мувофиқ келади.

11. **Номсиз манзилгоҳ** — Бандихон қишлоғи ўрнида. Топилган сополга кўра, сўнгги ўрта асрларга тақалади.

12. **Номсиз манзилгоҳ** — Овлат қишлоғи яқинида, Темир тошқол (шлак) ва сопол топилган. XI— XII асрларга даврланади.

13. **Номсиз тепа** — Паданг қишлоғи яқинида. Темир тошқол топилган.

14. **Кўргони боло** — Бойсун шаҳри марказида. Туб қатлами Кушонлар даврига тааллуқли, юқори қатламлари илк ўрта асрдан токи XX аср бошланишига қадарги даврларга тааллуқли.

15. **Мозортепа** — Кофурун қишлоғида, шу номдаги сойнинг чап соҳилида. Тепа ўрнида қабристон мавжуд.

16. **Мунчоқтепа** — Мозортепадан 300 метрлар жануби-шарқда. Қароргоҳнинг асосий яшаган вақти Кушонлар даврига тўғри келади, бу ерда қисман илк ўрта асрларда ҳам яшалган.

17. **Лайлагон** — шу қишлоқ яқинида, 5 километрдан юқорироққа чўзилган қабристон. Қазилма пайтида топилган ашёлар ва кўмиш маросими хилма-хиллиги асосида бу жой VI — VII асрларга даврланади.

Гагарин (Музработ) туманида

18. **Номсиз манзилгоҳ** — Оқтош қишлоғи ўрнида. Топилган сополлар ривожланган ўрта асрларга тааллуқли.

19. **Номсиз манзилгоҳ** — Чорбоғ қишлоғи ўрнида. Топилган сополларга кўра, ривожланган ва сўнгги ўрта асрларга тўғри келади.

20. **Номсиз манзилгоҳ** — Ғоз қишлоғи ғарбий четида. Қирққизота яқинида. VI — XII асрларга доир темир ашёлар ва сополлар топилган.

21. **Қоракамар ғори** — Туркменистон ва Ўзбекистон чегарасида. Кичкина қуммарзанинг шарқ томонида учта ғор мавжуд бўлиб, уларнинг деворларида кишиларнинг, ҳайвонларнинг, беш панжанинг чизгилари ва ёзув парчалари акс эттирилган. Улардан баъзилари сўнгги ўрта асрларгача вақтга тўғри келади. Ғорни 1875 йил Н.А.Маев қайд этган. Бизнинг кузатувимизда ғор яқинида XIV — XV асрларга доир сополлар топилди.

22. **Худойдодтепа** — Музработ қишлоғида, Кучуктепадан 4 километр шимолда. Топилган сополларга кўра VI — XV асрларга тааллуқли.

23. **Шўробкўргон** — Ангор шаҳарчасидан II километр жанубда, Қорасув дарёсининг ўнг соҳилида, Амударёдан 3—4 километр шимолда, Шўроб қишлоғида жойлашган шаҳристон. Бир неча даврларга тўғри келади. Қорасув ва Амударё оралиғида жойлашган биринчи қисмдан чиққан ашёлар Кушонлар давридан сўнгги ўрта асрларга тўғри келади. Ундан ташқари қисмидан тошқоллар ва ривожланган ўрта асрларга оид сирланган ҳамда сирланмаган сополлар топилди. Шаҳристондан Кушон тангаларидан ташқари, X асрдаги Сомонийлар тангаси, Халил Султоннинг (1405 — 1409) қумуш пули, XIX аср XX аср бошида зарб қилинган Бухоро тангалари топилди. Шаҳристон дастлаб А.Биков режасида қайд этилган, лекин унда ҳеч қандай изоҳ берилмаган. Биз буни Ҳафизии Абрў тасвирлаган Пардағви кечув жойига тўғри келади, деб ҳисоблаймиз. XVII аср Балх олими Маҳмуд ибн Вали асарида кўрсатилган бу кечув жойи, Б.Аҳмедов фикрича, Ёргоҳ (Ёрдағу) деб аталган.

Жаркўргон туманида

24. **Оқтепа** — Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Жаркўргондан 9 километр жанубда жойлашган Кушонлар даври ёдгорлиги, унинг юза қисмида илк ўрта аср сополлари ҳам учрайди.

25. **Арпапоятепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида. Шум номли қишлоқ яқинида. Жаркўргондан 10 километр шимол томонда. Кушонлар давридаги ёдгорлик. Илк ва ривожланган ўрта асрларда қисман таъмирланган.

26. **Номсиз тепа** — Бароттепа билан ёнма-ён жойлашган, айна пайтда ҳайдалиб экинзорга айланиб кетган. X — XIII асрларга доир сирланган сопол, Руқияиддин Хусравшоҳ (XII аср охири XIII боши) тангалари дафинаси, Муҳаммад Хоразмшоҳ тангалари топилди.

27. **Номсиз манзилгоҳ** — Жаркўргондан 7 километр шимолда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида— Ҳайитободтепадан 800 метрлар шимолда Занг каналнинг ҳар икки томони бўйлаб жойлашган. Тўла бузи-

либ кетган. Бир неча юз метрлар узоқликкача X — XIV асрга доир сопол ва пишиқ гишт учрайди. Самани ва Иъақут эслатиб ўтган Буг манзилгоҳини ана шу деб ҳисобладик.

28. **Номсиз манзилгоҳ** — Кумқўрғон шаҳри ўрнида. Тўла бузилиб кетган. XIV — XV асрга оид сопол, асосан Самарқандда Маҳмуд Султон, Муҳаммад Суюрғонмиш, Амир Темур зарб этган тангалар, 1233 дондан иборат кумуш тангалар дафинаси топилди.

29. **Номсиз манзилгоҳ** — унинг катта қисми бузилиб кетган. Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Бандихонсойнинг Сурхонга қуйиладиган жойи яқинида, Жалойир қишлоғи пастида жойлашган. Сополарнинг ёйилишига кўра, манзилгоҳ 50 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Топилган сопол ҳамда тангаларга кўра, VI—XII асрларга даврланади, сўнгги ўрта асрда ҳам яшаб келган. Биз олдинги Дарзангини шу жойда бўлган деб ҳисобладик.

30. **Каттатепа** — Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Жарқўрғондан 4 километр ғарбда, Кўкайдидан 3 километр жанубда жойлашган. Тепалик девор билан ўралган бўлиб, айрим жойларда ўрқачлар яхши сақланиб қолган. Топилган сополларга асосан, V — VI асрдан XIV — XVII асрларгача даврланади. Тепа атрофида манзилгоҳ жойлашган бўлиб, айна вақтда бутунлай бузилиб кетган.

31. **Култепа** — Жарқўрғондан 5 километр ғарбда. Минора қишлоғи ёнида. Минорадан унчалик узоқ бўлмаган жойда. Топилган сополларга кўра, ривожланган ўрта асрга даврланади. Бу даврдаги сопол парчлари қишлоқ ёнидаги пахта далаларида ҳам учрайди. В.В.Бартольд Минора қишлоғи ҳудуд атрофини ўрта асрларда мавжуд бўлган Чарманган ҳисоблайди.

32. **Ҳайитободтепа** — Жарқўрғондан 7 километр шимолда жойлашган. Кушонлар даври ёдгорлиги, аммо шахристоннинг юза қатлами илк ўрта асрларга тааллуқли, X — XI асрларда ҳам қисман яшаган.

33. **Ялпоқтепа** — Жарқўрғондан икки километр жанубда Кушонлар даври ёдгорлиги. Юқори қатлами ривожланган ўрта асрларга тааллуқли. Сўнгги ўрта асрларга доир сополлар ҳам топилди, бу даврда тепа атрофидаги ҳудуд ҳам манзилгоҳ бўлган.

Денов туманида

34. **Айналматеп** — Деновдан 2,5 километр жанубда. Қизилсувнинг чап соҳилида жойлашган. Қатор кетган яланғоч тепаликлар тизмаси шаклида бўлиб, тепаликларда ва далада сополлар ва пишиқ гишт парчалари учрайди. Сўнгги ўрта асрларга даврланади.

35. **Оққўрғон** — Деновдан шимоли-шарқда. Шу номдаги қишлоқда жойлашган. Икки қисмдан — арк ҳамда унга туташ манзилгоҳдан иборат. Жануби-шарқий бурчакда айлана асосида қад кўтарган минора бўлган. Аркнинг нариги томонида ҳам аҳоли турар жойи бўлиб, у жой ҳозир

шудгор қилиб ҳайдаб ташланган. Бу ердан чиққан сополларга қараганда, бу жой V — XVIII асрларга даврланади.

36. **Номсиз тепа** — Денов шоҳбекатидан 0,5 километр жануби-ғарбда жойлашган. Шимоли-шарқий қисми кўп даржада бузилиб кетган. Кесма жойлар 52x26x10 (12) сантиметрли тўғри тўртбурчакли хом ғиштдан қаланган. 1,5—2 метрли девор билиниб турибди. Бу манзилгоҳ VI — VIII асрларга тааллуқли.

37. **Номсиз тепа** — олдинги тепаликдан жануби-шарқда бир километр масофада ёқилғи қуйиш шоҳобчаси яқинида. Тепалик атрофида ҳайдалган ерда 500 метр радиусда сополлар учрайди. Бу жой ривожланган ва сўнги ўрта асрларга тегишли.

38. **Номсиз манзилгоҳ** — ундан 700—800 метрлар жунуби-ғарбда, Жарсувнинг чап соҳилида жойлашган. Ҳажми аниқ эмас. Сув ювган жарликда иккита хум ва 23x23x4 сантиметрли пишиқ ғиштдан терилган иншоот девори қолдиғи топилган. XI — XIV асрларга даврланади.

39. **Номсиз тепа** — Деновнинг шимолий қисмида. Қизилсувнинг чап қирғоғида, водопровод минораси ёнида. Сопол пишитиш хумдони мавжудлиги аниқланган. Ривожланган ва сўнги ўрта асрларга тўғри келади.

40. **Номсиз тепа** — Денов шарқий чегарасида. Илк ўрта асрларга оид.

41. **Номсиз тепа** — Деновнинг шимоли-шарқий чеккасида. Илк ўрта асрларга оид.

42. **Номсиз тепа** — Кулоғлитепадан 0,5 километр жануби-ғарбда. Илк ўрта асрларга даврланади.

43. **Номсиз тепа** — Пахтакураш қишлоғида. Бир вақтлардаги жуда катта тепаликдан деворнинг баландлиги 5,9 метр, узунлиги 3,5 метр, қалинлиги 1,1 метрли кичкина қисми сақланган. Девор 130x 55x43 сантиметрли пахта уруви ва 50x25x10 сантиметрли хом ғиштдан икки теруви билан қўшилган ҳолда тикланган. Илк ўрта асрларига даврланади.

44. **Номсиз тепа** — Қизилсувнинг ўнг соҳилида, Қорахон қишлоғида жойлашган. Топилган сополлага кўра, илк ўрта асрларга даврланади.

45. **Номсиз тепа** — Хўжасоат қишлоғи ўрнида. Ҳажми аниқ эмас. Қишлоқнинг турли жойларида сополлар, пишиқ ғишт учрайди. Пишиқ ғиштдан қурилган бино қолдиғи баландлиги 90 сантиметр, қорин қисми айланаси диаметри 31 сантиметрли хум топилган.

46. **Номсиз тепа** — “Ғалаба” ширкат хўжалиги ҳудудида, темир йўл бўйида. Илк ўрта асрларга тааллуқли.

47. **Номсиз тепа** — Ҳазарбоғ каналининг ўнг томонида жойлашган. Илк ўрта асрларга даврланади.

48. **Номсиз тепа** — Сина қишлоғига борадиган сойликнинг бошланишидан икки километр шарқда жойлашган. Топилган сополга кўра XI — XVIII асрларга тааллуқли.

49. **Номсиз тепа** — Деновдан шимоли-шарқда. Тентак ариқнинг ўнг ёнида жойлашган. Ўрта асрга тегишли.

50. **Номсиз тепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида. Серҳаракат қишлоғида. Илк ўрта асрларга тегишли.

51. **Номсиз тепа** — Юрчи қишлоғи ўрнида. Ривожланган ўрта асрларга тегишли.

52. **Номсиз тепа** — Чорва қишлоғи ёнида. Қароргоҳ илк ўрта асрда яшаган.

53. **Номсиз тепа** — Холчаёнга бориш йўлида. Қорасув ариғининг ўнг соҳилида. Илк ўрта асрга тааллуқли. Унинг шимолида (100 метрлар масофада) афтидан жуда қадимги даврга тегишли яна бир тепалик мавжуд.

54. **Будрач** . . .

55. **Говургон** — текширилмаган. Маҳаллий аҳоли маълумотига қараганда, Боботоғда — Чагам қишлоғи ёнида жойлашган. Сирланган сопол ва пишиқ гишт учрайди.

56. **Гургактепа** — (биринчи бўлиб Г.А.Пугаченкова қайд этган). Топилган сополга кўра ўрта асрларга тааллуқли.

57. **Жартепа** — Хайробод ариғининг чап соҳилида. Янгиқишлоқ яқинида жойлашган XIV — XV асрларга тааллуқли.

58. **Жартактепа** — Деновдан шимоли-шарқда 4 километр масофада. Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ шимоли-шарқий бурчагида кичкина арк унинг ғарбий—жануби-ғарбий томонида асосий манзилгоҳ ўрнашган. Маданий қатлам қалинлиги 8—9 метрга боради.

59. **Жовмозортепа** — Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Ўланкул қишлоғининг шимоли-шарқий чеккасида жойлашган. Бу тепа квадрат (80x80 метр) асосда, баландлиги 8 метр бўлган. Тепалик марказида 24x24x4 сантиметрли гиштдан қурилган қандайдир иншоот бўлган. Илк ва ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.

60. **Қозоқтепа** — Деновдан шимоли-шарқда. Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Квадрат (60x60 метр) асосда, баландлиги 10 метрга ча бўлган. Топилган сопол ва тангаларга кўра X — XII асрларга тўғри келади.

61. **Конахонттепа** — Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Маданият-Турмуш қишлоғи ёнида жойлашган. Баландлиги 10 метр, тўғри тўртбурчак (53x22 метр) асосида. Бурчакларида айлана асосли миноралар бўлганлиги билиниб турибди. Илк ва ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.

62. **Каттатепа** — Қизилсувнинг ўнг томонида. Қизилжар қишлоғи яқинида жойлашган. Тўғри тўртбурчак (60x75 метр) асосида. Топилган сополларга кўра, бу жой илк ўрта асрга тўғри келади. Ундан 700 метрлар шимолда айлана асосда, диаметри 30 метр, баландлиги 2—3 метр бўлган жуда қадим замонларга тааллуқли тепалик мавжуд.

63. **Каттатепа** — Пахтакураш қишлоғи ёнида. Педагогика билим юртидан бир километр шимоли-ғарбда жойлашган. Дўнглик устида ва атрофида илк ўрта асрларга оид айрим сопол парчалари учрайди.

64. **Қоровултепа** (иккинчи номи Чағоноқтепа) — Қизилсув кўпригидан (*кўз касаллиги диспансери томондаги кўприк назарда тутилса керак.—Таржимон*) 100 метр шимоли-шарқда. Қизилсувнинг чап соҳилида жойлашган. Топилган сополларга кўра, Кушонлар давридан то сўнгги ўрта асрларгача бўлган даврга тўғри келади.

65. **Қулоғлитепа** — Термиз — Душанбе йўлининг шимоли-шарқида жойлашган. Шаҳристон шимоли-ғарб томонида қалъа бўлган. Қалъа шаҳарнинг ўзидан 30 метрларгача бўлган бўш майдон билан ажратилган. Шаҳарнинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий бурчакларида ярим доирали бўртиқлар сезилиб турибди. Булар минора ўрни бўлганлиги аён. Шимоли-ғарбий томонида унча катта бўлмаган қабристон мавжуд. Гишт ҳажмидан ҳамда топилган сополлардан келиб чиқиб, шаҳристонда ҳаёт асосан илк ўрта асрларда қайнаган, деган хулоса чиқариш мумкин. Зотан бу жойдан топилган ашёлар орасида сўнгги ўрта асрларга тааллуқлилари ҳам учрайди.

66. **Қизқўрғон** — Сина қишлоғидан 3 километр шимоли-ғарбда. Обидаранинг чап соҳилида жойлашган. Баландлиги дарё юзасидан 400 метр бўлган бу табиий дўнглик уч томондан ярим доира бўйлаб қирқиб туширилгандек жарлик ҳосил қилган. Унинг устида 50x50 метр асосда қўрғон ҳосил қилинган бўлиб, бу қўрғондан айни юмалоқ дўнглик сақланиб қолган. Бу жойдан топилган сополларга кўра, қўрғон ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.

67. **Кўрғонча** — Сангардак дарёсининг чап соҳилида. Отқамар қишлоғи яқинида жойлашган. Топилган сополларга кўра, бу жой XVIII — XIX асрларга тўғри келади.

68. **Мозортепа** — Деновнинг ғарб томонида жойлашган. Унинг шимоли-ғарбий томонида 50 метрлар чамасида яна бир тепалик мавжуд. Ҳар икки тепалик атрофи далаларида сопол ва пишиқ гишт парчалари учрайди. Булар X—XV асрларга тааллуқли.

69. **Марказтепа** — Қизилсувнинг ўнг соҳилида. Деновдан шимоли-ғарбда жойлашган. Тўғри тўртбурчакли (90x50) асосидаги жануби-ғарбдан шимоли-шарққа йўналтирилган тепалик. Топилган сополларга кўра, илк ўрта асрларга тўғри келади, лекин бу ерда ривожланган ўрта асрларда ҳам кишилар яшашган.

70. **Ноғоратеп**а — Деновдан шимоли-ғарбда, Даҳана қишлоғига яқин жойлашган (*айни пайтда Қ.Каримов номли ширкат хўжалигига насос билан сув чиқариш баланд нуқтасига айланган.—Таржимон*). Топилган сополларга кўра, X — XII асрларга тааллуқли.

71. **Номозгоҳтепа** — Номозгоҳ қишлоғида жойлашган. Тепанинг жануби-ғарбий қисмида, ҳовлининг ортида ҳовли юзасидан 4 — 5 метр, дала юзасидан эса 12 — 14 метргача баландликда кўтарма мавжуд. Бу қисм, эҳтимол, яшаш жой қурилишлари бўлса керак. Номозгоҳтепанинг тузилишида иккита асосий қисимни ажратиш мумкин: 1) қалъа деворлари ва миноралари билан, ҳовли жой ва яшаш жой яхлитликла-

ри билан ва эҳтимолки, истеҳком иморатлари билан ўраб мустаҳкамланган марказий қисм; 2) марказий қисмининг уч томонида жойлашган, атрофи ўралмаган очик манзилгоҳ. Сополларга қараганда, манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли. Кўрғон атрофида кейинги давр мусулмон усулида кўмилган қабрлар мавжуд.

72. Пистамозортепа — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, шу номли қишлоқнинг шимоли-шарқий чеккасида жойлашган. Ундан шимоли-ғарбга томон 250 метрлар узоқликда тўғри тўртбурчак таг асосда яна бир тепалик мавжуд. Тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида қурол ғилофлари, 24x24x3,5 сантиметрли пишиқ ғиштлар топилган. Топилган сополга кўра, бу манзилгоҳ V — XII — XIV асрларга тўғри келади.

73. Сартепа — Кичик Вахшивор қишлоғининг марказида. Вахшиворсойнинг чап соҳили иккинчи поғонасида жойлашган. Манзилгоҳнинг катта қисми, ўтмишда мавжуд бўлган кўп қисми бузилиб кетган. Эҳтимолларга кўра, Сартепа йирик манзилгоҳ истеҳкоми бўлиб, бу манзилгоҳ ҳозирги кунда қишлоқ қурилишлари билан банд этилган. Мазкур жойдан топилган сополлар кўрсатишича, қадимий манзилгоҳ асосий яшаган давр XI — XIV асрларга тўғри келади. Шунингдек, бундан кейинги даврлар сополлари ҳам учрайди. Тўқ қизил ангобли нақшинкор идишлар синиқлари, шунингдек ёзувли сополлар шу жойга хос бўлган ашёлар намунаlidir. Бу жойдан темир тошқоллари топилган, тепалик кесмасидан маданий қатлами жуда чуқурга тушиб боради (10-12 метр). Тепаликнинг жар бўлиб тушган 12 метр чуқурлигида хум синиқлари ва тўсин куюклари кўриниб турибди.

74. Сурнайтепа — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳнинг кўпгина қисми бузилиб кетган. Тепалик атрофида 200 метрдан ортиқ жойгача сополлар учрайди. Сополларга кўра, қароргоҳ X — XII асрларга тааллуқли.

75. Тешиктепа — Хўжаҳалқа қишлоғи ёнида, Қизилсувнинг ўнг соҳилида жойлашган. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ V — XVIII асрларга тааллуқли.

76. Турмалактепа — Қизилсувнинг ўнг соҳилида. Хўжаҳалқа қишлоғи ёнида. Деновдан 12 километр жануби-ғарбда жойлашган.

77. Файзова — Қароргоҳ Сурхон дарёсининг чап соҳилида. Файзова қишлоғи ҳудудида жойлашган. Тангалар ва сополларга кўра XIV — XVI асрларга тааллуқли.

78. Ҳасантепа — Янгиобод қишлоғи ёнида. Деновдан 5 километр жанубда жойлашган. Шарқий бурчагида айлана асосида минора бўлган. Тепанинг шимоли-шарқий қисмида кесик жойда кенглиги 105—108 сантиметр қилиб 70 сантиметрли девор пахсалари урилиб, 8 сантиметрли лой сувоқ билан бир-биридан ажратилган. Тепаликнинг жануби-шарқий бурчаги куббасимон иморатнинг қалинлиги 1,5 метр, баландлиги 1,7 метрли қолдиғи билан тўсилган. Бу манзилгоҳ илк ўрта асрларга тўғри келади.

79. **Ҳосилоттена** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида. Пистамозортепадан 2 километр жануби-шарқда жойлашган. Илк ўрта асрларга тааллуқли.

80. **Чангилбува** — Сурхондарё ва Тўпаланг оралигида. Деновдан бир километр жануби-шарқда. Ҳайтол ариғининг ўнг ёнида жойлашган. Илк ва ривожланган ўрта асрларга тааллуқли.

81. **Чорхонатеп** — Деновнинг жануби-шарқий чеккасида. Ундан 30 метрлар шимолда яна бир тепалик жойлашган. Бу жойлардан топилган сополларга қараганда, Кушонлар даврига ва илк ўрта асрларга тааллуқли.

82. **Чимқўрғон** — Эшонқишлоқ ёнида жойлашган. Кўп қисми бузилиб кетган. Уч қисмдан иборат, жануби-шарқий бурчакда тўғри тўртбурчак асосида жанубга томон бирмунча оған ҳолда шимолий ва шарқий равоғи 125 метр ҳамда ғарбий ва жанубий равоғи 80 — 90 метр ўлчамдаги қалъа мавжуд бўлган. Қалъа баландлиги 6—7 метр. Шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий бурчакларида айлана асосда минора. Қалъанинг ғарб томонида шаҳристоннинг асосий қисми жойлашган. Шимолидан жанубга томон энг кўп узунлиги 350 метр, ғарбдан шарққа томон энг кўп узунлиги 200 метр. Девордан ташқарида 50 метрлар узоқликда айлана асосда, баландлиги 6 метргача бўлган дўнглик жойлашган. Топилган сополларга кўра, шаҳристон V—VIII асрларга тааллуқли.

83. **Чордингак** — Ҳайробо ариғининг ўнг томонида, ундан 500 метр узоқликда ва Будрач шаҳристонининг шимоли-ғарбида 2 километр 800 метр масофада жойлашган. Маҳаллий аҳоли сўзига қараганда, бу ёдгорликнинг яқин атрофида яна учта худди шундай ёдгорлик мавжуд бўлган. Шу муносабат билан бу жой Чордингак (тўрт минора) аталган.

Ёдгорлик ғўласимон яхлит минорадан иборат бўлиб, афтидан, айлана асосида қад кўтарган. Бутунисига 48x24x10 сантиметрли тўғри тўртбурчакли хом гиштдан қаланган. Миноранинг шимолий томонида баландлиги 11,5 метр, жануб томонда 2,7 метр қисми сақланган, минора ҳажми шимолдан жанубга йўналиши бўйлаб 14,5 метр, ғарбдан шарққа уст ёйилма гишт термаси очилганлигидан келиб чиқиб, минора айлана асосида қад кўтарган, унинг диаметри тахминан 14,5—15,5 метрга тенг бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Минора яхлит йирик иншоотнинг бир бўлаги бўлганлигини тасаввур этиш мумкин. Поғонадор килиш йўли, афтидан, жануб томонда жойлашган бўлса керак. Бу жойнинг тузилиши хусусиятларига ҳамда бирмунча шу хилдаги иншоотлардан келиб чиқиб, бу топилган ёдгорлик ибодатхона бўлса керак. VII аср бошида Сюань-Цзян эслатиб ўтган “Чағониённинг бешта будда ибодатхонаси”дан бири шу ерда бўлгандир.

84. **Юнустепа** — Ҳолчаёндан шимолда жойлашган. 22x22x3,5 сантиметр пишиқ гиштдан қалама қолдиғи ҳамда XVI аср биринчи ярми зарб этилган танга топилган.

85. **Юрчи кўрғони** — Юрчи кичик шаҳарчаси марказида. Квадрат (50x50 метр) асосида, баландлиги 6 метргача келадиган, тўрт бурчаги-

да минораси бўлган қалъа ва унга шимол томондан туташ бўлган 130x120 метрли ҳажмдаги манзилгоҳдан иборат. Топилган сополларга кўра, X — XIX асрларга тааллуқли.

86. **Яримтепа** — Қизилсувнинг ўнг томонида. Хўжаҳалқа қишлоғи ёнида. X — XII асрларга тааллуқли.

Сариосиё туманида

87. **Авфонттепа** — Узун шаҳарчасидан жануби-шарқда, “Меҳнат” қишлоғи ёнида жойлашган. Озгина тозалаб кўрилганда, кенглиги 2,1 метр бўлган 48x24 сантиметрли хом ғиштдан терилган ва пахса билан урилган девор қолдиғи чиқди. VII—VIII асрларга даврланади. Авфонттепанинг шундай тубидан ўтадиган ариқ четидаги ўпирилувдан XVI—XVIII асрларга доир сополлар топилган.

88. **Остонаттепа** — Бўйрапўш қишлоғида. Ўрта асрларга даврланади.

89. **Номсиз тепа** — Сариосиё шаҳарчаси марказида, илк ва ривожланган ўрта асрларга даврланади.

90. **Номсиз тепа** — Сариосиё шаҳарчасининг шимолий четида жойлашган. Илк ўрта асрларга даврланади.

91. **Бешкапа** — Қорадарёнинг чап соҳилида. Чақир қишлоғи ёнида жойлашган. Топилган сополларга қараганда, милонинг биринчи асрларидан ривожланган ўрта асрларгача бўлган вақт билан даврланади.

92. **Гўрозтепа** — Узун шаҳарчасидан 2 километр шимоли-ғарбда, Гўраз қишлоғи марказида, Қорасувнинг чап соҳилида жойлашган. Тепаликнинг шимоли-шарқида бирмунча йирик манзилгоҳ туташиб кетган бўлиб, унинг катта қисмини уйлар, томорқалар банд этган. Топилган сополларга кўра, илк ва ривожланган ўрта асрларга даврланади.

93. **Давлатбойтепа** — шу номдаги қишлоқда. Ўрта асрларга даврланади.

94. **Жангобтепа** — Жангоб қишлоғида, кичикроқ тепалик атрофида, ўрта асрларга тааллуқли сополлар учрайди.

95. **Дўнгтепа** — Тоғчиён қишлоғида, Шаргун тошкўмир конига боравериш йўлида. Тепалик паст қисмида кўплаб тегирмонтошлар топилди. Ўғирлар кичик ўлчами (диаметри) 55—80 сантиметр, баландлиги 30—40 сантиметрдан. Тегирмонтоши узун ўлчами (диаметри) 75 — 85 сантиметр, ўрта ўйиғи диаметри 30—35 сантиметрдан, қалинлиги 20—25 сантиметрдан. Шу жойда кўплаб ясси тошлар ҳам топилди. Булар ҳаммаси тоғ жинсларини қайта ишлашга мўлжалланган қуроллар бўлиши мумкин.

96. **Қабристонтепа** — Узун шаҳарчасидан 3 километр шимоли-шарқда, темир йўл ёқасида жойлашган. Илк ўрта асрларга даврланади.

97. **Қораттепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Гулистон мавзесида жойлашган. Илк ўрта асрларга даврланади.

98. **Қумтепа** — Тотувли қишлоғининг жануби-шарқий четида, сойнинг чап соҳилида жойлашган. Ривожланган ўрта асрларга даврланади.
99. **Култепа** — Узун шаҳарчаси худудида. Илк ўрта асрлага даврланади.
100. **Қўргонтепа** — Қудуқли қишлоғида. Топилган сополларга кўра, илк ва ривожланган ўрта асрларга даврланади.
101. **Қингиртепа** — Газараксойнинг чап соҳилида. Топилган сополлар X—XII ва XV— XIII асрларга тааллуқли.
102. **Мортепа** — Тоғчиён қишлоғида жойлашган. X — XII асрларга тўғри келади.
103. **Новандактепа** (Кофирқалъа) — Узун шаҳарчасидан 3 километр шимоли-шарқда жойлашган. 450x450 метр квадрат шаклидаги шахристон ўртасида тўғри тўртбурчакли истехком бўлиб, унинг атрофи 50 метр кенгликда хандақ билан ўралган. Шимолий ва жануби-шарқий томонидан шахристон деворидан ташқи томонда шаҳар атрофи борлигини билдирувчи кичик-кичик маразалар сақланиб қолган. Топилган сополларга кўра, шахристон V—XVIII асрларга даврланади.
104. **Новвойтепа** — Узун шаҳарчасидан жануби- шарққа 3 километр масофада, Ашуржелан қишлоғи жануби четида. Топилган сополлар X — XVII асрларга тааллуқли.
105. **Тўйтепа** — Сариосиёдан 1,5 километр шимол-шарқда, Дашнобод йўли бўйида. Тепалик мазорот билан банд этилган. Илк ва ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.
106. **Тортувлитепа** — Тортувли қишлоғи марказида жойлашган. Бу жойда асосан X—XII асрларда ҳаёт қайнаган, аммо XV — XVIII асрларга тааллуқли сополлар ҳам онда-сонда учрайди.
107. **Тўраҳонбойтепа** — Тўпаланг дарёсининг чап соҳилида, Янги-ҳаёт қишлоғида жойлашган. Бу жой яшнаган давр илк ва ривожланган ўрта асрга тўғри келади.
108. **Хумдонтепа** — Узун шаҳарчасининг жанубий қисми четида, Обизаранг чап соҳилида. Топилган сополлар илк ва ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.
109. **Ҳисортепа** — Газарак қишлоғидан бир километр юқорида, Газараксойнинг чап соҳилида жойлашган. Бу жой яшаган давр ривожланган ва сўнги ўрта асрларга тўғри келади.
110. **Худоёртепа** — Йўлошгантепадан 1,5 километр ишимоли-ғарбда. Бутунлай қабристон билан банд этилган. Сопол парчалари илк ўрта асрларга тааллуқли.
111. **Чоштепа** — Чош қишлоғининг шимоли-шарқий четида, Қоратоғдарёнинг чап соҳилида. Топилган сополлар илк ўрта асрларга тааллуқли.
112. **Йўлошгантепа** — Узун шаҳарчасидан 5 километр жануби-шарқда. Тепалик атрофидаги далада кўплаб сопол, пишиқ фишт синиқлари, суяклар учрайди. Топилган сополлар X — XII асрларга тегишли.
113. **Ёзтепа** — Обизаранг сойининг баланд ўнг соҳилида, Дашнобод

қишлоғининг шимолий четида, Девонақишлоқ ўрнида жойлашган. Жанубий ва шимолий томондан жарлик билан туташ бўлган манзилгоҳ бир гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Манзилгоҳ яшаган давр илк ўрта асрларга тўғри келади.

Термиз туманида

Термиз тумани ҳудудида илк ва ривожланган ўрта асрларга доир кўплаб манзилгоҳ ҳисобга олинган. Бироқ, улардан кўпчилиги ҳали ўрганилмаган, шунинг учун бу ерда фақат ўрни ва тахминий яшалган вақтлари аниқ бўлганларгина келтирилди.

114. **Оқтепа** — Сурхон дарёсининг чап соҳилида, Жаркўрғондан 13 километр жанубда. Кушонлар даври шаҳристони, аммо унинг айрим қисмларида илк ўрта асрларда ҳам яшалган.

115. **Афғонтепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Илк ва ривожланган ўрта асрларда яшалган.

116. **Оломонтепа** — Навоий номли фуқаролар жамоаси ҳудудида жойлашган. Илк ўрта асрларда яшалган.

117. **Болаликтепа** — Ангордан 4 километр жануби-шарқда. 1953—1958 йиллар Л.И.Альбаум бошчилигида археологик экспедиция қазима олиб борган. Алоҳида турган иморатда икки даврда яшалганлиги қайд этилган. Биринчи даврда яратилган бино томонлари 30 метрга тенг бўлган квадрат асосида пастдан уриб 6 метр кўтарилган. Тузулиши квадрат (14,5x14,5метр) шаклида сарой бўлиб, унинг ҳар томонидан кичик-кичик бинолар туташган. Булардан баъзиларининг деворларида 40 сантиметр баландликда 15 сантиметр кенгликда ўт очиш шинаклари мавжуд. Иккинчи қурилиши даврида сарой бир неча кўчадан қириладиган иморатлар қилиб қайта қурилади. Диний маросимлар олиб боришга мўлжалланган бинолар деворларида маҳобатли расмлар аниқланди. Биринчи қурилиш даври V асрда, иккинчи қурилиш даври эса V аср охири, VI аср бошларида бўлганлиги маълум бўлди. Иморатнинг бутунлай бузилиши даври VII асрга тўғри келади. Баъзи бинолар XV асргача мавжуд бўлган.

118. **Номсиз манзилгоҳ** — Сурхон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидан 3 километр шимолда. Амир Темур ва Султон Маҳмуднинг Эрон ҳамда Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида зарб қилинган тангалари топилган.

119. **Номсиз тепа** — Ангор қишлоғи чегарасида. Илк ўрта асрларга тўғри келади.

120. **Номсиз тепа** — Ангордан икки километр жанубда, Термиз — Шеробод бош йўли шарқида жойлашган. Илк ўрта асрларга мувофиқ келади. X — XI асрларда ҳам яшалган.

121. **Жумалоқтепа** — Ангордан 3 километр жануби-ғарбда жойлашган. V — XVI асрларга тўғри келадиган уч қурилиш даври аниқланган.

1956—1959 йиллар Л.И.Альбаум ва В.А.Нильсон бошчилигидаги археологик экспедиция қазишма ишлари олиб борган.

122. **Зангтепа** — Ангордан ғарбда — Обидобод қишлоғида жойлашган. Очилган иморатларнинг баъзиларида қайин пўстлоғига битилган браҳма ёзуви лавҳалари топилган. I асрдан XII асргача яшалган, аммо унда асосий яшалган давр V — XII асрларга тўғри келади. Қазишма 1961— 1962 йилларда Л.И.Альбаум, В.А.Нильсон ва В.А.Козловскийлар иштирокида олиб борилган.

123. **Калтепа.**

124. **Қаиоқлитеп.**

125. **Кўрғонтеп.**

126. **Кўрғонтеп.**

127. **Қизкўрғонтеп.**

128. **Муродтеп.**

129. **Навшаҳартеп.**

130. **Термаклитеп.**

131. **Термиз** — Кейинги китобларда батафсил ёзилган.

132. **Тешиктеп.** — Ангордан 2 километр шарқда. Кушонлар даври қароргоҳи. Бир қисм иморатларда XI— XII асрларда ҳам яшалган.

133. **Топитоғоратеп.** — Паттакесар ҳудудида

134. **Тозлартеп.** — Паттакесар ҳудудида

135. **Фирдавстеп.** — Паттакесар ҳудудида

136. **Хайрободтеп.** — Кушонлар даври шаҳристони. Аркнинг юқори қатлам қурилиши V — VIII асрларга тааллуқли. Манзилгоҳнинг айрим қисмларида XI— XII асрларда ҳам яшалган.

137. **Хотинраб.** — Кушонлар даври манзилгоҳи. Марказий дўнглигида XI — XII асрларда яшалган. Бу қисмда бир неча иморат очилиб, Рикн ид-Дуннав-ад-Дин Тамғачхон Маъсуд тангалари хазинаси топилган. Марказий дўнгликнинг жануби-ғарбидан 500 метр масофада, Амударё соҳили четида 25x25x4 сантиметрли пишиқ ғиштдан қурилган йирик иморат қолдиғи мавжуд.

138. **Хўжакамолтеп.**

139. **Кушонтеп.**

140. **Черктеп.**

141. **Фирдавстеп.**

142. **Ялпоқтеп.**

Шеробод туманида

143. **Айритеп.** — Кушонлар даври манзилгоҳи. Илк ўрта асрларда ҳам қисман яшалган.

144. **Ойсаратеп.** — Кушонлар даври манзилгоҳи. Илк ўрта асрларда ҳам яшалган.

145. **Оқтеп.** — Кушонлар даври манзилгоҳи. Унинг шимолий қисми

баъзи жойларида ва марказий дўнглигида XI — XII асрларда ҳам яшалган.

146. **I Анжиртепа** — Навбоғ қишлоғи жануби-шарқда. Илк ўрта асрларда яшалган.

147. **Номсиз манзилгоҳ** — I ва II Талашгантепа оралиғида жойлашган. XIV — XV асрларда яшалган.

148. **Номсиз тепа** — Хўжаисо мақбараси ўрнида. Илк ўрта асрларда яшалган.

149. **Боботепа** — Кушонлар даври шахристони. Истара қишлоғи ўрнида. Топилган сополларга ҳамда ғишларнинг ҳажмига кўра, V — VIII асрларда яшалган.

150. **Ботиробдтепа** — Чуқуркўл қишлоғидан 1,5 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Қазилмада унинг асосида I-III асрларда қурилган иморат бўлганлиги, кейинчалик улардан V—VI асрларда илк ўрта асрлар иншооти сифатида фойдаланилганлиги аниқланди.

151. **Гидамбоптепа** — Кушонлар даври манзилгоҳи. Юқори қатлами V-VIII асрларга тааллуқли.

152. **Гидампўштепа** — Қорабоғ қишлоғи марказида. Сўнгги ўрта асрларга тааллуқли.

153. **Ғўринтепа** — Ғўрин қишлоғида жойлашган. Илк ўрта асрларга тааллуқли.

154. **Добилкўргон** — Пошхўрд қишлоғининг шимолий четида, Добилсойнинг юқори ўнг соҳилида. Шаҳристоннинг қуйи қатлами Аҳамонийлар ва Кушонлар даврига, юқори қатламли эса ўрта асрларга тааллуқли.

155. **Жондавлаттепа** — Шерободдан 7 километр жануби-шарқда, Саидобод қишлоғида. Қуйи қатламли Аҳамонийлар ва Кушонлар даврига, юқори қатламли эса ўрта асрларга тааллуқли.

156. **Дўмбратепа** — Шерободдан 5 километр шимоли-шарқда, Чигатой қишлоғида. Кушонлар даври манзилгоҳи. Юқори қатламли V — VI асрларга тегишли.

157. **Кампиртепа** — Шу номдаги қишлоқ марказида. Устки қатламли илк ўрта асрларга тегишли.

158. **Каттатепа ёки Ҳосилоттепа** — Шерободдан 5 километр жануби-ғарбда. Шаҳарчанинг умумий ўлчами атроф девор чегарасидан ҳисоблаганда шимоли-ғарбдан жануби-шарққа ўқ бўйлаб 510 метрни, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 390 метрни, умумий майдони 19 гектарни ташкил этади.

159. **Каттатепа** — Чуқуркўл қишлоғи жануби-ғарбий чеккасида, ҳар икки марказий тепанинг асосий яшалган вақти Кушонлар даврига, юқори қатламли эса ўрта асрларга тўғри келади. Уларнинг атрофида илк ўрта асрларда яшалган бир неча дўнгликлар бор.

160. **Кофирқалъа** — Шерободдарёнинг ўнг соҳилида, Шерободнинг шимол томонидан туташ дўнгликлар ўрнида. Шимоли-шарқий қисми-

да XIII—XIX асрларда Бек қўрғони мавжуд, шахристон арки Кушонлар даврига тааллуқли. Шахристондан топилган сополлар Кушонлар даврига, X — XIII асрларга ва XVIII — XIX аср бошларига тааллуқли.

161. **Қуқимасжой** — Шерободдан 5 километр жануби-шарқда, Қорасувнинг ўнг соҳилида. Топилган сополлар ва пишиқ гиштга (22x22x4см) қараганда, X— XII аср бошларига тааллуқли.

162. **Кулуғтепа** — Шерободдан 5 километр жануби-ғарбда, Навбоғ қишлоғи жанубий четида. Шахристон асосан Кушонлар даврида бунёд этилган, аммо унда ҳаёт қайнаган давр V асрдан XV — XVI асрларгача тўғри келади. Бу тепаликдан 150 метрлар шимоли-шарқда тўғри тўртбурчакли (30x10 метр) дўнглик бўлиб, Шўртонтёпа номи билан маълум. Сополларга қараганда, X — XII асрларга тўғри келади. 250 метр жануби-шарқда илк ўрта асрларга тааллуқли Ноғоратёпа (30x20 метр), 300 метрлар масофада эса Култёпа (20x10 метр) жойлашган. Афтидан, булар ҳаммаси бир бўлиб, бир вақтлар мавжуд бўлган Кулуғшоҳтепанинг қолдиқлари бўлса керак.

163. **Қўрғонтёпа** — Қорабоғ қишлоғи марказида. Топилган сополларга кўра, ўрта асрларга тўғри келади.

164. **Майдонқўрғон** — Қорабоғсойнинг чап соҳилида, Майдон қишлоғи шимоли-шарқий чеккасида. Асосий яшалган вақти Кушонлар даврига, қисман ўрта асрларга тўғри келади.

165. **Мозористонтёпа** — Қорабоғсойнинг чап соҳилида, Қорабоғ қишлоғи шимолида . . .

166. **III Талашгантёпа** — Шерободдан 15 километр жануби-шарқда, Талашган қишлоғида топилган сополларга кўра, илк ва ривожланган ўрта асрларга тўғри келади.

167. **Талагантёпа** — Шерободдан 3 километр шарқда жойлашган. Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо илк ўрта асрларда ҳам гавжум ҳаёт қайнаган.

168. **Тошлоқтёпа** — Навбоғ қишлоғидан 1 километр ғарбда, Шерободдан 5 километр жануби-ғарбда жойлашган, илк ўрта асрларга тааллуқли.

169. **Таллимаронтёпа** — шу номли қишлоқда. Илк ва ривожланган ўрта асрларга доир сополлар топилган.

170. **Хўжақия** — Кушонлар даври манзилгоҳи бўлмиш Оққўрғон ёнида жойлашган. Илк ўрта асрларга тўғри келади.

171. **Хилинчактёпа** — Шерободдан 12 километр жануби-ғарбда ва III Талашгантёпадан 4 километр шимолда жойлашган. Милоннинг I асрларидан XIV — XV асрларгача яшалган. Унинг шимолида X — XIV асрлар манзилгоҳи қолдиқлари мавжуд.

172. **Чиллатёпа** — Шерободдан 6 километр жануби-ғарбда жойлашган. Унинг асоси Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо V — XIII асрларда бу ерда ҳаёт гавжум бўлган.

Шўрчи туманида

173. **Азлартепа** — Ижтимоят қишлоғида жойлашган Манзилгоҳга аслида Кушонлар даврида асос солинган, аммо бу жой X — XV асрларда гуллаб яшнаган.

174. **Ойматтепа** — Тентаксой (Олтинсой)нинг ўнг соҳилида, Маданият қишлоғида жойлашган. Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220) номи билан, эҳтимол Чағониёнда зарб этилган тангалар дафинаси топилган.

175. **Оқтепа** — Чеп қишлоғида. X — XII асрларга тегишли манзилгоҳ.

176. **Олбойтепа** — Шўрчидан жануби-ғарбда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Тепаликнинг тўрт бурчагида айлана асосида минора бўлган. Минора илк ўрта асрларга тааллуқли.

177. **Номсиз тепа** — Миршоди қишлоғидан 1,5 километр ғарбда, Жойилмасойнинг чап соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ юқори қатлами илк ўрта асрларга тааллуқли.

178. **Номсиз тепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Далварзинтепадан 1,5 километр шимоли-шарқда. Илк ўрта асрларда манзилгоҳ бўлган.

179. **Номсиз тепа** — Олдинги тепалик билан ёнма-ён. Манзилгоҳ илк ва ривожланган ўрта асрларга тегишли.

180. **Номсиз тепа** — (Равшанбойтепа) Мармун қишлоғи марказида жойлашган. Қабристон билан тўла банд этилган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларда, қисман сўнгги ўрта асрларда ҳам яшалган.

181. **Номсиз тепа** — “Хазарбоғ” канали ўнг соҳилида, Игрез қишлоғидан 2 километр ғарбда жойлашган. Манзилгоҳ кунгай томонга қараб ўрнашган.

182. **Номсиз тепа** — Олдингисидан 200 метрлар жануби-шарқда. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

183. **Номсиз тепа** — Жолти қишлоғи марказида. Тентаксой (Олтинсой-тарж.)нинг чап соҳилида. Манзилгоҳ илк ўрта асрларда яшаган.

184. **Номсиз тепа** — Оқтумшуқ қишлоғида. Манзилгоҳ илк ўрта асрларда яшаган.

185. **Булбултеца** — Тентаксой (Олтинсой — тарж.)нинг паст қисмида жойлашган. Тепанинг жануби-ғарбий бурчагида тўғри тўртбурчак асосда (30x25 метр) қўрғон бўлган. Қўрғон бошқа қисмлардан хандақ билан ажратилган. Манзилгоҳнинг қолган уч бурчагида айлана асосда минора қад кўтарган. Дарвоза жануби-ғарбий равоқ ўртасида жойлашган. Манзилгоҳ даври V — VIII асрларга тўғри келади.

186. **Формалитепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. (Бу ҳақда: Э.В.Ртвеладзе, М.Х.Исҳоков. «Два чаганианских средневековых селения». ИМКУ, 15, Т. 1979 с. 84 — 94).

187. **Ғойиботатепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Далварзинтепадан 2 километр жанубда. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ XVII — XVIII асрларга тааллуқли.

188. **Далварзинтепа** — Кушонлар даври шаҳристони. V — VIII асрларда истехком ҳудуди 3 гектардан кўпроқ қисмида ҳаёт бўлган, бу жойда мазкур маданий қатлами 2 метр қалинликда, деворлари хом гиштдан қаланган иморат қолдиқлари аниқланган.

189. **Дегрезтепа** — шаҳристон ўз асосига кўра Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо шаҳристоннинг ҳамма майдонида илк ўрта асрларда ва қисман X — XII асрларда одамлар яшаган.

190. **Жартепа** — шаҳристон аслида Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо унинг деворлари, шунингдек, қўрғоннинг бир қисми илк ўрта асрларга тааллуқли.

191. **Дўлгаттепа** — Шўрчидан жануби-ғарбда, Шалдарак қишлоғи ҳудудида, Сурхон дарёсининг чап соҳилида, дарё ўзанидан 1,5 километрлар масофада жойлашган. Шаҳристондан топилган сополларга кўра, манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли. Тепаликдан, ундан 300 метрлар узоқликда жойлашган бошқа тепалик кесмасидан сопол тошқоллари, ривожланган, ҳатто сўнги ўрта асрларга доир сопол парчалари топилган.

192. **Дурматтепа** — Шўрчидан 2 километр шимоли-шарқда жойлашган. Кичик шаҳарчанинг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий бурчакларида айлана асосли минора бўлган. Истехком 20 метрдан 40 метргача кенгликда хандақ билан ажратилган. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ V — VIII асрларга тааллуқли.

193. **Искандартепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Шамол қишлоғида. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

194. **Эшонбобо** — манзилгоҳ Кушонлар даврига тааллуқли, аммо унинг айрим қисмлари X — XII асрларда ҳам яшаб келган.

195. **Қораттепа** — Кушонлар даври манзилгоҳи, илк ва ривожланган ўрта асрларгача яшаб келган.

196. **Қоровултепа** — Оқтумшук қишлоғи ёнида жойлашган. Топилган сополлар VI—VIII асрларга тегишли.

197. **Қоровултепа** — Шаҳристон Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо истехком XIII асргача яшаб келди. Л.И.Альбаум ва К.А.Шахурин таркибий қисмларга бўлиб текширишган.

198. **Катгаттепа** — Хидиршо қишлоғида, Ҳазарбоғ каналининг чап соҳилида. Учта ёнма-ён жойлашган тепаликдан иборат. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ X — XII асрга тўғри келади.

199. **Катгаттепа** — Ижтимоят бўлимида, Далварзинтепадан 10 километр шимоли-ғарбда, қуриб қолган сойнинг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

200. **Кўкантепа** — Шўрчидан 10 километр шимоли-шарқда, Кўкан қишлоғида жойлашган. Топилган сополларга қараганда, манзилгоҳ XI — XII — XIV — XV ва XVII — XVIII асрларда яшаган.

201. **Кўкайдитепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Кўкайди ҳудудида жойлашган. Манзилгоҳ тўрт айлана асосида минора бўлган, бундай миноралар жануби-шарқий равоқ ўрта қисмида ҳам мавжудлиги

аниқланди. Мазкур равоқ ўртасида ўша вақтдаги дарвоза ўрни 10 метр кенгликдаги кесмаси билиниб турибди. Манзилгоҳ илк ўрта асрлар даврига тааллуқли.

202. **Кўштегирмон** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида. Шу номли қишлоқда. Далварзентепадан 5 километр шимоли-шарқда. Манзилгоҳ XIV — XV асрларга тааллуқли.

203. **Кўшашайиттепа** — Дўлтатепадан (0,5 километр) жануби-ғарбда. Қабристон билан банд. Манзилгоҳ сўнгги ўрта асрларга тааллуқли.

204. **Кўргонтепа** — Карсаган қишлоғи марказида, Тентаксой (Олтинсой — *тарж.*)нинг ўнг соҳилида. Манзилгоҳ XIV — XVI асрларга тааллуқли.

205. **Култепа** — Кушонлар даврига оид манзилгоҳ, унинг айрим қисмлари илк ўрта асрлар даврида ҳам яшаб келган.

206. **Мозортепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Култепанинг шимоли-шарқда жойлашган манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

207. **Мозортепа** — Жоби қишлоғи ёнида. Кушонлар даври манзилгоҳи, ammo илк ўрта асрларга тааллуқли.

208. **Маржонтепа** — Шўрчидан 4 километр шимоли-шарқда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ X — XII асрларга тааллуқли.

209. **Мунчоқтепа** — Жоби қишлоғида жойлашган. Узун тепалик, шимоли-ғарбий қисм баландлигидан жануби-шарқ томонга пасайиб борган ва охири экинзорга туташиб кетган. Илк ривожланган ўрта асрларга даврланади.

210. **Мунчоқтепа** — Жанубий Сурхон сув омбори худудида. Ўтган аср 50-йилларида Л.И.Альбаум ва Д.Вархотова қазишма олиб борган. Марв ва Балхда Маликшоҳ ва Султон Санжар номи билан зарб этилган салжуқийлар тангалари хазинаси топилган.

211. **Савринжонтепа** — Шурчидан 5 — 6 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Топилган сополларга ва тангаларга қараб мазкур жойда бўлган манзилгоҳнинг уч даврда: кушонлар даврида (миллоддан аввалги I аср), илк ўрта асрларда (V— VIII аср) ва ривожланган ўрта асрларда (X — XII) яшаганлигини қайд этиш мумкин.

212. **Сополтепа** — Шўрчининг шимоли-ғарбий четида, темир йўл тармоғи ортида жойлашган.

213. **Саритепа** — Тентаксой (Олтинсой-*тарж.*)нинг чап соҳилида жойлашган. Бурчакларида тўртта тўғри тўртбурчак асосида пахсадан урилган минора бўлган. Топилган сополлар орасида V — VIII, XI — XII ва XIV асрларга тааллуқлилари учрайди.

214. **Сассиқтепа** — Шўрчининг жануби-ғарбий четида жойлашган. Сополларга қараганда, манзилгоҳ V — VII асрларга тааллуқли.

215. **Сауртепа** — Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Шўрчидан 7 километр жанубда жойлашган. Топилган сополлар VI — XII асрларга тааллуқли.

216. **Чоргултепа I** — Шўрчидан 4 километр гарбда жойлашган. Манзилгоҳнинг тўрт бурчагида айлана асосли минора бўлган. Дарвозалар ўрни шимоли-ғарб ва жануби-шарқ равоқда. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тегишли.

217. **Чоргултепа II** — Тентаксой (Олтинсой-тарж.)нинг чап соҳилида жойлашган. Тўртта квадрат асосда минораси бўлган. Шарқий равоқ ўртасида миноралар устунлигида дарвоза бўлган. 1978 йили Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси олиб борган қазилма манзилгоҳ ички ёпиқ ўтиш йўли бўлган кудратли, баландлиги 6,5 метр, кенлиги 5 метрли пахса девор билан ўраб олинганлигини аниқлади. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ XI — XII асрларга тааллуқли. Бу тепа ёнида бўлган Кушонлар даври қароргоҳи, илк ўрта асрларда ҳам яшаган.

218. **Чўянтепа** — Жанубий Сурхон сув омбори ҳудудида жойлашган. 1958 — 1995 йиллар Л.И.Альбаум ва Т.Аъзамхўжаевлар қазилма олиб боришган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги 5 метрлик ётқизиқ билан пахса урилиб, иморат ўртасидан 21 метрли даҳлиз (коридор) уни икки қисмга бўлиб турибди. Бу даҳлиз икки томонида турли катталиқдаги ва муайян мўлжалдаги хоналар жойлашган. В.А.Нильсеннинг фикрича, бу иморатда кичикроқ патриархал оила ёки битта кўп оилали жамоа яшаган бўлиши мумкин.

219. **Яхшибойтепа** — Жанубий Сурхон сув омбори жануби-шарқий чеккасида жойлашган. 1959 — 1960 йиллар Б.Я.Ставский қазилма ишлари олиб борди. Манзилгоҳда иккита яшаш даҳаси очилди.

Шарқий даҳада турли катталиқдаги иккитадан яшаш хонаси бўлган қароргоҳлар аниқланди. Девор бўйлаб пастак супалар кетган. Ғарбий даҳада олтига йирик бино топилди. Деворлар пахса урилмаси, хом гишт қалама, аралаш терилмалар билан кўтарилган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

220. **Шайитбоботепа** — Қорлиқ қишлоғида жойлашган. Тепалик устида кичкина мозорат — Шайитбобо мавжуд. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ сўнгги ўрта асрларга тааллуқли.

Баҳодир ТУРҒУНОВ

ҚАДИМИЙ ЧАҒОНИЁН ТУПРОҒИДА МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Ўтмишда Бақтрия деб аталмиш давлат, унинг шимолий қисмини эгаллаган ҳозирги Сурхон водийсининг тарихи дунё тарихшунос олимларида қизиқиш уйғотди. Амударёнинг ўрта ҳавзаси қадимда антик маданият ўчоқларидан бири бўлганлиги аниқланди. Бу вилоятдан топилган ва топилаётган кўплаб археологик ёдгорликлар бундан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот инсти-

тутида 1960 йилда тузилган Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси (ЎзСЭ) ҳам шу вилоятда қидирув ишларини ҳанузгача давом эттириб келмоқда. Экспедиция фаолияти натижалари ўлароқ оламга машҳур қадимий маданиятимиз намуналари кашф этилмоқда. Ушбу мақола муаллифи ҳам қазилмаларда 1961 йилдан бери қатнашиб келади (айни пайтда мазкур экспедиция раҳбари). Шу сабабдан тадқиқот ҳақида хурматли китобхонларга баъзи мулоҳазаларни баён этмоқни лозим топдик.

Кушонлар. Ўтган аср ўрталарида Лондон, Вена, Париж, Петербург тангашуносларига Ҳиндистонда топилган ғаройиб, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган тангалар кела бошлади. Бу олтин ва кумуш тангаларда қандайдир подшолар ва Юнон, Эрон, Ҳинд ҳудудларига мансуб худоларнинг бўртма қиёфалари зарб қилинган эди. Улардаги қадимий юнон ва ҳинд алифбоси асосида, лекин бироз ўзгартириброк битилган ёзувлар ҳам ҳеч нарсадан дарак бермасди.

Худди шу пайтда Ҳиндистоннинг қадимда Гандҳара ва Матхура деб аталган ҳозирги шимоли-ғарбий вилоятдан топилган қазилма ашёларда юнон ва рим услубида, аммо ҳиндча мазмунда ишланган ҳайкал бўлаклари ва нақшлари қайд этилади. Фақат Афғонистондаги Хадда деган ёдгорликда бундай ҳайкалчаларнинг бутун ва синиқларидан 22 мингта-си учради.

Тангаларда ва ҳайкалларда ифодаланган портретларнинг бир даврда бир динга мансуб бўлган, ягона марказлашган давлатда ва ҳатто маълум бир усталар уюшмаси томонидан тайёрланганлиги сезилиб турарди.

Бу топилмалар мажмуаси оз миқдорда сақланиб қолган ёзма манбалар билан таққосланиб кўрилганда, Кушон империясининг дастлабки излари топилди.

Шундай қилиб, XIX аср олимлари фақат шундай империя бўлганлиги ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўла олдилар, холос. XX асрда эса уни ўрганиш жиддий тус олди.

Қадимий форсий ёзувлар, Геродот ва ундан кейинги юнон тарихчиларининг эсдаликлари, Хитой сайёҳларининг хотираларида Бақтрия вилояти ҳақида маълумот келтирилади. Бу вилоят милоддан аввалги VI — IV асрда Аҳамонийлар давлати таркибидаги 20-ноиблик /сатрапия/ ҳисобланган. Милоддан аввалги 329 йилда эса Бақтрияни Александр Македонский эгаллайди; унинг вафотидан сўнг бу ерлар Салавкийлар давлатига қарашли эди. Милоддан аввалги III асрнинг охирида Диодот исмли ноиб қўзғолон кўтариб, мустақил Грек-Бақтрия давлатини тузишга муваффақ бўлди. Лекин бу давлат юз йилча ҳукм суриб, сўнгра шимолдан келган Шак қабилалари томонидан тор-мор қилинади.

Ёзма маълумотларга кўра, милоддан аввалги II асрга келиб бу ерларга Сирдарё ордидан бешта майда Хюми, Шуанми, Хисе, Думи ва Гуйшуан қабилаларидан бириккан Юежий қабиласи бостириб келади. Уларнинг ичидаги Гуйшуан қабиласи шиддаткор ва кучли бўлиб, қол-

ганларини бирлаштиради. Бу қабиаларнинг бирлашиши кейинчалик Кушон империясига асос солади.

Бизга маълум бўлган маълумотлар шу билан тугайди, лекин бу империя тарихи билан боғлиқ жумбоқлар ҳали жуда кўп эди. Жумладан, империянинг дастлабки ва кейинги марказий шаҳарлари қаерда бўлган? Бу империя қанча ҳукмронлик қилган? Унинг ёзуви қанақа бўлган? Подшоҳлик сулолалари қандай тартибда жойлашган ва қачон, қандай шароитда тугаган? Бу саволларни янги топилажак манбалар ва археологик тадқиқотлар ҳал қилиши мумкинлиги олимларга маълум бўлган. Бироқ, илмий тадқиқотларга юз йил ўтган бўлса ҳам, жумбоқларнинг кўпчилиги ҳанузгача етарлича ечилгани йўқ. Кейинги ўттиз йил мобайнида Кушонлар тарихи, маданияти ва санъатини ўрганиш учун тўрт марта (1961 йилда Лондонда, 1968 йилда Душанбеда, 1970 йилда Кобулда ва 80-йилларда яна Душанбеда) халқаро симпозиум ўтказилди. Бир қанча асарлар яратилди. Айти пайтда мазкур жойларда қазилма ишлари узлуксиз олиб борилди.

Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу империянинг ерлари шарқда Хань империяси чегараси — Буюк Хитой деворига ва гарбда Парфия давлати ерларига бориб тақалган экан. Кушон империяси Рим, Парфия, Хитой давлатлари билан бир мавқеда жуда катта ҳудудда ҳукм сурган. Бу давлатлар ўртасида урушлар, низолар бўлиб туришига қарамасдан, ўзаро савдо-сотик, иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқалар ҳам давом этган. Хитойдан Кушон, Парфия ерлари орқали то Римгача энг йирик савдо йўли — Буюк ипак йўли ўтган. Шарқдан олиб келинган ипакка Фарб бозорларидаги моллар алмаштирилган. Ўша давр тарихидан ҳикоя қилувчи далиллар — бу тангалар ҳисобланади. Кўчманчи қабиалар Помир ва Тяншан тоғларидан ошиб тушиб, Шимолий Бақтрия — ҳозирги Сурхон водийсига келиб, у ердаги юқори ривожланган маданиятга эга халқларга, уларнинг юксак давлат тузумига дуч келдилар. Бақтрияликлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан кўчманчилардан бир неча поғона юқори турар эдилар. Шунинг учун улар бақтрияликларнинг бу соҳалардаги ютуқларини ўзлаштиришга киришдилар. Бу фақатгина кўчманчи қабиаларнинг хоҳишигина бўлмай, балки жамият тараққиётининг талаби ҳам эди.

Биринчи ўринда кўчманчи қабиаларнинг ҳокимлари товар-пул муомаласини ҳал қилишга киришдилар. Чунки шу даврда Бақтрияда товар-пул муомаласи жуда ривожланган эди. Табиийки, бу ҳол юежий ҳокимларидан бозорни тўлдириш учун янги тангалар чиқаришни талаб қиларди. Юежийларнинг эса бу соҳада тажрибаси йўқ эди. Шунинг учун улар энг оддий усул — муомалада юрган Грек-Бақтрия подшолари Евкратид ва Гелиокл тангаларига тақлидан танга зарб қила бошладилар.

Археологик қазилмалар Гелиокл тангаларига тақлид қилиб чиқарилган тангалар бу даврда кўпроқ муомалада бўлганлигини кўрсатади. Бунда тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг номи, орқа то-

монида Юнонлар худоси Зевснинг ҳайкали тасвирланган. Уларнинг кўпчилиги Сурхон воҳасида учрайди. Бу эса бизни мазкур тангалар ҳозирги Сурхондарё худудидаги бирон-бир қадимий шаҳарда зарб қилинган, деган фикрга олиб келади.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида, айниқса, кўчманчи қабилалар орасида от жуда улуғланган. От тасвирининг тангага жойлаштирилиши, бу ерда янги давлатнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Отнинг тасвири бўлган тангалар ҳозирча Сурхондарёда ва айниқса, Денов ва Шўрчи тумани ерларидаги ёдгорликларда кўплаб топилмоқда.

Демак, ўзининг танга пулини зарб қилган шундай улкан давлатнинг пойтахти Сурхон воҳасида бўлганлиги ҳақиқатга жуда ҳам яқин.

Текширишлар, кузатувлар ёзма маълумотлар билан археологик топилмаларни солиштириб хулоса чиқаришлар бизни бу тахминимизни тасдиқлади ҳамда бу жаҳон олимлари орасида эътироф этилди.

Қадимий шаҳристон. Термиз шаҳридан шимоли-шарққа Шўрчидан 10 километрча ўтгандан сўнг, йўл бўйлаб ястанган тепаликлар кўзга ташланади. Маҳаллий аҳоли уни Далварзинтепа деб атайти ва унинг қачон ва қандай пайдо бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Бироқ бу жой анча вақтлардан буён ўзининг кўриниши, ҳажми, тасодифан учраб қоладиган ғалати топилдиқлари ва ниҳоят ажойиб афсонаси билан ерли халқни ҳайратга солиб келарди. Ёмғир, қор сувлари тепалик тупроғини қисман ювиши туфайли ер юзасига чиқиб қолган баъзи ашёлар — дағал хумлар, тўқ қизил рангли нафис коса, жом синиқлари, гаройиб тасвирлар, ҳайвонлар ва серсават салобатли одам шакллари туширилган занглаган кумуш, бронза тангалар, фаришта ва маъбудасимон сиймолар ва аёлларнинг жажжигина сопол ҳайкалчалари ва ранг-баранг қимматбаҳо мунчоқ қабилар бу ерда бир сир борлигидан дарак берарди.

Дарҳақиқат, Далварзинтепа катта бир вилоятнинг маркази, шу атрофдаги бекиёс шаҳарнинг қолдиғи бўлиб, бу тепалик — шаҳристон ўз бағрида неча минг йиллик тарих сирини сақлаб келаётгани маълум бўлди.

Афсона заминидаги ҳақиқат. Мен илк бор бу ёдгорликка 1962 йилнинг баҳорида келдим. У пайтда эндигина Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, 1961 йили профессор Галина Анатольевна Пугаченкова бошқараётган Ўзбекистон Санъатшунослик экспедициясига аъзо бўлиб, Сурхон тупроғига биринчи бор қадам босган эдим. Экспедиция Денов туманида катта бир қадимий жой — Холчаёни текшираётган пайтда, мени Далварзинтепага дастлабки қидирув ишларини бажариб келиш учун юборишди. Бу эндигина иш бошлаган ходимга биринчи топширилган мустақил ва масъулиятли иш эди. Бу вазифа менинг ҳаётимни ва илмий фаолиятимни бутун умр Сурхондарёга, аниқроғи Далварзинтепага боғлаб қўйганлигини кейинроқ тушундим.

Ишни нимадан бошлаш керак? Домламиз академик Михаил Евгеньевич Массон: “Бирор ёдгорликни текширмоқчи бўлсангиз, аввало ўша

ерли қариялар билан учрашинг, улар сизга ажойиб афсоналар айтиб беришади. Афсоналар заминда баъзан ҳақиқат ҳам ётади, уларда жон бор”, — деганлари ёдимга келди. Мен ҳам худди шундай қилдим. Мен вақтинча тўхтаган уй эгаси Ҳасан ака шу қишлоқда анчадан бери яшар ва қишлоқнинг ўқимишли зиёлиларидан бири экан: дастлаб ўқитувчи бўлган, ўша пайтда эса пахтачилик бригадирлари эди. Жамоа хўжалиги маъмуриятидагилар менга “Археолог укам, вақтинча яшаб-ишлаш учун жой ахтариб овора бўлиб юрманг, тўппа-тўғри Ҳасан ака Назаровни-кига бораверинг, у одам сизга ўхшайдиганларга жуда тўғри келади?” — деб чакки айтишмаган экан.

Ҳасан аканинг уйи Далварзинтепа билан бир девор қўшни деса ҳам бўлади. Чунки қишлоқ аҳолиси уйлари-нинг бир қисми қадимий шахристоннинг шарқий девори бўйлаб тизилиб қурилган эди. Ҳасан аканики-да кечки чойдан сўнг асосий мақсад тўғрисида суҳбатга ўтдик.

— Ҳасан ака, ҳозирча менинг қисқа вақтга келишим, бизни касбда “разведка қилиш” дейилади. Сиз фронтавик одамсиз, бу гапнинг маъносини яхши билсангиз керак. Экспедициямиз янги ташкил бўлган, унинг устига кўп олис ҳам эмас. Ҳозирча шу ердан ўттиз чақиримча нарироқдаги Холчаён қишлоғида иш олиб боряпмиз, у ердан лойдан ишланган ҳайкаллар чиқиб қолди, шунинг учун ҳам бир қадам бошқа ерга кетиб бўлмайди. Режамиз у ердаги ишни ниҳоясига етказиб, катта-роқ шаҳарни қазирни бошлаш. Шунинг учун ҳам мен келажакдаги ишларимизга замин тайёрлагани келдим, — деб изоҳ бериб қўйдим.

— Бу тепаларни қазийман деб, зап яхши иш бошлабсизлар. Баҳодир ўғлим, икки йил аввал Тошкентдан Альбаум деган ер қазийдиган олим икки-учта шогирдлари билан бизникида тўхтаб, тепанинг бурчагида қазирни ишлари олиб бориб, сопол идишлар топиб олиб кетган эди. Тепалик жуда катта, ҳаммасини текшириш жуда қийин бўлар экан, деб кетувди, мана энди сиз келиб қолдингиз. Ҳақиқатдан ҳам ҳаммаларингиз бир ёпишиб кўрсангизлар, бу ердан кўп нарса топса бўлади. Ёшлигимда болалар билан қўй боқиб юрганымда, эсимда, бир чуқурни топиб олувдик, чунки у ерга тўсатдан бир қўй тушиб кетувди-да, роса одам йиғилди. Ҳатто бир довурак йигитни белидан арқон боғлаб, қўлига машъала бериб пастга туширишди. У роса узоқ йўқ бўлиб кетди. Бирдан арқонни тортинглар деса бўладими. Унинг айтишича, чуқурга анча тушган, ён томонга йўлак бор экан, икки-уч қадам босиб, деворга қадалган аллақандай одамларни кўриб қолибди-да, кўрқиб кетибди, ундан ташқари ҳаво етишмаганлигидан машъаласи ҳам ўчиб қолибди.

“... Деворга қадалган одамлар дегани ҳайкаллар ёки маъбудалар бўлса керак”, — деб хаёлдан ўтказиб қўйдим.

— Биласизми, деб давом этди Ҳасан ака, роса томоша бўлди-да. Аммо қариялар ҳаммани урушиб бериб, чуқурни кўмдириб ташлашди, “яна битта-яримтанг, худо кўрсатмасин, иш кўрсатиб қўйманглар”, — деб. Чуқурга одамлар ҳам тушиб кетиш хавфи бор эди-да. Хоҳласангиз,

эртагаёқ ўша жойни кўрсатаман. Яна айтишларича, бир одам анча тилла топиб олиб, уйга боргунча “тилла топдим, тилла топдим” деб югуриб боришти-ю, уйига етиб бориб қараса, тўнининг пешида икки-учта тилла қолибди холос. Бу, тилла дегани, одамни тентак қилиб кўяр эканда. Ундан ташқари, қариялар “тилла отга минган тилла ҳайкал бор, — деб айтишади ҳам. Билмадим, бўлса бордир. Ким билади дейсиз, бу кўҳна дунё бўлса ахир, — деб бир оз тўхтаб қолди Ҳасан ака.

Суҳбатимиз қизиб кетганидан, Ҳасан ака тепалик — шаҳристон ҳақида нима билса, ҳаммасини айтиб беришига менда шу пайтда ҳеч қандай шубҳа қолмади.

— Энди шаҳар афсонасига келсак, яхшиси Баҳодирбой, қариялардан сўрасангиз бўлармиди. Ҳа, майли, қишлоқда уйма-уй қарияларни излаб юрасизми, яхшиси ўзим айтиб бера қолай, чунки мен бобомдан эшитган афсона ҳамма қариялар ўртасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. Улар ҳатто ўзларидан қўшиб юборадилар ҳам. Лекин афсонасиям жуда қизиқ-да, — деб ҳикояга ўтди.

— Бир вақтлар бу ерда катта ва кичик шаҳар бўлган экан. Кичик шаҳарда Далли ойим яшар, каттасида унинг отаси Варзин подшо ҳукм сураб экан. Иккала шаҳар ҳам атрофи қалин ва баланд девор билан ўралган, девор атрофида хандақ қазилган бўлиб, доим сув лиммо-лим тўлиб турар экан. Шаҳар шундай мустаҳкам эканки, уни биронта душман босиб олишга ботинолмас экан. Аммо кунлардан бир кун, кун ботиш томондан араблар лашкар тортиб келиб, шаҳарни чор тарафдан ўраб олишибди. Улар бир неча марта шиддатли ҳужумга ўтадилар. Бироқ бу ҳужумлар ҳеч натижа бермайдди. Араб аскарлари сувга чўкиб, мудофаачилар ўқига учиб ҳалок бўлаверишибди. Шаҳарни ҳужум билан олишга кўзи етмаган араб суворийлари бирор ҳийла ишлатиб, шаҳарни босиб олиш йўлини ахтарибдилар. Уларнинг лашкарбошилари ўзининг полвонлиги билан танилиб келаётган бўлса ҳам, унга шаҳар таслим бўлмабди. У анча ҳийлакор чиқиб, шаҳар ҳокимининг гўзал қизи борлигини ва у қиз доим шаҳар четидан кўриниб турадиган саройда ўз канизаклари билан яшашини билиб олгач, ўз ҳийла-найрангини қўллабди. Кичик шаҳар яқинига дор тикиб, ўзининг дорбозлик санъатини кўрсата бошлабди. Айтишларича, у жуда моҳир дорбоз бўлган экан. Макр ва ҳийла тезда саркарда ўйлаган натижани берибди. Баланд дор устида ҳар эртаю кеч оқ салла ва оқ яқтак кийиб дорда ўйнаётган навқирон йигитнинг чаққон ҳаракатлари қиз диққатини ўзига тортибди. Ниҳоят, қиз йигитга хуштор бўлиб қолибди. Кунларнинг бирида саркарда қараса, шаҳар томондан оқ каптар учиб келиб, дор арқонига кўнибди. У каптарни тутиб, бўйнидаги бир энлик хат боғланган ипга кўзи тушибди. Хатда куйидаги сўзлар битилган экан:

«Ҳой йигит, бу шаҳарни қамал қилишдан муддаонг нима, бу ҳунар кўрсатишлардан мақсад не?»

Йигит: — Сенинг чиройинг таърифини узоқ Арабистонда эканли-

гимда эшитдим. Сенга пайдо бўлган муҳаббатим туфайли шу юртларга келдим. Аммо висолингга етай деганимда, рўпарамда тўсиқ пайдо бўлди, у ҳам бўлса шаҳар атрофидаги хандақ. Агар, малол келмаса, шу хандаққа қаердан сув келади, айтиб берсанг. Менга бошқа ҳеч нарса керакмас, — деб жавоб қайтарибди ва дорбозлик ҳунарини кўрсатишни давом эттирибди.

Аёл эмасми, бу макрни англай олмасдан, лаққа тушибди-да, иккинчи мактубида сирни айтиб қўйибди.

«Эй меҳмон, ниятинг бузуқ бўлмаса, гапимга қулоқ сол. Тўпаланг дарёсига (Далварзинтепадан чамаси 35 километр шимолда) борасан, икки қоп сомонни сувга тўкиб, дарё бўйлаб кузатиб бор. Агарда бирор ерга бориб сомон айланиб қолса, ўша ерда қувурнинг оғзи бор. Гирдобни гиппа бўғсанг бўлди».

Араб лашкарлари Далли ойим айтганидек қилган эканлар, ҳадемай шаҳар атрофидаги сув куриб қолибди. Бир пасда қулоқни тешар даражада ҳайқириқлар билан лашкар шаҳарнинг тўрт томонидан ёпирилиб кирибди. Улар кўз олдида ғаройиб мўъжиза содир бўлибди. Шаҳарда одам қиёфасида Далли ойимдан ташқари бирорта кимса йўқ эмиш, ҳаммаёқни итлар, қўйлар, улоқлар, моллар босиб кетган экан. Қиз саркардага пешвоз чиқиб, отасининг сеҳргарлигини ва ўз фуқароларини унга тириклайин беришни афзал кўрмасдан, ҳаммани ҳайвон қиёфасига айлантириб қўйганлигини айтибди.

Лашкарбоши буйруғи билан бўлган қирғинда бирорта ҳам ҳайвон омон қолмабди. Аммо дарвозабон кечга яқин, аллақандай ночор аҳволдаги лайча кучукка раҳми келиб дарвозадан чиқариб юборганлигини айтибди.

— Бу менинг отам, Варзин подшонинг ўзгинасидир — дебди қиз.

— Душманам тирик экан, барибир у лашкар тўплаб, бир кун эмас бир кун ўч олгани устимга юриш қилиб келади, — деб ғазабланибди лашкарбоши ва итни тутишни буюрибди. Бироқ лашкарлар итни топиша олмабдилар. Қиз хушторининг кўнглини тинчитиб, подшони қандай қилиб қўлга туширишни тушунтирибди. У Ҳисор тоғи этакларидаги қамишзор кўлда сув остида қамиш най орқали нафас олиб беркиниб кун кўришини, агарда қамишзорга ўт қўйса, унинг сув устига қалқиб чиқишини айтибди.

Варзин подшони йўқ қилишга шахсан ўзи борган саркарда ғалабани энди тантана қилиш пайти келди деганда, хаёлга чўмиб, даҳшатга тушибди. У тезлик билан шаҳарга қайтибди ва висол кечасини тоқатсизлик билан кутиб турган қизнинг рўбарўсида пайдо бўлибди.

— Сени юқори мартабага кўтарган ўз халқингни менга сотдинг, ҳар куни қирқта қўйни сўйиб, илигидан палов пишириб берган падарингга вафо қилмадинг, менга вафо қиларминг. Бир кун эмас бир кун келиб мени ҳам бирортасига сотишдан тоймайсан, шунинг учун сенинг қисматинг ўлим деб, қиличини яланғочлаб, қизнинг калласини

чўрт кесиб ташлабди. Бу даҳшатни кўрган атрофдагилар қотиб қолишибди. Кейин лашкар шаҳарни талаб, унга ўт кўйибди, бошқа элатларни забт қилгани жўнаб кетибди.

Шу-шу бўлибдики, орадан қанча вақтлар ўтиб кетган бўлса ҳам бу шаҳарга бирор кимса яқинлашмабди. Шаҳар тез орада вайрона, бойғўлилар ва қузғунлар яшайдиган харобага айланибди, араблар эса Далаварзинтепадан 15 километр чамаси узоқликдаги, Қизилсув бўйида жойлашган Будрач шаҳрига жойлашибдилар.

— Менимча, ҳеч нарсани эсимдан чиқармай, ҳаммасини айтган бўлсам керак, — деб Ҳасан ака афсонани тугатди, — Эътибор бердингизми, Далварзинтепа деб ўша қиз билан отасининг исмини бирлаштириб айтилган бўлса керак. Далаи-вазирон, яъни вазирлар дам оладиган жой, деб аллакимдан ҳам эшитган эдим, — деб кўшиб кўйди Ҳасан ака.

Мен эътироз билдирмоқчи эдим, лекин ўзимни тўхтатиб қолдим, чунки домламиз ўз маърузаларида: “Суҳбатдошларингизни диққат билан эшитиб, ҳаммасини ёзиб олинг, аммо зинҳор, “нотўғри айтяпсиз, мана бундай бўлади”, — деб тўғрилашга уринманг, чунки сиз бу билан суҳбатдошингизни ранжитиб кўйишингиз мумкин”, — деб кўп таъкидлаган эдилар. Шундай бўлса ҳам, мен Фирдавсийнинг шоҳ асари “Шоҳномада” Дол ва Зол деган қаҳрамонлар бор, балки Далварзин деган ном ўша қаҳрамонлар шаънига қўйилгандир, нима бўлса ҳам, бизга ёрдам берадиган лингвист олимлар бор, улар билан биз албатта маслаҳатлашамиз“, — деб хаёлимдан ўтказиб кўйдим.

Мана орадан салкам қирқ йил вақт ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳар сафар шаҳристонга кўтарилганимда, ўша Ҳасан акадан эшитган афсонани ва бир неча йил бурун дунёдан кўз юмган Ҳасан аканинг ўзини ҳам эслайман. Ўзимча у ерда юриб кета туриб, ўша худди қадимги шаҳар маҳалларида кетаётгандек ҳис қиламан. Ўша афсона ҳақиқатдек туюлаверади. Эҳтимол, афсона замирида муайян ҳақиқат бордир? Айниқса, илк баҳор палласида шаҳар харобасига чиқсангиз, майсалар энди бош кўтариб чиқаётган кезларда, кўчаларнинг, майдонларнинг ва уйларнинг ўринлари жуда аниқ сезилиб туради. Кейинчалик ёзда ўт қалин бўлиб кетиб, қўй-эчкилар тепкилаб кетганидан сўнг, у жойлар томомила ўзгариб қолади.

Келинг, яхшиси, ҳурматли китобхон, биргалашиб Далварзинтепанинг ҳозирги қиёфасини томоша қилиб чиқайлик.

Далварзинтепа таърифи. Шаҳар харобаси Шўрчи туманининг ҳозирги “Далварзин” ширкат хўжалиги ҳудудида салкам 47 гектар ерни эгаллаб ётади. У ҳақиқатдан ҳам иккита шаҳардан иборат. Ҳар иккаласи ҳам алоҳида мудофаа деворига эга, деворлар ўз навбатида эни 15 метр келадиган хандақ билан ўраб олинган. Шу хандақларнинг ўрнида ҳозирда ҳам пахтазорларни суғориб турган Дайтўлак сойи оқади. Кичик Далварзин 5 гектарга яқин жойни ишғол қилган. У ерда, бизнинг тахминимизча, арк — подшоҳ саройи ва унинг девони жойлашган бўлса керак.

1962 йил дастлабки текширишимизда, унинг 9 метр 60 сантиметр қалинликда пахса ва хом гишрдан қурилган мудофаа девори борлиги аниқланган эди.

Арка шимоли-шарқдан тўғри тўртбурчак шаклидаги асосий шаҳар харобалари тутшиб, 42 гектар ерни эгаллайди. Унинг 10 метр баландликдаги деворининг узунлиги 2,5 километрдир. Антик даврдаги шаҳарларда дарвозалар унча кўп бўлмаган, чунки доимий таҳликада бўлган жой ҳам сотқинлар душманга очиб берадиган жой ҳам, шаҳарнинг дарвозаси ҳисобланган. Далварзиннинг ҳам фақат бир дарвозаси бўлган, у подшоҳ арки яқинида жойлашган.

Ўша 1962 йили 15 кунлик қидирув ишларида фақат подшоҳ арки деворининг қалинлигини аниқлашга улугурдик, холос. Унинг пойдеворида қўйилган катта ҳажмдаги хом гиштлар, пахса қаторлари аниқланди, икки қатор девор борлиги маълум бўлди.

Далварзинтепадаги 1967 йилдан бери олиб борилган мунтазам ишларимизни ҳам шаҳар мудофаа деворини ўрганишдан бошладик, унинг тўрт жойини кесиб текшириб кўрдик, ҳатто бир жойини салкам 100 метр узунликда қазиб очиб ташладик. Маълум бўлишича, шаҳар мудофаа деворлари қалин пахса ва хом гиштлардан тикланган экан. Бу деворнинг ҳам қалинлиги 8 — 10 метр келади. Агарда бу деворнинг қалинлиги ва баландлигини ҳисоблаб чиқсак, неча миллион гишт кетганлигини ва ўрта ҳисобда қанча одам ишлаганлигини билиб оламиз. Деворнинг баъзи жойларида мустаҳкам истехкомлар, буржлар ва аскарлар юриш учун махсус йўлаклар бўлган.

Энди шаҳар дарвозаси орқали асосий кўча бўйлаб шаҳристон ичига кириб, у ердаги биноларга бир назар ташлайлик.

Шаҳарга кираверишда, ўнг томонда бир ҳунарманднинг шаҳар девори билан туташган 12 хонали уйи бўлган. Хоналарда рўзгорда кенг ишлатилган сопол идишлар, ип йиғириш асбоблари ва I — II асрга оид мис тангаларни учратдик. Айниқса, у ердан топилган сопол идиш-товоқлар диққатга сазовордир. Маълумки, ўтмишда ота-боболаримиз рўзгорда асосан хумдонда пиширилган сопол идишлардан фойдаланганлар. Мана шаҳарнинг обрўли кишиларидан бири бўлмиш кулол устанинг уйи. Бу ерда, подшоҳ саройининг нақд рўпарасида, кулоллар маҳалласини қазиб топдик. Унда 11 та хумдон, кулолнинг устахонаси ва истиқомат қилган хоналари жойлашган. Бинода топилган идиш-товоқларнинг нафис ва бир-биридан гўзал қилиб ишланганлиги аждодларимизнинг кулолчилик соҳасида ҳам юқори санъатга эришганликларидан дарак беради.

Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий қисмида катта-катта тепаликлар бир-бири билан тутшиб кетган. Бу ерда қазилма олиб бориб, тепаликлар остидан бой-зодагонларнинг кўп хонали уйлари борлигини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Маълумки, энг яхши санъат асарлари, айниқса, буюмлар шундай

жойларда тўпланади ва сақланиб қолади. Шахристон киборларининг уйларини қазийдан кутган муддаомиз бу гал ҳам беҳуда кетмади. Улардан бири бизга бой маълумот берди: иморатнинг нодир тарҳи билан танишдик, нақшли ёғочнинг йўнилган қолдиқларини топдик. Бу Кушонлар даврига мансуб нақшли ёғочнинг илк намунаси эди. Худди шу жойда милоддан аввалги I аср тасвирий санъатининг намуналарини ҳам учратдик. Ноёб парчаларда от чоптириб кетаётган аскар тасвирланган. Ҳша даврга мансуб дунёвий мазмундаги тасвирий санъат мавжуд экан. Ниҳоят, бу уйдан мисли кўрилмаган олтин буюмлар хазинаси ва ҳозирда дунёда энг қадимги ҳисобланган шоҳмот доналари топилди (булар ҳақида кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз).

Шаҳарнинг шимолий қисмида, мудофаа деворига яқинроқ жойда теп-текис майдон ўртасидаги чўққайиб турган тепалик остидан аллақандай, ўшанда бизга номаълум бўлган, маҳаллий диндорларнинг ибодатхонасини топдик.

Кенг тарқалган динлардан бўлмиш Будда дини иншоотлари ҳам шаҳардан ва шаҳар деворидан ярим чақирим узоқликда жойлашган экан. Будда динини Кушон ҳукмдорлари ўз ҳомийлигига олишган. Шунинг учун бўлса керак, Далварзинтепадаги бу иккала будда иншооти жуда ҳашаматли ва дабдабали бўлган.

Буни қарангки, шаҳарни душман қамал қилиб турганда ҳам унга махфий равишда махсус сопол қувурлардан сув келиб турган экан. Шундайлардан биттасини топдик. У жуда пухта жойлаштирилган: ҳозирги ер сатҳидан деярли 6 метр чуқурликда, уйнинг остидан ўтган. Ҳозирда 15 метр узунликкача қазиб кўрдик, холос. Унинг давоми шаҳарнинг ғарбий деворига қараб йўналган. Сопол қувурларнинг ҳар биттасининг узунлиги 1 метр (ҳаммаси бўлиб ҳозирча топилгани 15 та).

Кўриниб турибдики, шахристонда мумтоз антик давр шаҳарларига оид тафсилотларнинг барчаси жамулжам. Шубҳасиз, бу пойтахт шаҳар, чунки бунчалик мукамал шаҳар ўша вақтда йирик пойтахт бўлиши мумкин, холос.

1968 йилда Душанбе шаҳрида Кушонлар тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишга бағишланган Халқаро симпозиумда Г.А.Пугаченкова билан бирга топилган ашёвий далиллар юзасидан маъруза қилдик; унда, Далварзинтепа, Гуйшуан (Кушон) кўчманчи қабилаларнинг илк бор ташкил қилган империясининг пойтахти бўлган, кейинчалик, чамаси юз йиллар ўтгач, улар пойтахтни Пурушапур (Покистондаги ҳозирги Пешовар шаҳри)га кўчирганлар, деган фаразни баён қилганимизда, симпозиум ташкилотчиси академик Бобожон Ғофурович Ғофуров ҳаманинг фикрини яқунлаб:

— Профессор Г.А.Пуганчекова бошлиқ экспедициянинг Далварзинтепа ва Холчаёнда олиб борган ишлари ҳамда улар топган ноёб топилмалар Кушонлар муаммосининг кўп томонларини тушунишда ка-

лит бўлиб хизмат этиши билан бирга, Бақтрия санъат мактабининг негизини ҳам ташкил қилади, — деб юксак баҳо берган эди.

Демак, Далварзинтепа шубҳасиз, йирик империянинг пойтахти бўлган. Атрофда унга тобе бўлган вилоятлар ва ўлкалар бор. У ерларда ҳам маданий ҳаёт бир варакайига тараққий этган. Подшоҳ вақти-вақти билан дам олгани чиққан гўзал боғ-роғлар ва масканлар бўлгани шубҳасиз. Холчаёндаги ҳашаматли сарой қолдиғи бунга далил деса бўлади.

Холчаён ҳайкаллари — Бақтрия санъат мактаби. Ер куррасининг Холчаён деб аталмиш зиғирдаккина бир нуқтаси 1959 йилнинг куз фаслигача ҳеч кимнинг эътиборини тортмаган. Обод қишлоқ ва кенг пахтазорлар кучоғида сочилиб ётган оддийгина, кўримсиз, пастак тепаликлар олимлар назаридан четда бўлиб, асрий, нотаниш ўтмиш сирларини ғарибона бағрида сақлаб келарди. Фақатгина маҳаллий аҳоли бу ердан баъзида кўёш нурида жимирлаб турган бежирим, чиройли нафис сопол синиқларини, зарб этилган олтин, кумуш, мис тангаларни ва бошқа нарсаларни топиб олишарди. Бу ажойиб кўҳна ва сирли топилдиқлар уларни ҳайратга солар ва қачонлардир бу ерда шаҳарча бўлганлиги тўғрисида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятларни эслатарди.

Холчаён Денов шаҳридан 12 чақирим шимоли-шарқий, Далварзинтепадан ўттиз чақирим шимолда жойлашган Холчаён ширкат хўжалиги ҳудудида паст-баланд тепаликлар шаклида гавдаланади.

Бу ернинг Холчаён деб номланиши маҳаллий аҳолига номаълум. XX асрнинг ўттизинчи йилларида бу ерлардаги ботқоқликлар қуритилгандан сўнг Бойсундан, Дехқонободдан кўчириб келтирилган кишилар қачонлардир тепаликлар жойлашган ерларни Холчаён деб аташганларини эслашади. Кексаларнинг гапига кўра “Холчаён” сўзи “чаён” ёки “чаёндек заҳар тилли холани” англатармиш. Лекин бу иборанинг келиб чиқиши тарихи ноаниқ бўлиб, қандайдир шу сўзга талаффузи яқинроқ сўзнинг бузилиб айтилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1959 йилнинг кузида энди тузилиш масаласи кўрилаётган Ўзбекистон Санъатшунослик экспедициясининг Холчаён қишлоғига зудлик билан етиб келган кичкинагина гуруҳи олиб борган ишлари натижаси ўлароқ бизга қадар бўлган барча афсона ва ривоятларга чек қўйди. Қазимани дастлаб жамоа хўжалиги устахонаси майдонида чўққайиб турган тепаликдан бошладик.

Омадни қарангки, ўша тепалик остида қадимда ҳашаматли сарой бўлган экан. Кўп ўтмай, куз кунларининг бирида Холчаён тепаликлари узралоқдиёна овоз янгради: “Ҳайкал! Ҳайкал!”.

Экспедиция аъзоларидан бири тупроқ орасида ётган одам ҳайкалининг қўл қисмини эҳтиёткорлик билан тутиб турарди. Галина Анатольевна ҳайкал парчасини қўлга олиб, ўзининг ҳаяжонланганлигини сездирмасликка ҳаракат қилар ва яқинда институт илмий кенгашида бўлиб ўтган баҳслашув беихтиёр хотиридан ўтарди. Ўшанда у ўз маърузасида:

— Институт Ўрта Осиёда санъатшунослик ихтисоси бўйича яккаю-

ягона бўлгандан кейин, комплекс Санъатшунослик экспедициясини ташкил қилиш пайти келди. Бу экспедиция ҳали олимларимиз оёғи етмаган ерларга отрядларини юбориб, Республикамиз қадимий санъати маданиятини янги материаллар билан бойитиши лозим. 1937 — 38-йилларда М.Е.Массон тузган Термиз археологик комплекс экспедицияси таркибида кўҳна Термизни текширганимизда, бу ўлканинг қадимий маданияти ва санъатига қойил қолганман. Афсуски, бу ишлар уруш бошланиб кетиб, чала қолиб кетди. Мен Республикамизнинг бошқа районларидан ҳар ҳолда кўнглим тўқ, чунки олимлар кўп қидирув ишлари олиб боряптилар. Аммо мени, яна қайтариб айтаман, Республикамизнинг жанубий районлари қизиқтиради. Ахир у ерда бирорта йирик экспедиция йўқ-ку. У ерда кўп ёдгорликлар вайрон бўлиб кетиши турган гап. Қолаверса, институтимиз қошида комплекс экспедиция тузилиб, жанубга юборилса, архитекторларимиз халқ меъморчилигини, амалий санъат бўйича кулоллар ва ҳунармандлар ижоди билан, мусиқашунослар ва театршуносларга қанчадан-қанча материаллар бор, — деб қаттиқ туриб олган эди.

Йиғиндагиларнинг баъзилари: — Санъатшунослик институти олимлари археологик қидирув олиб боряпти, деб Академиядаги археолог ҳамкасаба дўстларимиз (1964 йилгача Санъатшунослик институти олимлари Археология ва этнография институти билан бир қаторда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига кирган) хафа бўлиб қолмасмиканлар, сизларни ахир боришларингизга ер остида санъат обидалари кутиб турмаётир — деб эътироз билдирганлар ҳам бўлди.

— Хайриятким, қазишманинг дастлабки кунлариёқ ҳайкал бўлаклари чиқиб қолди. Энди дадил ишлайверса бўлади, — деб ўзига далда бергандай бўлди Галина Анатольевна. Шу кунгача айвон шаклидаги жойдан олтига устун остига қўйилган махсус оҳақтошдан йўниб ишланган, худди Рим ва Греция сарой ва ибодатхоналаридаги каби тагкурсиларнинг топилиши, мана энди рангланган ҳайкал бўлақларининг чиқиши, шубҳасиз, шу жойда аллақандай ҳашаматли бино борлигидан дарак бериб турарди.

Холчаёнда уч йил давомида олиб борилган ишлар биз кутгандан ҳам сермазмун бўлди. Ҳақиқатдан ҳам тепалик ўрнида милоддан аввалги I асрда қад кўтарган сарой бўлган экан. У уч қисмдан иборат. Марказий қисмини айвон, катта зал — қабулхона ва тахтхона ташкил қилади. Саройнинг атрофида эса узун, қоронғу даҳлиз ва квадрат шаклидаги хўжалик аҳамиятига эга бўлган хоналар бор. Сарой деворлари ҳўлигида оғирлиги 15 — 20 килограмм келадиган хом гиштлардан тикланган. Гиштларнинг бир юзида аллақандай тамғалар бор, улар ҳатто юнон алифбосининг ҳарфларига ўхшаб кетади. Биз бу тамғаларни гиштларни тайёрлаган қуллар чизган деб ҳисобладик.

Хоналарнинг саҳни одатда қуруқ ер бўлиб, лой билан сувалган. Сарой томонга ёғоч вассалар терилиб, устидан қамиш тўшалган, ёғоч

қириндилари ва сомон аралаштирилган лой билан сувалган. Том четларини гишт парчалари (черепица) босиб турган. Шартли дарахт барглари тасвири бўлган тарновлардан ёмғир, қор сувлари оқиб тушган.

Айвондан залга кирадиган учта эшик бўйлаб, эшикларда олтин толалардан тикилган қимматбаҳо пардалар осилиб турган (тилла ипчалар кўп миқдорда топилди). Эшиклар тепасидаги оқ сувоққа чизилган нақш гуллар ва текис девор сатҳига бўрттириб ишланган хайкаллар бўлган, ҳайкаллар деярли асосий залда жамул- жам.

Тасаввур қилинг: асосий зал- қабулхонадасиз. Девор шипига худди девор орасидан чиқиб келаётгандек кўринган ҳайкал шаклида ишланган бир гуруҳ болалар гулчамбар кўтаришиб, чопиб боришяпти. Баъзилари йўл-йўлакай рақсга тушиб кетган. Қўлларидаги қадимги чолғу асбобларидан лютна (уд), арфа чертаётган чолғучи қиз тасвирига қарар экансиз, ўзингизни худди тантанали маросим қатнашчисидек ҳис қиласиз. Деворнинг бошқа томонидаги ҳайкаллар ҳукмдорни, унинг хотинини ва бошқа шахсларни ифодалайди.

Агарда шу маросим иштирокчиларини бирма-бир таърифлаб чиқсак, этнография ва антропологияга бағишланган алоҳида асар бўлади, чунки улар жуда кўп ва хилма-хил. Ҳозирча таъмирчиларимиз шу бўлақлардан таъмирлаш асосида 35 та одам, 7 та от ва унга ўтқазилган чавандозлар борлигини аниқладилар (ҳайкалларнинг кўпчилигини Ўзбекистон Тасвирий санъат Давлат музейида намоиш қилишмоқда).

От ва суворийлар ажойиб ишланган: отларнинг олдинги икки оёғи ҳавога кўтарилганча тасвирланган. Улар оқ, қора, қизил рангда. Қолган отлар ва одам ҳайкаллари ҳам шу ранглар билан бўялган.

Бир тур отлар енгил қуролланган жангчилар учун мўлжалланган. Отлар устидаги жангчиларда енгил кийим, қўлларида ёй.

Иккинчи тур отлар оғир қуролланган жангчиларники. Бу отлар устида темир қалпоқ кийган жангчи. Юзи кенг, эчки соқолини тутамлаган, дарғазаб кўзлари катта-катта.

Бизнинг олдимизда ҳайкалларда кимлар тавирланган ва сарой қандай юқори дидли ҳукмдор томонидан барпо қилинган экан, деган муаммо турар эди. Шу боисдан ҳам қазилма яқинига узоқ-яқиндан келган қизиқувчиларнинг юзларига биз билдирмасдан узоқ-узоқ тикилиб қолардик. Айниқса, ўша пайтда худди ўрта аср бозорларига ўхшаб кетган Денов бозори қизиқтирарди. У ерга Вахшивор, Сина, Сангардак, Хонжиза деган тоғ қишлоқларидан отга миниб келган кўзлари кўк, қирра бурун, серсоқол кишилар эътиборимизни кўпроқ жалб қиларди. Ахир бутун дунёни ларзага солган Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) милоддан аввалги 329 йили Оксус (Амударё)нинг тўқайзорларида пайдо бўлиб, тез орада деярли бутун Трансоксания (Мовароуннаҳр)ни забт этди. Милоддан аввалги 327 йилнинг илк баҳорида унинг қўшини Ҳисор тоғ тизмалари орасида жойлашган қасрда яширинган ўз душмани Оксиартга қарши юриш бошлаган. Катта қийинчиликлар би-

лан тоғ чўққисидаги қалъани забт қилган, ammo Оксиарт омон қолади. Бунга сабаб унинг гўзал қизи Рохшанакка (юнонча манбаларда Роксона деб келтирилади) Александрнинг уйланиши ва бунинг эвазига Оксиартни ўз қўшинларининг бир қисмига лашкарбоши қилиб тайинланиши бўлган.

Искандар юришларини ёзиб қолдирган тарихчи Арриан саркарданинг бу қарорини чин юракдан маъқуллайди. Искандар қалбини тоғ қизига топширади. У ерда аҳоли билан алоқани янада мустақамлаш учун ўз ёрдамчилари, лашкарбошларидан минг (баъзи манбаларда ўн минг) кишига ерли аҳолининг мингта (ўн мингта) қизини олиб беради.

Шунинг учун ҳам, биз экспедиция аъзолари, ҳар сафар ким билан учрашмайлик, ўша Искандар авлодларининг юзларини кўришга ҳаракат қилар эдик. Ўша ерли халққа уйланиб, шундай ажойиб манзарали ва бой ерларни тарк этмасдан қолиб кетган юнонлар ичида муҳандислар (архитекторлар) ва ҳайкалтарошлар бўлишига ва шубҳасиз улар ерли халқлар билан оз бўлса-да, бу санъат сирлари билан ўртоқлашган бўлишларига биз ишонгимиз келар эди.

Ҳа, дарвоқе, бир куни катта ҳайкал калласини топиб олиб, ҳаммамиз ҳайрон қолдик, чунки у экспедициямиз базасига қўшни уйда яшайдиган бригадирга жуда-жуда ўхшаб кетар эди. Шу боисдан ҳам биз топилманинг тагига ва дала кундалигига оддийгина қилиб “бригадир” деб ёзиб қўяқолдик ҳам.

Агар масалага илмий ёндошадиган бўлсак, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ҳайкалларнинг кўриниши Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ерларида кенг тарқалган дастлабки Кушон тангаларидаги сирли шахс тасвирини кўз олдимизга келтиради. Бу тангаларнинг юз томонида бир томонга қараб турган ҳукмдор тасвири бор. Иккинчи томонда эса Осиё кийимидаги қуролланган отлиқ подшоҳга ғалаба худоси — Ника тож кийдирапти. Тангадаги ёзувда “Ҳукмдор Герай Санаб — Кушон” деган сўзлар битилган. Герай дастлабки Кушон ҳукмдори Кужула Кадфиздан олдин яшаган бўлиб, унинг замонда Кушонлар империяси таркиб топмаган эди. Герай ҳокимият тепасига чиққач, кушонлар тангасини биринчи бўлиб зарб этди.

У ўзигача бўлган грек-македониялик ҳукмдорларга ўхшаб Греция маданиятига кўр-кўрона тақлид қилмади, аксинча Осиё маданиятини унга уйғунлаштирди. Ҳайкалларда Герайдан ташқари бошқа сарой уламулари, четдан келган элчилар, от чоптириб кетаётган чавандозлар, созандалар, масхарабозлар ҳам тасвирланган. Холчаён ҳайкалларидаги ўхшашлик-Холчаён Герайининг ёки унга яқин оға-иниларининг турар жойи бўлган, деган хулосага олиб келади.

Агарда Холчаённинг Далварзинтепадан атиги 30 километрлигини назарда тутсак, у ҳолда албатта ҳукмдорнинг марказий шаҳар ва саройда яшаганлиги табиий. Ammo шу нарса ҳам равшанки, ҳукмдор ов қилгани ёки дам олгани тез-тез ўзига тобе бўлган салтанатнинг бой манза-

рали жойларига чиқиб турган (Амир Темурнинг Самарқанд шаҳри атрофида ўнтадан ортиқ дам оладиган боғлари бўлганини эслайлик). Уйлаймизки, мана шу пайтларда у ўзининг Холчаёндаги ноиби ҳузурига келганда, ўзи шаънига қурилган ҳашаматли саройда тўхтаб, дам олгани эҳтимолдан холи эмас.

Будда ибодатхоналари. Далварзинтепадан будда ҳайкалтарошлик санъати обидалари топилиши экспедициямизнинг катта ютуғи бўлди.

Манбаларда баён этилишича, будда дини Ҳиндистонда пайдо бўлгандан кейин салкам 500 йил ўтгач, Афғонистон орқали Ўрта Осиёга кириб келган. Бу динни тарқатишда Кушонлар империяси, айниқса унинг саркардаси, ўзини “шоҳлар шоҳи, буюк халоскор” деб эълон қилган Канишка жуда катта ҳисса қўшди. У ҳукмронлик қилган пайтда империя бадавлатлиги, юксак маданияти, санъати, шаҳарсозлиги билан юқори даражага кўтарилган эди. Бунга сабаб, у ўзи буддий бўлиши билан бирга, давлат сиёсатида ҳам будда динидан усталик билан фойдаланади. У вазиятни тушунган ҳолда иш тутди. Чунки унинг салтанатида ҳар хил анъаналар ва эътиқодларга мансуб ҳар хил тилда сўзлашадиган элатлар бўлиб (Канишка даврида Кушон империясига ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари кирган), уларни бирлаштириш учун ягона бир дин зурур эди. Бундай дин — ўзлари яқиндагина Ҳиндистонни босиб олганларида қабул қилинган будда дини жуда қўл келди.

Канишка кўплаб будда иншоотларини қурдирди, пойтахтда буддавийларнинг диний йиғилишини ўтказди. Унинг зарб қилган тангаларида бошқа худолар билан бир қаторда, Будданинг тасвири ва BOODOO деган ёзув ҳам битилган эди. У ҳатто давлат бошқариш аппаратида маслаҳатчи сифатида будда қоҳинларидан ҳам фойдаланди.

Қизиғи шундаки, Кушонлар бу динни ўт қўйиб, қилич ўйнатиб, бошқа диндорлар ибодатхоналарини ер билан яксон қилиб ўрнатмадилар. Бу ишни жуда усталик билан будда ташвиқотчилари осонгина бажардилар. Биз буддизмнинг зўр ташвиқотчиларидан бири термизлик (яъни “тармиталик”) Дхармамитрани яхши биламиз. У бошлиқ ташвиқотчилар, ҳатто бу динни шарқий Туркистон ва ундан ҳам кенгроқ Хитойга ва бошқа жойларга тарқатдилар.

Кушонлар империясида ўша вақтда ягона давлат дини бўлмасдан, балки ҳар қайси элат ўзи хоҳлаган худоларига ишонар ва сиғинар эди.

Буддизмнинг қулайлиги яна шундаки, будда ибодатхоналарига янги келганлар нафақат диний рисоалар ва китоблар ўқишар, балки шу билан бирга, дунёвий адабиётлар — тиббиёт, грамматика, мусиқа, ер, осмон, шамол ва юлдузлар ҳақида, рассомлик ва шеърят илмларини ўрганишар эди. Шунинг учун ҳам, буддизм тадқиқотчиларининг фикрича, буддизм ўзининг 2500 йиллик тарихи даврида ибодатхоналарни қуришда, ҳайкалтарошлик ва рассомлик соҳасида, диний-фалсафий рисоалар яратишда, тарғиботчиликда ва зиёратчиликда, йирик буд-

дизм мутафаккирлари сонининг кўплиги жиҳатидан Кушон империясидагидек юқори даражага эришмаган.

Ҳатто хоразмлик аллома Абу Райҳон Беруний ҳам буддизм ҳақида куйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ўтмиш замонларда Хуросон, Форс, Эрон ва Мосулдан то Суриянинг чегарасигача яшаган аҳоли буддавий динига сиғинар эди. Аммо кейинчалик Зоратуштра (Зартуштра) таълимоти Гуштаспга ёқиб, уни мағриб ва машриқда тарқата бошлади. Чин мамлакатидан то Рум ерларига қадар оташпарастлик ибодатхоналари қурилди”.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, буддизм Ўрта Осиёни ҳинд маданияти билан таништиришда худди “кўприк” хизматини адо этган. Бу диннинг кенг тарқалиши билан Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида ўзаро муносабатлар ривожланиб кетди. Бу ўзаро алоқалар бир ёқлама бўлмасдан, балки Ҳиндистонда ҳам Ўрта Осиё маданияти излари борлиги намоён бўлмоқда.

Масалан, Ҳиндистондаги кўпчилик қўшин, ҳарбий ва маъмурий амалдорлар ўрта осиеликлардан тайинланган экан. Яна бу маданиянинг излари — Грек алифбосига асосланиб Кушон ёзувида битилган Бақтрия тили, кийим-кечак хиллари, чолғу асбоблари ва рақслари ҳам кибриб борди.

Мана шу маълумотларга эга бўлган ҳолда, биз Далварзинтепада иккита будда ибодатхонасини қазिशга киришдик. Биринчи марта будда иншооти 1967 йилнинг илк баҳорида топилди. Бу бино шаҳар ичида жойлашмасдан, балки унинг шимолий мудофаа девори томонида, ундан ярим чақирим нарироқда жойлашган экан. Албатта, бу ҳол бизни бироз таажжублантирди, чунки бундай қурилишнинг ўрни айнан катта шаҳар ҳудудида бўлиши керак-ку, ахир?!

Бино қолдиқлари биз ўйлаганча бўлиб чиқмади. Одатда буддизм иншоотлари кўп хонали ва мураккаб тарҳга эга бўлиши керак. Унинг фақат еттита хонаси сақланган холос (тепаликни булдозер суриб текислаб юборган эди), деворлари ҳам атиги 70—80 сантиметр баландликда сақланиб қолган (шубҳасиз, янги тикланган вақтда ундан баланд бўлган).

Ёдгорликда биз топган тангалар, ибодатхонанинг Кушон подшоларидан Кадфиз I (эрамизнинг I асри) даврида зарб қилинганлигидан дарак беради. Хоналар ичида ганчдан тайёрланган ҳайкаллар майдаланиб ётибди. Марказий қисмини биз “шоҳлар зали” деб номладик, чунки у ерда ҳайкаллар будда иззатловчи подшо хонадонидаги ва унга яқин кишиларни ифодалайди. Бу хонага махсус йўлақлар орқали кириш мумкин. Қолган хоналарда озиқ-овқат сақланган ва баъзиларида коҳинлар (монахлар) истиқомат қилганлар. “Шоҳлар зали” ёнида Будда ҳайкали ўрнатилган супанинг пойдевори сақланиб қолган, у асосан хом гишт ва паҳсадан ишланган.

Ҳайкаллар аксарият “шоҳлар зали” ва унга борадиган йўлақда то-

пилди. Бу ибодатхона бошқа диндорлар томонидан вайрон қилинган, у ердаги ҳайкаллар эса парчаланган. Бизгача етиб келган ҳайкаллар бир-биридан ажойиб ва нодир. Уларда подшоҳ, шаҳзода, амалдорлар, Будда, унинг мухлислари, шогирдлари ва издошлари тасвирланган.

Мана шаҳзоданинг ҳайкали. Унинг қимматбаҳо тошлар қадалган махсус тайёрланган оч кўк рангли узунчоқ кулоҳи ва юз тузилиши усталик билан ишланган. Кушон подшоларидан бири II асрда ҳукмронлик қилган Васудева ўзи зарб қилдирган мис тангаларда худди шундай кулоҳда тасвирланган эди.

Иккинчи ҳайкал эса катгароқ, узунлиги 1 метрга тенг. Уни аслида бўлак-бўлак ҳолда хонанинг у ер-бу еридан топдик, кейин институти-мизнинг тажрибали ҳайкалтарош таъмирчилари уни аввалги ҳолига қайтардилар. Унинг устки кийими Кушон империяси амалдорларининг либосини ифодалаб, юзи ва шалвари қип-қизил рангда, мўйлови, сочи, осилиб турган белбоғи қора рангда...

Шу гуруҳга, подшоҳ саройи вакилларида бўлса керак, бир аёл ҳам киради. У ниҳоятда гўзал бўлиб, сочлари турмакланган, икки чеккасида гажаги, қирра бурни ниҳоятда мафтункордир. Юзи ҳам оч қизил рангда.

Залнинг ўртасида турган асосий ҳайкал Будданинг ўзиники, бизгача бутун етиб келмаган, унинг фақат оёғи, қўл панжалари, сочлари топилди, холос.

Баъзи ҳайкаллар эса Будданинг икки томонидан қўлларида гулчамбарлар ушлаб турган “девати” деган шахслардир. Биттасининг юз тузилиши ва жингалак сочлари қўшни Афғонистондаги Ҳадда будда ёдгорлигидан топилган “Гул ушлаб турган улуғ истеъдод” қиёфасидаги шахсга ўхшайди.

Беш қиррали юлдуз, тунбарг шаклидаги безаклар ва гулчамбарларнинг ҳаммаси ҳайкалларга тақилган бўлган. Айрим ҳайкаллар қўлларида шу безакларни ушлаб турибди.

Бу ўлмас асарларни яратган ҳайкалтарош устанинг моҳирлигига таажжубланасан киши. Ҳайкалларнинг бош ва тана қисмлари лойдан тайёрланган бўлиб, бир қават мато билан ўралган, сўнгра устидан бир неча қават ганч бериб, у қотишга улгурмасданоқ, зудлик билан керак-ли образлар яратилган.

Тугмачалар, аёлларнинг кулоқларидаги исирғалари, сочлари, қўл ва оёқ панжалари ҳамда турли жимжимадор безаклар эса қолипда қуйилиб, сўнг ёпиштириб қўйилган. Мато чириб кетган, аммо унинг изи ганчда аниқ кўриниб сақланиб қолган.

Далварзинтепадаги иккинчи будда ибодатхонаси қадимги шаҳарнинг қарийб марказида жойлашган. Шаҳристон тузилиши шуни кўрсатадики, унинг марказида шарқдан ғарбга томон эни 18 метрга яқин кўча ўтган бўлиб, шаҳарни иккига ажратган. Ғарбда у бадавлат хонадонлар маҳалласига бориб тақалади. Марказда “Т” ҳарфи шаклида чор-

раҳа ҳосил қилиб, бу кўчадан бошқа бир йирик кўча ажралиб чиқади ва шаҳарнинг шимолий қисмига қараб йўналади. Унчалик баланд бўлмаган ва бағрида будда ибодатхонаси қолдиқларини яшириб ётган тепаликлар тор кўча орқали шу йирик кўча билан боғланган.

Бу будда ибодатхонаси шаҳар ташқарисидаги будда ибодатхонасига кўра катта жойни эгаллайди. Бу объектда иш 1983 йилда бошланган бўлса, ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Бугунги кунга келиб бу будда иншоотининг 20 тадан кўпроқ хонаси очиб текширилди. Марказда томонлари 11 ва 9 метр келадиган катта зал бўлган, унинг атрофида эса майда хоналар жойлашган бўлиб, коҳинлар яшаган, овқат тайёрлайдиган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Марказий хонада эса асосан Будда, Бодхисатва ва бошқа персонажлар ҳайкаллари ўрнатилган эди. Залнинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар ўтирган, тик турган ҳолда тасвирланган. Будданинг ҳайкали махсус токча ичига жойлаштирилган, қолганлари эса супа устида.

Ҳайкалларнинг аксарияти парчаланган ҳолда учрайди. Залнинг ҳажми катта бўлганлиги учун, бизнинг тахминимизча, унинг томи бўлмаган, балки очиқ бўлиб, фақат ҳайкалларнинг тепасига айвон шаклида мослама қурилган. Деворларда ўша айвонларнинг устунлари ўрни ковак бўйлаб сақланиб қолган, аммо ёғочлар чириб кетган.

Марказий залда ҳайкаллар тўпланган бўлиб, уларнинг парчалари бошқа қўшни хоналарда ҳам учрайди, аммо жуда оз миқдорда.

Будда иншоотининг тарҳи тўла-тўқис аниқлангани йўқ, уни ўрганиш ҳам биров қийинроқ, чунки шаҳарнинг шу қисми кушон-сосонийлар даврида фаол ўзлаштирилган. Устига-устак, ибодатхона хоналарининг бир қисмидан маълум вақт бошқа мақсадларда фойдаланилган, кейин эса шу ерда янги иншоотлар қурилган ҳам.

Қуйида биз топилган ҳайкалларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Дастлабки ҳайкаллар 2-хонага олиб кирадиган зинапоя ёнида жойлашган, ганч ҳайкалларининг парчалари, соч толалари, медальонлар, кўкрак нишонлари, безакларнинг бошқа қисмлари, олтин суви билан қопланган ҳайкалларнинг тана қисмлари топилди. Шу парчаларга қараганда, бу ерда кичик ҳайкалчалардан тортиб, одамдан қарийб икки марта йирик ҳайкаллар ҳам бўлган.

Ана шу ҳайкал парчалари орасида аждарнинг ён томондан тасвирланган мўъжаз ҳайкалчаси (ҳозирча ягона нусхада) топилди. Бу образ ҳинд асотирларида сув унсурининг рамзи бўлган тимсоҳсимон махлуқ — “Макара”нинг айнан ўзидир.

3-хонадан йирик хилма-хил ва ажойиб ҳайкаллар чиқди. Тагтўшам ва деворлар бўйлаб турли катталиқдаги 25 та ҳайкал, ҳайкаллар ва суратларнинг ўнлаб парчалари топилди. Хонанинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар мажмуи, алоҳида ҳайкаллар кўп учрайди. Ҳайкаллар устида уларни қор-ёмғир ва шамолдан сақловчи

ҳамда девордан учи чиқиб турадиган консоль тўсинлар устига ўрнати- лувчи бостирмалар бўлиши керак. Чиндан ҳам, бошқаларга нисбатан баландлиги қарийб 3 метр жуда яхши сақланиб қолган жанубий девор- да вақт ўтиши билан чириб кетган тўсинларнинг ўрни — тўртта дума- лоқ тешик кўриниб турибди.

Деворлар остида ва тахмонларда жойлаштирилган ҳайкалларга бой бўлган бу хил ички ҳовли, мисол учун, Шарқий Афғонистоннинг Ҳад- да шаҳридаги Тепаи-Шутур будда мажмуасида учрайди. Муҳим фарқи шундаки, у ҳайкалга ўхшатиб безатилган ва марказий йирик таглик атрофига жамланган кичик тагликларга тўла. Далварзинтепа ибодатхо- насида эса бошқача: асосий тагликни ҳозирча топа олмадик. Балки у мажмуанинг бошқа қисмидадир. Ҳайкаллар жойлаштирилган ер сатҳи 7 ярус (ярим метр 1 ярус) ўрталарига тўғри келади.

Энди ҳайкаллар тавсифига ўтайлик. Бу ерда Будда, Бодхисатва ва бошқа Будда персонажларининг лойдан, лой-ганчдан ва ганчнинг ўзи- дан ишланган жами йигирмадан зиёд ҳайкаллари, алоҳида парчалар (қўл ва оёқ кафти, кийим, тақинчоқ, тепа қисмлари) ва ҳоказолар топилди. Ҳайкаллар орасида катта-кичиклари ва йирик ўлчамда иш- ланган таналар бор. Уларни тайёрлашда юз, соч турмаги қисмлари, бош кийими ва заргарлик буюмлари учун қолиплардан кенг фойдаланилган. Қисмлар алоҳида тайёрланиб, кейин лой ва ганч сатҳга ганч қоришма- си ёрдамида ёпиштирилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, йирик ҳайкалларнинг айримлари су- пага ёки махсус тагликларга ўрнатилган. Бир ёки икки қатор хом гиш- тдан терилган бу тагликлар (супачалар) яхшилаб сувалган, баъзан эса оқланган ёхуд қизил, пушти рангларга бўялган.

Йирик ҳайкаллар орасида Будда ва Бодхисатва ҳайкаллари бор. Улар- нинг образи будда ҳайкалтарошлигининг Ҳиндистон шимоли-ғарбида- ги Гандхара мактаби яратган ва шу ердан буддизм тарқалган жамики худудларда қабул қилинган анъаналар асосида тайёрланган. Бироқ, кейинроқ кўрамизки, бир қатор деталлар ўзига хос бўлиб, анъаналар жойларда маҳаллий шароит таъсирига учраганидан далолат беради. Тик турган ёки ўтирган Будда ҳайкалларининг юқори қисми, одатда бўлга- нидек, парчаланиб ташланган, аммо айрим фигураларнинг қуйи қис- ми уларнинг анъанавий ҳолатларда — тик туриб ваъз ўқийётган ёки ўти- риб мушоҳада қилаётган кўринишларда тасвирланганини кўрсатади. Эҳтимол, уларнинг баъзилари Будда Гаутама ҳаётининг турли лавҳала- рини акс эттирувчи композицион гуруҳларга мансуб бўлгандир.

Барча ҳайкалларни санаб ўтиш ва тасвирлаш кўп ўринни эгаллай- ди, балки у махсус бир монография учун мавзу бўлар. Шу боис ҳам, Кушонлар даврининг будда санъатини ўрганувчиларда муайян қизи- қиш уйғотадиган ҳамда Шимолий Бақтрия худудидаги энг йирик Будда ёдгорлиги сифатида Далварзинтепадаги Дт — 25 объектини яққол таъ- рифловчи энг ажойиб ва муҳим персонажларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Будда ҳайкаллари. Будда ўтирган ҳолда тасвирланган, лой-ганчдан ишланган энг йирик ва чамаси асосий ҳайкал хонанинг шарқий девори томонида жойлашган. Унда гавданинг очилган оёқларини ўраб турган ридодан иборат қуйи қисми эни 1м 80см сақланиб қолган. Матонинг энсиз учи қатларини тутиб турган бармоқлари букилган (ўрта бармоғининг узунлиги 28 см) ва майин тарашланган чап қўлнинг йирик кафти (ўлчамлари: 38x20x25см) бор. Қўл кафти ва ўтирган гавда ўлчамларига қараганда, Будда ҳайкали анча йирик бўлган. Ўтирган ҳолда тасвирланувчи Будда ҳайкалларига хос мутаносибликдан келиб чиқиб ҳисоблаганда, гавда баландлиги гавда билан бирга 3 метрга борган бўлиши керак ва уни тахмоннинг қилсимон ёки кунгурадор равоғи ўраб турган.

Ўтирган Будда ҳайкаллариининг лойдан ишланган иккинчиси жанубий девордан, жануби-шарқий бурчак яқинидан топилди. Бу ҳайкал аввалгисига нисбатан хароброқ, оёқларини ёпиб турган кийим тахларигина сақланиб қолган, холос.

Биринчи ҳайкалнинг ўнг томонида, ўнг оёқни ёпиб турган кийим тахлари устида Будданинг алоҳида, юзи пастга қараган ҳолда ётган боши топилди. Бу анъанавий образ лойдан қолипда тайёрланган, кейин қўлда озроқ тузатилган — тўла юзи майин тарашланган, пешана кенглиги ўртача, қош бўртмалари бир текис “нилуфаргули” шаклидаги кўз бичими тўғри, бўртма қовоқлари ярим юмилган, энгаги адл, оғзи кичик, қулоқлари бошга ёпишган (энгаги синган). Жингалак сочлари бош ва ушнишани зич қоплаб турибди. Сочларининг бир қисми йўқ. Юзида оқ пигмент, сочда қора бўёқ сақланиб қолган (бош ўлчамлари: 40x20x23 см).

Ўтирган иккинчи Будда яқинида, чап оёғидан 60 см масофадаги чуқурча тозаланганда, Будданинг йирик боши чиқди. У лой-ганчдан ишланган бўлиб, ниҳоятда парчаланган, иккита қулоқ, бурун, кўз ва қаншар парчалари, юзнинг бир қисми мавжуд. Ўлчамига кўра, биринчи ҳайкалникидан сал каттароқ бўлган бу бош иккинчи ҳайкалга тегишли бўлиши мумкин.

Шимоли-шарқий бурчакда тик турган ҳолда тасвирланган Будданинг бошқа бир йирик ҳайкали жойлашган. Бошининг юқори қисми синдирилган бўлиб, ерда, оёқлари остида ётибди, белининг бир қисми йўқ. Тана лойдан ўша услуб асосида ишланган, қизил юзи ва сочида қора ранг излари сақланиб қолган. Жингалак сочлари бошда саккиз, қулоқларда уч қатор сақланган. (Бош ўлчамлари 28x25x4 см).

Будда образига бошнинг яна иккита парчаси ҳам тегишли.

Бодхисатва ҳайкаллари. Улар ҳам йирик ўлчамларда ишланган. 3-хонадан олтига ҳайкал топилди. Улар буддизмнинг бешта олий Бодхисатва муқаддаслаштирилган асосий анъаналарига мувофиқ тайёрланган. Жануби-шарқий девордаги тахмоннинг икки томонида иккита Бодхисатва тагликларга жойлаштирилган. Фигураларнинг бири хонанинг жанубий бурчагида юзи билан, иккинчиси супа ўртасида юзи юқорига қараб йиқилган. Бодхисатваларнинг шимолий девор бўйлаб жойлашган

ва қарийб бутун сақланиб қолган яна иккита ҳайкали ерга йиқилган ёки ағдариб ташланган.

Далварзинтепа ҳайкаллари Гандхара Бодхисатваларининг анънавий образига мувофиқ: юз бичимлари ажойиб ва ёқимли. Жингалак сочлари қалин, бош кийимлари чиройли, танаси яланғоч, бўйнида маржон, чап елкаси ва қўли оша “уттари” шарфи ташланган, “дхоти” деб аталувчи юбкасимон ҳиндча либос кийиб, камар билан боғланган, яланг оёқ Буддалардан фарқли ўлароқ, шиппак кийган. Бироқ Далварзинтепадаги Бодхисатва ҳайкалларининг бир қатор қисмлари уларни Гандхарадаги ва буддизм тарқалган бошқа ҳудудлардаги ҳайкаллардан ажратиб туради.

Хонанинг жанубий девори остида ўтирган Будда ёнида Бодхисатванинг ажойиб ҳайкали топилди. У қизғиш лойдан ишланган, устидан оқ пигмент юритилган, танаси, либоси ва бош кийими қизилга, сочи қора рангга бўялган. Юзи қолипдан чиқарилиб қўлда силлиқланган, танаси ва мато қўлда ясалган. Юз қиёфаси Будданики сингари кенг ва тўла, бурни сал эгилган, оғзи кичик, юқори лабидаги чуқурча сезиларли, ияги тўла, қўллари баданига ёпишган. Қизиқарли бир нарса — қаншари тепасида “урна” бўлиб, унга олтин безак ўрнатилган ва устидан ганч билан сувалган.

Танагача қия кесик шаклида ишланган калта сочлари қулоқлари олдидан чиқиб, айланиб ўтган. Бошида тиллақош бўлиб, унинг марказидан икки қатор эшилган тизимча чиқиб, тиллақошни айланган ва ён томонларда гулбезаклар билан маҳкамлаб қўйилган. Чамаси, тиллақош марказида қандайдир осма безак бўлган, лекин у ва бошининг тепа қисми сақланиб қолмаган. Бодхисатванинг танаси ва ўнг қўли очиқ, тана шакли бир қадар умумий тарзда сайқалланган. Чап елкага тушган “уттари” шарфи кафти сонда турган қўлни ўраган. Белда дхоти бошланиб, кенг-мўлгина осилиб туради, камарга бир қатор думалоқ қадама безак билан зеб берилган. Бўйнидаги маржондан ташқари елкадан яна бир маржон — уч қатор майда ярим шарлар билан қопланган занжир тушиб турибди.

Бодхисатваларнинг лой-ганчдан ишланган иккита ҳайкали ўлчамлари, тури ва техник ижросига кўра, ўзаро анча яқин. Улар фақат баъзи нарсалардагина фарқланувчи бир хил қолиплардан фойдаланиб ишланган ва бир хилда силлиқланган.

Бу ҳайкалларнинг бири озроқ синган, баландлиги 226 см. Юзи қолипда лойдан ишланиб, устидан ганч билан силлиқланган, бошидаги умумий ганчсувоқ алоҳида-алоҳида қўйилган нарсалар — бўртма “S” шаклидаги соч толалари ва узун гулбарглардан гулчамбар ёпиштирилган. Қулоқлари синган, юзида пушти, қовоқларида қизил, сочларида қора бўёқ излари сақланиб қолган. Бўйнида уч қатор мураккаб маржон бор: усткиси майда шарчалар шаклида, остидаги иккита ипга узунчоқ жавохирлар ўтказилган, ипларнинг марказига ва елкалар устидаги қисмига

бўртма — доирасимон ҳалқалар кўринишидаги катта ва юмалоқ медальонлар биркитилган, қуйи ипда яна осма безаклар ҳам бўлган.

Бодхисатванинг елкаларидан бўртма ва чийрилган ишлардан тайёрланган бошқа бир узун ва оғир маржон тушиб турибди. Дхоти матоси сонларда олти баргли гул безаклари билан камардек боғланган, қўллари ва оёқ кафтлари сақланмаган. Шуниси қизиқки, Бодхисатванинг елкаларидан тушиб турган узун ва оғир маржон Далварзинтепа олтин хазинасидан чиққан маржон билан бир хил.

Бодхисатванинг иккинчи ва худди шундай йирик ҳайкали ўша қаторнинг ўзидан, шимолий девор остидан топилди. Сақланиб қолган қисмининг умумий баландлиги 220 см. Лойдан ишланган оёқларининг белларидан ва қўлларининг тирсақдан пастки қисмлари сақланмаган. Ҳайкал юзи тепага қараган ҳолда ётгани сабабли, бинонинг устки қисмлари қулаганида бурни, оғзи, пешанаси ва соч турмаги бузилган. Шунингдек, маржон ҳам сақланмаган, бироқ қолганлари — либос тахлари, ундаги анвойи ранглар, ноёб камари ва бўйнидаги тақинчоқлари бу ҳайкални энг муҳим ва ўзига хос топилмалар қаторига қўяди. Ҳозирча у Дт — 25 даги ҳайкалларнинг энг йиригидир. Бошқа Бодхисатванинг боши алоҳида топилди. Унинг юз қиёфаси ва гажаклари Бодхисатваникига ўхшайди, чунки боши ёни билан тушган ва устидан хом фиштлар босиб қолган. Тиллақоши эса, бошқача — тасма кўринишида бўлиб, унга бўртма қилиб ишланган думалоқ ва катта-кичик медальонлар оралиб қадалган: катталари тўртта доирасимон чизиқча кўринишда бўлиб, чеккадагиси майда ярим шарлар билан қопланган, кичик медальонлар эса марказга битта ва унинг атрофига, доира бўйлаб олти шар ўрнатилган ҳолда гулбезакни ҳосил қилади. Бўйнида, ўнг қулоғи остидан тасманинг қисқа учи чиқиб турибди. Ушбу Бодхисатванинг қулоқларида эса қўнғироқсимон асосга зич қилиб биркитилган 12 парчадан иборат сирғалар сақланиб қолган.

Ибодатхонадаги бошқа ҳайкаллар. Будда ва Бодхисатваларнинг йирик ҳайкаллари билан бир қаторда, бошқа кишиларнинг ҳайкаллари ҳам ибодатхонани безатишда иштирок этганлар. Булар — дунёвий кишилар, чамаси данаторлар ёки умуман буддизмга хайрихоҳ одамлар ҳайкалчалари бўлиб, эҳтимол, тузилиш гуруҳларини ташкил этишгандир. Уларнинг парчалари етиб келган, лекин мутаносиблик қоидалари бўйича бўйи 70 — 100 см. га етган. Учта йирик тана (биттасининг боши алоҳида ётган, иккитаси эса бошсиз) ва турли ўлчамдаги бошлар — ана шу Будда ҳайкалларига мансуб.

Камарли ҳайкал. Гавданинг умумий баландлиги 81 см (белидан юқориси 33 см, белидан пасти — 48 см). Ҳайкал лой ва ганчдан жуда юпқа қопланиб, устидан қизил рангга бўялган. Ўнг оёғида либоснинг 5 — 6 тахлари сақланиб қолган, чап оёқда эса йўқ. Чап оёқ устида либос учи осилиб турибди. Либоси чакмон ёки шалвар. Эни 30 см келадиган

камар якқол тасвирланган. Ундан қуйида қадама тўқалар бор: иккитаси бутун, безатилган, атрофида яна иккитаси қисман сақланиб қолган.

Тўқалар йирик ва сиртига гулбарглр, тугма ёпиштирилган, қандайдир чуқурчалар бор. Буларнинг бири атрофидан икки қатор чуқур чизиқлар ўтган.

Маржонли ҳайкал. Гавданинг умумий баландлиги 86 см. Боши ва оёқлари йўқ. Қўллари либос остида. Бўйнида (диаметри — 23см) уч қатор маржон бор. Биринчиси — юқори қатор спиралсимон тарзда икки қатор қилиб ўрилган, ўрта қатор ўғирчалардан, қуйи қатор эса ганч билан ёпиштирилган гулбарглрдан иборат. Ҳайкал лой ва ганчдан ясалган, қолаверса, ганч қатлами анча қалин.

Киндик атрофига аввал бизга бир неча нусхада учраган йирик медальон ўрнатилган. Марказида юрак шаклида безаги борлиги унинг ўзига хос хусусиятдир. Либос тахлари чап томонда якқол тасвирланган ва қўллари шу тахлар остида қолган.

Бошли ҳайкал. Умумий баландлиги 1м.10см, лой ва ганчдан ишланиб, қизил рангга бўялган. Тана ва бош алоҳида-алоҳида топилган. Либос тахларига аввалги ҳайкалда бўлганидек учлари юрак шаклидаги медальон бириктирилган. Ундан қуйида доирачалардан иборат безак қатори ўтади. Либос тахлари жуда чиройли тасвирланган: чап елкадан тушган мато оҳиста осилиб, тана, ўнг қўл ва белнинг бир қисмини ўраган. Чап елкада, либос тахлари устига Бодхисатванинг йирик ҳайкалдаги каби маржон биркитилган. Бош ҳам тана сингари лойдан ясалган ва қалин ганч қатлами билан қопланган. Юзида ганч қатлами сақланиб қолмаган, фақат бошнинг юқори қисмида ганч безак бор. Бу безак ҳам Бодхисатванинг бошидаги спиралсимон безакка ўхшайди.

Қизил бош. Бодхисатванинг боши сингари эзилган. Юзи ниҳоятда бузилган, эҳтимол, устига тушган фиштлар босиб қолгандир. Лойдан ясаиб, қизил рангга бўялган. Сочлари тўлқинсимон ва қора рангда. Бошнинг баландлиги 46 см, эни 32см.

Аёл танаси. Ҳайкал лойдан тайёрланган. Ягона аёл фигураси бўлганидан, гўё ўзича бир чеккада тургандек. Ҳайкалнинг боши йўқ. Қўллари тирсақдан ва оёқлари тахминан болдир ўртасидан синдирилган. Ранги сақланмаган, бироқ деворга тегиб турган ва силлиқланмаган курак қисмида ганч изи бор, бу эса ҳайкал девор оқланишидан аввал ўрнатилганини кўрсатади. Аёл қоматли, сал бурилаётган ҳолатда тасвирланган. Белидан юқори қисман яланғоч бўлиб, елкалари ва кичик юмалоқ кўкраклари майингина ишланган. Либоси тирсақлари ва сонларини ўраб, қия тахлар кўринишида осилиб турибди. Ҳайкалнинг оғирлиги чап оёққа тушган, ўнг оёғи сал букилган ҳолда либос остидан сезилиб турибди. Ўлчамлари: 66x32x18см.

Таналар. Улар иккита. Юқори қисми ганчдан ишланган. Биринчининг ясалиши текис ва жуда нафис. Қўлларининг тирсақдан юқори қисми тахлари қия уттарига ўралган, ўнг қўли очик ва ундан кўп барг-

ли гулбезаклардан иборат йирик билагузук бор. Худди шундай билагузук чап қўлда ҳам бор. Иккала елкадан қия бўлиб тушган тасма ҳам шу хил гулбезаклар билан ишланган. Бўйнида ипга ўтказилган йирик медальонлардан иборат маржон бор. Қўлларида ё катта гулчамбар, ёки майда учли гулбарглар кўринишидаги заргарлик буюмини тутганича кўкрагига босиб турибди.

Иккинчи тана ҳам бошсиз бўлиб, ўтирган ҳолда тасвирланган. Будда фигурасининг ёнидан топилди. Чап елканинг бир тутам нарса тутган қўл билан биргаликдаги қисми сақланиб қолган. Либос тахлари аниқ тасвирланган. Ўнг қўли бўйинини ўраган либос тахлари остидан чиқиб турибди.

Алоҳида бошлар. Тўртта бошнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида топилди, танасиз.

Битта бош ўсмирга мансуб. Юзи сал ўнгга ва юқорига қараган. Пешананинг тепаси ва чеккаларидан ўраб турган тўлқинсимон сочлари қулоқлар томонга йўналган. Чиройли пешанабоғнинг юқори қисми қалин боғич кўринишида, пастки қисми — майда тўрли қилиб ишланган энсиз тасмадан иборат, ўртаси ва чеккаларида эса шаклдор тугунча ҳам, гардишига олинган бўртма жавоҳирларга ҳам ўхшаб кетадиган ва нималигини аниқ билиб бўлмайдиган бир нарсалар бор. Қулоқ солинчакларида сирға тақилган излар кўринади. Юз бичими бежирим, қош бўртмалари сал кўтарилган, кичик кўзларининг нигоҳи тепага қараган, оғиз бурчақлари сал бурилган. Ўлчамлари 13x9,5x6,6 см.

Бошқа бош аскарга тегишли. Аскар дубулғасининг тепасида пешанадан энсага кетган қирра ва олд томонида юқори учидан бошланиб икки томонга йўналган жимжима чизиқлар бор. Бош нам муҳитда шикастлангани сабабли, юз қиёфаси аниқ эмас.

Маъбуданинг боши. Соч турмагининг бир қисми сақланмаган. Бурни пачоқланган. Сочлари спиралсимон кўринишда, тиллақоши эса бешолти баргли гулбезакдан иборат.

Ниҳоят, тўртинчи бош бирон амалдорга тегишли бўлиши мумкин. Далварзинтепада шаҳар ташқарисидаги биринчи ибодатхонадан топилган ҳайкалга жуда ўхшаш. Лойдан ишланган, юзи, сочи қизил рангга бўялган.

Алоҳида парчалар. Улар қўл-оёқларнинг кафти, панжалари, либос, юз ва тананинг бошқа қисмларига оид парчалардан иборат.

Катта-кичик ҳайкалларга мансуб қўл ва айрим бармоқлар парчалари кўп учрайди. Ўн учта қўл ва йигирмадан зиёд бармоқларни ажратишга муваффақ бўлдик. Айрим қўл кафтлари гулбарглар, беш қиррали юлдузчалар ва япроқларни тутган, баъзилариники эса очик. Бир ўринда кафтга олтин суви югуртирилган. Яна бир гуруҳ қўл кафтларида бармоқлардаги узуклар ва билаклар яққол кўриниб турибди.

Шимолий ва гарбий деворлар бўйлаб бир неча жойда Будда ёки Бодхисатваларнинг оёқ юзлари топилди. Улар орасида ганчдан ишлан-

ган 5 та ва лойдан ишланган 3 та оёқ юзлари бор. Ганч оёқларининг биринчи ва иккинчи бармоқлари орасида безаклар ўрнатилган. Битта йирик оёқ юзасида эса бармоқлар орасидан ташқари тўпиқлар атрофига ҳам медальонлар биркитилган.

Йирик билагузукларнинг парчалари топилди, улар Бодхисатвалар кўлининг билак ва тирсакдан юқори қисмига тақилган бўлиши мумкин. Билагузуклар йўғон қилиб ишланган, ўртасига гулбезак, унинг икки томонига эса тухумсимон шаклдаги бўртма жавоҳирлар қадалган.

3-ҳовли ва 2,9-хоналарда асосан ганчдан ва қисман лойдан қуйилган, ҳайкал қулаганда осонгина кўчиб кетадиган юздан зиёд алоҳида қадама безаклар топилди. Топилмалар орасида ўралган занжирлардан иборат бўйин безакларининг бир қанча турлари, жавоҳир билан қопланган ва ўрилган йирик маржон парчалари бор. Медальонлар бир неча хил: доирасимон чизиқлар ва чеккасига ярим шарчалар ўрнатилган йирик ва думалоқ шаклда, кичиклари ҳам шундай, фақат айланасимон барглар тарздаги олти япроқли гулбезаклардан иборат нақш ясси кўринишда.

Кўплаб безакларда қизил ва қора ранглар, айримларида эса олтин ҳошия излари бор. Оддий қадама безаклар гуруҳи хилма-хил: юрак шаклидаги япроқлар; икки-учта доирасимон чизиқлари бўлган бодомсимон осма безаклар, тугмача, беш қиррали юлдузсимон безаклар кўринишидаги қадамалар, тасма ва тизимчалар парчалари, йирик ва бири-бирининг устига қисман тушган тўқалардан иборат камарнинг парчалари.

Шунингдек, одатда қизил рангга бўялган ва тахлари чиройли либосларнинг парчалари ҳам учради. Оддий, тўлқинсимон, спиралсимон “S” шаклидаги ва пилла кўринишида жуда йирик тасвирланган соч толалари алоҳида ҳолда ҳам, шунингдек, турмакдан синиб тушган йирик парчалар кўринишида ҳам топилди. Аксарият қора рангга бўялган.

Ҳозирча номаълум шахс ҳайкаллари юзининг учта ва иягининг иккита парчаси ниҳоятда бетакрор ишланган. Ганчдан ясалиб, бўялган. Парчалари майдалигига қараганда, бу ишланмалар чамаси, йирик ҳайкаллар орасига ўрнатилган бўлса керак.

Хоналар безагига ҳайкаллардан ташқари, суратлар ҳам кирган бўлиб, жануби-ғарбий бурчакда, Бодхисатванинг йирик ҳайкалида сақланиб қолган. Бу суратларда ислимий нақшлар, соч турмагининг бир қисми ва соқолли эркакнинг юзи тасвирланган. Будда боши атрофида гулчамбар ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Бироқ бу топилмаларни тасвирлаш — бошқа бир махсус асар мавзусидир.

Шундай қилиб, Далварзинтепа шахристониде иккита эҳром топилди, биттаси шаҳар деворидан ташқарида (Дт — 1) ва иккинчиси — қадимий шаҳар марказида (Дт — 25).

Милоннинг бошларида, илк Кушонлар даврида Ўзбекистон жанубига буддизм жадал кириб кела бошлайди. Эски Термиз атрофларида милодий I — II асрларга мансуб бўлган дастлабки будда эҳромлари барпо қилинади. Маълум вақт ўтиб, буддизм шимолга тарқалади.

Буддизмни Шимолий Бақтрия худудига шимоли-ғарбий Ҳиндистон (Ҳозирда Покистон худудига кирувчи Гандхара вилояти)дан ҳозирги Афғонистон замини орқали буддийларнинг колониялари олиб келишгани аллақачон исботлаб берилган. Ана шу буддийлар ҳукмдорларнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида жуда кўплаб маҳаллий мухлислари янги динга ўтказишди. Далварзинтепа девори ташқарисида мелодий I аср охири — II аср бошларида бунёд этилган (Дт—1) будда ибодатхонасидаги бир гуруҳ ҳайкаллар бунинг яққол исботидир. Уларда адорантлар орасида жавоҳирлар билан безатилган кушон либослари ва чўққи қалпоқ кийган шоҳ хонадони аъзолари тасвирланган.

Битта йирик қадимий шаҳарда иккита будда иншоотининг мавжудлиги буддизмнинг шаҳарликлар ҳаётидаги мавқеини ва бошқа маҳаллий динлар ўртасида эгаллаган ўрнини кўрсатиб турибди. Шаҳар ташқарисидаги будда объектида (Дт — 1) будда персонажлари билан бир қаторда маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳайкали ҳам бўлса (аниқроғи улар Буддага туҳфа келтираётган ёки сажда қилаётган донаторлар қиёфасида акс эттирилган), шаҳар марказидаги будда эҳромида (Дт — 25) дунёвий шахслар камроқ учрайди. Бу ерда асосий Будда, Бодхисатва, бошқа будда шахслари тасвирланган.

Агар тарихий вазиятга синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, Кушон империяси гуллаб-яшнаган даврда, мелодий I аср ва II аср бошларида буддизм бу худудга кириб келиб мустаҳкамлана бошлаганини, ҳукмдорлар будда иншоотларини қуришга ҳозирча фақат шаҳар ташқарисида рухсат бераётганларини ва бунинг эвазига олий шарафга сазовор бўлаётганлари, заллардаги буддалар қаторида подшоҳ хонадони аъзоларининг ҳайкаллари вужудга келаётганини кўриш мумкин. Кейинроқ, буддизм бу заминда мустаҳкам ўрнашиб олган даврда (мелодий II аср охири III аср бошлари) улугвор ибодатхона шаҳарнинг ўзида, яна қоқ марказида қад кўтаради. Энди бу ердаги шахсларнинг ҳам қарийб бари будда дини намоёндаларини акс эттиради.

Кўриниб турибдики, эҳромдаги ҳайкал кўп жиҳатдан анъанавий қоидалар асосида бунёд этилган бўлса ҳам, ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб асарлари сирасига мансуб. Далварзинтепадаги биринчи эҳромдаги, анча аввал яратилган ҳайкалларга нисбатан, иккинчи эҳромда ривожланиш яққол акс этади. Биринчи ибодатхонада Юнон-Бақтрия ҳайкалтарошлигига бориб тақалувчи эллинизм анъаналари ҳали кучли бўлса, бу ерда ярим ялонғоч аёл ҳайкали шу жиҳатдан ягона ашё бўлиши мумкин. У ҳинд аёли эмас, ҳинд аёллари одатда йирик ва думалоқ кўкракли, сонлари таранг ва хипча белли қилиб тасвирланган.

Энди Будда ҳайкаллари ва Бодхисатваларга келадиган бўлсак, улар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Гандхарадагиларга эргашиб яратилган. Бироқ Бодхисатваларнинг юзи ва гажакларигина ўша анъанавий қоидаларга биноан ишланган, барча ҳайкаллардаги тожлар, тиллақошлар, маржонлару камарлардаги заргарлик деталларининг ўхшаши Гандха-

ра ва Ҳаддадаги кўп сонли Бодхисатвалар орасида учрамайди: чамаси, ҳайкалтарош бу билан қандайдир маҳаллий хусусиятларни беришга уринган. Умуман олганда, Далварзинтепа ҳайкаллари услубий хусусиятларига кўра, Гандхара ҳайкалларига эмас, балки Кушонлар даврида ҳайкалтарошлик санъатининг улғу мактаби гуллаб-яшнаган Ҳадда (Афғонистон)даги ганч ҳайкалларининг энг мумтоз намуналарига яқин туради.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: бу мактабнинг усуллари ва услублари Ўрта Осиёга шарқий Афғонистондан буддизм билан бирга олиб келинганмикин? Тўғри, будда санъати қонунлари бу ерда будда дини образларини ва айрим эстетик мавқеларни маълум даражада белгилаб берди. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу пайтга келиб Бақтрияда, хусусан, Сурхон водийсида ўзининг юксак ривожланган ҳайкалтарошлик мактаби мавжуд эди. Унинг Бақтрия ҳайкалтарошлигининг кейинги тараққиётига таъсири ташқи бадий таъсирларга нисбатан кучлироқ бўлса бордир, аммо асло кам эмас. Хусусан, Холчаён ҳайкаллари ҳайкалтарошлик санъатининг Бақтрия мактаби ютуқларини намойиш қилувчи яққол далилдир. Далварзинтепа ибодатхонаси (Дт — 25) даги Будда ҳайкали ҳам бу санъат манзарасига айрим чизгилар қўшади.

Будда ибодатхонасининг марказий хонасини шартли равишда “ҳайкаллар зали” деб атаётгандайлик, зотан Будда ва Бодхисатваларнинг улкан ҳайкаллари билан бир қаторда, буддий ва дунёвий шахсларнинг бошқа кичик ҳайкаллари ҳам шу ерга жамланган.

“Ҳайкаллар зали”га кириладиган асосий эшик ўрни, чамаси, хонанинг жанубий қисмида жойлашган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, зал қиёфаси бир неча бор ўзгартирилган, муайян вақт оралиғида унга тузатишлар киритилган.

Залга кирганингизда, кўз олдингизда қуйидаги манзара намоён бўлади: шарқий девордаги тахмон ичида Будданинг ўтирган ҳолдаги улкан қиёфаси ўрнатилган. Муайян саҳнани тасвирловчи ҳайкаллар гуруҳи ҳам шу ерга жойлаштирилган. Бу саҳна, назаримизда, ўтирган Буддани акс эттирган, унинг атрофида эса кичикроқ ўлчамдаги Будда ҳайкаллари тик турган ҳолатда тасвирланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бош Будданинг ўнг ва чап томонларида, девор бўйлаб бошқа шахслар ўрнатилган. Бошининг тепа қисми ғалати қилиб ишланган. Будда ҳам, камарли, маржонли, боши алоҳида бўлган ҳайкаллар ҳам шу ерда.

Шундай қилиб, тик турган саккизта ҳайкалдан олтитаси ўтирган Будданинг атрофида, тахмон ичида ва ёнида жойлашган. Ўтирган ва тик турган Будда персонажларининг бундай ноёб “галерея”сини Ўрта Осиёдаги будда ёдгорликларида биринчи бор учратишимиз. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу ҳайкаллар биркитиб қўйилган девор ёрқин қизил рангга бўялган, яъни бу ҳайкаллар бу фонда бениҳоя улғувор кўринган, аҳтимол.

Ўз навбатида жанубий девор ҳам ҳайкаллар билан қисман тўлдирилган. Улар айниқса жануби-шарқий бурчақда яхши сақланиб қолган. Бу эса ўз навбатида, шарқий девордаги тахмон остида бўлган ҳайкаллар қаторига чиройли кўриниш берган. Бу ерда яна ўтирган ҳолдаги улкан Будда ҳайкали ўнг томонида тик турган кичик Будда ҳайкалчаси, ундан чап томонда эса белигача ишланган Бодхисатва ҳайкали топилган.

Бодхисатваларнинг энг йирик ҳайкаллари ва Будда ҳайкали шимолий девор бўйлаб қурилган супа устига жойлаштирилган. Хона ўртасида топилган ҳайкаллар асли қаерда тургани ҳозирча аниқ эмас. Фикримизча, улар ҳайкаллар туркуми билан 9-хонага ўтиш йўли оралиғида жойлашган. Шу ерда девор остида Будданинг жуда ёмон сақланган оёқ кафти, алоҳида турган ҳайкал ва ярим ялангоч аёл ҳайкали топилган.

Ҳайкалларнинг бир қисми зал билан 9-хона ўртасидаги йўлдан топилди, улар чамаси, 3-хонадан олиб келинган. Катта-кичик ҳайкалларнинг айрим парчалари, қўл, оёқ, панжалари безак қисмлари ҳам ана шу тариқа “ҳайкаллар зали” ортидан топилди.

Хуллас, тадқиқотларнинг ҳозирги босқичида биз шартли равишда “Ҳайкаллар зали” деб атаган 3-хона бу улкан мажмуада чиндан ҳам марказий хона бўлган. Бу хонани Буддалар, Бодхисатвалар ва бошқа ҳайкалларнинг жуда кўпчилигини ўзида жамлаган, деб тасдиқлашимиз мумкин. Ибодатхона (9-хона) йўлақлар, зинапоялар (2-хона), чамаси, роҳиблар хонаси ва бошқа вазифаларга хизмат қилган хоналар ана шу зал атрофига жойлашган.

Энди бир савол. Анъанага биноан Гандхара ҳайкаллари деб аталувчи Будда ҳайкаллари тадқиқотчилар Термиздаги Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа ёдгорликларида ҳам қайд этишгани маълум. Мадомики шундай экан, Далварзинтепадаги Будда ҳайкаллари улар билан қандай муштарак жиҳатларга ва қандай маҳаллий хусусиятларга эга?

Ҳиндистонда, биринчи навбатда Гандхарада вужудга келган Будда бадий оқими муқобил ва умумсалтанат миқёсидаги оқим сифатида Бақтрия санъатига ўтказган таъсири Кушонлар даврида буддизм кенг тарқалгани билан боғлиқ (Айритомда уч созанда тасвирланган тош блок, Фаёзтепада ўтирган Будда ҳайкали ва унинг ўнг, чап томонларида тик турган роҳиблар акс эттирилган тошбўртма тасвир ҳамда Қоратепадаги баъзи ҳайкаллар).

Бу анъананинг айрим жиҳатлари Будда қиёфасида кузатилади: унинг абадий навқирон чеҳраси илоҳий нурдан ёришган, чордона қуриб кафтларини бирлаштирган ҳолатда мушоҳадага берилган, энсада бўртма (уш-ниша) тарам-тарам соч толалари, қаншаридаги доғ (урна) каби ўзига хос белгиларининг бари бор: либоси турли тахлар билан товонигача тушиб туради, бичимига кўра ҳинд (дхоти) ва юнон (хитон) либосларига ўхшайди. Бироқ йирик солинчаклар ва илоҳийли белгиси бўлган бош атрофидаги гулчамбар Далварзинтепа Буддаларида йўқ. Яна, будда

соч турмаklarининг ҳайкаллар тавсифида баён қилинган 5 турини қайд этиб ўтиш керак.

Ҳозирча Будданинг икки ҳолатдаги тасвири маълум.

Биринчи ҳолатда — будда “жўги ҳолати” деб аталувчи ҳолатда, чуқур ўйга чўмиб ўтирибди. У одатда чордона қуриб ўтиради ва оёқлари гоҳо кўринади. Бироқ Далварзинтепа ҳайкалларининг оёқларини дхоти ёпиб турибди, уни чеккасидан чап қўл тутиб турибди. Йирик бир қўл панжасининг кафтига пушти рангли ғалати нақшлар чизилган.

Иккинчи ҳолатда — будда яланг оёқ, узун либос тик ва қия тахлар билан тўкилиб турган қиёфада тикка турибди. Қўлларининг вазияти — ё ўнг қўл очик кафт билан кўтарилган, чап қўл эса либос чеккасини ушлаб турибди, ёки иккала қўл либос тахлари остида қолган, ёхуд умуман сақланмаган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Будда анъаналари билан бир вақтда Бодхисатвалар анъаналарини ишлаб чиқиш ҳам бошланган. Шу боис ҳам уларнинг қиёфаси: юз бичими ғоятда гўзаллиги, бурни, қулоқлар шакли, ўйга чўмган ярим юмуқ кўзлар — кўп жиҳатдан ўхшаш. Фарқи фақат шундаки, Бодхисатваларнинг чеҳраси доимо ёш йигитларникидек, Будданики эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурган етук кишиникидек тасвирланади. Бодхисатваларда кўпинча мўйлов бўлади, тўғри, у баъзан Буддада ҳам учрайди, сочлари гоҳо елкасига ёйилиб туради ёки боши узра турмакланади.

Бодхисатваларнинг либоси белигача яланғоч бўлган ва бағоят гўзал сайқалланган, таналарнинг нафосатини бўрттириб кўрсатувчи кийим тахлари жуда бой яхлитликдир. Қимматбаҳо безакларни айтмайсизми — бўйнидаги маржон, кўкрак устига осилиб турган ва йирик жавоҳир билан яқунланган бир маржон, елкадан белга ўтувчи қия тасма, билаклар ва тўпиқлардаги билагузуклар. Бодхисатвалар бошида гоҳо жавоҳирлар билан қопланган ва ҳилпираб турган тасмалари бор саллаларни, қулоқларида ғаройиб шакллардаги огир сирғаларни кўриш мумкин.

Далварзинтепадаги Бодхисатваларнинг кўрсатиб ўтилган безакларидан айримлари йўқ ёки бошқача шаклда берилган. Мисол учун бўйин безаклари ўзига хос тарзда: Далварзин хазинасидаги олтин безакларда бўлганидек, гўзал маржонлар туташган ва туташмаган шаклларда ишланган. Далварзинтепадаги Бодхисатвалар ва Будда ҳайкалларида мўйловлар йўқ, фақат битта майда ҳайкалчадагина мўйлов бор. Диққатга сазовор яна бир жиҳат: Далварзинтепа Бодхисатваларидан бирининг урнасига мўъжазгина олтин безак ишланган. Бош кийим ва безаклар ўрнида гулчамбарлар ва тиллақошларни кўрамиз, Далварзинтепа Бодхисатваларининг қарийб барчасида катта-кичик ва айлана ганч медальонлар кўринишида белга ўралган чиройли боғламалар бор. Битта ҳайкалнинг кийими нақшинкўр.

Далварзин ҳайкалларида медальонлар, пальметлар, соч турмакла-

ри, бўйин безакларининг хилма-хиллиги ўзига хос. Уларнинг ҳаммаси қолипда қуйилиб, ишланаётган ҳайкалларнинг мақсади ва катталигига боғлиқ ҳолда, безак учун моҳирона ўрнатилган. Буларнинг бари ҳайкалтарош ҳар бир асарни алоҳида яратгани, унга албатта буюртмачининг хоҳишига қараб ёндошганлигидан далолат беради.

Ҳайкалларни лойдан ва лой-ганч аралашмасидан тайёрлаш усули тўғрисида бу ўринда атайлаб сўз юритмадик. Ой-хоним ва Тахти-Сангин ҳайкалларига қараганда у Юнон-Бақтрия давридаёқ маълум бўлган. Гандҳара ва Хаддада бу усул устунлик қилган. Шуниси қизиқки, каминна Япониянинг Будда ҳайкаллари намойиш этилган музейларда бўлганда, Далварзинтепадагига ўхшаш ганч ҳайкалларни тайёрлашнинг барча босқичлари яққол кўрсатилганига гувоҳ бўлдим.

Хитой сайёҳи Сюан Цзян VII аср бошида ўша даврда Тами (Термиз)да мингга яқин роҳиблар яшаган ўнлаб ибодатхоналар бўлгани, уларда будда ступалари ва тасвирлари намойиш этилганини кўрсатиб ўтади. Чағониёнда, деб хабар қилади у, маълум миқдорда роҳиблари бўлган бешта ибодатхона, Шумонда роҳиблари озроқ иккита ибодатхона, Кубодиёнда юзга яқин роҳиблари бўлган учта ибодатхона бўлган.

Машҳур сайёҳ Чағониённинг тарихий заминидан топилаётган Далварзинтепа будда эҳромларини кўзда тутаяптими, бу ердаги ибодатхоналар унинг даврида будда маросимларини ўтказиш жойи бўлганми — буниси бизга қоронғу. Мадомики қадимшунослар Чағониён шахристонидан шу вақтгача будда иншоотлари қолдиқларини топишмаган экан, балки Сюань Цзян биз қазиб очаётган будда ёдгорликлари тўғрисида афсоналар ва овозалар бўйича ёзиб қолдиргандир? Қандай бўлмасин, шуниси шубҳасизки, буддалар кўплаб яшаган Термиздан бошлаб Ажинатепадан машҳур будда эҳромигача бўлган оралиқда араблар келиб ислом динини ўргатгунига қадар аҳолининг асосий эътиқодларидан бири — илдиэлари ва анъаналари янада қадимги замонларга — милонинг илк асрларига бориб тақалувчи буддизм эди. Нумизматик маълумотларнинг кўрсатишича, Дт — 25 объекти I — II асрлардаги будда ёдгорликлари билан илк ўрта асрлар — VI асрнинг ёдгорликлари боғловчи бўғиндир.

Далварзин шоҳмоти. 18 446 744 073 709 581 616 та дон. Ҳа, янглишганим йўқ, шу миқдорда дон. Бу афсонавий сон мен Далварзинтепадан топилган қадимий шоҳмот доналари ҳақида сўзламоқчи бўлганимда эсимга тушиб кетди.

Болалигимда шоҳмот деса муккасидан кетадиган дадам: — Ўғлим, бу ўйинни ўрганиб қўйинг, бўш вақтингизни мароқли ўтказишга ёрдам беради, бу ўйиннинг афсонаси ҳам бор, — деб шоҳмот билан боғлиқ мана бу қизиқ афсонани айтиб берган эдилар.

Қадим замонда Ҳиндистонда бир золим подшоҳ ўтган экан. Подшоҳнинг бу такаббурлиги, ўзбилармонлигини сезиб юрган доно бир киши: “Шундай бир нарса ўйлаб топайки, уни кўрган подшоҳнинг кўзи

олдида ўз заифликлари аён бўлсин, ўзини қудратли деб ҳисоблаб юрган ҳукмдор, одамларсиз қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тушунсин” деб аҳд қилибди. Ниҳоят у одам шоҳмотни ихтиро этиб, уни подшоҳга тортиқ қилиб келибди. Ўйинни кўрган подшоҳ ёқасини ушлаб қолибди. Бу ўйинни кашф қилган киши билан шахсан танишмоқ ва унга мукофотлар бермоқ мақсадида уни ўз ҳузурига келтиришни буюради.

Кашфиётчи подшоҳ ҳузурига киради. Бу, оддийгина кийинган, шо-гирдларидан келадиган озгина чақа ҳисобига кун кечираётган ўрта ҳол олим эди.

— Тилагингни тила, — дебди подшоҳ.

— Ҳимматинг баланд. Буюргин-чи, менга тахтанинг биринчи ката-ги учун бир дона, иккинчиси учун икки дона, учинчиси учун тўрт дона, тўртинчиси учун саккиз... хуллас кейинги ҳар бир катаги учун олдинги-сидан кўра икки марта кўпроқ буғдой донаси берсинлар.

— Мен сенинг шу қадар телбалигингни билмабман, — дебди ҳукм-дор. Сен айтганингни оласан. Лекин билиб қўйки, сен ҳимматимнинг қадрига етмадинг. Бор, ҳозир сенга бир қоп буғдой келтиришади — 64 та катак учун, яъни ҳар бир катак учун, олдинги катакдагидан кўра икки марта кўпроқ буғдой донаси оласан. У одам кулиб, подшоҳ олди-дан чиқади ва сарой дарвозаси олдида кута бошлайди.

Кечки пайт подшоҳга “назари паст” ихтирочининг кетмаганлиги-ни айтишибди.

— Олампаноҳ, салтанатингиздаги ҳамма зеҳни ўткир олимларин-гиз бетўхтов ҳисоб юритмоқдалар, эрталабгача тугатсалар ажаб эмас, — дебди сарой вазири. Бундан ҳайратда қолган подшоҳ уйқуга кетибди. Эрталаб подшоҳ ҳузурига бош муҳосиб келибди ва ҳисоб натижалари-ни айта бошлабди.

— Ҳисобни тугатдик. Лекин...

— Ҳа, лекининг нимаси, ҳазинам камайиб қолмайди, тезроқ бе-риб жўнат, — дебди ғазаб билан подшоҳ.

— Подшоҳи олам, агар билгингиз келса, ўша сиз айтган “назари паст” сўраган буғдой сизнинг омборингизда эмас, балки бутун ер юзи-да ҳам топилмайди. Шундай деб, биз юқоридаги келтирган афсонавий сонни айтибди. Буни эшитиб подшоҳ сўз нима ҳақида бораётганлигини ҳали ҳам англамабди.

— Агар бу сондан иборат буғдой доналарининг қанчалигини яхши-роқ тасаввур этмоқчи бўлсангиз, бунинг учун эни 10 метр, баландлиги 4 метр ва узунлиги 300 миллион километрдан иборат омбор кераклиги, яъни бу омборнинг узунлиги ер билан қуёш ўртасидаги масофадан икки марта зиёдроқ бўлишини ёки бунинг учун ер юзига саккиз марта буғ-дой экиб, ҳосилни йиғиштириш лозимлигини, ёки шунча буғдойни ташиш учун тўрт отли аравадан 628 миллиарди лозимлигини подшоҳга тушунтирибди.

Шунга ақли етган одамнинг кашфиёти ўзининг мураккаблиги, гўзал-

лигидан ҳамма, айниқса, калтафаҳм подшоҳ ҳайратда қолмаслиги мумкинми, ахир?! Бу албатта афсона, лекин аслини олганда, шоҳмот ўйинини бир киши яратмаган, балки бутун инсоният заковатининг мевасидир.

Шунинг учун ҳам 1972 йилнинг кузида Далварзинтепадаги бир бойнинг уйдан фил суягидан тайёрланган иккита шоҳмот донаси топиб олганимда, бир зум дадамдан болалигимда эшитган ўша ажойиб афсонани эсладим.

Ахир, бу Ўрта Осиё ва Ҳиндистон қадимий маданиятининг маҳсули эмасми? Ахир бу ерлар битта подшоҳлик таркибига кириб, савдо-сотик ва маданий алоқалар ривожланган бўлган-ку! Фақат масаланинг бир томони бизга аён эмас — бу шоҳмот доналарини савдогарлар ёки буддизм зиёратчилари Ҳиндистондан олиб келганларми? Балки Сурхон водийсида яшаган аجدодларимиз шоҳмот ўйинидек нозик ўйин санъат сир-асрорларини ўзлаштириб олишда ва шоҳмот ясашда “чатуранга”нинг (Ҳиндистонда шоҳмот ўйини “чатуранга” ёки “чатуражжа” деб аталган) ватани билан беллаша олганларми? Агарда топилма фил суягидан тайёрланганлигини ва филлар Ўрта Осиёда яшамаганликларини ҳисобга олсак, ҳар ҳолда бу доналар Ҳиндистонда тайёрланган ҳисобланади. Иккала дона ҳам Ҳиндистонда яшайдиган ҳайвонларни — бири филни, иккинчиси зебу (ўркачли ҳўкизсимон ҳайвон)ни тасвирлайди.

Шоҳмот доналари хонанинг бир бурчагида, лой сувоқли саҳн устида, тупроққа қоришиб кетган ҳолда ётарди. Узоқ вақт ўтганлигидан майдаланиб кетиш ҳолига келиб қолган нафис доналарни махсус кимёвий сувоқликлар ёрдамида қотириб олишга эришдик.

Доналар ниҳоятда моҳирона ишланган. Фил донасининг баландлиги 2,4 сантиметр, таг қисми текис қилиб ялтиратилган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,9 x 1,8 см). Фил хартумининг устки қисми ўйма нақш билан безалган. Ўркачли ҳўкиз донаси эса филдан биров кичикроқ бўлиб, баландлиги 1,8 сантиметр, унинг ҳам таг қисми текис қилиб пардозланган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,2 x 1,5) см.

Топилма қайд этилган жойда Кушон салтанатининг Хувишка исмли подшоси зарб қилдирган мис танга бор. Бинодан топилган идиш-товоқлар ҳам ўша даврга мансуб. Агарда Хувишканинг Канишка подшодан кейин тахтга ўтирганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда шоҳмот доналари милоднинг II асри билан белгиланади, бу дегани орадан тахминан 1900 йилга яқин вақт ўтди деган гап.

Шоҳмот ўз ватанида қачон ихтиро қилинган? Бу саволга жавоб берадиган ашёвий далиллар Ҳиндистоннинг ўзида ҳам йўқ. Ҳиндистоннинг таниқли археологи, профессор Нараян Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турганида, институтимизга ташриф буюриб, доналар билан танишгандан кейин, бу фикрни бизга билдирган эди.

Лекин шоҳмотнинг қадимий чатуранга (“тўрт таркибли”) номи билан боғлиқ бир далили бор, у ҳам бўлса, Ҳиндистондаги йирик Ма-

урья подшоҳлиги милоддан аввалги 273—236 йилларда ўз ҳарбий қўшинларини чатуранга услубида тузган. Бу қўшин таркибида пиёда аскарлар, суворийлар, филлар, ўрқачли ҳўкизлар қўшилган икки филдиракли арвалар бўлган. Ҳиндистон шоҳмоти — чатуранга ўйинида ҳам айнан шу турлар доналарда ўз аксини топган.

Далварзинтепа топилмасигача шоҳмот тарихини ифодаловчи қандай ашёвий далиллар бор эди, деган савол билан шоҳмот тадқиқотчилари, файласуфлар, ёзувчилар ва шоҳмот назарийётчилари тўплаган маълумот билан танишиб чиқдик. Улар бир овоздан шоҳмотнинг ватани Ҳиндистон, деб тан олиб, у ердан сўнгра Эронга, Араб мамлакатларига, Европага ва бошқа давлатларга тарқалганини таъкидлайдилар.

Маълум бўлишича, ашёвий далиларнинг энг қадимийси Эронда бўлиб, у ерда 570 йилга мансуб қора тошдан ясалган биттагина филнинг донаси топилган экан. Шунга асосланиб машҳур англиялик шарқшунос олим Г. Меррей ўзининг мумтоз асари “Шоҳмот тарихи”да шоҳмотни ўша Ҳиндистонда пайдо бўлган, деб ёзган эди.

Энди маълумотларни таққослаб кўрайлик-чи: Эрон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар дастлаб унча яхши бўлмаган, айниқса, милоддан аввалги IV асрда Аҳамонийлар шоҳлигининг қулаши билан улар ўртасидаги муносабатлар умуман сусайиб кетган эди. Шоҳмот донасининг VI аср билан белгиланиши шу даврга келиб алоқалар тикланганлигидан дарак беради.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар эса, анча қадимда мавжуд бўлган. Масалан, Тожикистон билан Афғонистон чегарасидаги, Панж дарёсининг қуйи оқимида француз археологлари ҳинд водийсидан келиб қолган мусофирларнинг манзилгоҳларини қазиб топдилар. Юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, Республикамининг жанубий ҳудудлари Кушонлар даврида салкам 400 йилча (милоддан аввалги I—мил.нинг III асрига) ягона бир империя таркибида бўлган. Демак Далварзинтепа топилмаси, шахмат тарихи хусусидаги эски қарашларни қайта қуришни тақозо этади ва шоҳмот Ўрта Осиёда бошқа давлатларга нисбатан тўрт аср илгари (яъни II асрда) тарқалган, деган фикрни илгари суришга имкон беради. Шоҳмотнинг Ўрта Осиёда қадимдан тарқалганлигини исботловчи далиллар кўпгина археологик қазилмалардан маълум. Жумладан, Далварзинтепага яқин Кумқўрғон туманидан 32 дона, Афросиёбдан 10 тага яқин, Фарғона водийсидаги Мунчоқтепадан, Тожикистоннинг Хулбук деган харобаларидан ҳам хилма-хил шоҳмот доналари топилган.

Бир кўза олтин. 1972 йилнинг 25 сентябри тушликка яқин қадимий Далварзинтепа шахристонидан бир кўза олтин топилди. Ҳа, ўша куни ҳамма экспедиция аъзолари қадимий маданиятимизнинг яна бир ажойиб саҳифасининг ошкор бўлишида иштирок этдилар. Қадимий шаҳарнинг бой-зодагонлари яшаган маҳалладаги уйлардан бирида олтин бор экан.

Бу воқеага анча вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали-ҳали ўша кунлар эсимда

ва шу боисдан ҳам азиз китобхон билан ўша ажойиб дамлар, топилма тафсилоти ва унинг минг чақирим узоқ масофадан Тошкентга олиб келиниши ва ундаги ноёб буюмлар ҳақида суҳбатлашмоқчиман. Зотан ушбу қазилмани топиб, шунча масофадан пойтахтга олиб келиб, ҳукумат бошлиғига олиб кирган ва Давлат хазинасига топширган қадимшунос олимлар томонидан шу вақтгача ўзбек тилида асар эълон қилишга имкон бўлмаган эди. Минг шукрлар бўлсинки, Мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тикланди ва улар ҳақида ошқора гапирмоқдамиз.

Биз қадимшунослар эрталабки нонуштани барвақт, одатда экспедиция тартибига биноан эрта тонг— соат 5,30 да тамомлаб, иш жойи — тепаликка соат 6 да чиқамиз. Ўша йили экспедицияга Тошкент театр-рассомчилик институти санъатшунослик куллиётининг бўлажак санъатшунослари — 2-курс талабалари тажриба ўташ учун келган эдилар. Улар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, эрталабдан бошлиқлари — мутахассис олимлар бошчилигида ўзлари қазийтган объектларга тарқалишди. Шулардан 4 та талаба — Бойхонова Феруза, Йўлдошева Тамара, Харратов Пўлат ва Дўстаев Турғунлар қадимшунос Татьяна Беляева бошчилигида рақами Дт—5 бўлган тепаликдан кўримсизгина бўлган 13-хонада иш олиб боришар эди. Бу кичкина ва тор хона бино тарҳининг энг чеккасида, унинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, хона ичидаги қўшимча қилиб тикланган деворча бизни қизиқтирди, чунки эни 80 см деворча тор хонани яна кичик қилиб юборган эди. Шу боисдан ҳам биз бу деворчани чамаси 1,5 метр узунликдаги қисмини, керак бўлса, унинг пойдеворини ҳам қазиб кўришни ўша тўртовлон талабаларга топширган эдик. 5 — 6 кун сурункасига ҳажми катта: томонлари 35 см, қалинлиги 12 см ва оғирлиги 15—20 кг келадиган хом гиштларни бирма-бир қўприб олиш уларнинг гашларига ҳам тегди.

— Нега энди ҳадеб гиштларни ағдараверамиз, бошқа иш қуриб кетибдими, на бирорта сопол синиги чиқмаса, — деб ҳар куни иш бошлашар эди. Биз эса: — Ҳотиржам бўлинглар, бу муҳим топшириқ, — деб уларга тасалли берар эдик. Мана ишларимизнинг бир ҳафтаси ҳам ўтди. 1972 йил 25 сентябрь. Во ажабо! Кутилмаганда сопол кўзанинг оғзи кўринди, сал ўтмай бир нарса ялт этиб кетди. Бу Далварзинтепа олтин хазинаси эди!

Камина эса 24 хонали қўшни уйда қазилма олиб борар, 18 хонали уйда тушликка яқин анча сукунат чўмгандек туюлди. Шаҳристоннинг кулоллар маҳалласидан ва бурчакдаги ибодатхонадан болаларнинг овозлари, тепаликда ўтлаб юрган эчки, қўйларнинг маърашлари эшитилиб турарди.

Ҳали тушликка чамаси бирор соат қолган эдиямки, Татьяна Беляева гуруҳидан Феруза исмли қизалоқ менинг олдимга ҳаллослаб юғуриб келиб:

— Баҳодир ака, бир кўза тилла топдик!— деб юборса бўладими. Биз қадимшунослар қазилмалар пайтида, бирорта арзимас буюм—мисми,

кумушми ёки темирми ярқ этиб кетса: —Тилла топдим! деб хитоб қилишларига ўрганиб қолганмиз. Шу боисдан ҳам мен Ферузанинг бу хитобини даставвал шунчаки ҳазил бўлса керак деб тушундим. Аммо шу кунгача бошқа талаба қизалоқлардан фарқли ўлароқ, бир учратган ажабтовур топилмаларга бошқача қараган бу синчков талабанинг ҳаяжони ўринли эканига ишонч ҳосил қилиб, мен ҳам илдам қадамлар билан қўшни уйнинг 13-хонаси олдига келиб қолганимни сезмай қолдим.

Ҳақиқатдан ҳам чамаси 2,5 метр чуқурликдан иккита талаба йигит — Турғун ва Пўлат бир метрча юқорида тиз чўкиб ўтирган Тамарага тилла ашёларни узатар, ундан юқорида турган Татьяна Беляева эса топилмаларни тепаликка кўтариб юрадиган халтачага солар эди.

Мен уларни тинчитдим. Ими-жимиди жойладик. Хазинани овоза қилмасдан, битта замбилга солиб, устига сопол синиқлари ва хом гиштлардан териб экспедициямизнинг энг яқин дўсти, тепаликнинг ёнгинасида жойлашган ҳовли соҳиби Ҳасан ака Назаровнинг уйига олиб келдик.

Тушлиқдан сўнг тонггача менинг таклифим билан Татьяна Беляевдан ташқари, яна илмий ходим Эдуард Ртвеладзе (шу китоб муаллифларидан бири) ва ТошДУнинг 5-курс талабалари Эркин Жўраев ва Анатолий Саъдуллаев биргаликда хазинани бирма-бир санаб, майда ипчалардан тортиб ҳамма 115 донасини икки нусхада далолатнома (акт) тузиб, ёмбилардаги ёзувларни кўчириб, тонготар қилиб чиқдик. Эрта саҳар соат тўртларда эса Денов шаҳри шоҳбекатига йўл олдик. Шу йилги ишларимизда экспедициямиз ихтиёрида бирорта ҳам машина йўқ эди. Биз фақат Шўрчи тумани 77-автобус саройидан кундузи навбатчилик қилиб кетиш шарти билан ГАЗ—51 автомобилидан фойдаланар эдик. Шу боис ҳам жамоа хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган дўстимиз Хуррам Тўраев бизларни тунда Деновга олиб боришга имконияти борлиги учун ҳам эрта саҳарда жўнашга тўғри келди. Лекин Хуррамбой ҳам бизнинг шунчалик шошилиш равишида Тошкентга не мақсадда ва нималарни олиб кетаётганлигимизни билмасди.

Ўувуллаб турган шоҳбекатдан Денов — Душанбе йўналишидаги биринчи рейс автобуси билан мен ва ҳамроҳим Эдуард Ртвеладзе Душанбе шаҳрига йўл олдик. Биринчи рейс бўлгани учун ҳам автобус йўл-йўлакай эрталабдан Душанбе бозорига ошиққан йўловчилар билан лиқ тўлди. Ҳар иккимиз хазинани бўлиб-бўлиб жойлаштирган тўртта алоҳида сумка ва кичик қутичаларни маҳкам ушлаб миқ этмасдан 120 километр масофани уч соат деганда ортда қолдирдик. Энди олдимизда Тошкентга учиб кетиш муаммоси турарди. Ўша пайтларда аэропортларда “эпчил ходим”лар ёрдамида ўз нархидан ортиқ пулга хоҳлаган жойингизга учиб кетишингиз мумкин эди. Биз ҳам шундай қилдик.

Тошкент. Институтимизда тушлиқдан кейин одатда ходимларнинг аксарияти кетган бўлишар эди: кимдир кутубхонага, кимдир ижодий уюшмаларга, кимдир талабаларга маъруза ўқиш учун институтларга.

Раҳбариятдан на директор, на унинг муовини ва на илмий котибни учратмадик, фақат бош ҳисобчи Галина Ивановна ўз ўрнида ҳисобкитоб ишлари билан овора эди. Бу хушчақчақ аёл бизнинг шитоб билан кириб келганлигимизни кўриб:

— Ҳа шоввозлар, нима қилди, ишни тугатиб келдиларингми? — деб сўради.

Мен жавоб ўрнига, оҳиста сумкадан битта олтин ёмбини олиб столга устига ташладим ва мийиғимда кулиб қараб турдим. У эса:

— Вой худойимей, ахир бу олтинга ўхшайди-ку,- деб ҳанг-манг бўлиб қолди. Биз ҳаяжонланиб, бор гапни тўкиб солдик ва раҳбариятнинг қаерда эканлигини сўрадик. Галина Ивановна директоримиз академик Воҳид Зоҳидов Ҳамза театрида янги спектаклни қабул қилиш маросимида, муовини Александр Рибник эса уйида эканлигини айтди.

Эдуардни дарҳол экспедициямиз раҳбари Галина Анатольевнанинг уйига бориб айтиб келиш учун юбордим-да, ўзим директор муовини уйига қўнғироқ қила бошладим. Ниҳоят телефон гўшагини Александр Михайлович олди. У киши менинг бўлиб ўтган воқеани пардали қилиб сўзлаб беришимга тушунмади шекилли, унга: — Тезда етиб келинг, деб қўяқолдим.

Эдуард қайтиб келиб, Галина Анатольевна уйида йўқлигини, уйдигиларга институтга тезда етиб келишларини билдириб хат қолдириб келганини айтаётган эдиямки, ҳаллослаб Александр Михайлович кириб келди. У келгунича мен унинг хонасига кириб ўтирган эдим.

— Одамнинг юрагини ёраёздинглар-ку, нима гап ўзи? — деб менга савол аломати билан қараб тўхтаб қолди Александр Михайлович. Мен ҳам пинагимни бузмай, уни стол яқинига чорлаб, олтинларни кўрсата туриб бўлган воқеани гапириб бердим.

Ўзини қаерга қўйишини билмаган Александр Михайлович: — Вой шоввозлар-ей, вой шоввозлар-ей, деб уёқ-буёққа юрар эди. У соатга қараб қўйди-да, дарров қўнғироқ қилишга тушди.

— Алло, бу Марказқўмми, менга маданият бўлимидан бирорталари керак эди, бу санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директорининг муовини Рибник. Институтимиз қадимшунослари Сурхондарёдан бир ноёб топилма олиб келишган эди, шу ҳақда маслаҳатлашиб олмоқчи эдим, деди-ю, чехраси бироз ёришди...

— Ишимиз ўнгидан келди, мени Оқил Умрзоқович Салимов билан улашди, Шароф Рашидович ҳам ўзларида эканлар, топилмани дарҳол олиб борарканмиз, — деб қолди..

Шу пайт хонага ҳаллослаб Галина Анатольевна кириб келди-да, мени кучиб, пешонамдан ўпди.

— Вой азаматлар-ей, яшанглар-ей, — деб топилмалардан столга қўйганларимни кўздан кечира бошлади. Кейин билсам, Эдуард ёзиб қолдирган хатда “Биз бир кўза олтин олиб келдик”, деб ошкора қилиб қўйган экан.

— Галина Анатольевна, вақтимиз йўқ, тезда Марказқўмга боришимиз керак, у ерда кутишмоқда. Йигитлар, сизлар дарҳол топилмаларни жойлаштиринглар, деб ишора қилди Александр Михайлович. Биз бир зумда Марказқўмга етиб бордик, чунки институтимиз собиқ Гагарин паркиннинг нақ биқинида, бир вақтлар Республика Фанлар академиясининг президиуми, ўша пайтда эса ФА кутубхонаси жойлашган бионинг иккинчи қаватида атиги 5—6 та хонани эгаллаб турар эди.

Олдиндан бизнинг ташриф буюришимизни билган навбатчилар ҳам ҳеч қандай ҳужжат сўрамасдан:

— Кира қолинглар. Катта сизларни кутиб турибдилар, — деб ҳаммамизни ичкарига киритишди.

Марказқўмнинг биринчи котиби қабулхонасидаги аёл бизни самимий кутиб олиб:

— Бироз кутинглар, телефонда гаплашяптилар, — деб ўтиргани жой кўрсатди.

Шу пайт мен жуда ҳаяжонланаётганлигимни, юрагим уриши тезлашиб кетганини сезиб қолдим. Бундай дақиқалар ҳар куни ҳам бўлавермайди-да. Бу ажойиб зотнинг қўлидан 1957 йили мен бир неча талабалар қаторида, Тошкентда бўлиб ўтган катта йигинда Республикамиз Олий Советининг “Фахрий ёрлиғи”ни олганимни эсладим. Ўшанда Шароф Рашидов Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси сифатида, пахта мавсумида теримда илғор бўлган талабаларга “Фахрий ёрлиқлар” топширганлари, қўлимни қаттиқ қисиб:

— Бундан буён ҳам катта муваффақиятлар тилайман, — деганлари эсимда.

— Марҳамат, киринглар, Шароф Рашидович сўзлашиб бўлдилар, сизларни кутаяптилар, — деб котиба эшикни очиб бизларни ичкарига чорлади.

Чехрасида табассум билан Шароф Рашидович бизни қаршилаб олар экан, Галина Анатольевнага қараб.

— Чол қандай, соғлиғи яхшими?— деб сўрадилар.

— Раҳмат, яхши, — деб жавоб берди Галина Анатольевна. Билсам, у киши домламизнинг турмуш ўртоғи, академик, Ўрта Осиёда қадимшунослар мактабини яратган олим Михаил Евгеньевич Массонни сўраган эканлар.

— Қани энди мақтаган топилмаларингизни кўрсатинглар-чи, нима экан ўзи? — деб бизларни узун стол атрофига таклиф қилдилар. Мен дарҳол Эдуард билан топилмаларни бирма-бир сумкадан олиб, стол устига тера бошладик. Баъзан ўзимиз ҳам уялиб кетар эдик, чунки мабода бирор ерда сумка очилиб кетганда ялт этиб кетмасин деб ёмбиларни, билагузукларни ва шодаларни сочиққа, майкага, кир кўйлақларга... дастрўмолларга ўраб ташлаган эдик. На чора, биз Далварзинтепада иш бошлаганимизда, бундай топилмани учратамиз деб ўйламаган ҳам эдик. Учратган ҳолда ҳам экспедициямиз жиҳозлари ичида шу

мақсадда ишлатиш учун махсус қутича ёки бўлмаса ўрайдиган матолар йўқ эди.

Ҳамма топилма стол устига терилгандан кейин Шароф Рашидович бизга қараб:

— Қандай қилиб кўрқмасдан, шунча жойдан бир ўзларингиз олиб келдинглар, ахир милицияга мурожаат қилмадингларми? — дея сўрадилар.

Биз бошимизни эгиб:

— Ортиқча шов-шув кўтармай шундай қилсак яхши бўлар деб ўйлаган эдик, — деб жавоб бердик.

— Ҳа майли, боплабсизлар — деб телефон қила бошладилар.

— Алло, ўртоқ Маҳмудов, менга қаранг, тезда пул ташийдиган машина ва соқчилар билан менинг хузуримга етиб келинг, сизнинг банкингизга олиб кетадиган 40 килограммча олтин бор, — деб телефон гўшагини қўйдилар.

Олтин хазинанинг 40 килограмм эканини ўзимиз билмас эдик, аммо Душанбе аэропортида бўлганимизда, бир бурчакка ўрнатилган холис тарозига 4 та сумкамизни қўйиб кўрганимизда, идиш-пидишлари билан 40 килограмм чикувди. Шунинг учун ҳам биз ҳовлиқиб институтда бўлганимизда, Александр Михайловичга тахминан 40 кило чиқса керак, деган эдик. Александр Михайлович ҳам Марказқўмга телефон қилганда, ходимларимиз экспедициядан 40 кило келадиган олтин хазина олиб келишди, — деб юборган экан.

Шароф Рашидович Галина Анатольевнага қайрилиб:

— Менга топилма содир бўлган ёдгорлик, айтмоқчи қадимий шаҳар дедингизми, унинг тарихи, қадимги аҳамияти ва мумкин бўлса, хазина ҳақида ҳам бир-икки оғиз ёзиб берсангиз, Мен Москвага, Леонид Ильичга хабар бериб қўйган бўлар эдим, деб илтимос қилдилар.

Домла, “Хўп бўлади”, деб ёзишга шайланган эдилар ҳамки, шу пайт боши устарада силлиқ қилиб қирилган, ўрта бўйли киши — Республика банки бошлиғи кириб келди.

— Марҳамат қилиб мана буларни қабул қилиб олинг, бу йигитлар ҳар битта ипигача йўқотмай узоқ ердан олиб келишибди, сиз ҳам яхшилаб сақланг, булар жуда нодир ва маданиятимизнинг қадимий дурдоналаридир, — деб ҳаммамизга жавоб бердилар.

Энди ниятимиз эсон-омон Республика банкига етиб бориб, омонатларни эгасига топшириб, худога шукурей деб дам олиш эди.

Банк ходимлари ичида бир пасда: “Сурхондарёдан бир талай тилла тақинчоқларни олиб келишганмиш”, — деган шов-шувлар тарқалиб кетди.

Биз бўлса не гамда-ю, улар эса бирма-бир яқинлашиб: — Биттасини берингчи, кўрайлик, — деб бизни жиғи-бийронимизни чиқаришар, бир аёл эса билагузукни қўлига тақиб кўрмоқчи бўларди. Бизнинг

диққинафас бўлишимизга сабаб, ўша қимматбаҳо буюмларни қабул қилиб оладиган хазиначи аёл:

— Мен шу ҳолда қабул қила олмайман. Биринчидан, қабул қилиш вақти ўтиб кетди, тушликкача бўлар эди, бизда дебит-кредит деган гаплар бор. Иккинчидан, уларни бирма-бир тортиб олиш учун менда тарози бўлмаса, деб роса калламизни қотирди. Мен жаҳлим чиқиб,

— Ҳой опа, нима деяпсиз, шунча жойдан не азоблар билан олиб келган бўлсагу, сиз бўлса бўлар бўлмас баҳонани қилиб ўтирибсиз-а, — дедим.

— Ука, ҳамма нарсанинг ҳам қонун-қоидаси бўлади, айниқса пул масаласида. Агарда ҳозир мен шунчаки, қоидага риоя қилмасдан сиздан қабул қилиб олсам, эртага бунинг жавобгарлиги кимнинг бўйнига, — деб у ҳам диққат бўларди.

Шунда яна бир маротаба Марказқўмга телефон қилиб, бор гапни айтишга тўғри келди.

У ердан: — Қандай қилиб бўлса ҳам қабул қилиб олинглар, бунақанги буюрократ бўлманглар, — деган буйруқ бўлди. Шундан кейин иш дарров ҳал қилинди. Хуллас, шундай бир қарорга келинди: топилмани кичкина сейфга солиб қулфлаб, уни қопга жойлаб, муҳрлаб топширадиган бўлдик. Шу ҳолда у аёл ҳам унинг ичидаги нарсага жавоб бермайдиган, фақат шу қоп учун жавоб берадиган бўлди. Бу маслаҳат қанчалик кулгили ва мантиқсиз бўлса ҳам, рози бўлдик.

Хазиначи аёл менга ўгирилиб:

— Расмий бўлса ҳам уни бажаришга тўғри келади, ука, кассага бориб “омонат учун тўладим” деб бир сўм тўлаб келинг, — деди.

— Ана холос, бизнинг ажойиб қоидаларимиз бор-да, бир кўза олтин олиб келиб бериб, яна бир сўм тўлайманми, — деб кулиб юбордим. На чора, асабларимиз ниҳоятда таранг бўлиб турган пайтда “хўп” демасдан бўладими?

Квитанцияни олар экан, ўша аёл:

— Ука, келинг энди мен билан бу омонатингизни кўтаришиб омборга қўйиб чиқайлик, — деб илтимос қилди.

— Темир сейфга солинган хазина роса оғир бўлиб кетган эди. Қопнинг бир томонидан икки аёл, иккинчи томонидан эса мен кўтарган ҳолда иккинчи қаватда жойлашган, эшиклари қалин ва бир неча калитлар билан очиладиган омборхонага кириб кетдик. Ана пуллар-у, мана пуллар. Даста-даста қоғоз пуллар токчаларга териб ташланган эди. Хуллас, шу кунгача шунчалик олтину шунчалик кўп қоғоз пулларни кўрмаган эдим ва кўрмасам ҳам керак, деб хаёлимдан ўтказиб қўйдим.

Барча ҳужжатларни расмийлаштириб бўлгач:

— Ух, худога шукур, деб қўчага чиқар эканмиз, ҳаммамиз эртага институтда кўришамиз, деб уй-уйларимизга йўл олдик.

Эртасига барвақт институтга келсам, Александр Михайлович, —

Тушликкача Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўртоқ Худойбердиев ҳузурига хазинани олиб борар эканмиз,— деб қолди.

Билсам, кечани ўзидаёқ банк бошлиғи мақтаниб юқорига хабар бериб қўйган экан, у ердан хазинани кўриш иштиёқида:

— Вазирлар йиғилиши бўлади, яхши бўлди, олиб келинг, кўрамиз, деб банк бошлиғига буйруқ беришибди.

Ана холос, кечаги сур-сурлар етмаганидек, энди вазирларга ҳам кўрсатар эканмиз-да, деб менга анча ғам тушди. Ким билади, худо кўрсатмасин, кўпчилик ичида бирорта бўлаги йўқолиб қолса нима бўлади, ким жавоб беради, деган ташвишли хаёл бошимни чулғади. “Майли, пешанамизга нима ёзилган бўлса кўраверамиз, биз ўзимиз зинҳор сезмаётимиз, ахир жаҳоншумул кашфиёт юз берди-ку, биз эса пинағимизни бузмай юрибмиз-а!”, деб ўзимизга тасалли берардик.

Министрлар Советида (Ўша вақтда шундай дейиларди) йиғилиш роса чўзилиб кетди, биз эса қабулхонада ҳеч қаерга жилмай кутиб ўтирдик. Ниҳоят, вақт пешинга борганда залда ғала-ғовур бошланди, эшик очилди ва: — Киринглар, — деган овоз эшитилди. Бир чеккадан хазинанинг топилиши, қандай қилиб Тошкентга олиб келганимиз, унинг топилиши тарихи авваллари ҳам Ўзбекистонда ёки бўлмаса Ўрта Осиё ёдгорликларида шундай олтин хазиналар топилганмиди каби ва бошқа мазмундаги саволлар ёғилди. Ҳаммадан ҳам бизни хавотирга солган нарса залдаги аёлларнинг ҳар нарсани билишга урунишгани бўлди. Чунки улар ҳатто ҳар битта билагузукни қўлларига олиб тақиб кўришар, шодаларни эса бўйниларига осиб бир-бирларига кўз-кўз қилишар эди. Нима ҳам қилар эдик, хотин зоти шундай-ку ахир, ҳозир ҳам, икки минг йил аввал ҳам шундай бўлган-ку!

Ҳозир аниқ эслай олмайман, аммо амалдорлардан кимдир раисга лўқма ташлаб.

— Бу йигитларнинг хизматлари қандай қилиб тақдирланади? — деб савол бериб қолди.

— Аввалам бор, улар жойларига тезда қайтиб бориб ишларини давом эттирсинлар, бўлган воқеа ҳақида зинҳор ҳеч ким билмаслиги яхши, акс ҳолда салбий ҳодисалар юз бериши мумкин. Иш якунланиб, Тошкентга қайтиб келганларида ўйлашиб кўрамиз, — деган жавоб бўлди.

Ҳайтовур, бу кунги синовдан ҳам эсон-омон ўтдик, энди эртага йўлга... иш давом этаётган Далварзинтепага!...

Ўша кунни топилмани меъёрига келтириб топшира олдик...

Матбуот конференцияси. Бўлган воқеага мана олти ой ҳам бўлган эдики, 1973 йилнинг 2 апрелида юқоридан: — Эртага оммавий ахборот ходимлари учун институтимизда матбуот конференцияси ўтказилади, тайёргарлик кўринглар, — даган хабар келиб қолди.

Во ажабо, шу кунгача негадир олтин хазина топилгани алла кимлардандир сир сақланди. На иш жойимизда ҳеч кимга айта оламиз, на матбуотга ёза оламиз. Бизга фақат “мумкин эмас” деган буйруқ берил-

ган эди. — Хайрият, мана энди топилмани ошкора қилиш фурсати келибди, — деб суюндик.

Яна ўша-ўша маросим: Республика банкига бориш, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш қайтарилди. Бир неча соқчи милиция ходимлари ҳамкорлигида хазинани зирхланган машинага юклаб, шаҳар марказидаги ҳашаматли бинолардан бири — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти янги биносининг учинчи қаватидаги мажлислар залига олиб келинди.

Зал фото ва телемухбирлар, олимлар, зиёлилар ва институтимизнинг барча ходимлари билан лиқ тўла. Ҳамма ҳозир бир муъжиза содир бўладигандек кутиб туришар эди. Мен эса: — Мана энди бугун шу кунгача бўлган барча миш-мишларга, яъни “иккита қадимшунос бир кўза олтин топиб олиб, ҳеч кимга айтмай ўзлари узоқ йўл босиб Тошкентга олиб келганмиш, бир неча жойда уларга ўғриллар тажовуз қилган эмиш, аммо уларда қурол бўлгани учун соғ-саломат қолганмишлар, хўжайинлар уларнинг ҳар бирига биттадан “Волга” автомашинаси мукофот қилганмиш”, — деган уйдирма гапларга ҳам чек қўйилади, деб ич-ичимдан суюнар эдим.

Йиғилишни институтимиз директори академик Воҳид Зоҳидов очар экан, залдагиларга у киши ўзига хос босиқлик билан хазина ҳақида, уни топишда иштирок этган ва қўрқмасдан узоқ йўл босиб олиб келганларни гапириб, сўнг экспедиция раҳбари профессор Галина Анатолевнага сўз берди. Домламининг маърузаси жараёнида расмга олаётган фотоаппаратларнинг шиқир-шиқирлари тўхтамай эшитилиб турди, сўнг ҳамма томондан саволлар селдек ёғилди. Улар барча саволларга қониқарли жавоблар олишди. Қизиги шуки, Эдуард иккимиз президиумда лом-лим демай кузатиб ўтирдик, бирорта савол ҳам тушмади.

Эртасига Тошкентда чиқадиган барча рўзномаларда ва ҳатто Москвада чиқадиган “Правда”, “Известия” ва “Комсомольская Правда” саҳифаларида ҳам бўлиб ўтган матбуот коференцияси ҳақида тўлиқ хабар берилди. Тошкентлик Ефимов деган мухбир “Комсомолец Узбекистана” газетаси саҳифаларида бошқа газеталардан фарқли ўлароқ, хазина билан боғлиқ воқеани роса олиб қочган. Детектив тус бериб таърифлаган эди.

Кўп вақт ўтмай, АПН орқали юборилган хабарлар асосида чет эл рўзнома ва журналларида расмлар билан ахборотлар эълон қилинди.

Экспедициямиз раҳбари Г.А.Пугаченкова рус ва француз тилларида китоб нашр этдилар. (Г.А.Пугаченкова, Художественные сокровище Далварзинтепе. Ленинград — 1978 г.) Ҳатто у ҳақда бадиий асар ҳам яратилди. (Муроджон Мансуров. “Ёмби” — роман. Тошкент, 1980 йил).

Шундай қилиб, Далварзинтепанинг доврўғи аста-секин жаҳон бўйлаб таралди.

Хўш, бу топилма нималардан иборат?

Шода. Милоднинг I асри, олтин, феруза ва альмандин. Узунлиги

61,5 см, қимматбаҳо тошлар қадалган цилиндр шаклидаги қисми 4,8 — 2,8см, диаметри 2,2 — 1,7см, оғирлиги 282 гр.

Шодани тайёрлашда заргар уста ўз маҳоратини тўла намоиш этган. Беш қатор турмакланган соч шаклидаги 8 та олтин ипчалардан тўқилган боғич ниҳоятда моҳирлик билан ичи бўш иккита цилиндрга қадалган. Бу иккала цилиндрга ўз навбатида думалоқ шаклдаги тўғноғичлар ковшарланган. Бу иккала цилиндрда эса махсус ўйиқлар қолдирилиб, улар ўз навбатида қаторасига альмандин ва феруза тошлар билан тўлдирилган. Бу тошларнинг бир қатори феруза бўлса, иккинчи қатори альмандин бўлиб, уларнинг сони бир томонида 17 та феруза тош ва 14 та алмандин (3 қатор), иккинчисида эса 18 та феруза ва 13 та альмандин (2 қатор). Битта феруза тош ўз ўрнида йўқ.

Кўриниб турибдики, иккала цилиндрдаги тошлар нисбатан бир хил эмас. Бу тошларнинг шакли ҳам бир хил эмас: тухумсимон, думалоқ, баъзилари тўртбурчак ва юраксимон шаклларда ишланган. Демак, ҳаммаси бўлиб, бу шодада 35 та феруза, 27 та альмандин тошлар бўлган. Бу тошлар шунчалик жилвадорки, бамисоли бу шодани бўйнига тақиб олган аёлдан худди аллақандай нур сочилиб тургандек бўлса, ажабмас!

Бизга энг жумбоқ ери — иккала цилиндрни бирлаштириб турадиган тўғноғичнинг илмоғи сақланмаган ва шоданинг яхлит шакли қандай бўлганлиги номаълум.

Шубҳасиз, бу шода аллақандай бой хонимнинг бўйин тақинчоғи бўлган, деб тасаввур қиламиз. Аммо биз на антик даврдаги ва на ўрта асрлардаги деворий суратларда базми жамшид иштирокчилари бўйинларида бундайларини учратмаймиз, лекин у будда ҳайкалтарошлик санъатидан бизга маълум. Масалан, Будданинг ва унинг сафдоши Бодхисатванинг бўйинларида бу хил тақинчоқларни кўрамиз. Энг кўп учраган шундай ҳайкаллар Гандхара санъатига мансуб бўлиб, Кушонлар империяси даврида қад кўтариб турган буддийлар ибодатхоналаридаги ҳайкалларда учрайди.

Кейинги йилларда биз қазийётган Далварзинтепанинг марказидаги буддийлар ибодатхонасидаги Бодхисатванинг бўйнида ҳам худди шу каби шода борлиги яққол кўриниб турибди.

Бу шода хазина таркибида ягона бўлиб қолмай, балки шу кунга қадар қадимшунослар томонидан Ўрта Осиё ёдгорликларида ҳам ягона ноёб тақинчоқдир.

(**Пектораль.** Милоднинг I асри, олтин, сердолик (қизғиш рангли қимматбаҳо тош). Айланаси 14,5 — 11,7см, қалинлиги 0,3см, оғирлиги 212 гр 2мгр. Пектораль — бўйинга тақиладиган тақинчоқ бўлиб, икки бўлакчадан иборат, ҳар бири ўз ўрнида бир-бирига ковшарланган ичи ковак учта чамбараксимон найчалардан иборат. Уларнинг бир томонида иккита ва битта ҳалқачалар бўлиб, бўйинга осилганда қадаб қўйилган, иккинчи томонда эса тўртбурчак ҳалқага тухумсимон нигинхонага шу шаклдаги қизғиш рангли қимматбаҳо тош қадалган (ўлчами

1,4x1,1x0,2 см). Тошдан юнон афсонавий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Гераклнинг ён томондан тасвирланган портрети ўйиб ишланган. Бизнинг тахминимизча, бу қимматбаҳо тош аввало узук кўзига мўлжаллаб тайёрланган кўринади, чунки унда тасвирланган зот ётган ҳолда берилган, лекин у тақинчоққа ўрнатилган.

Шу каби тақинчоқларни биз қазилмада учратмадик, аммо Термиз яқинидаги, Амударё қирғоғидаги Айритом деган жойда қазиб топилган Будда иншоотидаги тоштахталардаги ҳайкалларнинг бўйинларида кўрамиз.

Гемма (қимматбаҳо тош) эса элинлар услубида тайёрланган бўлиб, қадимий юнон-бақтрия анъаналарига бориб тақалади.

Камар тўқаси (Бляха). Милоднинг I асри, олтин, ўйиб ишланган, айланасининг диаметри 4,7см, ўйиқлари 0,9см, оғирлиги 75гр 40мгр. Тўқа ҳар хил мақсадда ишлатилган бўлиши мумкин. Балки у камарнинг тўқаси ёхуд либосга тақилгандир, ёки бўлмаса пичоқ ва шамшир дастасининг бегадир. Ўртасида айлана шаклида гужанак ҳолда бир оёғини ютмоқчи бўлиб турган икки қулоқли ҳайвоннинг (балки аждаҳо билан илон қурашаётгандир) тасвири бўлиб, атрофи юрак шаклидаги йигирматага яқин ўйиқлар (аслида ўйиқларда қимматбаҳо тошлар бўлгани шубҳасиз) билан ўралган ва у ҳам ўз ўрнида бир қатор думалоқ соққачалар билан айлантириб чиқилган.

Бу тақинчоқ ҳам хазинада ягона бўлиб, Сибирь ва Эронда топилган милоддан аввалги V — IV асрларга оид ёдгорликларда учрайдиган ҳайвонлар тасвирига ўхшаб кетади. Далварзин топилмаси эса бир оз кейинроқ ишланган услубга мансуб бўлиб, Ўрта Осиё “сақлар” ёки “шаклар” санъати дурдоналари билан уйғунлашиб кетади.

Билагузуклар. Аёлларнинг билақларига тақадиган заргарлик буюмлари, милоднинг I асри, ҳаммаси бўлиб 8 та бутун ва 9 та парчаланган, олтин. Билагузуклар қўйма ва товланган (пишитилган), шакли ва оғирлиги ҳар хил.

Бизга маълумки, билагузуклар ҳар хил бўлиб, жумладан, япалоқ билагузук, бодомча билагузук, картжомоли билагузук, илонбоши билагузук, росмана билагузук, бақабоши билагузук, кичик билагузук каби хиллари бор. Улар қўйиш ва сўқиш усули билан ишланади. Металлни бўтада эритиб, теганекка қўйиб ясалган қўйма билагузук. Сўқма билагузук металл эритилиб, қолипга қўйилиб совитилгандан сўнг болға билан уриб ёзиб ишланади, юзига жило ва нақшлар берилади. Билагузукнинг бу турини айрим жойларда ёзма ёки ёрма билагузук деб ҳам атайдилар.

Далварзинтепа хазинасидаги билагузуклар ўзига хос ҳажм ва шаклга эга. Битта билагузук, албатта, алоҳида ўрин тутаяди, унинг оғирлиги бошқаларга нисбатан ниҳоятда кўп бўлиб, улардан шакли билан ҳам тамомила ажралиб туради. Гап шундаки, у битта ёмбидан тайёрланган, унинг оғирлиги ўша ёмбилар қатори 872 гр. 75 мгр, диаметри 7,5 x 8,2см, қалинлиги 0,5 см.

Яна битта чамбарак шаклида, диметри 7,7 см келадиган, огирлиги 349 гр бмгр билагузук бор. Қолган 6 та билагузук эса аввалгиларидан тамомила ажралиб туради ва улар замонавий билагузукларга ўхшаб кетади ҳам. Шулардан 4 таси бир-бирига ўхшаш ва оғирроқ. 118 граммдан тортиб то 455,5 граммгача бор, диаметри 5,5 см дан 7,5 см.гача етади, қалинлиги бир хил — 0,7см. Иккитасини билакка тақиб юрса бўлади, чунки улар дастлабки тайёрланган ҳолатда сақланиб қолган ва бир оз майишган, аммо иккитаси тамомила майишиб кетган. Кичик ҳажмдагиси айланасининг диаметри 5,5см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги эса 52 гр. 75 мгр, каттасининг диаметри 6,8 см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги 97 гр 12 мгр.

Бу билагузуклар аввалгиларидан унча йўғон бўлмай, айланасининг учи қалин олтин ипчалар балан спиралсимон қилиб ўралган. Бундай спиралдан каттасининг ҳар бир томонида 8 тадан бўлиб, кичигида эса бир томонида 37 та, иккинчи томонида 39 та бор.

Шу шаклдаги билагузуклар Ҳиндистондаги Таксила деган ёдгорликларда ҳам топилган. Улар милоннинг 66 йилида кушонларнинг Ҳиндистонга қилган юришлари пайтига тўғри келади.

Яна битта ажойиб тақинчоқ бор, аммо у эркаклар тақинчоғи бўлса керак. У кўзага сизмаганидан букланган, чунки унинг узунлиги 44 см келади. Оғирлиги 313 гр 89 мгр, қалинлиги 0,5 см. Ўрта қисми унча йўғон бўлмаса-да, аммо учиға яқинлашган сари йўғонлашиб боради.

Биз бу тақинчоқни эркакларники дедик. Агарда биз “Фараон” деган Польша фильмини эсласак, унда эркак аскарларнинг билакларининг тирсақдан юқори қисмида ана шу каби тақинчоқлар тақилганини кўрамиз, қадимги рим легионерлари (сарбозлари)да ҳам шу каби тақинчоқлар борлиги бизга расмлардан маълум.

Билагузук бўлакчалари. Ҳаммасининг оғирлиги 43гр 3мгр, узунлиги 1,2 — 2 — 2,5 см, қалинлиги 0,7 — 0,8 — 1 см дан, булар ҳали заргар тайёрлаб улгурмаган тақинчоқлар бўлса керак.

Шилдироқ шаклдаги тақинчоқ. Оғирлиги 8гр 5мгр, айланаси узунлиги 1,4см, баландлиги 1,2см, илгагининг узунлиги эса 3см. Илгагининг бош қисми илон бошини эслатади. Бочкасимон қисмининг сиртига ўйиб ишланган тўрт барг шаклидаги гуллар тасвирланган. Бу каби тақинчоқлар ҳам Таксила ёдгорлигида учрайди.

Сирға. Улар иккита. Биттаси учбурчаксимон (оғирлиги 1,7 гр, қалинлиги 0,5 — 1см, диаметри 1,1 — 1,2см), иккинчиси айланасимон (оғирлиги 4,2гр, қалинлиги 0,8 — 1 см, диаметри 1,3см). Ҳар иккаласида ҳам йўғон ва нафис ипчалар чамбараксимон қилиб ўраб безак берилган.

Биз бу каби сирғаларни бошқа ёдгорликларда учратмадик, балки услуб Бақтрияға хос бўлса ажаб эмас.

Хазинада энг кўп сонли буюмлар — булар тўғри тўртбурчакли ёмбилар ва кулчасимон гардиш (диск)лардир.



Чағониён элчилари Самарқандда. Афросиёб деворига чизилган тасвир (тикланган).



Чағониён—Будрач шаҳристонидан топилган бронза тақинчоқлар.



Холчаён топилмаси. Саркарда ҳайкалининг боши.



Далварзинтепа топилмаси. Грек-Бақтрия тангалари.



Холчаён топилмаси. Камон отаётган аскар ҳайкали.



Холчаён саройининг ички кўриниши (расмда тикланган).



Холчаён топилмаси. Сарбозлар ҳайкаллари (тикланган кўриниши).



Холчаён саройининг ички кўриниши (расмда тикланган).





Холчаёндан топилган ҳайкал.





Чағониён—Будрач шахристони. Арк — Оқмозортепа.



Чағониён. Биттепа мазоротидаги сағаналар.



Чағониён— Бударач топилмаси.
Металл буюмлар, уларнинг
дасталари.



Чағониён— Бударач топилмаси. Афсонавий жониворларнинг терракота ҳайкалчалари.



**Далварзинтепа топилмаси.
Шаҳзода боши ҳайкали.**



Холчаён топилмаси. Амалдор ҳайкали.



Далварзинтепа. Бодхисатва ҳайкалининг қазиб олинган пайтдаги расми.



Далварзинтепа. Айвон устунлари тагкурсилари.



Миршоди. Бронза даври сопол идишлари.



Далварзинтепа. Кушонлар даври сопол идишлари.



Далварзинтепа топилмаси. Будда ҳайкалининг бош қисми.



Далварзинтепа топилмаси. Бодхисатва ҳайкали.



Далварзинтепа топилмаси. Шоҳмот доналари.




«Далварзинтепа хазинаси» даги олтин буюмлар.



Далварзинтепа. Ўзбек-Япон қазишмалари.



Далварзинтепа қазишмасининг умумий кўриниши.



Денов кўрғони. Ҳтган асрнинг ўргаларигача бўлган ҳолати.

Кулчасимон олтин буюмлар. Улар ҳаммаси бўлиб 39 та. Уларнинг оғирлиги 74 гр дан тортиб то 828 гр 7 м гр, диаметри эса 2,5 см дан то 9,5 см.гача бор. Уларнинг кўринишлари ҳам ҳар хил: дум-думалоқ ва шаклсиз. Айримлари бутун, айримлари эса ярми ёки тўртдан бир қисми сақланиб қолган. Буларнинг алоҳида қолипда қуйилганлиги нишонси сифатида бир, икки ва ҳатто учтадан излари ўйиқ ҳолда сақланиб қолган. Айримларида тешик ҳам бор.

Заргар булардан, шубҳасиз, хомашё сифатида фойдаланиб, хоҳлаган тақинчоқ ясаш учун ишлатган.

Тўғри тўртбурчак шаклидаги ёмбилар. Хазинада ноёб тақинчоқлар қатори, улардан фарқ қиладиган тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланган ёмбилар ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир. Улар жами 21 та, 10 тасида қадимий ёзувлар битилган. Оғирлиги жиҳатдан улар иккига бўлинади: кичик ёмбилар ва катта ёмбилар, ўлчамлари: 6,8 x1,6 ва 8,5x2,4 x2 см. Кичиклари 5 дона бўлиб, 327 гр дан 449 гр.гача келади, катталари эса ҳаммаси бўлиб 16 та, 786 гр.дан то 896 гр 96 мгр гача етади. Лекин бу иккинчи турдагилар учун меъёрий оғирлик 876 — 877гр дир (булар ҳаммаси бўлиб 13 та).

Ёмбиларнинг таг қисмида тугмачага ўхшаган бўртиб турган қолип ўрни сақланиб қолган.

Ёмбилар соф олтин сифатида жуда қимматбаҳодир, аммо уларнинг тарихий аҳамияти янада бебаҳо. Биз бу хазина орқали илк бор Кушон подшоҳлиги учун муайян бир олтин меъёрий ўлчамдаги маълумотларга эга бўлаётимиз. Бинобарин, бу ёмбиларда битилган қадимий ҳинд “кхароштхи” ёзувлари Кушон империясининг давлат олтин стандарти ҳақида ёки бошқача қилиб айтганда, ўлчов бирлиги ҳақида қимматли маълумотларни беради. “Кхароштхи” ёзуви милoddан аввалги IV ва милодий IV асрлар, яъни салкам 800 йил давомида фойдаланиб келинган бўлиб, ўз навбатида унинг келиб чиқиши қадимий оромий ёзувига бориб тақалади. Бу ёзув кўпроқ шимолий Ҳиндистонда, айниқса, Гандхара вилоятида кенг тарқалган бўлиб, балки хазина эгаси кушонларнинг Кужула Кадфиз ёки Вима Кадфиз исмли намоёндалари ҳукмронлик қилган вақтида Ҳиндистонга қилган юришларида қатнашган аслзодалардан бири бўлган ҳамда бу қимматбаҳо тақинчоқлар ва ёмбиларни у ўша ердан олиб келган ва Далварзинтепадаги бой зодагонлар маҳалласидаги уйда яшириб қўйган, деган ўйларга олиб боради.

Келинг, яхшиси бу ёзувларга кенгроқ тўхталиб ўтайлик. Далварзинтепа олтин хазинаси топилган вақтда собиқ СССРда мазкур соҳада донг таратган, яъни қадимий ёзувларни ўқий билган олимлар санокли бўлган эди. Айниқса, Ленинград тилшунослик мактаби намоёндалари В.А.Лившиц, Т.В.Грек, М.И.Воробьева-Десятовская бўлиб, улар Термиздаги Қоратепа, Афғонистондаги Сурх-Хўтал қадимий ёзувлари сирларини очиб берган олимлар сифатида маълум эдилар. Шу олимлардан

В.И.Воробьёва-Десятковскаяга Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда битилган ёзувларни талқин қилиш насиб этди. Тўғри, матбуот конференциясида қатнашган ва уларни диққат билан кўздан кечирган Ўрта Осиё қадимшуносларининг отахони ҳисобланмиш академик Михаил Евгеньевич Массон: “Балки бу ёзувлар юнон ўлчов бирлиги бўлса ажаб эмас”, — деган фикрни билдирган эди. Михаил Евгеньевичнинг фикри-ни Воробьёва-Десятковская ҳам ўз тадқиқотларида тасдиқлади. Ёзувлар 11 та ёмбида ва битта майишган билагузукда бор.

Юқорида биз деярли ҳамма ёмбиларнинг оғирликларида, бироз бўлсада, фарқ борлигини таъкидлаган эдик. Кўриниб турибдики, улар қанчалар ҳаракат қилмасинлар, яхлит бир меъёрий оғирликка эриша олмаганлар, улар орасида бир неча грамм ёки миллиграмм бўлса-да, фарқ бор. Ёзувлар ҳам нуқта сифатида сўқиб битилган, кўпчилигида бир қатор 2-, 4-, 5- ёмбиларда икки қатор, 1-ёмбида эса ёмбининг икки юзига битилган.

Ёзувлар қадимий ҳинд “кхароштхи” ёзуви эканлиги шубҳасиз. Даставвал нафақат собиқ СССРда, балки Ҳиндистондан то Мовароуннаҳр-гача бўлган ерларда фақат Эски Термиз харобаларида илк бор 1936 йилда 6 та ҳарфдан иборат битик топилган эди. Уни таниқли археолог В.А.Шишкин “вихарама” (“будда ибодатхонаси”) деб ўқиган эди. Топилма содир бўлган ёдгорлик Дунётепа деб аталади. У Амударёнинг бўйида жойлашган бўлиб, буддийлар динига мансуб иншоот ҳисобланади.

Далварзинтепа хазинасидаги “кхароштхи” ёзувлари ёмбиларга сигнатура рақамлари вазифасини ўтаган, фақат 2- ва 4- ёмбилардаги ёзувлар бир хил, қолганларида эса бу сезилмайди. Ёмби оғирликлари юнон бирлиги “статер”, “драхма” ва “дхана” деб олинган.

Унда Sa, Sya, Sga — статер учун; Dra, Dha — драхма учун аббревиатурасида олинган (шартли қисқартмасида).

Юнон оғирлик бирликлари, маълум бўлишича, Эрон тилига Аҳамонийлар даврида кириб келган. Ҳиндистон ва Бақтрия ерлари ўртасида маданий алоқалар ҳам Аҳамонийлар даврида яхши бўлганлиги учун булар ишлатилган. Бу албатта Кушонлар империяси ҳукмронлик қилган вақтда Шимолий Бақтрияда ҳам, хусусан, унинг биринчи пойтахти бўлмиш Далварзинтепада ҳам ишлатилган.

Энди ёмбилардаги оғирлик бирлигига келсак, 1-ёмбидаги ёзувда “20 статер, 1 драхма ва 4 дха” га тенг. Далварзинтепа хазинасида “статер” ва “драхма”дан ташқари, “дха” оғирлик бирлиги ҳам бор.

Демак 6-, 7-, 9- ва 10- ёмбилардаги ёзувларга қараганда, улар бир хил: “50 статер”га тенг бўлиши керак, аммо ҳақиқий оғирликлари эса бироз тенг эмас: 868, 95 гр: 876, 7 гр: 876,52 гр ва 876, 98 гр. Шундай экан, у ҳолда статер ҳисобида 6-ёмби тахминан 17,537 гр, 7-ёмби 17,534 гр, 9-ёмби 17,530 гр, 10-ёмби 17,537 гр бўлади. 2-ва 4- ёмбилардаги ёзувлар йиғиндиси эса “25 статер ва ярим драхма”ни беради. 2-ёмби 449

гр, 4-ёмбининг бир қисми кесилган, шунинг учун умумий меъёрий оғирлигидан камроқ.

Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда зарб этилган ҳарфлар, тўғрироғи белгилар синчковлик билан ўрганилганда, уларда ўлчов бирлигидан ташқари сўзлар ҳам борлиги аниқланди.

Ҳамма ёмбилар ичида 11-ёмби ажралиб туради. Унда фақат битта “S” ҳарфи бор, холос. Бу “олтин” деган маънони билдирадиган қисқартма ишора бўлса керак.

Умуман ёмбидаги ёзувларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Фақат ўлчов бирлиги битилган ёмби. Бунга фақат 8-ёмби киради.
2. Уларда ўлчов бирлиги билан бир қаторда олтиннинг ким томонидан олинганлиги ҳам кўрсатилган. Уларга 1- ва 5-ёмбилар киради.
3. Ўлчов бирлиги унинг эгаси ёки бўлмаса, ким учун тайёрланганлиги ва ким орқали олинганлиги ҳам битилган ёмбилар. Уларга 2-, 4-, 7-, 9- ва 10- ёмбилар киради.

Энди булар қандай сўз эканликларини кўриб чиқайлик. Биз юқорида ўлчов бирлиги битилган фақат битта ёмби, у ҳам бўлса 8-ёмби деб айтган эдик. Унда “43 статер 2 драхма 2 дхане” деб кўрсатилган.

1-рақамли ёмбининг икки юзига битилган ёзувларнинг бирида “20 статер 1 драхма 4 дхане” дейилган бўлса, иккинчи юзида эса “Митра орқали берилди” деган маъно бор экан.

Митрена-Митра, бу Кушон амалдорлари ичидаги газначи бўлса ажаб эмас. Бу иборани яна 2-, 4- ва 5- ёмбиларда ҳам учратамиз. 2- ёмбида унинг ўлчов бирлиги, эгаси ёки ким учун тайёрланганлиги ва кимдан олинганлиги кўрсатилади : “25 статер, ярим драхма, бошлиққа Митрадан” маънодаги сўзлар битилган.

6-ёмбида эса “50 статер. Кальяна. Шрамана” дейилган. Бу ерда “кальяна” ва “шрамана” иборалари “аъло даражали” ва “жуда ажойиб” маъноларини ангалатади, деган фикр пайдо бўлди. Балки олтиннинг сифати ҳақида ёки маълум шахснинг хислатлари назарда тутилаётган бўлса ажаб эмас. Энди сифат масаласига келсак, милодий асрлар бошида Ҳиндистон олтинининг пробаси — тамгаси ҳақида ёзма маълумотлар йўқ. Мазкур топилма эса айнан ўша даврга тааллуқли. Ҳиндистонда фақат ўрта асрларга келиб олтиннинг энг яхшиси “16 проба” ҳисобланганлиги маълум. Аммо унинг ўлчов бирлиги бизга қоронғу. Кейинчалик эса олтиннинг сифати тушиб кетиб, “12 проба” энг юқори ҳисобланган экан.

Агарда Кальяна ёки Калана иборасининг юнон манбаларида келтирилган Каланас ёки Калана ибораси билан қиёсий солиштирсак, у ҳолда бу тарихий шахс бўлиб, Александр Македонский — Искандар Зулқарнайнга хизматга олинган Таксила шахрилиқ ҳинд донишманди бўлиб чиқади. Шу боисдан ҳам 6-ёмбидаги “Кальяна” ибораси олтиннинг сифати эмас, балки ўша донишмандга тегишли деб ҳисобласа ҳақиқатга

тўғри келади. Чунки одатда инъом этувчи, саховатли шахсларнинг исмлари лексик-фонетик жиҳатдан ҳам шу шаклда ифодаланган.

Энди “Кальяна” иборасидан кейин келган “Шрмана”га келсак, у 7-, 9- ва 10- ёмбиларда ҳам келтирилади ва у “будда роҳиби” деган иборани ифодалашга маълум бўлади. Демак, бу олтин хазина ва бойликларнинг эгаси бой-зодагонлар ҳамда киборлардан совға тариқасида олган буддийлар жамоаси бўлиши мумкин. Бизга маълумки, шу каби қиммат совғалар ва инъомлардан буддийлар жамоаси ибодатхоналар тиклашган, Будда ва бошқа диндор шахсларнинг ҳайкаллари тайёрлашга сарфлашган. Далварзинтепада иккита будда иншооти борлигини, аynиқса, бу хазина топилган зодагоннинг уйдан чамаси 100 метрлар узоқликда, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган будда ибодатхонасининг у ердан хилма-хил ҳайкаллар ва уларнинг айримларининг либослари, қўллари сиртига олтин сувлари юритилганлигини ҳисобга олсак, Далварзинтепа хазинасининг ҳам шу мақсадда фойдаланиш учун мўлжалланганлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Энди охириги, букилган билагузук бўлагининг ички қисмида битилган ёзувга келсак, унда фақат “беш юз” сўзини ўқиш имконияти бўлди, холос.

Шубҳасиз, Далварзинтепа хазинаси палеографик жиҳатдан милодий I асрга тўғри келади. Ундаги ёзувлар Таксилада милодий 78 йил билан белгиланган мис товоқдаги ёзув ва Жалолобод (Афғонистон) яқинидаги Бемарон деган жойдан топилган I асрга оид гулдондаги ёзувлар билан уйғунлашиб кетади.

Биз юқорида хазинада топилмалар сони 115 та деган эдик. Шулардан энг ажойиблари юксак бадий ва тарихий аҳамиятга молик бўлганларига алоҳида тўхталдик.

Хазина мажмуида яна шундайлар борки, улар шакли ва ҳажми жиҳатдан унча диққатга молик бўлмаса ҳам, аммо уларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Битта букилган, бироз бўлса-да, “Л” ҳарфига ўхшаб кетадиган, оғирлиги 432 гр 6 мгр, умумий узунлиги 9,2 см, қалинлиги 2см келадиган, бирорта тақинчоқ тайёрлашга мўлжалланган олтин бор. Энг муҳим томони шуки, бошқа ёмбилардагидек, унинг ички қисмида 8 та сўқиб ишланган ёзув бор. Унда ҳам 4,5, 10 ва 20 рақамлари бор.

Яна қайроқсимон, оғирлиги 299 гр, узунлиги 12,6 см, қалинлиги 2 см келадиган, томонлари силлиқланган соф олтин парчаси мавжуд. Шунингдек, ҳажми бироз кичикроқ, оғирлиги 22;55;8;70,7 гр, узунлиги 3,9;5,4; 4,7 см, қалинлиги 1;1,4 см ясси парчалардан учтасини 3 марта, 4 ва 8 марта букилган ҳолда учратдик.

8 та тухумсимон шаклдаги, балки ёмбилардан “чиқит” ҳолида сақланган, аммо заргар бирорта тақинчоқ қилиб улгармаган бўлакчалар ҳам бор. Уларнинг оғирлиги 69,8 граммдан то 283 грамм 1мг гача, узунлиги 3,2 см дан то 6 см гача, қалинлиги эса 7 мм дан то 1см гача.

6 та найчага ўхшаган жуда нафис ва енгил (ҳар бирининг оғирлиги 0,5 гр узунлиги 0,9 см, қалинлиги 1 мм) бўлакчалар бўлиб, балки улар ҳам тақинчоқ сифатида ишлатилгандир.

Ва ниҳоят, бир нечта ҳажми ва шакли жиҳатидан тамомила бошқача бўлган, бизнинг фикримизча, фақат бирорта нафис тақинчоқ тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланишга мўлжалланган ёки бўлмаса “чиқит” ҳолда сақланиб қолган соф олтин бўлакчалар ҳам хазина таркибида бор. Уларнинг оғирлиги 1,5 гр дан тортиб то 21,5 гр гача етади.

Мана, Далварзинтепа олтин хазинаси топилганига ҳам ўттиз йил бўлди. Шукрлар бўлсинки, кеч бўлса ҳам бу ҳақда халқимизга унинг топилиш тафсилоти ва бу ноёб дурдоналар ҳақида батафсил ўз она тилимизда баён қилиш имкониятларига эга бўла олдик.

Ўша пайтда марказга сажда қилувчи айрим бошлиқлар бу топилмаларни Москва ва Ленинграднинг йирик музейларига бериш керак, чунки у ер марказ, чет эллардан у ерга кўп меҳмонлар келишади, деган “доно маслаҳатлар”ни ҳам берган эдилар. Аммо Шароф Рашидов:

— Йўқ, янглишасизлар, уларда ўзлариники етарли, Далварзинтепа олтин хазинаси эса бу бизнинг қадимий тарихимиз ва маданиятимиз кўркидир, шунинг учун ҳам бизда сақланиши керак, — деган эдилар. Мана энди Мустақил юртимизга ҳам дунёнинг ҳамма бурчакларидан сайёҳлар, давлат арбоблари ва фуқаролари келиб, хазинадаги ноёб атиқаларни кўриб, бизнинг қадимда нақадар бой маданиятимиз бўлганлигига тасаннолар ўқимоқдалар.

Эҳ-ҳе, ҳали ўзбек замини яна қанчадан-қанча ноёб осори-атиқаларни сақлаб ётибди.

Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони, унинг антик давр дунё санъати қаторида тутган ўрнидир. Агарда биз милодий аср бошлари тарихига назар ташлар эканмиз, диёримиз ўрнида Кушон, Хоразм, Суғд каби йирик давлатлар бўлганини, бу асрларда савлат тўкиб турган шаҳарлар, қасрлар ва гуркираб яшнаган водийларни кўрамиз. Диёримиздан ўтган Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз, Кўқон ва бошқа шаҳарларда ривожланган заргарлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва хунармандчиликнинг бошқа турларининг гуркираб яшнаганлигини кўрамиз.

Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, уларнинг Шимолий Бақтрия, яъни ҳозирги Ўзбекистон диёри “Чағониён” деб аталмиш жанубий ҳудудининг қўли гул усталари томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Лекин шунинг ўзи ҳам боболаримизнинг қўшни мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқалар олиб борганликларидан дарак беради.

Далварзинтепа олтин хазинаси шу тариқа кашф қилинди. Бу Ўзбекистон қадимшунослиги тарихида қайд этилган биринчи ва энг ноёб топилма эди. Бу топилма Марказий Осиёда 1877 йилда Тожикистон-

нинг жанубида Амударё бўйидаги қадимий Тахти-Қубод шаҳар харобасидан тасодифан ерли халқ томонидан топилган хазинадан кейин иккинчиси бўлди. Тахти-Қубод топилмаси олтин ва кумуш тақинчоқлардан иборат бўлиб, милоддан аввалги V — IV асрларга оид эди. Ҳозир Лондондаги энг катта музейларнинг бирида “Амударё хазинаси” номи билан намойиш қилинади. “Амударё хазинаси” ажойиб саргузаштлар билан 1897 йилда Англияга бориб қолган, бу хазина билан боғлиқ ҳар хил ривоятлар ва ҳикоялар мавжуд. Аммо бу ҳақда инглиз армияси капитани Бартоннинг айтиб берганлари ҳақиқатга яқинроқ.

Мазкур капитан Қобул атрофидаги Тезин водийсида чегарачилар бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган пайтда, бухоролик Ваз-ад-Дин, Фулом Муҳаммад ва Шукур Али деган савдогарларнинг ерли қароқчилар томонидан таланганлиги ҳақида хабар олади. У тезкорлик билан уларни қидириб топиб, бир ғор ичида ўлжаларини бўлишаётган қароқчиларни ушлайди ва улардан теридан тикилган қопчиқларга солинган олтин ва кумуш тақинчоқлар, тангаларни қайтариб олиб, ўз эгаларига топширади. Мукофот тариқасида капитанга битта тилла узукни ҳадя қилишади. Савдогарлар эса бу хазинани Ҳиндистонга, Равалпинди шаҳрига олиб бориб пуллашади. Ўша пайтда Грант исмли муҳандис, Каннингем исмли генерал майор ва Френк исмли Британия музейининг ходими бу буюмларни алоҳида-алоҳида харид қилишади ҳамда Англияга олиб кетишади. Пировардида ҳаммасини Британия музейига катта пул эвазига тоширишади. Бу тафсилотлар Дальтон ёзган асарда ўз аксини топган.

Далварзинтепа топилмасига келсак, хазина ётган бинонинг қурилган вақти милодий I асрга тўғри келади, топилма фақат олтин ашёлардан иборат. У пайтда Кушон империясининг энг яшнаган ва гуркираган даври эди. Далварзинтепа хазинасида қадимий ҳинд ёзувларининг учраши ҳам унинг янада ноёб эканлигидан дарак беради.

Далварзинтепа хазинаси бунёд этилган ва ишлатилган вақтга, яъни эрамизнинг бошлари ва Кушон империясининг энг гуркираб яшнаган пайтларига келсак, у ҳақда дунё қадимшунос олимлари ҳали-бери узил-кесил бир фикрга келаганлари йўқ. Ваҳоланки, бу империя тарихига ва унинг бошқа томонларига бағишлаб Лондонда, Душанбеда, Қобулда ва дунёнинг бошқа йирик шаҳарларида катта халқаро симпозиумлар ва конференциялар ўтказилган. Шундай бўлишига қарамай, унинг ҳали бизга маълум бўлмаган саҳифалари кўп, улар ўз сирларини ер остида асрлар оша сақлаб келаётир.

Ҳозирча бу жойлар тарихини, қазилмаларини ўрганиш, тадқиқ этиб халққа етказиш Республикамиз олимларининг, дунё, хусусан, Япония тарихчи, археологларининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Чағониёнда япон гурунги. Ҳали-ҳали эсимда... 1987 йилнинг баҳор ойлари эди. Хонамга чехрасида табассум билан япон профессори Кюдзо Като кириб келди. У киши билан бирга 3 та япон ва 1 та соқолли рус кишиси ҳам бор эди.

Мен Като домла билан илк бор 70-йилларда учрашганман, домла бизнинг институтимизга умр йўлдошлари — мутахассис этнограф бўлмиш Садока хоним билан келган эдилар. Улар профессор Пугаченкова билан узоқ суҳбатлашиб, институтимизнинг бешинчи қаватида жойлашган экспедициямизнинг музейида бўлишган. Бизлар билан танишиб, Далварзинтепанинг олтини ва Чағониённинг бошқа топилмалари билан қизиққан эдилар. Като домлада, айниқса, 1967 йилда Далварзинтепа яқинида топилган Будда иншооти ва у ердан чиққан ноёб ҳайкаллар катта таассурот қолдирган эди.

Бу сафар уни Ўзбекистонга бутунлай бошқа нарса чорлаган экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, у асосий мақсадга кўчди.

— Келаси йили Япониянинг энг қадимий шаҳри ва пойтахти бўлмиш Нара шаҳрида “Ипак йўли Нарага боради” деган мавзуда халқаро кўргазма бўлади. Мен ўша кўргазма ташкилотчиларининг бири бўламан. Сизда 1967 йилда топилган Будда ҳайкаллари, қолаверса яна битта Будда иншоотини Далварзинтепадан қазийётган экансиз, ажойиб ҳайкаллар топилди, деб эшитдим. Агарда рози бўлсангиз, ўша ҳайкалларнинг айримларини шу кўргазмага берсангиз, бир марта Ўзбекистоннинг жанубида ҳам шундай дунёга кўрсатадиган осори-антиқалари борлигини билдириб қўйсак. Нима дейсиз, — деб қолди. Като домланинг айтишича, у кўргазмада Хитой, Корея, Ҳиндистон, Афғонистон, Сурия Ироқ, Покистон ва СССР қатнашиши режалаштирилган экан. Уларни қизиқтирадиган ашёлар халқаро қоидалар асосида ҳужжатлаштирилиб топширилди.

Шундай қилиб, 1988 йилнинг 17 апрелида Нара шаҳрида очилган халқаро кўргазмада собиқ Совет Иттифоқи коллекцияси орасида Далварзинтепанинг Будда ибодатхонасидан топилган учта ҳайкалча — Будданинг боши, Бодхисатва ҳайкали ва Будда қўлининг қисми намойиш этилди. Агарда бу йирик кўргазма ўша йилнинг октябр ойигача намойиш қилинган бўлса, камина ҳам 50 кун мобайнида кўргазмада меҳмон сифатида бўлиб қайтганман.

Кейин Далварзинтепа топилмалари ва умуман Ўзбекистоннинг ўтмиши билан қизиқиб қолган Кюдзо Като, ўша Токиодаги нуфузли Сока университетига ўқитувчилик лавозимлигига тақлиф қилинган йили, мазкур университет билан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўртасида ўзаро илмий ҳамкорлик борасида, яъни Япония ва Ўзбекистон олимларининг бир-бирларига бориб ёдгорликларда қазийиш ишларини олиб бориш ҳақидаги режасини эълон қилди. Сока университети бу лойиҳани синчиклаб ўрганиб чиқиб, шу университетнинг асосчиси, янги “Маънавий ипак йўли”ни очишнинг муҳимлигини мудом таъкидлаб ўтган йирик жамоат арбоби Дайсаку Икэданинг ғояларига мос келади”, — деб топди.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгаши аъзолари ҳам бу режани маъқулладилар ва натижада 1989 йилнинг 4

январиди Тошкент шаҳрида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан Сока университети ўртасида олти йиллик (1989—1994 йиллар) шартнома тузилди. Шартномада Буюк ипак йўлига оид тарих ва маданиятни ўрганишда Япония билан Ўзбекистон олимлари ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилишининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё қадимшунослиги амалиётида биринчи марта Далварзинтепа қазилмаларида унинг қадимги маданиятини ўрганиш юзасидан ҳамкорликдаги ишлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу эса ўз навбатида ушбу ҳудудда илк бор нафақат япон олимларининг, балки умуман хорижий мамалакат олимларининг ўзбек диёрида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда ўтмишни ўрганишга қаратилган ишларнинг дебочаси эди.

Бу ҳамкорлик иккала томон учун ҳам катта фойда келтириши, умуман, келажакда шундай ишларнинг ривожланиб кетишига туртки бўлиб хизмат қилди. 80-йилларнинг охирига келиб япон олимларидан кейин Ўзбекистон диёрига француз, немис, италян қадимшунос олимлари кела бошладилар, ҳамкорликдаги ишлар қизиқ кетди ва шу кунда ҳам ўз самарасини бераётир. Энг қувонарли томони шуки, энди ўзбек олимлари марказга қараб турмасдан, тўппа-тўғри хорижий олимлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, иш олиб бормоқдалар ва ўзлари ҳам хорижга бориб, у ердаги ҳамкасблари билан биргаликда мулоқот олиб бормоқдалар. Бу, албатта, Республикамиз эришган мустақилликнинг шарофати билан бўлаётган ўзгаришларнинг маҳсулидир.

Шундай қилиб, 1989 йилдан бошлаб тоқ йиллари (1989, 1991 ва 1993 йиллари) япон олимлари шартнома доирасида уч марта Далварзинтепага келишди, жуфт йиллари (1990, 1992 ва 1994 йили) эса институтимизнинг олимлари уч марта Японияга боришди.

Шу ҳамкорлик йиллари Ўрта Осиё ва Япония қадимий тарихи, маданиятининг муштараклиги, буддийлик тарихини ўрганиш, буддийлик персонажлари иконографияси, шаҳарлашув жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари, Кушон давридаги диний эътиқодларнинг ўзаро таъсири ва эътиқодлари, уларнинг Бақтрия-Тоҳаристон санъатида акс эттирилиши япон ва ўзбек олимлари олдидаги энг долзарб илмий муаммолар қаторида туради.

Бу ҳамкорлик 1994 йил билан тугамади. У ҳануз, айни кунда ҳам давом этмоқда ва қадимий маданиятимизнинг янги-янги қирралари очилмоқда.

Ўзбек-япон илмий ишлари янги шартномаси 1996 — 2001 йилларга мўлжалланган. Хўш, нега бу ҳамкорлик учун Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси ва унинг Далварзинтепа объекти танланди? Гап шундаки, Ўзбекистон Санъатшунослик экспедициясининг кейинги йигирма йил мобайнидаги қадимшунослик тадқиқотлари Шимолий Бақтрия — Тоҳаристоннинг моддий ва бадий маданиятини ўрганишга улкан

ҳамда кўп жиҳатлардан мутлақо янги ҳисса қўшди. Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси ходимларининг ўнлаб монографиялар ва юзлаб мақолаларда, халқаро кўرғазмаларда, намойиш этилаётган ноёб экспонатларда акс этган илмий фаолиятлари ўзимизда ҳам, чет элларда ҳам қизиқиш уйғотгани табиий ҳол. Бинобарин, Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимларининг қазишмаларида топилган ва аксарият ниҳоятда ноёб бўлган моддий ва маънавий маданият буюмлари музейида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган кўплаб олимлар ҳар йили тадқиқот олиб боришлари бежиз эмас.

Ўз навбатида япон олимлари ҳам Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси тадқиқотларига қизиқиш билан қарашмоқда. Зотан, мазкур экспедиция илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан қадимий маданиятни, жумладан, буддий маданиятини тадқиқ этиш билан боғлиқ. Буддавийликнинг Айритомдаги машҳур ёдгорликлар мажмуасидан бошланган бу изланишлар Далварзинтепа яқинидаги, шаҳристон ичидаги ибодатхона иккинчи будда мажмуасини ўрганиш кўринишида ҳануз давом этиб келаётир. Зотан 2002 йил январида ўзбек-япон ҳамкорлигини 2005 йилгача узайтириш ҳақида шартнома тузилди.

Ўзбек-япон қўшма қазишмалари вақти келганда Сурхондарёнинг 45 даражали жазирама иссиғида ҳам олиб борилди, илмий ҳамкорлик йилларида ташкилий йўналишдаги хилма-хил масалалар вужудга келди ва у ўша заҳотиёқ меҳмондўст, бағри кенг, очик чехра ва ақлли, зукко Сурхон аҳолисининг катта-ю кичиги томонидан ижобий ҳал қилинди. Бу узоқ муддатли ҳамкорлик япон олимларида жуда катта таассурот қолдирди. Улар фақат илмий ҳамкорлик билан чегараланиб қолмасдан, Сурхоннинг қадимий обидалари, ўлканинг табиати билан яқиндан танишдилар. Сўлим гўшалари, Сангардак шаршараси-ю, Сина сумбуласини завқланиб кўрдилар, кўплаб хонадонларда меҳмон бўлдилар, тўй-маъракаларда қатнашдилар. Сурхоннинг ширин сувларидан тўйиб-тўйиб ичдилар, унинг тандири-ю майизларидан истеъмол қилдилар, урф-одатлари ва халқ амалий санъат дурдоналари билан танишдилар, ёднома деб кўп буюмлар харид қилдилар. Ўлканинг ажойиб кишилари билан дўстлашдилар. Ўз навбатида биз ҳам Японияда бундай бағрикенгликни, анъаналаримиз муштарақлигини кўрдик.

Дарвоқе, Далварзинтепа хазинаси топилгандан кейин, у ердаги экспедициямизга ёрдамчи хўжалик учун ер, қурилиш учун маблағ ажратилган эди. Бу ерни боғ-роққа айлантириб, топилмаларни қайта тиклаш хонаси, ётоқхона, топилмалар музейи ва бошқа хоналари бўлган икки қаватли бош бино, шунингдек, алоҳида омборхона, ошхона, ёзги шийпон, ҳовуз ва бошқа қўшимча бинолар қурдирганмиз. Атроф девор билан айлантириб ўралган, катта қувурдан ер ости суви чиқиб турибди...

Кун бўйи жазирамада қазишма ишлари олиб бориб, кечкурун бу сўлим гўшада топилмаларни тиклаш-ямаш билан машғул бўламиз. Ундан кейин эса ўзбекистонликлар билан японларнинг ҳақиқий гурунги бошланади.

Мавзуимиз кўпинча топилмалар, тарих, маданиятларимиз мушта-раклиги... Эҳ-ҳей — минг хил мавзуда бўлади...

Пировардида, бир нарсани эсладим... Ҳамкорлик доирасида 1994 йилнинг август ойида Японияга борганимизда, япон олимларининг ҳомийси, юқорида мен эслатиб ўтган ажойиб инсон Икэда жанобларининг ўша вақтда рус тилида нашрдан чиққан иккита китобларини бизга тақдим этишди.

Мазкур китобларни варақлар эканман, Икэда сен-сей (одатда “сан” кўшимчасини япон исмларига қўшиб айтилади, аммо ўқимишли, донишмандларга нисбатан эса “сен-сей” қўшиб айтилади, яъни бизнингча “домла” деганидек) маънавийат оламига етакловчи донишманд, бадий-илмий тафаккур соҳиби. ижодининг деярли барча соҳалари (адабиёт, мусиқа, мусаввирлик ва фото санъати)дан бевосита боҳабарлигининг гувоҳи бўлдим. Бизни энг ҳайратга солган нарса шу бўлдики, ҳар иккала китобда Аллома Япония ва Ўзбекистон олимлари ҳамкорлигини қайта улуғлаган. Хусусан, “Менинг Буддам” рисола-сининг илк саҳифаларида қуйидагиларни ўқиймиз: “Ипак йўли сўзлари 1989 йили Ўзбекистон ҳудудидаги Далварзинтепада “Ипак йўлини тадқиқ этиш” шиори остида иш бошлаган Сока университети экспедициясини эслатади... Археологик қазишмалар Япония ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорлигида ўтказилиб келинган ва келажакда ҳам ўтказилади. Мен, буддизм ёдгорликларини ўрганиш борасидаги ишлар самарали давом эттирилиши, Япон ва Ўрта Осиё маданиятларининг ўзаро кенга боришини Яратгандан сўрайман”. Мен ҳам донишманд Икэда сен-сей каби мамлакатимиз олимларининг япон қадимшунослари ва жаҳоннинг бошқа олимлари билан ҳамкорликда Сурхон воҳасида илмий изланишлар олиб бориши йўлида Аллоҳ таолодан мадад, кушойиш тилайман!

1991 йил январда Токиода Ўзбекистон Санъатшунослик институти 30 йиллик топилмалари асосида япон, рус ва инглиз тилларида “Ўзбекистон жанубида қадимий маданият” (“Древности Южного Узбекистана”) мажмуаси босмадан чиқарилди. 1996 йили Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик институти ва Сока университети бирга-ликда Сока университети нашриётида япон ва ўзбек тилларида “Далварзинтепа шахристони” (“1989 — 1993 йиллардаги қадимшунослик тадқиқотлари якунлари”) тўпламини йирик китоб тариқасида нашр эттиришди. Бунда Кюдзо Като, Комуро Кинносукэ, Б.Турғунов, Т.В.Фатурбеков, С.А.Савчук-Қурбонов, Д.В.Русанов, Ж.Я.Илёсов, Кояма

Мизиру, С.В.Левушкина, Хаяси Тосио, К.Дои ва бошқа япониялик ва ўзбекистонлик қадимшунос олимларнинг илмий-амалий изланишлари, тадқиқотлари, хулосалари ўз ифодасини топган, топилмаларга кенг изоҳ берилган. Далварзинтепани, қадимий Чағониён заминини тадқиқ этиш борасида Япония ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорликдаги ишлари шу билан ниҳоясига етган эмас. Бу ишлар янада кенг қўламда давом этмоқда. Бу борада янада янги-янги тадқиқотлар очилиши, яна қанча китоблар нашр этилиши, эшиттириш ва кўрсатувлар олиб борилиши, маданиятимиз тарихининг янада янги қирралари очиб берилиши муқаррар.

Хотима ўрнида. Аждодларимиз мероси, халқ ақл-заковоти билан яратилган ашёлар мангуликка даҳддордир.

Ўрнатилган китобхон! Юқорида Сизга баён қилинган лавҳалар ўша мангуликнинг зарралари, холос, десак, янглишмаган бўламиз. Зотан, улар бир неча минг йиллардан кейин ҳам ўша ўтмиш тарихини, маданиятини, ҳаётини намоён этиб турибди.

Кекса ўтмишда яшаган узоқ аждодларимиз яратган маданият ва санъат дурдоналари қаторидан фахрли ўрин олган Сурхон водийси—Холчаён, Будрачтепа, Миршоди, Далварзинтепа, Эски Термиз топилмалари ҳозирги кунда — XXI аср бошида кишиларни ҳайратга солмоқда. Уларнинг мақтовига, олқишига сазовор бўлиб қолмоқда. Бизга номлари етиб келмаган ўша номаълум, камтарин, камсуқум усталар, кулоллар, ҳайкалтарошлар, наққошлар, тўқувчи ва тамға зарбкорлари маҳорати, уларнинг асарлари ота-боболаримиз руҳини, уларнинг ҳаёти ва истакларини, орзу-умидларини шу оддий тупроқда, ганчда, оҳактошда, мис ва олтин-кумушда гавдалантирганлиги, тер билан қотган бу ишламалар, уларда инсон гўзаллиги, дарди ва ташвишларини намоён бўлиши шу она-Ерга бўлган меҳр-муҳаббатнинг буюк тимсоли эмасмикан?! Биз бу она-тупроғидан инсон қиёфасини, инсон учун ашёларни тиклаган, унга мангулик ато қилган, уни улуғлаган ва шарафлаган, ўша замон одамининг хилма-хил фазилатларини бизга етказган номаълум ижодкорларга, яратувчиларга, уларнинг меҳнатларига таҳсинлар ўқиймиз, Ва ниҳоят, буларнинг ҳаммасини ўз бағрига олган ва асрлар оша навқирон авлодларга етказиб келаётган шу она-Ер, унинг муборак тупроғига сажда қиламиз. Ҳали бу она-Ер, шубҳасиз, ҳозирги аниқланган топилмалардан ҳам бой ажойиб ашёларни, обидаларни, хазиначиларни тақдим этажак. Биз ҳар гал шу умидда, ўтмиш маданиятимиз янги қирраларини очиш иштиёқида ҳаракат қиламиз, шу умид билан яшаймиз. Яна эрта баҳор даракчилари келиши билан экспедиция анжомларини жамлаб шу иштиёқ, катта умид билан пойтахтдан жанубга, қадимий Чағониён тупроғига йўл оламиз.

XIV—XV АСРЛАР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА ЧАҒОНИЁН ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Ёзма манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Темурийлар давлатининг ривожланиб бориш жараёнида тарихий кечинмалар нафақат Мовароуннахрнинг марказий қисмларини, балки унинг чекка вилоятларини ҳам қамраб олган ва бу ҳолатни Чағониён тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. Чағониён вилоятининг Темурийлар давридаги тарихи ҳанузгача бирор-бир мукамал илмий тақиқот мавзуси сифатида кўрилмаган. Ваҳоланки, олимлар унинг қадимги тарихини археологик тадқиқотлар асосида анча кенг ёритганлар. Вилоятдаги Темурийлар даврига оид сиёсий-тарихий кечмишлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун сўзни XIV асрнинг 1-ярмида Чигатой улуси, аниқроғи, унинг ғарбий қисмида содир бўлган воқеалар баёнидан бошламоқ мақсадга мувофиқдир.

Тарихдан маълумки, Чингизхон ўз давлати ҳудудини ўғилларига бўлиб бериб, Мовароуннахр ва унга ёндош ҳудудларни иккинчи ўғли Чигатойга тақдим этди. Бу жойлар тарихий-илмий адабиётда Чигатой улуси номи билан қайд этилган. Амир Темур таваллуд топган пайтда Чигатой улуси Қозон Султонхон ибн Ясавур ўғлон (ҳукмдорлик йиллари 1332 — 1346) тасарруфида эди.

Ўша кезларда Чигатой улусининг кўзга кўринган амирларидан бири, яъни Амир Қазағон баъзи бир амирлар билан иттифоқ тузиб, Соли-Сарой атрофида катта лашкар йиғади ва Қозон Султонхонга қарши бош кўтаради. Хон бу воқеадан вофиқ бўлгач, унга қарши қўшин тортади. Ҳар иккала томон лашкарлари Чағониён вилоятининг Дараи Зангий қишлоғи ёнидаги чўлда 746 (1345—1346) йили тўқнашадилар. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида бу жанг тафсилоти ҳақида: “Унда Қозон Султонхон (камони) ҳалқасидан отилган ўқ Амир Қазағоннинг кўзига тегиб, бир кўзи хиралашиб кўр бўлиб қолди. Нажижада, у енгилди, Қозон Султонхон эса Қарши томонга қайтди” — деб ёзади. Бироқ, ўша йили Мовароуннахрда қиш фасли анча аёзли келиб, Қозон Султонхон қўшинлари отларининг катта қисми қаттиқ совуқдан қирилиб кетади. Амир Қазағон фурсатдан фойдаланиб лашкар тўплайди ва Қарши томон юриш бошлайди. Ҳижрий 747 (1346—1347) йили Қозон Султонхон билан жанг қилиб ғолиб чиқади ва уни ҳалок этиб ҳокимиятни эгаллайди. Шу йўсинда Амир Қазағон Чигатой улуси ғарбий қисмининг ҳукмдори бўлди, жумладан, Чағониён вилояти ҳудудлари ҳам унга тобеъ эди. У кейинги йилларда ғарбга юришлар қилиб, 1352 йили Ҳирот шаҳрини босиб олишга муваффақ бўлди.

Амир Қазағон кўпинча Жайхун соҳилларида ов қилишни яхши кўрарди. Навбатдаги ов сафарларидан бирида, у куёви Кутлуғ Темур томонидан ўлдирилади. Бу воқеа ҳижрий 759 (милодий 1357) йили содир бўлган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ушбу во-

қеани қуйидагича шарҳлайди: “Амир Қазағон қиш чоғи Соли-Саройда яшарди, баҳорда Қоранавар гулзорига қўнарди, ёзда ва кузда эса Мункда яшамоқ байроғини тикарди. У кўп вақтни ов қилиш билан ўтказарди. Кунларнинг бирида, эҳтиёткорлик қондасига амал қилмоқни унутиб ва хушёрлик шарт-шароитига риоя этмоқдан гафлатда қолиб, ўн-ўн беш киши билан, қурол-яроқсиз Соли-Саройдан (овга) отланди. У Жайхун (дарёси)дан ўтиб ов қилмоққа киришди. Шоҳлардек ов бургутини қушлар сари учирарди. Ногоҳдан ажал бургути унинг руҳи қушига панжа солди. (Яъни) амир Қазағоннинг куёви ўрнот ўмоқидан Кутлуқ-Темур Бўрилдой ўғли кўпдан бери ўч олмоқ пистирмасида ҳозиргидай бир қулай пайтти пойлаб юриб, ниҳоят имконият топди. У ғаддор бир тўда билан ҳужум қилиб, ул адолат шиорли номдор (подшоҳни) хоинлик ўқи билан қулатиб зулм қиличи ила шаҳид қилди . . .”.

Ундан кейинги тарихий воқеаларда ҳам Чағониён ҳудуди уруш ва талашлар қамровида бўлган. Жумладан, Амир Қазағоннинг ўғли амирзода Абдуллоҳ билан Амир Баён Сулдуз ўртасида бўлиб ўтган жанглардан сўнг нафақат Чағониён, балки бутун Мовароуннаҳр ҳудуди уруш ва талашлар майдонига айланди.

Кейинги сиёсий кечинмаларда Амир Темур билан Амир Қазағоннинг невараси Амир Ҳусайн ўзаро иттифоқ тузиб, биргаликда жата лашкарини Мовароуннаҳрдан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Ана шу воқеаларнинг бир қисми ҳам Чағониён ҳудудида кечган. Амир Ҳусайн амир Темурдан ёрдам сўрайди. Соҳибқирон Амир Темур ва Хизр Ясаурий лашкарлари билан амир Ҳусайнга ёрдамга йўл оладилар. Навкарлар Дари Оҳаниндан ўтиб, Чағониён орқали Ҳисори Шодмонга борадилар. Уларнинг рақиби амир Баён Сулдуз урушга кирмасдан қочиб қолади.

Ўн тўртинчи аср 60-йиллари охирига келиб, энди Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида низо пайдо бўлади, икки ўртада қатор тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бу воқеаларда Чағониён ҳам тилга олинади. Иккала томон сулҳ тузишга қарор қилиб, Амир Темур Фузорда турган пайтда Амир Ҳусайн ўз лашкарлари билан Чағониёнга етиб келади. Бироқ, Амир Ҳусайн ўз сўзида турмаганлиги учун сулҳ тузмоқ иши барбод бўлади. Иш урушмоққа бориб тақалади ва Амир Темур лашкар тузиб, Балхга Амир Ҳусайн устига юриш бошлайди. Ушбу катта юришда ҳам Соҳибқироннинг йўли Чағониён орқали ўтган. Али Яздий “Зафарнома”да бу юришни қуйидагича тавсифлайди: “Манғлой Қаҳалқадан ўтиб Термизга етиб боргач, Амир Ҳусайннинг Ҳиндушоҳ ва Халил бошлаб олиб келган лашкари уларнинг қорасини кўриши биланоқ қочмоққа юзландилар ва Омуя сувидан ўтиб, Балх томон йўл олдилар. Осмоний тасдиққа эга бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон Термиздан уч фарсах наридаги Бўё мавзеи (ҳозирги Шеробод)га келиб қўнди.

Маккайи муаззаманинг буюк шарифларидан бири — Сайид Барака ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз, кутилмаганда ул Ҳумоюн манзилга пешвоз чиқди ҳамда салтанат ва подшоҳлик белгиларини

англатувчи ноғара ва аълам (байроқ) келтириб ҳазрат Соҳибқиронга совға қилди ...”

Сайид Барака соҳибқирон Амир Темурга келажакда у буюк давлат соҳиби бўлажagini ушбу манзилда башорат қилади, яъни олдиндан айтади. Бу ерда машхур муҳаддислардан бири Абу Исо ат-Термизийнинг қабрлари жойлашган бўлиб, Амир Темур ана шу улуғ даргоҳни зиёрат қилмоқ мақсадида бу ерга қўнган эди. Юришнинг давоми Али Яздий “Зафарнома”сида шундай тавсифланган: “Алқисса ҳазрат Соҳибқирон Бўёдан йўлга чиқиб, Чағонруд (Сурхон дарёси)нинг юқори ҳавзасида жойлашган Чағоно (Чағониён) томон юрди. Чағонода саодат ила қўнғач, Амир Жоқуни атроф (вилоят ва туманлар)дан лашкар йиғмоққа буюрди. У фармонга бўйсуниб тезда йўлга отланди, ҳамма сулдуз ва бошқа (уруғ)лардан иборат ул атроф сипоҳини тўнлаб ҳумоюн ўрдуга жўнатди. Ўзи эса Хатлон томон йўл олди ва ул ердаги лашкар масаласини ҳал қилмоқчи эди. Нусратшиор байроқ Авбожа гузарига етиб келганида, шайх Муҳаммад Баён ва Ҳинду-Қарқара фармонга бўйсуниб, ул жойда ҳумоюн мавкабга қўшилдилар ва муборак қўл ўпмоқлик шарафига эришдилар. Жайхун сувидан ўтиб Хулм мавзесига эсон-омон етиб қўнганларида, ул ернинг ҳазораси ҳумоюн қўшинларига келиб қўшилди”.

Юқоридаги лавҳадан XIV асрнинг иккинчи ярмида Чағониён ушбу жанубий минтақада эътиборли сиёсий мавқега эга бўлганлиги маълум бўлади. Амир Темурнинг ҳал қилувчи муҳим юришда айнан Чағониёнда тўхтаб, турли қабилалардан қўшинлар ташкил қилганлиги бу водийда анча обрў-эътибор қозонганлигидан ва аҳоли унга хайрихоҳ бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темур замонида Чағониён Мовароуннаҳрнинг муҳим маданий-маърифий гушаларидан ҳам бўлган. Жумладан, XIV асрнинг 90-йилларида нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси хожа Алоуддин Аттор Бухородан Чағониёнга келади. Шу вақтда қадимги Чағониён яқинида янги қишлоқ — Деҳнав ташкил топган эди. Деҳнав (ҳозирги Денов шаҳри) XVIII — XIX асрларда шу номдаги беклик марказига айланди. Унинг қўрғони ва мадрасаси ҳозиргача сақланган (мадраса қайта таъмирланди).

Хожа Алоуддин Аттор умрининг охириги ўн йилини ана шу Деҳнавда ўтказди, нақшбандия тариқатини тарғиб қилиб, атрофига мурид-мухлислар жамлади. У ўзининг нақшбандия тариқати назариясига бағишланган асарини ҳам Чағониёнда ёзган.

Маълумки, нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ривожлантирилиб, унинг вафотидан сўнг халифалари хожа Муҳаммад Порсо (1348 — 1420 йиллар) ва хожа Алоуддин Аттор ҳамда бир қатор мурид-мухлислар томонидан давом эттирилди, бу ҳақда бир қанча асарлар ёзилиб, нақшбандия тариқати ёзма меросдан ўрин олди. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия”, “Фасл ул-хитоб”, Салоҳ

ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” (XIV аср охири), Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти хожа Нақшбанд” (XV аср боши), мавлоно Яъқуб Чархийнинг (вафоти 1447 йил) “Мухтасар дар баёни силсилаи нақшбандия”, “Рисолаи унсия”, Фахриддин Али ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (XVI аср боши) каби асарлари ана шулар жумласидандир.

Хожа Алоуддин Атторнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ўқувчиларга ушбу мақола муаллифининг илгари чоп этилган рисола ва мақолалари орқали айрим маълумотлар етказилган.

Умумун олганда, ёзма манбаларда хожа Алоуддин Атторнинг ҳаётига оид маълумотлар кам учрайди.

“Рашаҳот айн ал-ҳаёт”да ёзилишича, хожа Алоуддин Атторнинг Бухоройи шарифда яшаб, илм ўрганганлиги, Баҳоуддин Нақшбанд уни ўзига кув ва мурид қилиб олганлиги ҳақида хабар берилган. Муҳаммад Боқирнинг “Мақомот”ида ҳам хожа Баҳоуддин Нақшбанд Алоуддин Атторни тарбия қилиб, сулукка олиб кирганлиги айтилган. Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” китобида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд кўпинча Алоуддин Атторни ўз ёнларида олиб юриб тарбият қилганлари ва аста-секин мурид-мухлисларни тарбият қилишни унга топшириб борганлари, ул улуғ зотнинг вафотларидан кейин эса, Алоуддин Аттор муршидлик вазифасини қабул қилгани ҳам ёзилган.

Хожа Муҳаммад Порсо яна хожа Алоуддин Аттор ҳақида “Мақомоти шайх Алоуддин Аттор” номли рисола ёзганлар ва у кишининг ўғитларини ҳам жамлаганлар. Мазкур рисолада таъкидланишича, Алоуддин Аттор ҳаётларининг кейинги йилларида Чағониённинг Дехнав (ҳозирги Денов) деган жойида яшаганлар. Лекин Бухородан бу ерга қачон, қандай шароитда келиб қолганлиги маълум эмас. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, хожа Алоуддин Аттор Чағониён вилоятига Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кейин кўчиб борган бўлади, чунки пирларининг вафоти чоғида Бухорода бўлганлар. Алоуддин Аттор хижрий 798 йил шаъбон-рамазон (милодий 1396 йил июн-июл) ойида Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилиш мақсадида Бухорога келгани ҳам маълум.

Хожа Алоуддин Аттор нақшбандия тариқатини тарғиб қилиб, унинг ёзма меросдан ўрин олишида саъй-ҳаракатлар кўрсатган.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан сўнг, у кишининг ҳаёти ва нақшбандия тариқати таълимоти ҳақида бир неча асар ёзилди ва уларнинг ёзилишида хожа Алоуддин Аттор кўпинча бош-қош бўлиб турганлар. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифалари хожа Муҳаммад Порсо ўзининг “Рисолаи қутсия” асарини бевосита хожа Алоуддин Атторнинг таклифига кўра (ба ҳукми ишораи шариф) ёзишга киришганлигини айтади. Салоҳ ибн Муборак ҳам ўзининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги “Анис ат-толибин” номли асари хожа Алоуддин Аттор топшириғига кўра ёзилганини, у киши руҳсат этган ҳикояларги-

на китобга киритилганини айтиб ўтган, уларнинг кўпи “хожа Алоуддин айтмишлар”, деб бошланади. Бундай услуб Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти хожа Нақшбанд” асарида ҳам сақланган. Айрим ҳикоялар Алоуддин Аттор суҳбатида бўлганлар номидан берилган.

Модомики, хожа Алоуддин Аттор нақшбандия тариқатининг ёзма меросдан ўрин олиш бобида, шу соҳада қалам тебратишга аҳд қилганларга бевосита раҳбарлик қилган ва анчагина ҳикояларни шахсан ўзи айтган экан, умуман, ўз қаламига мансуб асар борми, деган савол туғилиши мумкин. Ўз ФА Шарқшунослик институти хазинасидаги тасаввуфга оид асарлар балан танишиш чоғида бир қўлёзма асар эътиборимизни тортди. Бу қўлёзма институт хазинасида 890-рақам билан белгиланган.

Диққатимизни жалб қилган рисола мазкур мажмуанинг 127 б-197а-бетларидан ўрин олган, форс тилида.

Рисолада қисқа киришдан сўнг қуйидаги тўртлик берилган:

Лаззати дарди мусулмониям деҳ,
Нестийи нафси зулмониям деҳ.
Куфр кофирро-у, дин диндорро,
Зарраи дардат дили Атторро.

Мазмуни:

Мусулмонлик дарди лаззатин бергил менга,
Зулмат нафс йўқлигин бергил менга.
Куфр кофир учун, дин диндор учун.
Аттор дили учун эса бир зарра дардингни (бергил).

Рисолада, умуман, хожагон-нақшбандия тариқатининг мақсади ва ҳақ висолига етишида солиқнинг олдига қўйилган вазифалар, унинг ҳолати, машаққатлар ҳақида сўз боради.

Унда зикр айтиш тартиби, дили зикрга тайёрлаш, пирга эътиқоднинг сабаби, Ҳаққа муҳаббат каби тасаввуфий тушунчаларга таъриф берилган. Бу йўлда солиқ учун бир қанча талаблар қўйилган.

- Ҳақ бандаларига арз-шикоят қилмасин.
- Иложи борича бировларнинг оғирини енгил қилсин.
- Ҳеч кимга оғирини туширмасин.
- Ўзини ҳаммадан кам кўрсин.
- Халқдан тамани бутунлай узсин.
- Имкон борича бировга фойда келтирсин.

Қуръон ва ҳадисларни ўқишнинг фойдаси кўплиги ҳам айtilган. Асарнинг ёзилган йили аниқ кўрсатилмаган. Лекин, матн мазмунидан унинг Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кейин ёзилганини билса бўлади. Чунки, муаллиф, бир жойда Баҳоуддин Нақшбанд номларини ёзганда, “Аллоҳ у кишининг руҳларини муқаддас этсин”, деган ибора-

ни ишлатади (166а-бет). Бошқа бир жойда эса, кексайиб қолганлигини эслатади (167а-бет). Демак, асар 1390 — 1400 йиллар оралиғида Чағониёнда ёзилган, дейиш мумкин, чунки Алоуддин Аттор шу йилларда Чағониёнда яшаган.

Хожа Алоуддин Аттор ҳижрий 802 йил 20 ражаб (милодий 1400 йил 18 март) ойида вафот этган, қабрлари мазкур Дехнав шаҳри яқинида, катта зиёратгоҳ саналади, халқ эҳтиром билан бу жойни “Шайх Аттори Валий” қабристонини дейди (илгаридан бу ерда ҳайит намозлари ўқилгани сабабли, бу қишлоқни Намозгоҳ ҳам дейдилар).

У кишининг ишларини авлодлари давом эттирган. Хусусан, ўғиллари шайх Ҳасан кучли жазба соҳиби бўлганлар.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс” асарида келтирилишича, хожа Ҳасанда жазба қуввати шунчалик кучли бўлганки, хоҳлаган киши ҳолатига таъсир назарлари ўтар экан; довруғлари Мовароуннаҳр ва Хуросонга ёйилган эди. Ҳиротга борганларида, Темурийлар салтанатининг ҳукмдори Мирзо Шоҳрух шахсан ўзи кутиб олади. Сўнгра шайхга битта бедов от совға қилиб, у киши отга минаётганда ҳурмат билан отнинг жиловини тутиб турган экан.

Фахриддин Али ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (XVI аср) “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарида қайд этилишича, хожа Ҳасан хожагон-нақшбандия тариқати ҳақида бир рисола ҳам ёзган эканлар.

Муҳтарам хожа Ҳасан беморларнинг юкини ўзларига олар ва уларни дарддан халос этар эканлар. Кунларнинг бирида ҳаж қилиш ниятида Ҳижоз сафарига отланиб, Шерозга етиб келганларида, ўша ерда у кишига ўта ихлос қўйган улуғлардан бири тўсатдан касал бўлиб қолади. Шунда хожа Ҳасан у кишининг юкини ўзларига оладилар. Ул улуғ киши тузалиб кетади, бироқ хожа Ҳасан ўзлари касал бўлиб қоладилар ва ўша дард билан вафот этадилар. Бу воқеа қурбон ҳайитида, ҳижрий 826 йили (1422 йил 25 ноябр) юз берган экан. Фасиҳ Аҳмад Хавофий (XV аср) “Мужмали Фасиҳий” асарида, улуғвор Шайхулислом хожа Камолиддин Ҳасан ибн хожа Алоуддин Аттор Шерознинг Баҳбаҳонига йўлга чиққанида муқаддас Каъба йўлида вафот этди, деб ёзган. У кишининг муборак жасадларини Шероздан Чағониёнга элтиб, оталари қабри ёнига дафн этадилар. Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда хожа Ҳасаннинг мурид-мухлислари кўп бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланган 1996 йили Халқаро Амир Темур илмий-экспедицияси ўзининг олтинчи йўналиш бўйича сафарини Сурхондарё вилоятида ўтказди. Экспедиция таркибида ушбу мақола муаллифи ҳам бор эди. Экспедициянинг асосий вазифаси Темурийлар даври билан боғлиқ тарихий жойлар, осори-атиқаларни кўриш, илмий-амалий тадбирлар ўтказишдан иборат бўлди. Сафар давомида биз хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳига ҳам бордик. Бизни ушбу зиёратгоҳнинг шайхи, Сайид Маҳдихон Сайид Азизхон ўғли кутиб олдилар. Маҳдихоннинг шажаралари бир томондан

хожа Алоуддин Атторга, иккинчи томондан эса Махдуми Аъзамга уланар экан. Кейинроқ у киши бизга авайлаб-асраб сақлаб келаётган битта ёзма ёдгорликни кўрсатдилар. Синчиклаб ўрганиб чиқиш асносида, бу ёдгорлик нақшбандия тариқати муҳрининг нусхаси эканлиги маълум бўлди.

Энди ушбу муҳр нусхаси ҳақида баъзи тафсилотлар.

Муҳр бир варақ қоғозга ёнма-ён иккита босилган ва ўртада қолдирилган бўш жойга форсий тилда изоҳ ёзилган (асли ёғочга ўйиб ишланган бўлса керак). Изоҳда ушбу муҳрни кўчириб ёзиб улуғ тутмоқнинг савоби кўп эканлиги таъкидланган.

Муҳр ичидаги ёзув хожагон-нақшбандия тариқатининг силсиласидан иборат. Яъни бисмиллоҳдан сўнг, силсила Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан бошлаб то хожа Аҳрори Валийгача баён этилган. Ундан сўнг ушбу силсила давомчилари сифатида шайх Аҳмад Сарҳиндий, хожа Маъсум, хожа Муҳаммад Сайфуллоҳ, хожа Муҳаммад Исмоил, Фулом Муҳаммад Маъсум, Шоҳ Фулом Муҳаммад, Мир Сафиуллоҳ нақшбандий, Қодирий, Чиштиий, Сухравардий, Аҳмадий, Маъсумий номлари битилган.

Мазкур исмлардан ҳамда қодирия ва чиштия тариқатлари эслатилганидан, муҳрда хожагон-нақшбандия тариқатининг шайх Аҳмад Сарҳиндий тармоғи акс этгани маълум бўлади. Зеро, шайх Аҳмад Сарҳиндий ўз вақтида нақшбандия тариқатининг давомчиси, пири бўлишлари билан бир қаторда, қодирия, чиштия тариқатларига ҳам муҳлис бўлганлар. Муҳр охирида “Шоҳ Фулом Муҳаммад” исмидан сўнг, “фақиркамтарин Мир Сафиуллоҳ Аҳмадий Маъсумий”, — деган сўзлар битилган ва ҳижрий 1264 (милодий 1847 — 1848) сана қайд этилган (сана жуда хиралашиб кетган, тахминан ўқилди).

Муҳрда эслатилган шахслардан бири хожа Маъсумдир (1600 — 1669). Бу киши шайх Аҳмад Сарҳиндийнинг (1564 — 1624) ўғли ва айни пайтда нақшбандия тариқатининг пири бўладилар. Бу йўналишда XIX аср бошларида пирлик вазифаси шу хонадон аҳлидан Фазл Аҳмад Маъсумийга ўтади.

Фазл Аҳмад Маъсумийнинг тўрт ўғиллари бўлган: Фулом Қодир Маъсумий — нақшбандия тариқатининг пири, Миён Бузрук Аҳмад Маъсумий, Миён Фазлуллоҳ Маъсумий, Миён Авлиё Фазлҳақ Маъсумий. Ушбу шажаранинг ҳозирги авлоди берган оғзаки маълумотларга кўра, Миён Авлиёнинг бошқа бир исмлари Миён Сафиуллоҳ бўлган ва қабрлари ҳозирги вақтда Сурхондарё вилоят, Шеробод туманининг Хўжандқа қишлоғида экан. Шунга асосланиб, Миён Авлиё Маъсумий билан юқорида қайд этилган муҳр нусхасидаги Мир Сафиуллоҳ Маъсумий бир шахс, деб тахмин қилиш мумкин: муҳрда ёзилган 1264 (1847) йилдан келиб чиқилса, яшаган даврлари XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади ва бизнинг юқоридаги тахминимизнинг тўғрилигига маълум даражада далил бўла олади.

Мазкур таҳлилдан кўриниб турибдики, ушбу муҳр нусхаси нақшбандия тариқати силсиласининг тарихини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Темурийлар даврида Чағониён тасаввуф ва маърифат аҳли йиғиландиган маънавият масканидан иборат бир жой бўлган. Нақшбандия тариқатининг бошқа бир йирик вакили, пири хожа Алоуддин Атторнинг яқин дўсти, нақшбандия тариқати давомчиси мавлоно Яъқуб Чархий ҳам маълум вақт Чағониённинг Дехнавида яшаган ва дўстларининг вафотидан сўнг Ҳисор водийсидаги Ҳалғату қишлоғига бориб, яшаб қолганлар ва ўша ерда вафот этганлар (1447 йил). Бу жой ҳозир катта зиёратгоҳ ва “Ҳазрати Мавлоно” номи билан машҳурдир.

Чағониён Темурийлар даврида халқаро савдо йўлида жойлашганлиги ҳақида ёзма маълумотлар бор. Жумладан, Мирзо Шоҳрух салтанатида Темурийлар давлати билан Хитой ўртасида савдо ва элчилик муносабатлари мунтазам тус олади. 1419 — 1422 йилларда Хитойга борган Темурийлар элчилари, ушбу элчиликда бевосита қатнашган Фиёсиддин Наққошнинг сафар кундалигида қайд этилишича, ватанларига қайтиш чоғида, Қашқардан ўтгач, Андигон довонида улар уч гуруҳга бўлинадилар: бир гуруҳ Фарғона водийси орқали Самарқандга, иккинчи гуруҳ Помир тоғлари орқали Бадахшонга ва учинчи гуруҳ Қоратегин, Ҳисори Шодмон, Чағониён, Термиз ва Балх орқали Ҳиротга йўл олади. Демак, XV асрда Чағониён Буюк Ипак йўлининг битта муҳим тармоғида жойлашган эди, дейиш мумкин.

Юқорида келтирилган айрим мисоллардан Темурийлар салтанатида Чағониён муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий мавқега эга вилоятлардан бири бўлган, деган хулоса чиқади. Қўшимча ашёвий далилларга таянган таҳлилдан эса маънавиятдаги давомийлик кўзга ташланади.

Менгзиё САФАРОВ

ОНА ТУПРОҚ ҚЎШИҒИ* (ЭССЕ)

Сирли тош хабари. Тепасини янтоқ ва кўм-кўк майсалар қоплаган, кунчиқар томонини ариқ суви ювиб турган пастаккина тепа ёнида “ДТ 54” трактор-бульдозер гувиллаб турибди. Мотор овозига диққат билан қулоқ солаётган тракторчи қўлини ёғи чиқиб турган қоп-қора латтага артди. Латгани кабина ичига ирғитиб, курсига ўтирди. У газни босиши билан трактор ёнида ўтирган мўйловли йигит қўлини кўтарди. Тракторчи бошини кабинадан чиқариб:

* Менгзиё Сафаровнинг «Она тупроқ қўшиғи» («Ф.Фуллом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти. Тошкент—1989 йил) китобидан танлаб қисқартириб олинди.

— Нима? — деб сўради.

— Бир четдан бошла деяпман, — деди мўйловли йигит.

— Ўргатма.

Бульдозер тепалик четини сура бошлади. Тепаликнинг юқори қисми нураб тушди. Чанг кўтарилиб кабинага ёпишди. Тракторчи нимагадир тиралиб жойидан жилолмай қолган тракторнинг газини босиб, олд томонга қаради. Трактор занжири бир жойда айланиб, юмшоқ тупроқни тита-тита пастга чука бошлаганди. Трактор сал орқага чекиниб, ўқирганча уюм тупроқни кўкси билан сурди. Даҳшатли ўқириш орасидан ниманингдир қарсиллаб сингани эшитилди. Тракторчи зарда билан сўқинди. Кабинадан тушди. Юмшоқ тупроққа чиппа ботиб кетган ковшга энгашиб қаради. Ҳайрон бўлиб елкасини қисди. Қайтиб кабинага чиқди. Тракторни орқага тислантирди. Нам тупроқ пастга сирғалиб тушди. Бульдозернинг бир чети дарз кетган тиши қуёш нурида ойнадай ялтирар эди. Тракторчи уюм тупроққа қараб ўйланиб қолди.

— Нима бўлди? — деди айвондан чиқиб келаётган мўйловли йигит йўл-йўлакай шимига ёпишиб қолган чангни қоқар экан.

— Ололмаяпман.

— Нимани?

— Тупроқни.

— Қўйсанг-чи.

— Ишонмасанг, қара, тишни ҳам синдириб юборяпти.

— Йўғ-е.

— Менимча, бир нарса бор шу ерда, — деди тракторчи, қўлида эзиб турган кесакни уюм томонга отиб.

— Шошма, кетмон борми? Тез топ, ҳозир ковлаб кўрамиз. Тўғри айтасан, бир нарса бўлиши керак, — деди мўйловли йигит шошиб устидаги кир кастюмини ечар экан...

Орадан бир соат ўтгач, Термиз томон чўзилиб кетган симёғочлар зўр бериб шиғиллай бошлади. Гувиллаётган бу пўлат симлар эркак кишининг дафал овозини узоқ-узоқларга олиб кетмоқда эди:

— Алло, алло... Термиз, Термиз... А?.. Ҳа. Термиз керак! Термиз, алло. Термизми? Менга тарих музейини олиб беринг... Нима? Жуда ҳам зарур!

Ишлаб чиқариш йиғилишида сўзлаётган Раҳматжон Фаёзовнинг ёнидаги телефон узоқ жиринглади.

— Кечирасизлар, — деди у йиғилишда ўтирган музей ходимларига юзланиб ва трубкани олди. — Ҳа, ҳа ... Ким керак? Мен музей директори — Фаёзов ... Деновдан? Қайси колхоздан? Нима? Тош? Қандай тош?

— Алло, бўлдими? Қулоқ солинг. Колхоз раисига хабар бериш керак. Тепаликда биронта ҳам иш олиб боришмасин, деб илтимос қилди. денг ... Бугун ёки эртага музей ходимлари боришади... Хўп, хўп. Хабар берганингиз учун катта раҳмат сизга. Хайр!

Пастаккина, кўримсиз тепаликка бульдозер солган қўллари мой

тракторчи йигитлар тупроқдош аждодларимиз тарихининг олтин саҳифаларидан бирини очганликларини хаёлларига келтиришганмикан ўша, 1959 йилнинг баҳор кунида?

Термиздан келган хабар Тошкентда Санъатшунослик илмий-текшириш институти ходимлари орасида қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Институт деворий газетасида қисқагина мақола чиқди: “Бақтрия тилга киради”. Кимдир бундан бир неча минг йил муқаддам мавжуд бўлган қудратли Бақтрия давлатини елкасида кўтарган, заҳматкаш инсонни тўйдирган, кийинтирган муқаддас ернинг тилга киришига ишонч билдирган эди. Катта умид билан айтилган бу гапларни ўқиб узоқ ўтмишнинг кўз илғамас уфқлари томон учиб кетган хаёлларга ҳамроҳ бўламиз ... Орадан бир неч кун ўтгач эса ўзимиз ҳам минг йилларни хатлаб ўтиб ортга, узоқ аждодларимиз яшаган кўҳна ва сирли ўтмишга саёҳат қиламиз ...

Холчаён. Холчаён қишлоғи инқилобдан илгари тузилган топографик хариталарда кўрсатилган бўлиб, ҳозирги вақтда Сурхон водийсининг йирик санъат марказларидан бири — Денов шаҳридан ўн икки чақирим шарқда жойлашган хўжаликнинг* ерларида паст-баланд тепаликлар шаклида гавдаланади.

Бу ернинг Холчаён деб номланиши маҳаллий аҳолига номаълум. Фақатгина асримизнинг ўттизинчи йилларида бу ерлардаги ботқоқликлар қуритилгандан сўнг Бойсундан кўчирма қилинган қарияларгина қачонлардир тепаликлар жойлашган ерларни Холчаён деб аташганларини эслашади. Кексаларнинг гапича, “холчаён” сўзи чаён ёки чаёндек заҳар тилли холани англатармиш. Лекин бу иборанинг келиб чиқиш тарихи ноаниқ бўлиб, қандайдир шу сўзга талаффузи яқинроқ сўзнинг бузилиб айтилгани бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Холчаён тепаликлари жуда катта майдонни эгаллаган кенг пахтазор ўртасида дўппайиб-дўппайиб туради. Кўзга ташланадиган баъзи тепаликларнинг баландлиги ер сатҳидан ўн метрча кўтарилган бўлса, кўпчилиги икки-уч метрдан ошмайди. Далаларни кенгайтириш пайтида тепаликларнинг анчагина қисми текисланиб кетган.

Сақланиб қолган тепаликларнинг энг каттаси шарқий томонда Сурхон бўйларига яқин ерда жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги Қорабоғтепадир. Қорабоғтепадан ғарбга бир ярим чақирим масофага чўзилиб кетган Хонақатепа баландликлари қадимда бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, яхлит шаҳарни ташкил этган.

Хонақатепанинг плани квадрат шаклида. Узунасига ҳам, кўндалангига ҳам уч юз метрлик майдонни эгаллаб турибди. Тепаликнинг марказий қисми хўжалик марказидан ўтган тош йўл ва йўл четларида қад кўтарган турар жойларни қуриш пайтида бузилиб кетган.

Хонақатепадан анча шимолда ҳам тепаликлар бор. Бу ерлардан йи-

* «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» — «Общественные науки в Узбекистане» журнали, 1988 йил 1-сонидан олиниб таржима қилинди.

гилган материаллар Холчаён тепаликларининг бир даврда бунёд бўлиб, катта шаҳар бўлганлигидан далолат беради.

Ер куррасининг Холчаён деб аталмиш зиғирдаккина бу нуқтаси 1959 йилнинг куз фаслигача ҳеч кимнинг эътиборини тортмаганди. Обод қишлоқ ва кенг пахтазорлар кучоғида сочилиб ётган оддийгина, кўримсиз пастак тепаликлар одамлар назаридан четда бўлиб, асрий, нотаниш ўтмиш сирларини ғарибона бағрида сақлаб келарди. Фақатгина ерли аҳоли баҳор пайтлари ёмғирдан сўнг тепаликларга чиқишганда ёки бороналанган шудгорларни кезишганда, ёмғир сувлари ювган, қуёш нурида жимирлаб турган бежирим, чиройли, нафис сопол синиқларини, зарб этилган олтин, кумуш, мис тангачаларни, сопол ҳайкалчаларни, турли-туман қимматбаҳо тош, мунчоқларни топиб олишарди. Бу ажойиб, кўҳна ва сирли топилдиқлар уларни ҳайратга солар ва қачонлардир жуда қадим замонларда Холчаён тепаликларининг улкан шаҳар бўлганлиги тўғрисида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятларни эслатарди...

1959 йилнинг кузида Холчаёнда олиб борилган қидирув ишлари ҳар хил тахминларга чек қўйди. Топилган нарсалар Холчаённинг қулдорлик даври гуркираб яшнаган энг обод шаҳарлардан бирининг харобалари эканлигига шубҳа қолдирмади.

1960 йил Санъатшунослик илмий-текшириш институти тизимида Санъатшунослик илмий-текшириш экспедицияси ташкил қилиниб, унга Холчаённи текшириш, археологик ишлар олиб бориш, унга алоқадор бўлган ёдгорликларни топиш ва ўрганиш вазифаси юклатилди.

Баҳор нафаси. Кетмон ва белкураклар нам тупроққа ботди. Куруқ хас-хашакни шамол учирди. Тепаликнинг кунчиқар томонини ювиб турган ариқ суви юқоридан силжиб тўкилаётган юмшоқ тупроқни оқизиб кетди.

Мангу уйқуга ҳукм қилинган пастаккина тепалик устида шов-шув кўтариб ишлаётган одамларнинг гап-сўзларини шўх баҳор шамоли олиб қочди. Унут бўлиб кетган тупроқ яна одамлар қўлларининг илиқ ҳароратини сезди.

Қўллар... Бундан бир неча минг йиллар бурун шундай қўллар Холчаён тепаликлари ўрнида чаманзор боғлар, дабдабали саройлар қурган эди. Кейин вақт ўтиб, ҳаммаси вайрон бўлди. Энди эса бу қўллар ёмғир суви ювган, баҳор ва куз шамоли тупроғини совурган тепаликларни очяпти.

Бир неча ишчи шурф қазишмоқда. Шурф —тик кенг қудуқ. Унинг силлиқ тарашланган деворларига қараб маълум даврларда яшаган одамларнинг фаолиятига боғлиқ маданий қатламлар аниқланади. Ҳар бир қатламдан топилган нарсалар даврларни белгилайди. Бу—ёдгорлик мундарижаси бўлиб қолади. Икки метрдан сўнг қум аралаш шағал чиқа бошлади. Қазиш тўхтади. Қадимда Сурхоннинг чор-атрофда адашиб юрган шохобчаларидан бирининг изи топилди.

Туш пайти. Экспедиция раҳбари Галина Анатольевна Пугаченкова тракторчи йигитлар топган тагкурси устида ўтириб, шурф деворлари-

даги қатламларни акс эттирувчи чизмага даврларни ёзаяпти. Шурфнинг пастки ва юқори қатламлари орасидан топилган нарсалар милоддан аввалги IV — I асрларга хос экан. Тепалик эса ана шу қатламлар устида эди. Кечқурун тепаликни очиш масаласи муҳокама қилинди.

Эрталаб тепаликка кўтарилдик. Баҳор шамоли келтираётган нам шудгор ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Бу кун оддий баҳор кунларидан бири бўлса ҳам, биз археологлар учун оддий кун эмас эди. У бизга ҳам қувонч, ҳам ташвиш келтирар эди.

Археолог ўтмишга саёҳат қилади. Саёҳат машаққатли. Минг йиллар ортида қолди. Батамом бегона, нотаниш ўтмиш. Тупроқ археолог учун ажодлар тарихининг буюк китобидир. Ҳар кетмон тупроқдан олтин қидирувчидек, боболар изини ахтаради. Тонна-тонна қазилган тупроқнинг бирон сиқими ҳам унинг назаридан четда қолмаслиги керак. Топилган ҳар бир нарса: сопол синиғими, занглаган тангачами, гишт парчасими, кул, чириган ёғоч, нураган сувоқ — ҳаммаси замонлар, одамлар тўғрисида ҳикоя қилади. Буларнинг ҳаммаси археологга қадрдон ва азиз. У ўтмиш ажодлар ҳаётини шу топилдиқлар орқали тирилтиради. Тарих манзараларини кашф этади...

Холчаёнда байрам. Қазув ишлари давом этарди. Топилган нарсалар жуда кўп бўлиб, ранг-баранглиги билан қувонтирарди. Лекин асосий қувонч кейинроқ келди.

Куз кунларининг бирида Холчаён тепаликлари узра шодиёна овоз янгради: “Ҳайкал! Ҳайкал!”.

Ишчининг терлаган қадоқ қўллари тупроқ орасида ётган одам ҳайкалининг қўл қисмини эҳтиёткорлик билан тутиб турарди. Галина Анатольевна ҳайкал парчасини қўлига олди. У ҳаяжонланар, қўллари титрарди. Объектда иш тўхтаган, тўпланган ишчилар Галина Анатольевнанинг ҳайкал ҳақидаги фикрларини тинглар, ҳайкал топилган жойнинг қалин тупроқ қатламларига интизорлик билан тикиларди, ҳали номаълум бўлган нарсаларни тезроқ кўриш иштиёқи билан ёнарди.

Иш куни тугаган бўлса-да, ҳеч ким — на ишчилар, на илмий ходимлар объектдан кетишни ўйламасди. Топилма ҳаммани қувонтириб юборганди. Бу кайфият ниҳоят уйга қайтиб, экспедиция стол атрофида зўр иштаҳа билан овқатланган пайтда ҳам, тунда ҳам бизни тарк этмади.

Олтмиш квадрат метр майдонга сочилиб, нураш пайтида юзларча бўлақларга парчаланиб кетган ҳайкаллар қисмларини қазиб олиш жараёни уч йилга чўзилди.

Холчаён ҳайкаллари ундек майдаланган, ёпишқоқ, сарғиш, элакдан ўтказилган тупроқдан ясалган. Лойга қамиш попуғи ва оз миқдорда туз аралаштирилган. Ҳайкаллар икки минг йил давомида нам тупроқ тагида ётаверганидан, қўл тегса ушалиб кетадиган даражага келиб қолган эди. Ходимлардан зўр эҳтиёткорлик талаб қилиниши билан бирга, қазилшнинг янги усулларини излаш, ихтиро қилиш вазифалари ҳам турарди.

Иш куйидаги тартибда олиб борилади: асосий тупроқ қатламлари қазиб олингач, пол сатҳига ярим метрча қолганда теша, пичоқ, скальпель, чўтка ишга тушади. Ҳар бир сиқим тупроқ, кесак таркиби, ранги кузатиб борилади. Ҳайкалнинг дастлабки белгилари кўрингач, унинг атрофидаги тупроқ пичоқ учи, хирург скальпели ва чўтка билан тозаланади. Аста-секин тупроқ орасида “оролча” пайдо бўлади. “Оролча” бир икки соат чамаси қуёш нурлари таъсирида селгийди. Лекин ҳайкални узоқ муддат қуёш нурлари таъсири остида қолдириб бўлмайди, чунки офтоб нам тупроқни қуритиб, ҳайкал бўёқларини кўчириб юбориши мумкин. Ҳайкал тупроқдан тозаланиши билан шприцлар орқали бириктирувчи, елимлайдиган кселолполибутилметакрилат — ПБМА моддаси сингдирилади. Бу тадбир соат сайин такрорланади. Бириктирувчи модда сингдирилган ҳайкал қисмлари беш-етти кун, агар ҳайкалнинг ҳажми катта бўлса, икки ҳафтагача очиқ ҳавода қолдирилади. Яна бир қанча кўшимча тадбирлардан кейин ҳайкаллар кўчирилиб олинади ва яшиқларга жойлаштирилиб институт лабораториясига келтирилади. Бу ерда эса такрор ишлаш, реставрация қилиш, қотириш ишлари давом эттирилади.

Сарой. Холчаён тепаликларининг кунчиқар томонида китобхонга таниш Сурхон дарёси оқади. Ундан нарида эса назарингиз кекса Боботўғнинг силлиқ ўрқачларидаги оппоқ қор майдонлари орасида сочилиб кетган қора харсанглардек кўринган арчазорга тушади. Тушади-ю, бир зум адашиб қолади. Кейин нилуфар осмонга кўчади. Осмонда эса оппоқ момиқ баҳор булутлари эринибгина сузади.

Шимолда ҳам, ғарбда ҳам тоғлар! Юксак тоғлар!..

Икки минг йил муқаддам шарқираб оққан Сурхоннинг ўнг қирғоғида ҳозирги Холчаён тепаликлари ўрнида катта шаҳар пайдо бўлган.

Шаҳарда қулдорлар оилалари яшаган. Шаҳар атрофларида кўпгина қишлоқлар бўлган. Қишлоқларда яшайдиган деҳқонлар катта-катта боғлар барпо этишган. Шаҳар ўртасида қуллар кучи билан қурилган улғвдор, ҳашаматли, муҳташам сарой қад кўтарган. Саройда ҳукмрон хонадонлар табақасига мансуб оилалар яшаган. Улар орттирган бойликнинг, улар яшаган сарой гўзаллигининг ниҳояси бўлмаган. Сарой милоддан аввалги биринчи асрда эски харобалар ўрнида қад кўтарган. Уч қисмдан иборат. Марказий қисмга айвон, катта зал, тахтхона киради. Саройнинг шимолий ва жанубий биқинларида эса узун, қоронғи даҳлиз ва квадрат шаклидаги хўжалик аҳамиятига эга хоналар бор. Сарой деворлари оралиғи хўллигида ўттиз-қирқ килограмм келадиган хом гиштлардан тикланган. Хоналарда поллар бўлмаган, қуруқ ер лой билан сувалган, холос. Шифтга вассалар терилиб, устидан қамиш тўшалган, ёғоч қириндилари ва сомонли лой билан сувалган. Том четларини, пирамонларини гишт-черепицалар безаб турган. Турли дарахт баргларига ўхшатиб ишланган тарновлардан ёмғир ва эриган қор сувлари оқиб тушган.

Саройга кираверишдаги айвон узунлиги ўн олти метр бўлиб, йўни-

либ силлиқланган оппоқ тош тагкурсиларга ўрнатилган беш метр баландликдаги тўртта ўймакор ёғоч устунлар бу айвонни елкасига кўтариб турибди. Оғирлиги бир тоннача келадиган бу тагкурсилар шаклининг гўзаллиги, ишланиш техникаси ва бежиримлиги билан қадимги Юнонистоннинг буюк меъморлари яратган ажойиб тагкурсилардан қолишмайди...

Айвондан катта залга кирадиган учта эшик бўлган. Эшикларда олтин толалардан тикилган қимматбаҳо пардалар илинган. Эшиклар тепасини оқ сувоққа чизилган нақш гуллар ва текис девор сатҳига бўрттириб ишланган ҳайкаллар безаган.

Айвондан ичкарига — асосий залга кирилади. Залнинг шимоли-ғарбий ва жанубий деворлари уч метр баландликкача оқ ганч билан сувалган. Сувоқдан юқорида икки метр баландликка безак бериб ишланган ҳашаматли ҳайкаллар, ундан юқорида эса ҳайкал шаклидаги турли хил безаклар бор.

Шарқий деворнинг кўриниши бутунлай бошқача. Залга бошлаб кирадиган учала эшик оралиқларида бўёқ билан чизилган нақш гуллар, дарахт барглари, узум бошларини акс эттирувчи тасвирнинг нафислиги, жозибадорлиги кишини ҳайратга солади. Бу нақшлардан сал юқори-роқда эркак ва хотин қизларнинг жингалак сочлари, кенг пешаналари, қалин қош, қора кўзлари тасвирланган. Залнинг шимоли-ғарбий девори ёнида супа бўлиб, ундан сал юқорида токча бор. Унда шамчиروқ ёниб турган.

Асосий залдан тахтхонага кирилади. Тахтхонада ҳам иккита устун бор. Устунлар айвондагидек ёғочдан, ўймакор тагкурсилар устига ўрнатилган. Икки устун ўртасида тахт қўйилган. Унда ҳукмдор ўтирар, маълум кунларда тантанали маросимларни ўтказарди. Тахтхона деворлари қимматбаҳо гиламлар билан безалган, уларда ёқут гуллар айвон ва зал орқали кириб турган ёғдуда товланган.

Саройнинг жанубий биқинидаги тўртбурчак хонадан топилган нарсалар айниқса диққатга сазовордир. Бу хона хазина бўлган. Лекин кейинчалик саройда ҳаёт инқирозга юз тутуши билан ўғрилар томонидан таланган. Талон-тарожлик шошма-шошарлик билан амалга оширилганлиги учун кўп нарсалар ўғрилар қўлидан тушиб синган. Қароқчилар баъзи қимматбаҳо нарсаларни олишга улгуролмай қолишган. Хонадан бир қанча олтидан ясалган безаклар, пишиқ ипак мато парчаси, қимматбаҳо мунчоқлар, чети силлиқ ва паст қисми бурма шаклида ишланган машҳур Рим шиша идиши парчалари топилди. Булар турли мамлакатларда тайёрланган буюмлардир. Шунинг учун уларни кўздан йироқ — хазинада асраш одат бўлган. Бу нарсалар қадимги Холчаённинг савдо алоқаларини аниқлашда муҳим далиллардир.

Лекин Холчаён, унинг тутган ўрнини синчиклаб ўрганарканмиз, бу ердаги ҳокимнинг бинокорлик имкониятлари чекланганлигини кўрамиз, Аввало, шаҳар қалъа деворларига эга эмас. Қалъа деворлари эса

ўша замондаги йирик қулдорлик шаҳарлари учун зарур эди. Саройнинг ҳажми ҳам камтар. Дабдабали кўринишдан холи. Хўш, у пайтда Холчаён қандай мавқени эгаллаган?

Дастлаб сарой ҳукмдорнинг оддий қабулхонаси сифатида вужудга келади. Орадан юз йиллар ўтади. Қачонлардир Холчаёнда истиқомат қилган илк ҳукмдор тахтхонадаги икки устун орасида жойлашган тахт муборак обидага айланади ва доимо ўша ҳукмдorni эслатиб туради. Асрнинг ўтиши билан ҳукмдор қадамжойи авлодлар учун муқаддас ёдгорлик бўлиб қолади. Сарой биқинларидаги хоналарда сақланган қимматбаҳо буюмлар, қуроллар замонлар ўтиши билан янги-янги авлодлар тасаввурида узоқ ўтмишни эслатувчи, деворлардаги ҳайкаллар эса авлодлар курашини акс эттирувчи табаррук даргоҳга айланади.

Тирилган ҳайкаллар. Тасаввур қилинг: Холчаёндаги саройнинг марказий залидасиз. Зал деворларига боқиб турибсиз. Девор орасидан чиқиб келаётгандек кўринган ҳайкал шаклидаги барельефда тасвир этилган эпизодни кўрасиз. Юриб кетаётган ёшгина боланинг бўйнига ташланган гулчамбар оғирлик қилганми, гавдаси сал букчайган. Унинг қомати, юзлари тўқ пуштиранг, сочлари ва қошлари қора рангга бўялган. Дўндиққина юзлари, бўлиқ кенг елкалари қалбингизда меҳр уйғотади. Унинг ортидан бир гуруҳ болалар гулчамбар кўтаришиб чопиб боришяпти. Йўл-йўлакай митти қоматларини букиб, калта дўмбоқ қўллари билан силкитиб учиб бораётган фаришталар, арфа чертаётган қиз тасвирларига қараркансиз, ўзингизни шу тантанли маросим иштирокчисидек ҳис этасиз.

Гулчамбарлар орасидан хотин ва эркак кишининг қизил рангга бўялган юзлари кўзга ташланади. Афтидан, бу тантаналар шу икки зот шарафига бўлаяпти...

Тахтхона. Ҳукмдор ёлғиз ўтирибди. Хаёлга чўмган. Ташқаридаги шовшув унинг диққатини тортди. Ҳорғин кўзларини очди, бошини кўтарди. Залга кириладиган ўрта эшик тепасидаги ҳайкалларга кўзи тушди-ю, ўзини тетик ҳис этди. У нималарни кўрди?

Девордаги соқолли эркак унинг ўнг томонидаги қалпоқ кийган болага, чап томондаги маъбуда Никанинг улуғвор қиёфасига қараб олди. Бу ҳайкалларнинг юзлари қизил, сочлари қора. Боланинг қалпоғи оқ.

Эркак кишининг маъноли юзи, ажинли пешанасида гажак бўлиб турган сочлари, чуқур кўз қорачиғлари, ингичка қош толалари тахтда ўтирган ҳукмдор хаёлида кўп нарсаларни тирилтиради. Эркак кишининг боши узра ёғду сочиб турган қуёшни ки сингари “нимб” нурлари кўзларига санчилгандек бўлади. Қалпоқли бола кўкракларига ёпишиб турган чиройли бурмали хирқа, бошидаги учли қалпоқ — Авесто диний худоларидан Митрани кўз олдимизга келтиради. Ҳукмдор маъбуда Ника тасвирига, сербурма кўйлаги ёпишиб турган гавдасига, унинг ўнг қўлидаги тож ва чап қўлидаги қанотга тикилади-ю, ғалаба маъбудасини танийди. Бу — учала фалак эгалари ҳукмдор руҳидаги маъюс кайфиятини сўнди-

ради. Подшо уни шарафлаётган, янги-янги ғалабаларга чорлаётган худоларга таъзим қилди. Ташқарида фармонга интизор бўлиб турган одамларни қарши олиш учун ҳукмдорга хос виқор билан қаддини ростлади.

Юқорида қайд қилинган ҳайкаллар тагида яна бир неча йирик ҳайкаллар бор. Шуларнинг бири аёл. У тахтда ўтирибди. Кулча юз, таралган сочлари тутам-тутам бўлиб чеккаларига тушиб турибди. Пешанасидаги тасма устида капалак нусха безак бор. Сербурма узун либоси кўкраги тагидан тасма билан боғланган, либосининг бир учи елкасидан ошириб ташланган. Унинг қиёфасида улугворлик, аёлларга хос назокат, оналик меҳри барқ уриб турибди.

Аёлнинг чап томонида эркак кишининг ҳайкали. У аёлга ўтирилган. Бодомқовоқ, қошлари қора, гўштдор бурун катаклари, кичик оғзи, мўйловли тик ияги ва чекка соқоли эътиборни жалб этади. У тиззалаб ўтирибди. Бошида қалпоқ, устида парча гулли чакмон, оёғида енгил кавуш.

Иккала ҳайкалдан ташқари, бу яхлит композицияга қизлар ва йигитлар ҳайкаллари ҳам киради. Лекин юқоридаги иккала образнинг такрорланмайдиган хусусиятлари ўша пайтда ҳақиқатдан ҳам яшаган шахсларнинг портретлари бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Биз юқоридаги ва қуйидаги ҳайкаллар билан танишиб чиқдик. Энди умумий манзарани томоша қиламиз. Подшо ўз хотини билан тахтда ўтирибди. Уларнинг бошида ҳомий маъбудалар. Шулардан бири қадимги Бақтрияга Искандар замонида кириб келган юнон мифологиясидаги Ника — Ғалаба маъбудаси подшога тож кийгизяпти. Маҳаллий Зорастр динининг асосий худоларидан бири — Митра боши узра елпиғич тутиб турибди. Ҳайкалларнинг бошида турган бош худо эса ҳам подшога, ҳам маликага фаровонлик, бахт-саодат нурларини сочмоқда. Композициядаги бошқа ҳайкаллар подшо хонадонига яқин, юқори табақага мансуб одамлардир.

Эркак ҳайкаллари орасида маълум антропологик типни эслатадиган гуруҳни ажратиш мумкин. Бу ҳайкалларнинг икки томонга оғиб тушадиган сочлари пешанасидан сал юқорироқда тасма билан боғланган. Бакенбард қуюқ мўйлови-ю қирра бурни, пастки дўрдоқ лаби, катта-катта кўзларидаги ўхшашлик уларнинг қон-қариндош уруғ вакиллари бўлишлигидан далолат беради. Лекин бири иккинчисидаги мавжуд хусусиятни такрорламайди.

Бу ҳайкалларнинг кўриниши Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳудудларида кенг тарқалган дастлабки кушон тангаларидаги “сирли шахс” тасвирини кўз олдимизга келтиради. Бу тангаларнинг юзида бир томонга қараб турган ҳукмдор расми бор. Иккинчи томонда эса Осиё кийимидаги қуролланган отлиқ подшога Ғалаба худоси Ника тож кийгазяпти. Тангачадаги ёзувда “Ҳукмдор Герай — Санаб — Кушон” деган сўзлар ёзилган. Герай дастлабки Кушон ҳукмдори Кужала Кадфиздан бурун яшаган. Унинг замонида Кушонлар империяси таркиб топмаган эди. Герай ҳокимият тепасига чиққач, биринчи бўлиб

кушонлар тангасини зарб қилди. У ўзигача бўлган бошқа ҳукмдорларга ўхшаб кўр-кўрона юнон маданиятига тақлид қилмади, аксинча, унга Осиё маданиятини қарши қўйди.

Холчаён ҳайкалларидаги ўхшашлик Холчаён Герайнинг ёки унга яқин оға-иниларнинг турар жойи бўлган, деган фикрга олиб келади.

Холчаён ҳайкалларида маҳаллий Бақтрия санъаткорларининг ўзлари тасвирлаётган ички дунёсига кириб борганлиги, ҳаётдаги мавжуд одамларни, уларнинг турмушини яхши ўрганиб, бадиий тип даражасига кўтарганини кўрамиз...

Холчаён ҳайкалтарошларининг энг ажойиб фазилатларидан бири шундаки, улар яратган асарларида инсон дарди, унинг табиий гўзаллиги, улуғворлиги, кечинмалари драматизм билан қўшилиб кетади.

Холчаён чавандозлари. Марказий залнинг жанубий ва ғарбий деворлари бир чеккаси оқ ҳайкаллар билан безатилган.

Кенг сахро. Поёнсиз текисликда отлар шиддат билан елиб бормоқда. Олдинги оёқлари ҳавога кўтарилганча тасвирланган отлар қизил, оқ, қора рангда. Текис қирқилган ёлларини шамол учириб турибди. От устида қоши учли эгар, енгил қуролланган жангчилар учун мўлжалланган. Суворийлар енгил кийинган, қўлларида ёй. Уларнинг кийими ҳам юқорида тасвирланган ҳайкаллардагидек сербурма.

Иккинчи тур отлар оғир қуролланган жангчиларники. Бу отларни темир қалпоқ кийган жангчилар миниб олган. Уларнинг юзи кенг, эчки соқолли, дарғазаб кўзлари катта-катта. От ёпинчиқлари совутдан, чавандозлар ҳам совут кийишган. Лекин бу ерда ҳам ҳайкалтарошлар инсонга хос туйғуларни тасвирлашни унутишмаган. Темир қалпоқли бир суворий бор. Юзлари чўзинчоқ, кўзлари самимий ва жиддий. Кўзларида шу туганмас юришлардан толиқиш акс этиб турибди. Унинг чеҳрасидаги дарди қалбингизда эзгу ҳислар уйғотади.

Ҳайкалларда акс этган чавандозлар авлодларга ота-боболарнинг қилган ишларини, жангу жадалларини эслатади. Бу ҳайкаллар тимсол бўлиб, уларга шарафлар ўқийди, жанговар ҳаётларини мадҳ этади.

Хатарли тун. Экспедиция ҳаётининг ўзига хос машаққатлари бор. Эртадан-кечгача шамол чангни юзга уради. Ҳаво ҳарорати баъзан 40—45 даражага чиқиб кетади. Похол шляпалар ҳам фойда бермай кўяди. Чўккалаб ўтириб қўлдаги скальпель билан соатлаб тупроқ кавланади. Пешанадан оққан тупроқ аралаш шўртак тер тинчингизни бузади. Лекин ишлаш керак. Ҳайкалларни узоқ вақт очиқ ҳавода қолдириб бўлмайди. Бундай пайтда ҳар бир дақиқа нодир ҳайкаллар тақдирини ҳал қилиши мумкин. Бехосдан қилинган арзимас ҳаракат буюк санъат асарининг изсиз йўқолиб кетишига олиб келади.

Масъулиятсизликка мутлақо ўрин йўқ. Бу фақат ишнинг ваҳимали томони. Яна бу ишнинг фахрли ва шарафли томони бор. Билдирилган ишонч, тупроққа бўлган меҳр, авлодларга муҳаббатни оқлаш керак.

Ярим кечада момақалдиरोқнинг гумбурлаши ҳаммани уйғотиб юбор-

ди. Ташқарига биринчи бўлиб отилиб чиққан Галина Анатольевна тезда сочлари жикқа ҳўл бўлиб хонага қайтиб кирди.

— Тез, тезроқ!...

Ҳовли ўртасида машинанинг орқа филдираклари бир жойда фирилаб айланар, қип-қизил ёнаётган орқа чироқларига лой сочар эди. Олдинги чироқларнинг ёдуси қоронғу боғдаги дарахтларнинг ҳўл таналарини, қия тушаётган йирик-йирик ёмғир томчиларини ёритиб турарди. Кимдир шошиб уйдан чиқаётганда сирғаниб лойга чўккалаб қолди. Қўлидаги фанер тахта бошига тарақлаб урилди.

Машина кўзгалди. Кимдир чопиб келиб кузовга ёпишди. Қўлидаги клёнкани кузов ичига иргитиб, машинага сакраб чиқиб олди.

— Кийинолмай қолдим, — деди у ҳансираб.

— Зиёни йўқ, ҳаммамизда ҳам кийим йўқ.

Ҳамманинг хаёлида офтобда қуритиш учун қолдирилган ҳайкаллар эди. Ҳаммаёқ лой, зимистон. Шундай бўлса ҳам ҳайкалларнинг қаердалиги беш бармоқдек маълум. Машина чироғи ўчирилмади. У объект устида у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган ярим яланғоч йигитлар, сочлари бўйни, юзларига ёпишган хотин-қизларнинг таналарини ёритади. Ҳайкалтарошлар Дамир Рўзибоев, Ҳаким Ҳусниддинхўжаев, санъатшунос Виктория Долинская, археолог Дина Сидорова, Баҳодир Турғуновлар ҳайкал узра тутиб туришган брезентни ёмғир савалайди. Брезент бурчакларидан ёмғир суви шариллаб оқади. Кимнингдир қўлидаги катта фанер ёруғликни тўсди. Биров жонҳолатда қичқирди. Биров брезент тагида ҳайкал устидаги қоғозларни чангаллаб четга иргитмоқда. У қоғоз тагидаги ҳайкалларни авайлаб ушлаб кўрди.

— Ёмғир ўтмабди. Лекин яна ўн дақиқа кечикканимизда, ҳайкаллардан ажралардик, — деди.

Усти ёпиқ ҳайкалларни сўнгги бор кўздан кечириб чиққач, ходимлар машинага чиқишди. Шундагина улар совуқни сезишди.

Эрталаб объектга бир гуруҳ колхозчилар тўпландилар. Улар чуқур бўлиб ботиб қолган тунги изларга, ҳайкаллар устига ёпилган нарсаларга қараб бош ирғардилар.

Яланғоч маъбуда. Чошгоҳда объектга бир қиз ва ўрта яшар аёл келди. Қиз бўйнидаги қизил гулли рўмолининг учини лаби билан ҳўллаб турарди. Аёл қизнинг биқинига секингина туртди:

— Кўрсат энди.

— Уяламан, — деди қиз бурнини жийириб паст овоз билан.

— Нима учун келдинг бўлмаса...

— Нима гап, — деди ишлаётган археолог Баҳодир Турғунов, ёғоч сопли пичоғини ерга қадаб ўрнидан тураркан.

— Мана бу синглингизнинг бир нарсаси бор, кўрсат десам, уяламан, дейди.

Хотин яна қизга боқди.

— Нима экан ўзи? — Турғунов шимига ёпишган чангни қоқиб қизнинг ёнига келди.

— Қани кўрайлик-чи.

Қиз бир парча атласга ўралган нарсани узатди-ю, юзини тескари ўгириб олди. Турғунов латгани очиб кўрди.

— Галина Анатольевна! — деб қичқирди у ҳаяжонланганича.

Галина Анатольевна фотоаппарат филофини ёпаркан, Баҳодир билан қиз томонга йўл олди.

— Нима экан?

— Қаранг.

— Наҳотки яланғоч маъбуда бўлса! Худди ўзи! — Галина Анатольевна уялиб оёғи билан ер чизаётган қизга қаради:

— Қаердан топдингиз?

— Даладан, гўзани чопиқ қилиб юрувдик ...

— Яхши. Жуда яхши, қизим. Раҳмат...

Яланғоч маъбуда образи маданиятда чуқур илдизларга эгадир. Оналик уруғи ҳукмрон бўлган замонлардан бошлабоқ, хотин уруғнинг давомчиси, табиатнинг ҳаётбахш кучларини ўзида мужассамлаштирган санам образи сифатида гавдаланади.

Инсоннинг илк хаёллари биринчи санам, аждодларнинг энг катта Онаси — инсонга қудратли куч, бахт-саодат, фаровонлик ато қилувчи Она маъбудани яратган. Инсоният минг-минг йиллар яшайди. Ижтимоий ҳаёт ўзгаради, ривожланиш давом этади. Лекин Она маъбуда образи йўқолмайди. Аксинча, ижтимоий онгнинг ўсиши билан у ҳам ўзгаради ва турли хил шаклларда яшайверади. Айниқса, шарқ халқлари бу санамни унутмайди.

Қулдорлик тузуми даврида Она маъбуда тасвири ҳар хил қиёфада намоён бўлади.

Қиз келтирган қизғиш сопол ҳайкалчанинг бўйи 63 мм, эни 30 мм, қалинлиги 14 мм экан. Маъбуданинг елкалари кенг, кўкраклари туртиб чиққан, қорни ва тиззалари пичоқ билан тарашланган бўлиб, жозибатор эди. У тик турибди. Оёқлари бирлашган, қўллари йўғон сонларига ёпишган.

Холчаёнда олиб борилган текширишлар давомида сопол ҳайкалчалар жуда кўп топилди. Бундай ҳайкалларни бутун Холчаён ҳудудидан топиш мумкин. Уларни ўқувчилар, колхозчилар, қариялар ҳам топишади, бизга келтиришади ва ходимларнинг ҳикояларини эшитиб ажабланишади.

Бу ерда кийим кийган маъбуда, зеби-зийнат безакларга бой яланғоч маъбудадан бошқа маъбудалар ҳам бор. Баъзи маъбудалар қўлида олма, анор тутиб туради. Бу — ободончилик, фаровонлик худоси. Иккинчи бир хилининг қўлида кўзгу бор. Бу гўзаллик ҳомийси, порлоқ истиқбол маъбудасидир.

Бу ҳайкалчалар кенг тарқалган. Уларни Ўрта Осиёнинг ҳамма ерида, қўшни Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон тупроғида ҳам учратиш мумкин.

Баҳодир Турғунов ҳайкалча тўғрисида ҳикоя айтиб берди. Қиз ҳикоя

тинглаб туриб, ортиқ қисиниб-қимтинмай қўйди. У жиддийлашди. Чиройли кўзлари хаёлга чўмди. Эҳтимол унинг кўз ўнгида ўша даврдаги Холчаён, унинг атрофидаги сон-саноксиз қишлоқлар, одамлар, уларнинг уй-жойлари, турмуши, хароба кулбалари, шу кулбалар деворларига осиб қўйилган ҳайкалча рўпарасида чўккалаб ўтириб, Она маъбудадан нажот ва мадад тилаётган ғариб кимса кўрингандир.

Антик Чағониён қаерда? Холчаён қасри эрмиздан аввалги I асрда бино бўлган. Буни ўша замонда ясалган ажойиб сопол идишлар, айвон ва залдаги ҳайкалларда акс этган воқеалар, хўжалик аҳамиятига эга бўлган хоналардан топилган турли ўқ-ёй, икки юзли калта пўлат ханжар тасдиқлайди.

Лекин Холчаён ёдгорликларини синчиклаб кўздан кечирсак, бу ердаги ҳоким бинокорнинг имкониятлари чекланганлигини кўрамиз. Саройнинг ҳажми маҳобатли кўринмайди. Кулдорлик тузумига тааллуқли бўлган ўша замондаги кўпгина дабдабали кўринишдан холи. Дастлаб сарой оддий қабулхона сифатида гавдаланади. Тахтхонадаги икки устун орасида тахт кейинчалик ўша дастлабки ҳукмдорнинг қадамжойи бўлиб қолган ва муқддас ёдгорликларга айланган асосий залда бўлиб турадиган баъзи тантаналар анъанага айланиб қолади. Сарой биқинларидаги сақланган қимматбаҳо буюмлар, қуроллар замонлар ўтиши билан янги-янги авлодлар тасаввурида узоқ ўтмишни эслатувчи, авлодлар курашларини илоҳийлаштирувчи эсдалик, ёдгорлик зиёратгоҳ бўлиб қолади. Тахт ворислари, шаҳзодалар, маликалар, подшо хонадонига қавм-қариндош бўлган кишиларнинг тавоф қиладиган муқаддас жойига айланади.

Бепоеён шарқий Туркистон, Хитой саҳролари томонларда яшаган юежий қабилалари эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб қадимги Бақтрия ерларига бостириб келади, деб юқорида айтган эдик. Улар Амударёнинг ўнг қирғоғи — Сурхон ва Қободиён дарёлари бўйларидаги серунум ерларга келиб жойлашадилар. Шу даврдан бошлаб кушонлар бўлғуси жангларга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Бир қанча шаҳарлар бино бўлади. Қизғин ҳаёт бошланади. Айнан шу даврда кушонлар пойтахти қаерда эди, деган жумбоқ ҳал қилинмаганди. Бу кушонлар тарихига оид асосий масалалардан бири эди.

Холчаён тепаликларини ўрганиш, бу қадимги кулдорлик шаҳрининг ўтмишда бошқа шаҳарлар билан алоқасини аниқлаш Галина Анатольевна Пугаченковани ўйлантирган жиддий муаммолардан бири эди. Кўп йиллик самарали изланиш олимани қадимги⁴Хитой тарихий манбаларида ёзилган қуйидаги жумлалар сирини аниқлашга олиб келди: “Юежий — Кушонлар пойтахтини Гуй-Шуй (Амударё)нинг шимолида барпо қилдилар. Шаҳарнинг номи Ходзо деб аталади”.

Ўзбекистон ва Тожикистон олимларининг мазкур Республикаларнинг жанубий районларида олиб борган, улар томонидан текширилган кулдорлик даврига оид шаҳар қолдиқларининг биронтаси дастлабки пойтахтга муносиб келмасди. Биз бошлаган мавзунинг асосини ташкил

этаётган Холчаён харобалари ҳам бу шаҳарнинг Кушонлар пойтахти эмаслигидан далолат берди.

Хўш, у сирли пойтахт қаерда? Ер уни ном-нишонсиз ютиб юбормагандир. Қаердадир бу улкан шаҳар бор... Қаердадир Гуй-Шуй (Амударё) шимолида, яшил воҳалардан оқиб чиқиб, дарёга қуйиладиган ирмоқ бўйида Кушонлар қудрати, шон-шавкатнинг илк бешиги бўлган номаълум шаҳар бор. Бўлиши керак...

Афсоналар эшитамиз. Қазув ишлари олиб борилаётган тепаликлар устида қизгин гурунлар тинмайди. Офтобрўяда ёнбошлаб ётган одамлар ўтмиш кунларни эслаб ҳикоя қилаётган чолнинг гапларини диққат билан тинглашяпти. Чол оппоқ соқолини тортқилаб ўйнаётган баҳор шамолига юзини ўгириб, киртайган кўзларини йироқ дарё соҳилига тикиб, узоқ ўйланиб қолди.. Кейин сизот сувлари оқаётган чуқур зовур бўйидаги нимжон қамишларни кўрсатиб:

— Қолгани шу, — деди бароқ қошларини чимчилоғи билан тирнаб. Энди одам ишонмайди. Бундан қирқ йил бурун бу ерларда кундузи юргани кўрқарди киши. Йўлбарс дейсизми, тўнғиз дейсизми — ҳаммасидан бор эди. Қамишзорнинг чети кўринмас эди... Холчаёнга келган йилимиз қамиш ўриб ер очдик. Ҳаммаёқ ботқоқлик, балчиқ. Ҳар пашшалар бор эдики, чақса бир ҳафта шиши қайтмас эди. Зовурлар қазиб, ботқоқликларни куритдик. Дастлабки йили очилган ерларга қовун-тарвуз экиб ташладик. Шундай ҳосил бўлдики, ҳайрон қоласиз. Кейин қовун-турвузга офат келди. Тирама маҳали. Қовун-тарвуз фарқ пишган, тарс-тарс ёрилиб ётибди. Тунлари полизга тўнғизлар оралайдиган бўлиб қолди. Қовун-тарвузни ёриб ташлайверди. Мазахўрак бўлгандан кейин қутураркан у лаънати. Авваллари милтиқдан бир оз ҳайиқди. Сўнг бунга эътибор бермай кўйди. Шу даражага бориб етдики, биз ухлаб ётган капаларнинг чийини ёриб тумшуғини суқади. Ана шунда пойлаб туриб болта билан тумшуғига тушириб қоламиз-а. Кейин чийиллаб қочганини кўр! Охири бўлмади. Ўйлаб-ўйлаб ҳийла ишлатдик. Пайкалларнинг охиридан чуқур хандақлар қазиб, кечаси устига бўйра тўшаб, салгина тупроқ ёйиб ташладик. Шундай қилинса, бўйра кўринмайди-да. Эрта-лаб томошага чиқаверинг. Хандақ тўла чўчка. Бирининг бели, бирининг бўйни, бирининг умуртқаси, бирининг оёғи синиб ётибди. Қурқиллагани-қурқиллаган. Кетмон, белкурак билан бошига, тумшуғига туширамиз. Ўлдира-ўлдира чарчадик... Эҳ-ҳе, не-не кунлар ўтмади... Энди қаранг, таниб бўлмасиз.

Чол гапини тўхтатиб, ҳайкал синиқларини кўтариб келаётган ходиманинг ҳаракатига разм солиб ўтирди.

— Буларнинг иши ғалати экан. Игна билан қудуқ қазиишдан ҳам мушкул. Тунов кун шу ерда эдим. Бир хотиннинг ҳайкали чиқди. Ё пиримай, деб ёқа ушлабман. Қаранг, ким ўйлабди, шу тепанинг остида шундай нарсалар бор деб.

Туш пайти тепа устида одамлар яна гавжум бўлиб кетади. Дарсла-

рини тугатишиб, уйларига қайтишаётган мактаб ўқувчилари кечгача тепа ёнидан нари кетишмайди. Уларнинг қий-чуви, ишчиларнинг қўлидан кетмон, белкурак олиб хафсала билан ишлашлари, тупроқ орасидан чиққан сопол синиқларини сидқидилдан ювишлари, чуғурлашиб савол беришлари, қазиб чиқарилган нам тупроқ устида чангга беланиб ўйнашлари кишининг завқини келтиради.

Кечқурун хўжалик радиоузелидан экспедиция ахбороти эшиттирилади. Холчаён сирлари тўғрисидаги ҳар бир янгилик хонадонларда янграйди. Маҳаллий матбуотда босилган мақолалар атроф қишлоқ, йироқ шаҳардаги кишиларни қизиқтиради, ҳаяжонлантиради. Ҳар куни Холчаён тепаликлари устида автобус, машиналарда келишган юзларча кишиларнинг қувончи, ота-боболаримизнинг юксак санъатларига берган баҳолари эшитилади.

Бир куни Денов район партия комитетининг собиқ секретари Т.Эш-ниёзов Холчаёнда меҳмон бўлди. Холчаёнда олган таассуротларини айтиб бўлгач, болалигида эшитган бир афсонани ҳикоя қилиб берди. Бу — Далварзинтепа тўғрисидаги халқ орасида кенг тарқалган ривоят эди...*

Афсона тинглаб ўтирган Галина Анатольевна ён дафтарига нима-ларнидир шошиб ёзди. Ўрта асрда яшаган Шарқнинг буюк адиби Фирдавсийнинг жаҳон адабиёти мислсиз дурдоналаридан бири бўлган “Шоҳнома”сидаги Дол, Зол исмли подшоларнинг қаҳрамонликлари ёдига тушди. Эҳтимол, бу ўша Долдир. “Варзин” эса қадимги суғд ва бақтр тилида “улуғ” ва “буюк” маъноларини англатади...

Афсоналарда жон бор. Улар заминида оз бўлса-да, ҳақиқат ётади.

Шу кундан бошлаб Далварзинтепа назаримда тарих жумбоқларидан бирини ечиб берадиган сирли ёдгорликка айланди.

Тез орада тахминларимиз асосланди. Далварзинтепа қудрати, баҳайбат тепаликлари устида икки минг йилик тарих ажинлари, ўтмишдаги қисматнинг умумий манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлди.

Пойтахт. Шўрчи туман марказидан Деновга борадиган асфальт йўл бўйлаб машинанинг Ҳотамтой адирларининг кенг, саёз сойига тушиб бораётганини кўрасиз. Соининг кенглиги бир ярим чақиримча бўлиб, унинг шарқ томони баланд адир ўркакчлари билан тўсилган. Бу адир ўркакчларини табиий деб ўйламанг, машинани йўл четига олинг-да, эринмасдан юқорига кўтарилинг. Кўз ўнгингизда улкан тепа намоён бўлади. У етти гектарча майдонни эгаллайди. Тепаликнинг ўрта қисми чўккан, четлари эса баланд, худди деворга ўхшаб турибди. Оёгингиз тагида сопол синиғи ётибди. Энгашиб қўлга олинг. Тепаликда бундай сопол синиқлари, гишт парчалари беҳисоб.

Тепаликнинг ғарби-шимолий бурчагида катта дўнглик бор. Тўртбурчак шаклидаги бу дўнглик Дол подшонинг ўша муҳташам қасри

* Афсона Б.Турғунов мақоласида бўлгани учун бу ерда берилмади (*Тўловчи*).

бўлганмикин? Афсона ёдга тушди. Дўнглик устида серсоқол киши ним-жон майса устида ёнбошлаб ётибди.

Унинг атрофида қўй-эчкилар маърашади. У қўлидаги заранг таёқ билан ер чизиб, сиз томонга қарайди. Ундан тепаликнинг номини сўранг. “Далварзинтепа” деб жавоб беради. Тепаликнинг чўккан қисмида бир гуруҳ болалар чиллак ўйнаб юришибди. Улар кийимларини, портфелларини бир четга тўплаб қўйишган. Бориб улардан ҳам сўранг. Чопаверишиб терлаб кетишган болалар чуввос кўтаришиб тепаликнинг номини айтишди.

— Биласизми, амаки, бу тепалик тўғрисида ажойиб афсона бор. Қариялар гапириб юришади, — шунда улар сизга афсонанинг сал бошқача вариантини сўзлаб беришади.

Ким хаёлига келтирибди, шу яланғоч, ёмғир сувлари ювиб, баҳор, куз шамоллари асрлар давомида ялайвериб анчагина қисмини йироқларга учуриб олиб кетган оддий тепаликлар қадимда Кушонларнинг илк пойтахти бўлган деб. Қаранг, халқ эслайди. Халқ унутмабди. Отабоболаримизнинг чайир, қадоқли қўллари, пешана терлари, юрак қонлари билан бунёд этилган бу шаҳар аллақачонлар, бундан 1300 йил муқаддам ўлган бўлса ҳам халқ хотирасида ҳамон яшаб келяпти.

Бу тепалик Деновдан йигирма, Холчаёндан ўттиз километр жанубда. Далварзинтепа ўтмишда 47 гектарлик майдонни ишғол қилган. Шаҳарга шарқи-жанубий томондан катта дарвозалар орқали кирилган. Шаҳарни қалин деворлар қуршаб турган. Деворнинг бир неча жойида баланд миноралар бўлган. Миноралардан ўнлаб чақирим масофани кўзатиб туришган. Бу қулдорлик даврига хос ёдгорлик.

Далварзинтепада олиб борилган қидирув ишлари қадимги дунёнинг бой материалларини берди. Топилган сопол, гишт, меъморчиликнинг хусусиятли белгилари, сопол ҳайкалчалар, тангалар шаҳарнинг Кушонлар даврида қурилганлигини, бу ерда ҳаёт жуда қайнаганлигини, Хитой манбаларида кўрсатилган пойтахт худди шу Далварзин эканлигини тўла тасдиқлайди. Дастлабки тахминларга кўра, шаҳар бир неча аср умр кўрган ва араблар истилоси давригача мавжуд бўлган. Кейин у ерда ҳаёт қайта тикланмаган...

Шоирлар мадҳ этган шаҳар. Қадимги Чағониён давлати (Сурхондарё воҳасида жойлашган) араблар ҳужумини бир неча бор қайтарди. Қутайба бошлиқ араб лашкарлари 712 йилда Чағониёнга бостириб кирган эди. Бироқ улар қаттиқ қаршиликка учрадилар...

Араблар Чағониён давлатини босиб олишган. Орадан юз йиллар ўтгач, Чағониён яна ривожлана бошлайди. Чағониён мўғуллар ҳужумига қадар шарқнинг энг тараққий этган, бой мамлакатларидан бири бўлиб қолди. Бироқ ана шу даврни тўлароқ тасаввур қилишда баъзи англашилмовчиликлар бор эди. Чағониён пойтахтининг қаерда жойлашганлиги номаълум эди.

Пойтахт қаерда? Ёки араблардан кейин ҳам Далварзин пойтахт ва-зифасини ўтаб қолавердимми? Биз юқорида Далварзинтепа араблар ис-тилосидан кейин ўлди, деб айтдик. У ерда яна ҳаёт пайдо бўлмади. Буни Далварзинтепада олиб борилган ишлар ҳам кўрсатди. Хўш, Ўрта асрда-ги Чағониён давлатининг пойтахти қаерда?

Деновлик муҳандис-механизатор М.Тўраевнинг Деновдан олти ки-лометр жанубда жойлашган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги терри-ториясидаги Будрачтепа тўғрисидаги хабари экспедиция аъзоларини оёққа турғазди.

Брезент қопламли машинамиз жамоа хўжалигининг Сурхонга ту-таш кенг пахтазорлари орасидан ўтган тош йўлга чиқиши билан дарё шамолининг соф нафаси димоққа урилди. Узоқдан кенг майдонда юк-салиб турган икки тепалик — Оқмозор ва Дунётепа. У тепаликларнинг туя ўрқач қирраларига кўзимиз тушиши билан шодланиб кетдик. Шу икки тепалик ва майдонга сочилиб ётган миллион-миллион сопол си-никлари, гишт парчалари бундан 800 йил муқаддам ёвуз мўғул босқ-инчилари ер билан ясон қилиб кетган Чағониён шаҳридан қолган сўнгги нишонлар эди...

Тепаликларнинг баландлиги 12 — 15 метр. Биринчиси уч гектар, иккинчиси тўққиз гектар ерни эгаллаб ётибди. Тепалар жанубидан оқиб Сурхонга қуйиладиган Қизилсув дарёсининг лойқа оқими тепаликларни ювавериб, анчагина қисмини нуратиб, оқизиб кетган. Қулаган ерлар тик жарга ўхшаб қолган. Жарликларга разм солсангиз, 7 — 10 метргача ета-диган маданий қатламларни кўрасиз. Қизилсувнинг бир шохобчаси пи-шиқ гишздан терилган мустаҳкам деворни ҳали ҳам ювиб турибди.

1960 йилда Будрачтепада археолог Ш.Тошхўжаев текширув ишла-рини олиб борди. Бир замонлар сув оққан қувурлар, шиша синиклари, сопол идишлари топилди.

Маҳаллий аҳоли Будрачтепа харобаларидан ҳозиргача пишиқ гишт териб, қурилишларда ишлатиб келишяпти.

Оқмозортепа — амир қароргоҳи, Дунётепа — шаҳар. Ҳозирги вақт-да сочилиб ётган ер юзидаги ашёлар, шаҳарнинг кенг майдонни эгал-лаганини кўрсатади.

Бутун Денов туманида Будрачтепа ҳажмига тенг келадиган биронта ҳам йирик шаҳар қолдиғи йўқ. Археологик материалларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, IX — XII асрларда тайёрланган буюмларнинг си-никлари, хунармандчилик юксак ривожланганлиги араб тарихчилари манбаларида қайд қилинган маълумотларга мос келади. Бу далиллар Будрачтепанинг ўрта асрларда Чағониён пойтахти, амир қароргоҳи, Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бири, шоирлар мадҳига муяссар йирик шаҳар бўлганлигини тасдиқлайди.

Янги қишлоқ. Денов шаҳрининг шимоли-ғарбида Қизилсув дарёси оқади. Бу дарё суви юзларча жарликларни, тоғ ёнбағирликларидаги адир-ларни ювиб келади. Суви қизғиш, бўтана бўлгани учун аҳоли уни Қи-

зилсув деб атайди. Дарё суви ҳатто кеч кузда ҳам лойқаланиб ётади. У кейинги йилларда шаҳарнинг кунботиш томонидаги баланд тепалик устига қурилган кўҳна қалъанинг бир четини ювиб нуратиб кетди. Ҳозир эса қалъанинг кўп қисмини ўз комига тортган. Қия жарликдан сувга тупроқ тушади. Ортидан чанг кўтарилади. Чанг босилгач, тупроқ орасидан сопол синиғи ялтираб кўзга чалинади... Бу қалъа кўп одамлар диққатини чалғитиб келди. Кўплар унинг ёшига ёш қўшадилар. Ваҳоланки XVII асрда бу қалъадан дарак ҳам йўқ эди...

XIII асрда мўғул босқинчилари Чағониён давлатини хонавайрон қилиб, қишлоқ-шаҳарларни талаб, ўт қўйиб кетдилар.

Одамлар бошқа ерларга кўчиб кетишади. Одамлар кўчиб борган янги ерни Деҳи-нав деб аташади. Бу ҳақда Амир Темур замонидан қолган манбаларда маълумотлар сақланган. Яна боғлар, шудгор қилинган далалар, қад кўтарган бинолар пайдо бўлади.

Шайбонийхонлар даврида (XVI аср) Деҳи-нав каттагина вилоят пойтахтига айланади. Шаҳар марказида икки қаватли мустаҳкам Саид оталиқ мадрасаси қурилади. Оқ салла ўраган, оқ ятак кийган мулла-ваччаларнинг хониши, домлаларнинг қичқириғи, халфа хивичининг вишиллаган овозлари эшитилиб туради. Саид оталиқ мадрасаси қурилиш услуби билан Бухородаги Кўкалдош ва Мирараб мадрасаларига ўхшаб кетади.

Деҳи-нав водийнинг қулай жойида ўрнашган эди. Бу ердан Ҳисорга борадиган савдо йўли ўтган. XVIII асрда баланд тепалик устида қалъа атрофида қишлоқлар бўлган. Кейин эса поёнсиз тўқайзорлар бошланган. Утган асрда яшаган бир рус сайёҳи бу тўқайзорларда ёввойи чўчқаларни кўрганлигини, ҳатто одамларга ҳужум қилиб турадиган йирқич йўлбарсларнинг ваҳший ўкиришларини эшитганлигини ёзган.

Деҳи-нав қишлоғи кейинчалик Денов деб аталган.

Мана энди Денов атрофида тўқайзорлар, ботқоқликлар бутунлай йўқотилди. Қазилган беҳисоб зовурлардан сизот сувлари оқиб кетди. Бутун вилоятга безгак тарқатадиган ботқоқлик пашшаларидан ном-нишон ҳам қолмади.

Рохшанакнинг ватани. Овозалар Бойсун тизма тоғларининг ўрта қисмидан, тоғ тўшида жойлашган бир қишлоқдан келди. Бу тоғ қишлоғи Сина деб аталади. “Сина” тожикча сўз бўлиб, сийна — кўкрак демакдир. Кексаларнинг айтишича, бу жой ер куррасининг кўкраги эмиш. Эҳтимол, ундай эмасдир. Лекин одамлар туғилиб ўсган азиз тупроқ — она юртни ер куррасининг кўкраги деб аташаркан, бу она-Ерга бўлган буюк муҳаббатнинг сўз билан ифода этилишидир.

Яна йўлдамиз. Яна аждодларнинг аянчли қисматига ҳамроҳ бўламиз. Текширамиз, ўрганамиз, ўйга толамиз...

Бу қишлоққа Кофирқалъа деб аталмиш қадимги қўрғонни кўздан кечириш учун келганмиз. Кимдир катта харсанг тош устидан пастда ястанган водийга, яшил қишлоқларга, тутун чиқараётган завод мўриларига тикилиб, аста хиргойи қилиб ўтирибди. Тоғ тарафдан эсган шамол

харсанг тагидан чиқиб турган қип-қизил лолани силкитади, харсанг тош устида ўтирган йигитнинг узун қора сочларини тортқилаб ўтади. Ёлғиз лолани ҳеч ким узмади. Харсанг четида товланганича қолиб кетди...

Умар Хайёмнинг куйидаги рубойиси ёдга тушди:

Қайдаки гулзордир, шан лолазордир,
У ерда шахриёр, шоҳ қони бордир.
Қайдаки бинафша унади ердан
Бир гўзал хол эди, энди ғубордир.

Кўрғоннинг бир томони кишини ваҳимага соладиган, совуқ шамол эсиб ётган чуқур дара, иккинчи томони юксак тоғ ўрқачлари. Фақат водий тарафдан адир тўшида оқариб турган йўл кўринади. Бу йўл худди арғамчидек гоҳ кўзга чалинади, гоҳ кўз илғамас сой чуқурликларида йўқолиб кетади. Йўл билан ёнма-ён кенглиги уч метр, узунлиги беш километр тош девор қолдиқлари кўзга ташланади. Нураб, сочилиб кетган дағал тошлар орасидан майсалар ўсиб чиққан. Майса тошлар орасида қадимги замонда ишлатилган сопол, фишт парчалари бор... Улар Искандар Зулқарнайн замонларини эслатади...

Гўзал Роҳшанакнинг ватани, юнон тарихчиси зарда билан таърифлаган маҳаллий халқнинг қудратли қалъаларидан бири шу — Кофирқалъа эмасмикан? Шу дағал, совуқ харсанг тошлар устида қалъани бир неча ойлар ишғол қилолмаган Искандар аскарининг жасадини қарға-қузғун чўқимадимикин? Шу тошлар, шу тоғлар, шу ер жаҳонгир Искандар ҳушини олган Роҳшанакнинг кумуш ғуборга бурканган она водий тўғрисидаги қўшиқларини тингламадимикин? Искандар билан бирга ўзга юртга жўнаб кетаётган пайтда шахло, жоду кўзларидан думалаган иссиқ ёш томчиларини кўрмадимикин? Ютмадимикин?

Биз ҳам водийга тикилдик. Искандар лашкарлари, юежий кўчманчилари, араб босқинчилари ва мўғул аскарларининг жасади, лак-лак аждодлар хоки, қони тупроғига қоришиб кетган водийга қарадик.

Синадан чиққан машина водийга қараб қиялаб борди. Машина кузовида ўтирган йигит ва қизларнинг қувноқ қўшиқлари атрофга таралар, шиддатли шамол қизларнинг ранг-баранг рўмолларини тортқиларди. Водий яшил далалар, ўрмонларга бурканган. Мусаффо осмонда “Ил — 18” самолёти оқ юлдузчадек йилтираб учиб бормоқда. Темир йўлда пишқирганча пассажир поезди кетмоқда. Икки қаватли мактаб-интернат, сув омборида жилоланган кумуш сув аксига тикиламиз. Мана шу мангулик орасида Далварзинтепа, Холчаён, Будрач харобалари ҳам бор. Водий тупроғи уларни ҳам ўз бағрига жо қилган.

Тупроққа таъзим. Академик П.П.Сушкин геологик тадқиқоти ошларида Ўрта Осиёнинг тўртламчи даврдаги табиий иқлимини чуқур ўрганиб, худди шу Ўрта Осиё ер юзида дастлаб пайдо бўлган маймун-башара одамларнинг маконларидан бири эди, деган фикрни айтди. Француз олими Д.Шлюмберже шундай деган эди: “Мен ўзимни сайёра орбитасида номаълум бўлган хусусиятларни кашф этиб, буни англаш

учун бошқа бир сайёрани излаётган астроном деб ҳис этяпман. Бу сайёра “Юнон-Бақтрия санъати” — ҳозиргача қаердадир, Бақтрия тупроғида сир сақлаб ётибди”. Бутун умрини шарқ халқлари антик маданияти тарихини ўрганишга бағишлаган бошқа бир француз олими А.Фуше ҳаётининг сўнги дамларида юнон, форс, ҳинд ва хитой маданиятлари жам бўлган Бақтриянинг ўзига хос мустақил маданиятини мажбуран тан олган эди.

Холчаён юнонлар маданияти таъсирини узил-кесил бартараф эта олган, унга қарши ўз маданияти, ўз бадиий баркамоллигини қўя олган маҳаллий ижодкорларнинг буюк ютуғидир.

Сиз тарихнинг оқсоч уфқларини кўз олдингизга келтиринг. Афсоналар, манбалар, гаплар, овозалар — ҳаммаси бир бутун бўлиб, бир-бири билан боғлангандек мангулик қаъридан чиқиб кетаётганини сезасиз.

Мангулик!

Биз юқорида баён қилган лавҳалар ўша мангуликнинг зарраларидек десак, янглишмаган бўламиз...

Узоқ аждодларимиз яратган маданият ва санъат дурдоналаридан бири бўлиб қолган Холчаён ёдгорлиги XX аср одамининг таҳсинига, олқишига сазовор бўлди. Бизгача номлари етиб келмаган нотаниш, камтарин ҳайкалтарош ижодкорлар маҳорати, уларнинг асарлари ота-боболаримиз руҳини, уларнинг ҳаёти ва истакларини, орзу-умидларини шу оддий шудгор тупроғида гавдалантирилганлиги, тер билан қотган бу инсон ҳайкаллари, уларда акс этган инсон гўзаллиги, дарди ва ташвишларининг намоён бўлиши шу она-Ерга нисбатан буюк, қудратли меҳрнинг тимсолидир. Биз ана шу она-Ер тупроғида инсон қиёфасида тиклаган, унга мангулик ато қилган, уни улуғлаган ва шарафлаган, ўша замон одамининг хилма-хил фазилатларини бизга етказган нотиш ҳайкалтарошга, ўша ижодкорларни илҳомлантирган ота-боболаримиз меҳнатига, ақл-заковатига, садоқатига таҳсинлар ўқиймиз. Ниҳоят, буларнинг ҳаммасини ўз бағрига олган ва асрлар оша навқирон авлодларга топширган шу она -Ерга, унинг муборақ тупроғига таъзим қиламиз.

Яна она-Ернинг мангу қўшиқларини, уларнинг сеҳрли акс садоларини тинглайман.

Ж.Я.ИЛЁСОВ, Д.А.РУСАНОВ

БУДРАЧ ХАРОБАСИДАН ТОПИЛГАН ЎРТА АСРЛАРГА ОИД БРОНЗА БУЮМЛАР ХАЗИНАСИ*

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси бўлинмаси 70-йиллар охирларидан бошлаб ўрта

* «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» — «Общественные науки в Узбекистане» журнали, 1988 йил 1-сонидан олиниб таржима қилинди..

асрларда Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқимларида жойлашган Чағониён вилоятининг маркази бўлмиш Будрач шаҳристонни вайронларида археологик қазилмалар олиб борди. Будрач шаҳристонидан олиб борилган ва ишларга Э.В.Ртвеладзе умумий раҳбарлик қилиб келарди.

1987 йил мартда биз шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмида, Дунётепадан 180 метрлар шимолда, шудгорланган далада бир қанча бронза ашёлар топдик. Бу буюмлар топилган жойда 15x15 метр кенгликда ва 1 метрча чуқурликда (БШР —1) қазилма ишлари олиб борилди. Шу ўринда аниқландики, 70-йиллар бошларида ер ҳайдаш ва текислаш вақтида афтидан мазкур жойдаги ўрта аср қурилиши текислаб ташланган экан, улардан фақат пишиқ ғишт бўлақларигина сақланиб қолган.

Бизнинг қазилмамиз қисман қадимий ҳовли жойга тўғри келганга ўхшайди, чунки қазилманинг жанубий қисмида бир-биридан 1—2 метр масофада жойлашган тўртта бадриф ўрни аниқланди ва шу ердаги биринчиси ва энг каттасидан, ернинг ҳайдалган қисмига туташ жойдан бронза буюмлар топилди. Бронза буюмлар тагида бутун ва синиқ пишиқ ғишт қатлами мавжуд. Унинг тагида бир метр қалинликда парранда, ушоқ мол ва қорамол суяклари чириндиси, шунингдек сирланган ва сирланмаган сополлардан иборат қатлам бор эди. Сопол топилмалар: конус шаклидаги бутун сополлар; пиширилимаган ва сирланмаган, қорни шолғом шаклида ингичка бўғизли кўза (қорин қисмида арабча ёзув битилган); оқ рангда сирланиб, жигарранг ва қизил рангда нақшлар туширилган лаганлар, ички қисмига ўсимлик тасвири (оқ сирли тагликда яшил ранг билан чизилган) туширилган лаган; сариқ лойдан ясалиб, қалин оқ нақш чизилган антиқа пиёла, унинг ички тубида кўк ранг билан йирик ҳарфларда бир қатор арабча ёзув битилган. Бу қатламда бронза буюмлар ҳам топилди: тумшуғи синиб тушган сурмадон; таги кесиб ишланган кичкинагина думалоқ кўнғироқча.

Бу ердан топилган бронза буюмларнинг умумий миқдори ҳали тўла аниқланганича йўқ, чунки улар орасида бутунлари ҳам, синиқлари ҳам бор.*

Топилма таркибида 30 га яқин ҳовонча (ўғир) бўлиб, уларни бир неча турга бўлиш мумкин: ҳошиясиз ғўласимон (цилиндрсимон) шаклдаги ҳовончалар — бўйи 13,3 см, юқори айлана кўндаланг диаметри 13,3 см, паст қисми диаметри 14 см; пастдан юқорига қараб сал-пал кенгайиб борадиган, пастки туби бўртиқ ҳошияли ғўласимон ҳовончалар 22 та — уларнинг катталиги 14x14x18 см дан 20x20x24 см гача, ғўласимон қадли, туби четлари айлана бўртиқ нақшли ҳовончалар — ўлчами 13,3x15, 2x16,2 см дан 15,3x17, 2x18 см гача. Бир дона ҳовонча юқоридагиларга ўхшашроқ: ғўласимон, туби бўртиқ ҳошияли, юқорисидан текис кесилган гултожли; ўлчами 13,5x15x17 см.

* Э.Ртвеладзенинг 1989 йил босилган “Будрач дафинаси” мақоласида қарийб 300 та бутун ва синган буюмлар чиққанлиги кўрсатилди. — *Таржимон*.

Бешта бутун ва еттита синиқ келисоп мавжуд. Бутун келисопларнинг узунлиги ҳар хил эди — 21; 23,3; 28; 33,5 см.

Дафина таркибида турли хилдаги кўзалар бор. Бу ўринда биз саккиз қиррали, тана қисми бўғзига томон ингичкалашган, оғзи кескин кенгайтириб ишланган кўзани алоҳида қайд этамиз. Нақшлар билан безатилган бу кўзанинг сақланиб қолган қисми баландлиги 12 см, гултож бўйлаб четлари кенглиги 5 см.

Кичкинагина, ноксимон, оғиз қисми нисбатан кенг, туб қисми сақланмаган кўзача. Гавдасининг паст қисмида жимжимали тўлқинсимон бўртма нақш ишланган; сақланиб қолган қисми баландлиги 10 см, жиғасининг диаметри 6,5 см, гавдасининг энг йўғон қисми диаметри 8 см.

Конуссимон бўғизли кўза, сақланиб қолган юқори қисмида нақшлар — ойбалдоқли манзара, қабарик нақшлар ва ҳоказо.

Ташқи қисмида ўсимлик шакли туширилган ярим думалоқ безакли тўртта пиёла топилди; улардан бири тўрсимон, афтидан, сузғич сифатида фойдаланилган бўлса керак. Гулкоса қисмлари диаметри — 7,5; 10,3; 11; 13,3 см дан, уларнинг бўйлари — 2,2; 3,2; 4; 4,3 см дан.

Бешта доирасимон таглик парчалари мавжуд. Жуда кўп миқдорда чироқдон бўлаклари, жумладан, 30 та турли катталиқдаги ва ҳар хил шаклдаги уч қўйғичли чироқдон бўлаклари — баъзиларида қушларнинг тасвирлари маълум услубда бўрттириб туширилган; 15 таси панжарасимон, бурама, кўпқиррали қилиб ишланган; 10 дона ғўласимон, бурама занжирсимон, панжарали; учлари ғалтаксимон чироқдон ҳам мавжуд; танасининг баландлиги 18,8 см, диаметри 5 см, ғалтак баландлиги 6,8 ва 7 см. дан. Чироқдон тагликларига уланган ликопчалар синиқларидан ўн дона. Жами 11 дона бўртма силлиқ ҳалқатутқич (даста) топилди.

Дафина таркибида юзлаб қозон бўлаклари мавжуд. Бу қозонлардан бири тувак шаклида бўлиб, иккита трапеция шаклидаги қулоғи бор. Қозонларнинг асосий қисми — ярим доира шаклидаги қисми айлана ҳамда учта конуссимон уч таянч оёқда жойлашган. Қулоқлари тик ўрнатилган беш қиррали, учи қайрилган; бундай қозон қулоқларидан 40 дан ортиқ топилди.

Бундан ташқари, иккита қўнғироқча, дастасиз “қошиқ” ва “қирғич”, “манқал” (бирида арабча ёзув бор), доирасимон илгичлар топилди. Айниқса, куббасимон қўнғироқ жуда антиқа, унинг баландлиги 15,5 см, оғзининг диаметри 8,5 см, танасининг энг йўғон жойи диаметри 11,5 см, тутқичининг бўйи 6 см. Яна кичик-кичик тўқачалар, камар учликлари, хўроз шаклида бурама дасталар, мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич шаклидаги чилимдон бўлағи ва бошқа ашёлар мавжуд.

Мазкур жойда топилган нарсаларни бир мақолада тўла ёзиб чиқиш имконияти йўқ. Шубҳасиз, топилмалар орасида бутун ва ўша қадимдан синган ва таъмирланган нарсалар ҳам бор; буларнинг кўпи бадрафда махсус яширилган. Бу хазинани ким яширган бўлиши мумкин? Бизнинг

фикримизча, уни заргар-чилангар уста яширган бўлиши мумкин. Зотан устахонадаги тайёр буюмлар, таъмир учун келтирилган нарсалар, шунингдек, эритишга сақланган турли-туман бронза бўлаклари шундан далолат беради. Қандайдир вазият (эҳтимол, ёв чопқини ёки шаҳар ичидаги ғалаён) бу буюмларни бадрафга яширишга мажбур этгандир.

Бадрафдан чиққан X — XI асрларга оид сополлар, шунингдек, ундаги мис тангани Э.В.Ртвеладзе XI аср 1-ярмига доир деганидан, ушбу дафина тахминан XI асрга оид, деб ҳисоблаш мумкин.*

Топилган бронза буюмлар орасида учта силлиқ кўза эътиборга молик.

1-кўза. Юқориги ярми сақланган. Бўйни саккиз қиррали. Оғиз қисми кенгроқ, жўмакли қопқоқ ўрнатиш учун балдоқ ҳам қилинган, дастаси алоҳида топилди. Безаклари: бўйин қисмида ёйсимон дўғалар, ўрта қисмида горизонтал доира, унга ойбалдоқли ҳалқалар ишланган, қабарик, жўмак остида ойбалдоқли ва баргакли ҳалқа туширилган. Кўзанинг сақланган қисмининг бўйи 17 см, бўғзи 3,2 см, оғиз қисмининг баландлиги 3 см, кенгайган қисми диаметри 3,6 см, тор қисмида — 2 см.дан 2,7 см. гача.

2-кўза. Юқори ярмидан бир қисми сақланган, қопқоқчаси қуббали, учи пирамида шаклида тутқич балдоққа бронза тасмача билан уланган. Жўмаги 1-кўзага қараганда кўпроқ эгилган. Бўйни саккиз қиррали. Безаги: бўйинининг пастки қисмида дўғачалар ўртасида горизонтал ойбалдоқ нақшли доира ва баргакли ҳалқа ишланган. Жўмакдан ўнг томонда арабча куфий хат услубида ёзув битилган — унда “айн”, “мим”, “ҳа”, “мим” ва “дол” ҳарфларини ўқиш мумкин (эҳтимол, ёзув “Аҳмад амали” — “Аҳмаднинг иши” деганини билдирса керак). Сақланиб қолган қисмининг баландлиги 20см, бўғзи баландлиги 4,3 см, оғиз қисмининг баландлиги 3,3 см ва энг кенг жойи диаметри 5 см, торайган бўғиз қисмининг диаметри 2,7 — 3,7 см, танасининг юқори томони диаметри 6,5 см.

3-кўза. Юқори қисми бўғзи билан бирга сақланган. Бўғзининг юқори қисмида 2 см кенгликда бронза ҳалқа ишланган. Бўйни саккиз қиррали. Безаги: бўйинининг пастки қисмида дўғачалар, танасининг ўрта қисмида ойбалдоқли бўртма нақшли ўрама белбоғ. Парчанинг сақланган қисми бўйи 11см га яқин, бўғзининг баландлиги 4см, диаметри пастдан 3см, тананинг юқориги қисми диаметри 4,7см.

Шу пайтгача худди шундай турдаги тўққизта кўза маълум эди: Ахсикентда, Уструшанада (Қалъаи Қаҳқаҳа III ва Чилдухтарон), Қирғизистондаги Қорақўл қўрғонида, Вахш водийсидаги Лағмон шаҳристонни ўрнида, Эрмитаж мажмуасида ва учтаси Ф.Р.Мартиннинг коллекциясида. Тўртта кўзада арабча ёзувда “Уста Аҳмад амали”, деб ёзилган.

Ҳанузгача бу идишларнинг ишланган жойи аниқланмаган ва бу борадаги хулосалар ҳам турличадир.

* Бу ҳақда Э.Ртвеладзе шундай ёзади: “Бу Салжуклар султони Алп Арслоннинг 1063 йили Чағониёнга бостириб кириши билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас”, “Совет Ўзбекистони” журнали, 1987 й. (Таржимон).

Биз топган кўзаларнинг юқорида келтирилган тавсифи, маълум даражада уларнинг ишлаб чиқарилган жойини аниқлаш имконини беради. Унинг худудий қамрови фақатгина Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий туманлари билан чегараланмай, балки Шимолий Тоҳаристонда ҳам бўлган, деган хулосага олиб келади. Бу ҳақда баъзи мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

Будрач шаҳри харобасида мис оксиди изи бўлмаган тигеллар (ўтга чидамли гил қозонлар) ҳамда бронзанинг кўмир қотишмали тошқол (шлак)лари топилди. Демак, мазкур жойда мис (бронза) қуйилган. Топилган ашёларнинг турли-туманлиги, улардан кўплари, юқорида қайд этилганидек, ўша қадимдаёқ синиқ бўлиб, улар қандайдир таъмирлаш ёки бўлмаса қайта эритиш учун йиғилганлиги ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Ҳовончалар эса бир устахонада кўп маҳсулот ишлаб чиқарилганини англатади. Шундай қилиб, Чағониённинг ўзида махсус бронза буюмлар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлганлиги, мазкур кўзалар шу жойда ишланган, деган фикрга асос бўлади. Ниҳоят, ҳанузгача Ўрта Осиёда, мазкур кўзалардан бошқа, уста Аҳмад номи битилган биронта ҳам бронза буюм топилмаган.

1986 йил бригада бошлиғи бизга каттагина бир ҳовонча тақдим этди. Бу буюмни у 1972 йил ер текислаш вақтида топган экан. Ҳовонча юқорида тавсифланган бадраф ўрнидан чиққан. Ҳовонча ғўласимон шаклда бўлиб, оғзи ҳам, туби ҳам сирти томонга қайрилган. Айланасига унга учта кулоқ тутқич ҳалқа учун ишланган: одам юзининг тескари тасвири бўртма-шиш тарзида қўйилган. Ҳошиянинг юқори текис жойига арабча кувфий ёзувда “Уста Аҳмад амали” сўзлари битилган (Э.В.Ретвеладзе ўқиган). Бадрафдан топилган буюмлар орасида тоғора (ёки қозон) бўлаги ҳам топилди. Унда арабча кувфий ёзувида лавҳа ўйиб битилган бўлиб, “айн”, “мим” ва “лом” нинг юқори қисми, шунингдек “алиф”, “ҳа” ва “мим” ҳарфлари сақланиб қолган, буни эса худди шундай “Аҳмад амали” тарзида ўқиш мумкин. Шу тариқа, эндиликда Будрач шаҳристонида топилган ўрта асрларга оид учта бронза идишда “Уста Аҳмад амали” деган ёзув мавжуд. Бу ўз навбатида идишлар Чағониёнда тайёрланган, деган фаразни ҳақиқатга яқинлаштиради.



МАНБАЛАРДА ЧАҒОНИЁН

Низомий Арузий Самарқандийнинг “Нодир ҳикоятлар” асари ҳақида

Низомий Арузий XI асрнинг охирларида Самарқандда таваллуд топган. Балоғат ёшида Ғур шаҳри маликлари хизматида бўлади ва ўзининг “Мажмаун наводир” (“Чаҳор мақола”) асарини XII аср ўрталарида шу ерда уларга атаб ёзади.

Китобнинг бошланишида унинг кимга бағишланганлиги, тўрт фасл ва бир ҳикоятда дунёнинг тузилиши, ер доираси, модда алмашинуви, сезги, билиш, тафаккур ҳақида таълимотлар берилади. Шундан сўнг тўртта мақола берилади. Биринчи мақолада дабирлик тўғрисида, иккинчи мақолада шеър илми ва шоирлар борасида, учинчи мақолада юлдуз илми ва мунажжимлар хусусида, тўртинчи мақолада тиб илми ҳамда табиблик ҳақида фикр юритилади. Бу таълимотлар ҳикоятлар билан мустаҳкамланади.

“Мажмаун наводир” (“Нодир ҳикоятлар”)нинг тўртта қўлёзма нусхасидан иккитаси Лондондаги Британия музейида, бири Техронда ва биттаси Истамбулда сақланади. Асар биринчи бор 1985 йил ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этирилган.

Китобнинг иккинчи мақоласидаги тўртинчи ҳикоят бевосита Чағониён билан алоқадор. Қуйида ушбу ҳикоятни ўзбекча нашр этилган нусхадан олиб китобхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Низомий Арузий САМАРҚАНДИЙ

«НОДИР ҲИКОЯТЛАР» дан
(Иккинчи мақола, тўртинчи ҳикоят)

Фаррухий сеистонлик бўлиб, Халиф ибн Бонуга қарашли ғулом Жулуғнинг ўғли эди. Истеъдоди юксак даражада бўлиб, шеърни яхши ёзарди. Чанг ҳам чаларди. У Сеистон деҳқонларидан бирининг мулкида

ишлар, деҳқон эса унга ҳар йили беш манликдан икки юз кайл ғалла, юз дирҳам Нуҳий кумуш пул берар эди. Бу нарсалар унинг сарф-харажатларини қоплаб турарди.

Фаррухий Халаф яқинларидан бирига уйлангач, харжи ошади ва бўйнига олаҳуржун тушиб, фақирлашиб қолади. Сеистонда эса унинг амиридан ўзга амир йўқ эди. Шунда Фаррухий деҳқонга: “Менинг сарфу харажатим кўпайди, деҳқон лутфу қарам қилиб, ғаллани уч юз кайлга, кумуш пулни бир юз элик дирҳамга оширса, шунда менинг харажатимни қоплайди”, — деб илтимоснома ёзади. Деҳқон эса илтимосноманинг орқасига “Хоҳласанг, аввалича ҳақ беравераман, ундан оширишга имкониятим йўқ!” — деб ёзиб юборади.

Фаррухий бунга эшитиб ғамга ботади. У келиб-кетувчилардан оламнинг бошқа ерларидан бирорта мўтабар кишининг бор ёки йўқлиги ҳақида суриштира бошлайди. Агар бўлса, ўша кишининг ҳузурига бормоқчи бўлади. Охири Чағониёнда амир Абулмузаффар Чағоний борлиги, у бундай тоифадаги одамларни тарбият қилиши ва бу хилдаги кишиларга ҳадя ҳамда қимматбаҳо совғалар инъом этиши, ҳозирги пайтда аср подшолари ва замон амлрлари ичида бу соҳада унга тенг келадигани йўқлиги ҳақида хабар топади. Фаррухий бир қасида ёзадида, ўша томонга қараб равона бўлади:

Либос карвони билан жўнадим Сеистондан,
Либосим ипи дилим, матоси эса жондан...

Ҳақиқатан ҳам, бу шундай қасида эдики, унда шеър васфи ниҳоятда чиройли адо этилган, мадҳиянинг ўзи эса гўзалликда тенгсиздир!

Шундай қилиб, у йўл ҳозирлигини кўргач, Чағониёнга қараб жўнайди. Чағонийлар саройига етиб келган вақтида баҳор фасли бўлиб, амир доғгоҳда* эди. Эшитишимча, унинг ўн саккиз минг бияси бўлиб, ҳар бир биянинг орқасида тойчоғи бор эди. Амир ҳар йили доғгоҳга чиқар ва тойчоқларни тамғалатар эди.

Амирнинг кадхудоси амид Асад саройда қолган бўлиб, амирга олиб бориш учун зиёфат неъматларини ҳозирлар эди. Фаррухий унинг ҳузурига кириб, қасидаларини ўқиб беради ва амирга ёзган қасидасини кўрсатади. Хожа амид Асад фозил киши эди ва шоирларни ёқтирарди. Фаррухийнинг шеърлари латиф, ёқимли, чиройли ва устодона ёзилганини, аммо унинг ўзи беўхшов, либосининг орқа-олди йиртилган, бошида катта сеистоний салла, ковуши эски, оёғи кир, шеъри эса юксакликда еттинчи осмонда эканини кўриб, мазкур шеърларни сеис-

* Доғгоҳ — отларга тамға босадиган жой. Ҳозирги Денов туманининг Отқамар қишлоғи тахмин қилинади (Тўпловчи).

тоний ёзганига ишонмади. Уни синаб кўриш мақсадида: “Амир ҳозир доғгоҳда, мен унинг ҳузурига бормоқчиман, сени ҳам ўзим билан бирга доғгоҳга олиб кетаман. Доғгоҳ шундай чиройли жойки, сен унда сабзалар оламидаги бошқа дунёни кўрасан, ҳамма ёқда чайлалар, юлдуз каби чироқлар. Чодирларнинг ҳар биридан руд овозлари келади, дўстлар жам бўлиб, шароб ичишади ва базму ишрат қуришади. Амирнинг доғгоҳи олдида ҳар бири осмонга ўрлагудек гулхан ёқилган бўлади. Бу ерда тойчоқларга тамға босишади. Подшонинг эса бир қўлида шароб, бир қўлида каманд. Шароб ичиб, одамларга от инъом қилади. Шу ҳолга мослаб қасида ёз, доғгоҳни васф қил, сўнг сени ҳам ўзим билан бирга амирнинг ҳузурига олиб кетаман!” — дейди.

Фаррухий чиқиб кетади ва тунда ажойиб бир қасида ёзиб, тонг саҳарда ҳожа амид Асад ҳузурига келади. Ўша қасида мана будир:

Кўк ҳарирдан юзига ёпгач рўмолни сабзазор,
Етти хил ранг парнаёни бошга солди кўҳсор.

Ер оҳунинг нофидек мушкларни сочди беқиёс,
Тол тўтининг парридек баргини ёзди беғубор.

Кеча тонг чоғи баҳорнинг ҳидини ёйди сабо,
О, нечук дилкаш сабо, қандай хумор ҳидли баҳор!

Боғда гўёки гўзаллар чеҳрасидек бир хусн,
Елни гўё этагида майдаланган мушки бор!

Наъматкак бағрида гўё марваридлар асрамиш,
Аргувоннинг сирғасида ҳам Бадахшон лаъли бор.

Ул атиргул шохига чиққач қизил май жомлари,
Барча эл чўзди қўлин узмоқ учун айлаб қарор.

Боғ товус либоси кийган, дов-дарахтлар жилвада,
Суви дур рангли булут ҳам сочадур дурлар қатор.

Ўйлагайсан, шаҳриёрнинг доғгоҳидан боғлар,
Рангли хилъатлар тўқиб олмиш ўзига сервиқор.

Шунчалик яшнарки энди шаҳриёр доғгоҳлари,
Они кўриб жумла олам лол қолур беихтиёр.

Сабзазорда сабза, осмон ичра осмон кўргасен,
Чодир ичра чодир кумуш ҳисор ичра ҳисор.

Қайда бўлса сабза шод суҳбат қурар ёр ёри-ла,
Қайда бўлса хайма дўстлар ухлагай мастонавор.

Сабззорда уста мутрибларни чангин ноласи,
Хаймаларда соқиларнинг бонги доим барқарор.

Ишқ элида бўлса-ю, зебо элида ишвалар,
Мутриб аҳлида тараннум, хоб эли масту хумор.

Хисрави шоҳбахтни хайма чодирини олдида,
Тамғалашга бир оловни ёқтилар хуршидвор.

Қад кўтарди ул олов гўё ипак байроқ каби,
Тоза зардек сап-сарифу ёш йигитдек кучга ёр.

Тамғалар гўё анорнинг донасидек ялтираб,
Ўт аро маржон тизими шаклида тургай қатор.

Уйку недир билмаган қанча гуломлар сафма-саф,
Тамға недир кўрмаган отлар турар ҳар ён қатор.

Бахтиёр хусрав дашт ичра учқур отнинг устида,
Қўлида каманд била турмоқда чун Исфандиёр.

Ул каманд гўё гўзаллар зулфи янглиғ қўнғироқ
Ё қадимий ошинолар аҳдидек кўп устивор.

Мири одил Булмузаффар шоҳким дўстлар билан,
Шодмону хушҳолу комрону бахтиёр.

Қайси бир отни каманд ичра туширса тамғаси,
Ўшал отнинг елкаси-ю, юз устида топти қарор.

Бир томондан тамға босиб, ҳам зиёрат аҳлига
Ҳамда шоирларга қилгай бебаҳо отлар нисор!

Хожа амид Асад бу қасидани эшитиб ҳайрон қолади. Негаки, бунга ўхшаган қасидани асло эшитмаган эди. У барча ишини йиғиштириб, Фаррухийни отга миндиради-да, амир сари равона бўлади. Кун ботиш олдида амирнинг ҳузурига етиб келиб, унга: “Эй олампаноҳ, сенга бир

шоирни олиб келдим. Дақиқий юзини тупроқ ниқоби билан яширгандан буён ҳеч ким бундай кишини кўрмаган!” — дейди-да, бўлган воқеани айтиб беради.

Амир Фаррухийни ўз ҳузурига киришига рухсат этади. Фаррухий унинг ҳузурига кириб таъзим қилади, амир қўлини чўзиб, ўтириш учун жой кўрсатади, ҳол-аҳвол сўраб, эъзозлайди, илтифотлар кўрсатади. Фаррухийнинг кўнглида умид учқунларини ёндиради. Қадаҳ ўртада бир неча бор айлангач, Фаррухий ўрнидан туриб, ҳазин, аммо ёқимли овоз билан бу қасидани ўқийди:

Либос карвони билан жўнадим Сеистондан...

У қасидани ўқиб бўлгач, шеърни яхши тушунадиган ва ўзи ҳам шеър ёзиб юрадиган амир бу қасидага лол қолганини айтади. Амид Асад: “Эй олампаноҳ, сабр қил, ҳали бундан ҳам яхшироғини эшитасан”, — дейди.

Шундан сўнг Фаррухий то амир маст бўлмагунча ҳеч нарса демай, жим ўтиради. Кейин ўрнидан туриб, доғгоҳ ҳақидаги қасидасини ўқиб беради. Амир қаттиқ ҳайратга тушади ва шу ҳайрат ичида Фаррухийга қараб дейди: “Минг тойчоқ олиб келишган, ҳаммасининг юзи оқ, оёқлари ҳам оқ, ҳаммаси Хатлон зотидан. Сенга ихтиёр бердим, сен сеистонийсан, чапдаст кишисан, қанча тута олсанг тут, бари ўзингники бўлади!”

Шароб Фаррухийга қаттиқ таъсир қилган ва уни тамоман элитган эди. У ташқарига чиқади, бошидан салласини олиб, ўзини от уюри ичра уради. Бир гала тойчоқларни олдига солиб, дашт томон қувиб кетади. У ўнгу сўлга югурар, тойчоқларни тинимсиз қувар, аммо бирортасини ҳам тута олмас эди. Охири ўрда ёнидаги вайрона работга дуч келади. Тойчоқлар работ ичига ўзларини уришади. Фаррухий қаттиқ чарчагани учун боши остига салласини қўйиб, работнинг йўлагига қаттиқ уйқуга кетади.

Тойчоқларни санашса, улар қирқ иккита экан. Бун амирга хабар қиладилар. Амир роҳат қилиб кулади, сўнг таажжубланиб дейди: “Толеи кулган киши экан! Уни ҳамда тойчоқларни эҳтиёт қилинглар. Уйғониши билан менга хабар қилинглар!” Подшонинг амрини бажарадилар.

Эртаси қуёш чиқиши билан Фаррухий уйқудан туради. Амир ундан олдинроқ уйғониб, бомдод намозини ўқиб бўлган эди. У Фаррухийни қабул қилиб, меҳрибонликлар кўрсатади. Тойчоқларни эса унинг одамларига топширади. Амир Фаррухийга ясатилган от, иккита чодир, учта хачир, бешта кул, кийиш учун либос ва тўшаш учун гилам инъом қилади. Унинг хизматида Фаррухийнинг ишлари юришиб кетади ва аъло даражага етади.

Сўнгра у Яминуд Давла Маҳмуднинг хизматига боради. Султон Маҳмуд унинг шон-шавкати кўргач, хурмат назари билан боқади. Шон-шавкат шу даражага етказадик, уни йигирмата кумуш камарли гулом отда кузатиб юрадиган бўлади.

Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси.

“Худуд-ул-олам” ҳақида

“Китоб худуд-ул-олам мин ал-машриқ илал-мағриб” асари 982 йили ёзилган, бироқ муаллифи номаълум. Бу китоб Фузфон (Шимолий Афғонистондаги тарихий вилоят) ҳокими Абулҳорис Муҳаммад ибн Аҳмадга тухфа этилган.

“Худуд-ул-олам” форс тилида ёзилган муҳим географик манба. Унда Ернинг умумий тавсифи, денгизлар, кўллар, дарёлар, тоғлар ва ўлкалар ҳақида географик маълумот берилган. Унинг ягона қўлёзмаси асосида бир нечта нашрлари ва инглиз тилига таржимаси (1937) мавжуд.

Чағониён вилояти ҳақидаги қуйидаги лавҳалар унинг форсий матнидан таржима қилинди.

“ХУДУД-УЛ-ОЛАМ”дан

Тоғлар ва улардаги маъданлар ҳақида сўз (в. 5а)

Искўк денгизи¹ яқинидаги Тўғузғуз чегарасидан бир тоғ бошланади; у давом этиб, Тўхсиённинг охиригача ва Халлух чегараси бошланишигача боради. Ундан бир тизма ажралиб, хирхиз қавмларидан бири (жойлашган) ноҳияга қайтади ва уни Тўлас тоғи² дейишади. Хирхиз ноҳиясига қайтгач, ул тизмада асл оху (мушк), хуту, санжаб ва самур каби ҳайвонлар бор.

Ҳиндистондан бошланган тоғнинг бир шохи шимол томонга давом этади, Жошт худудида тугайди. Бу тоғ шимолда Бўлур, Самарқандоқ, Шакон ва Вахондан ўтади, жанубда эса чўлгача боради... Шимоли-ғарбда Мовароуннаҳрдаги Бутамон худудидан (в. 6б) ўтади ва Сурўшана худудигача давом этади. Бу тоғ Шакнон, Вахон ва Жошт худудида сен-саноксиз тармоқларга бўлиниб кетади. Шу билан бирга, Вахон ва Жошт оралиғида кўплаб тизмалар ҳосил қилади ва улар Хатлон худудида турли томонга тарқалиб кетади. У ерда кумуш ва олтин конлари бор. Хатлон тармоқларидан бир тизма Бутамон худудидаги бир тизма билан қўшилади, сўнгра улардан кўп тармоқлар тарқалиб, Чағониён худудига ўтади ва ўша ёқда тармоқланиб кетади. Асосий тизма Бутамонга етадиган икки тизмага ажралади ва улар Сурўшана худудига етганда иккаласи яна туташади.

Бутамон ҳудудида бир тизма ажралиб чиқади. Бутамон Дарёжаси билан Чағониён оралиғидан ўтиб, Самарқанд ва Суғд ҳудудига боради ва Бухоро ҳудудигача етади. Бу тизмалар озроқ, айримлари кўпроқ тармоқларга бўлинган.

Дарёлар ҳақида сўз (в. 86)

(в. 9а) Яна бири Жайхун дарёси. Вахон чегарасидан оқиб келади; Булўр ноҳияти, Шакнон, Вахон ҳудудларидан ўтади. (Сўнгра) Хатлон, Тухористон, Балх, Чағониён, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига оқиб келади. (Охирида) Хоразм ҳудудидан ўтиб, Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бири Чағонруддир. Бу дарё Чағониёндан оқиб ўтиб, Термид ҳудудида Жайхунга қуйилади.

Мовароуннаҳр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳақида сўз (в. 25а)

Тирмид — хуррам шаҳар, Жайхун дарёси бўйида жойлашган, унинг куҳандизи (ҳам) дарё бўйида. Бу шаҳар Хатлон ва Чағониённинг пойтахтидир. Унда яхши совун, яшил бўйра ва елпиғич ишлаб чиқарилади.

Хошимгирд — шаҳарча, қўй ва (бошқа) чорваси кўп.

Жарманкон — экинзорлари ва оқар сувлари мўл (бир) шаҳарча.

Чағониён — (бир) хароб ноҳия, (бирок) катта ноҳия, экинзорлари кўп. Деҳқонлари эринчоқ, дарвешлар жойи, лекин ноз-неъматлари кўп. Одамлари жанговар ва ботир. Бу ноҳиятнинг ҳавоси соғлом, ери ҳосилдор ва сувлари яхши. У ерда йилқи боқилади, чакмон, гилам-тўшак ва кўплаб заъфарон тайёрланади. Бу ноҳиятнинг подшоси мухторият (ҳуқуқига эга) ҳокимлардан ҳисобланади ва уни Чағониён амири дейдилар.

Дорзанги³ — шаҳарча, айланасига хандақ билан ўраб олинган, Чағониён ҳудудида. У ерда пайтава, гилам ва жун шолча тайёрланади.

Чағониён⁴ — катта шаҳар, тоғ этагида жойлашган, ушбу ноҳиятнинг бош ва марказий шаҳри. Оқар сувли ва хуш ҳаволи бир жой, одамлари дарвеш.

Босанд — аҳолиси кўп (бир) шаҳарча, Бухоро, Самарқандга борадиган йўлда. Мустаҳкам жой, одамлари жанговар.

Зайнур — экинзорлари кўп, (бирок) аҳолиси кам (бир) шаҳарча.

Нужон — шаҳарча, мустаҳкам қўрғони бор.

Дигар (Ригар) — шаҳарча, Ниҳом (Ниҳон) дарёси яқинида жойлашган, ҳавоси хуш ва ноз-неъматли кўп.

Вишгирд—йирик шаҳарча, тоғ ва саҳро оралиғида, Чағониён билан Хатлон ўртасида жойлашган.

Мовароуннаҳр ҳудудидаги ноҳиятлар ва уларнинг шаҳарлари ҳақида сўз

Жошт — тоғ ва дараларда жойлашган ноҳият, Бутамон ва Хатлон оралиғида. Рустолари ва экинзорлари кўп. Бу ноҳиятнинг улуғларини Жошт деҳқонлари дейишади.

Ва (яна) бир одамлар борким, уларни кумижликлар дейишади. Улар Хатлон ва Чағониён ҳудудида яшайдилар. Улар ботир, жағговар ва қароқ-чисифат одамлар; ишлари кўпинча қўй ўғирлаш ва (одамларни) қул (қилиб сотишдир). Уларнинг қишлоқлари ва рустолари кўп, бироқ битта ҳам шаҳри йўқ. Чағониёндагилари Шумон⁵ ва Бушгирд оралиғида (жойлашган) Сайлокон деб (аталувчи) ноҳиятда яшайди. Хатлон ҳудудидагилари Намлиёт ва Мунк оралиғида, тоғ этакларидаги даштларда яшайди; оқар сувлари бор, яхши жой. Ҳар бир гуруҳ ўз ноҳиятининг амирига бўйсунди, Хатлон ва Чағониён амирлари улардан ёрдам сўраб ҳам туришади.

Ганжина турклари — кичик гуруҳ, Хатлон ва Чағониён оралиғидаги тоғда⁶, бир дарада яшайди. Жуда мустақкам жой. Улар карвон таловчилар, сурбет ва чинакам қароқчилардир. (в. 256) Қароқчилик қилиш учун ўз ноҳиятларидан ўттиз ва қирқ фарсанг узоққача боришади. Уларнинг Хатлон ҳамда Чағониён амири билан алоқалари бор.

Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси.

Изоҳлар

¹ **Исқўк денгизи** — Иссиққўл қўли.

² **Тўлас тоғи** — Қирғизистон тизмаси ва Талас Олатови тизмаси.

³ **Дорзанги** — Жарқўрғон яқинида бўлган.

⁴ **Чағониён** — Денов шаҳридан 6 км жанубда — Сангардак (Қизилсув) дарёсининг Сурхон дарёси (Чағонруд)га қуйилиш ерида, Будрач манзилгоҳи.

⁵ **Шумон** — Бу ерда тахминан Кофирниҳон дарёсининг юқори ҳавзаси назарда тутилган

⁶ ... тоғда — Боботоғ тизмаси.

Гардизий ва унинг “Зайн ул-ахбор”асари

Машҳур муаррих Абусаид Абдулҳай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий XI асрда яшаб ўтган. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам сақланиб қолган. Нисбасидан унинг ҳозирги Афғонистоннинг шарқий тарафида жойлашган Гардиз қасабасида туғилгани англашилади. У кўпроқ Ғазна шаҳрида истиқомат қилган ва ўзининг “Зайн ул-ахбор” (“Хабарлар беағи”) асарини ғазнавийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Абдурашид ибн Султон Маҳмуд даврида (440/1049—444/1053) ёзган.

“Зайн ул-ахбор” асари тарихий, жуғрофий ва этнографик маълумотларга бой бўлган қимматли манбадир. Форс тилида битилган маз-

кур асар бизгача фақат икки қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, улар Англия кутубхоналарида сақланмоқда. Ун тўққиз бобдан иборат бўлган китобнинг дастлабки етти бобида бир қатор шарқ мамлакатларининг энг қадимги даврлардан 1041 йилгача бўлган тарихи ёритилган. Қолган бобларда мусулмонлар, юнонлар, ҳиндлар, яҳудийлар ва зардуштийларнинг йил ҳисоблари, байрамлари, илму фанлари ва ҳоказолар баён қилинган. Шунингдек, алоҳида бир боб туркий қавмлар тавсифига бағишланган.

“Зайн ул-ахбор” форс тилида бир неча бор қисқартирилган ҳолда нашр қилиниб, ниҳоят 1968 йилда афғон олими Абдулҳай Ҳабибий томонидан Техронда асарнинг тўла нашри амалга оширилди. Асарнинг айрим қисмлари баъзи ғарб тилларига ўгирилган. Туркий қабилалар ҳақидаги боб академик В.В.Бартольд томонидан рус тилига таржима қилинган. Хуросон тарихига бағишланган бўлимнинг А.К.Арендс томонидан рус тилига қилинган таржимаси Л.Епифанова томонидан нашрга тайёрланиб, 1991 йилда нашр этилди.

“Зайн ул-ахбор”да Чағонийён вилояти ва унинг атрофида рўй берган айрим тарихий воқеалар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ўз даври сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган саркарда ва давлат арбоби амир Абу Али Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад Чағоний ҳақидаги маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир.

Асарнинг Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига бағишланган бўлимнинг мазкур ҳукмдорлар даври тавсифланган фаслларининг тегишли қисмлари Абдулҳай Ҳабибий нашридан ўзбек тилига таржима қилинди. Таржима матни орасида келтирилган қавс ичидаги рақамлар асл матннинг саҳифаларига ишорадир.

Абусаид ГАРДИЗИЙ

“ЗАЙН УЛ-АХБОР”дан

Мақтовли (амир) Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср (даври)¹

(155)... Шундан сўнг Абу Али Чағоний мақтовли амир (Нуҳ ибн Наср)нинг амакиси Иброҳим ва аъёнлар билан Нишопурга келди. Иброҳим ибн Симжур ва Мансур ибн Қоратегин ўз тобелари билан кетиб, Марвга — Нуҳ хузурига боришди. Абу Али 335 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида Нишопурдан чиқиб Сарахсга келди. У ердан Марвга қараб юрди. У Ойқон қишлоғига етганида, Нуҳнинг сарҳанглари ва мулозимларидан кўплаб мактублар келди. Улар Абу Али тарафга ўтишга мойил эдилар. Абу Али Марвдан бир фарсанг масофадаги Синг қишлоғига келиб тушди. Нуҳ Бухоро тарафга кетди ва Абу Али Марвга кириб, бир қанча вақт у ерда бўлди. Сўнгра у Бухоро тарафга юрди ва Жайхундан кечиб

ўтди. (156) Нуҳ Самарқандга кетди ва Абу Али хутбани Иброҳим ибн Аҳмад номига ўқиттирди ва бир неча муддат у ерда (Бухорода) бўлди. Шундан сўнг Бухоро халқи Абу Алини барча яқин кишилари билан йўқотмоққа қасд қилишди. Бу хабар Абу Алига етгач, у эртаси куни (шаҳардан) чиқди ва ўзининг барча одамларига ҳам ташқарига чиқишни буюрди. Улар ўзларининг кийим-кечак ва буюмларини кўтариб ташқари чиқишди ва шаҳарга ўт қўймоқчи бўлишди. Шу сабабли шаҳар катталари ташқари чиқиб, Абу Алидан шафоат сўрашди ва уни Аллоҳ таоло номи билан қўрқитишди. Абу Али шаҳар аҳолисининг ўзига нисбатан ишончи йўқлигини кўргач, у ерга Абу Жаъфарни² қўйиб, баъзи одамларни девондаги турли вазифаларга тайинлаб, ўзи Раҳнаҳамуй³ йўлидан чиқиб, гўёким Самарқандга кетаётгандек қилиб кўрсатди. Аммо у Нахшобга⁴ борди. Сўнгра барча сарҳанг ва тобеларини орқага қайтариб, ўзи Чағониёнга кетди.

Абу Али кетган заҳоти Иброҳим ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Наср бир одамни Нуҳ хузурига юбориб, ундан омонлик сўрашди. Нуҳ уларнинг узрини қабул қилиб, омонлик ваъда қилди ва ўзи 335 йилнинг рамазон ойида Бухорога қайтиб келди. Худди шу йили Мути⁵ халифалик тахтига ўтирди. Мақтовли амир Хуросон сипоҳсоларлигини Мансур ибн Қоратегинга берди ва Мансур Бухородан Марвга келди. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Қазвиний Марвда эди. У Мансурга пешвоз чиқиб, унга хизмат қилди. Мансур у ердан Нишопурга келди. Абу Али эса Чағониёнда турарди. Сўнгроқ Абу Алига “Амир Нуҳ лашкар тўплади ва сенинг устинга бостириб бормоқчи”, — деган хабар келди. Абу Али эҳтиёткорлик юзасидан Балхга келди ва бир қанча вақт у ерда бўлди. Шундан сўнг у лашкар билан Бухоро томонга юрди ва мақтовли амир ўзининг бор сипоҳи билан унга қарши борди. Улар 336 йилнинг рамазон ойида Хартангда⁶ бир-бирларига етишдилар ва намозгардан олдинроқдан то кун ботгунча жанг қилишди. Нуҳ ва унинг сарҳанглари Бухорога қайтишди. Абу Али одамларидан Исмоил ибн Абулҳасан ва бошқа бир неча кишини асрга олишди. Абу Исҳоқ Рўзғоний дайламликлардан катта бир гуруҳи билан келиб омонлик сўради. Абу Али Чағониёнга чекинди. Бобжур хожиб жангда ҳалок бўлди. Али ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳни Самарқанд атрофларида қўлга олишди. Аҳмад ибн ал-Хусайнни эса Нахшобда ушлашди. Уларни туяларга миндириб, кундуз куни (157) Бухорога олиб келишди, ҳар бирига юз қамчи уриб, кишанга солишди ва (мол-мулкларини) мусодара этишди. Абул Аббос Муҳаммад ибн Аҳмад ўша пайтда ўлди, аммо Аҳмад ибн ал-Хусайний узоқ муддатдан сўнг озодликка эришди.

Шундан сўнг Абу Али Хутталон⁷ амиридан ёрдам сўради ва ўзи лашкар тўплаб Термизга келди ва Жайхундан кечиб ўтди. У Балхга келди ва у ердан Гузгононга⁸ борди. Шу тариқа у Самангонга бориб, Хут-

талон амири билан бирлашмоқчи эди. Абу Али Тоҳаристонга етганида Бухоро лашкари Чағониёнга келиб, Дари Оҳанинни куйдиргани ва ўзининг бутун мулкларини вайрон қилгани ҳақидаги хабар унга етди. У дарҳол Мила⁹ йўлидан дарёни кечиб ўтди ва лашкарини ҳар тарафга тарқатиб, Бухоро сипоҳининг йўлини тўсди. Уларнинг аҳволи танг бўлиб, (отлар учун) ем-хашак йўли бекилди. (Абу Али) Камканон қишлоғига етганда, 336 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида ўша жойда жанг қилишди. Бу қишлоқ Чағониёндан икки фарсанг масофада жойлашган. Мақтовли амирнинг лашкари Абу Али устидан ғалаба қозондилар ва у Чағониёндан ўн икки фарсанг масофадаги Шумон¹⁰ тарафга кетди. Бухоро лашкари Чағониёнга кириб, шаҳарни талон-тарож қилиб, Абу Алининг кўшклари ва уйларини ғорат этдилар. Шундан сўнг Абу Алига кумийлар¹¹, Жошт¹² амири Жаъфар ибн Шамоянқуво ва Илоқ¹³ лашкари мададга келди. Улар бир кунда Вошгирдга¹⁴ етиб келишди. Хутталон амири Аҳмад ибн Жаъфар ҳам ўзининг йирик сарҳанги Бажкамни катта лашкар билан юборди. Бухоро лашкарининг йўли тўсилиб, ҳазратнинг улар билан хабарлашуви имконсиз бўлиб қолди. Шунинг учун улар сулҳ исташди ва (иккала тараф) шу қарорга келишди: Абу Али ўз ўғли Абулмузаффар Абдуллоҳ ибн Аҳмадни гаров тариқасида Бухорога жўнатди. Худди шундай қилишди ва бу воқеа 337 йилнинг жумоди ул-охир ойида бўлди. Абулмузаффар Бухорога етиб келганида мақтовли амир шаҳарни безатиб, уни иззат-икром билан шаҳарга олиб киришни ва саройга жойлаштиришни буюрди. Амир уни ўзининг хос дастурхонига чақирди ва унга чопон ва кулоҳ кийгизишди.

(158) Чағониён вилояти ноҳияларидан бири бўлган Босандда¹⁵ бир сохта пайғамбар пайдо бўлди ва у Дари Оҳанинга келди. Унинг номи Маҳди бўлиб, пайғамбарлик даъвосини қилди. 322 йилда у ошкора даъват қила бошлади. Кўплаб одамлар унинг олдига бориб атрофига тўпланишди. Бу Маҳди (камарига) қилич осиб олган бўлиб, ким унга хилоф бўлса, шу қилич билан унга ҳамла қиларди. У бир фирибгар одам бўлиб, турли хил макр-ҳийлаларни биларди. Чунончи, қўлини ҳовуздаги сувга тикар ва тортиб олганида ҳовучи динорга тўла бўларди. Ёки унинг дастурхонидан кўп сонли жамоат овқат ер, аммо таом асло камаймасди. Унинг жомидан бутун жамоат сув ичар, аммо у жом бўшаб қолмасди. Унинг хос қавмига мансуб одамларнинг ҳар бири кунига бир дона хурмо ер ва бу уларга кифоя қиларди. Бу хабар вилоятларга тарқалгач, жоҳил омма орасидан кўп одамлар унга томон интилишди. Бухородан Абу Али Чағонийга “Ул сохта пайғамбарнинг ишини бир ёқли қилиш чорасини кўр”, — деган мазмунда мактуб келди. Абу Али Абу Талҳа Жаъфар ибн Мардоншоҳни (унга қарши) юборди. Варди қишлоғида бўлган Маҳди тоққа чиқиб кетди. Жанг қилиб, уни қўлга олиб, тордан пастга туширишди ва бошини кесиб, тўрвага солиб Абу Алига юбо-

ришди. Абу Али ўша пайтда Шумонда эди. У кесик бошни (Маҳдига) рағбат билдирган барча одамларга кўрсатишни буюрди ва сўнгра Бухорога жўнатди.

Абулмазаффар ҳамон Бухорода эди. Бир куни отга миниб юрганида от қоқилиб, у отнинг устидан учиб тушди ва боши бир тошга тегиб, мияси отилиб чиқиб ўлди. Мақтовли амир гоят гусса чекди ва уни қимматбаҳо кафанга ўраб, жасади солинган тобутни Чағониёнга жўнатди. Шунингдек, мақтовли амир Наср шаробдорни таъзия учун Абу Али ҳузурига юборди. Абулмазаффарнинг вафотидан сўнг икки ой ўтгач, Мансур ибн Қоратегин Нишопурда ўлди. Мақтовли амир Хуросон сипоҳсоларлигини Абу Али Чағонийга бериб, унга ёрлиқ ва байроқ юборди. Чағониён ва Термизни унинг ўғли Наср ибн Аҳмадга берди. Абу Али 340 йилнинг зулҳижжа ойида Нишопурга келди. 341 йилда Хуросоннинг барча ишларини тартибга солди. 342 йилда Райга юриш қилди ва бу шаҳарда Ҳасан Бўйани¹⁶ қамал қилди. Вушмагир ибн Зиёр¹⁷ Ҳасан Бўйага мадад юборди, аммо улар бир иш қила олмадилар. Ўша вақтда Райда отлар орасида ўлат пайдо бўлди ва отлар қирилиб, озайиб қолди. Сўнгра баъзи кишилар икки ўртада воситачи бўлиб сулҳ тузишди. Ҳасан Бўйа ҳар йили икки юз минг динор тўлайдиган ва Абу Али қайтиб кетадиган бўлди. Ҳасан Бўйа бу хирожга гаров тариқасида Аббос ибн Довудни Абу Али ҳузурига жўнатди ва Абу Али Нишопурга қайтиб кетди. Мақтовли амир “Абу Али Ҳасан Бўйа (тарафи)га мойил бўлмаганмикан”, — деб шубҳа қилди. Абу Али (159) одам юбориб аҳволни маълум қилди. Аммо мақтовли амир ғазабидан тушмади. Шундан сўнг, Абу Али Чағоний Нишопур шайхлари, шоҳид кишилар ва аъёнларни ўз узрини айтиш, барча аҳволни маълум қилиб, мақтовли амир шубҳаланаётган нарсада ўзининг бегуноҳлигини билдириш учун Бухорога жўнатди. Аммо Нишопурдан жўнатилган ишончли вакиллар Бухорога етгунича бўлмай, мақтовли амир касалга чалинди ва аҳволи тобора оғирлашиб, 343 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида ўша касалликдан вафот қилди.

Тўғри йўлдан борувчи (амир) Абдул Фаворис Абдулмалик ибн Нуҳ¹⁸ (даври)

Нуҳ ибн Насрнинг тўрт ўғли бор эди: Абдулмалик, Аҳмад, Наср ва Абдулазиз. Тўнғич ўғли Абдулмалик бўлиб, у 343 йилнинг рабиъ ул-охир ойида тахтга ўтирди. У Абу Мансур Муҳаммад ибн Узайрни ўзига вазир қилиб тайинлаб, (Хуросон) сипоҳсоларлигини Абусаид Бакр ибн Маликка берди. У 343 йилнинг шаъбон ойида Нишопурга келиб, ишларни яхши йўлга қўйиб, адолатпарварлик қилди. Сўнгроқ (Халифа) Мути Хуросонни Абу Али Чағонийга бергани ҳақида хабар келди.¹⁹ Бакр ибн Молик бу хабардан ғазабланиб, лашкар билан юриш қилиб, Гуйон рустосидаги²⁰ Озодвор қишлоғига келди. У ерда ўз аъёнлари билан уруш режасини тузди. Лашкарбошилар отлар учун ем-хашак ва лашкарга озуқа йўқлиги, шу сабабли лашкар жанг қила олмаглигини маълум қилишди.

Шундан сўнг Бакр ибн Молик тўғри йўлдан борувчи амир Абдумалик ибн Нуҳга нома ёзиб, унга аҳволни маълум қилди ва маблағ сўради. Тўғри йўлдан борувчи амир Исмоил ибн Тағённи қайтариб жўнатди, ammo зарур маблағни юбормади. Бу хабар Хуросонга етганда, у ерда тартибсизликлар бошланди. Шу сабабли Ҳасан Буйа Абулфатҳ ибн ал-Амидни Исфаҳонга жанг қилиш учун жўнатди. У Моконнинг ўғлини қўлга олиб, Аргон қалъасига жўнатди. Исфаҳоннинг ушбу ишғол қилиниши 344 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида содир бўлди. Ҳасан Буйа Гургон тарафга юриш қилди. Бунинг хабари Бакр ибн Моликка етди. Ҳасан Ферузон Жожарм чегарасига етди. Абдумалик ибн Нуҳ бу хабарларни эшитгач, лашкар жам қилиб, Озодвор тарафга Бакр ибн Моликка жўнатди. Ҳасан Буйа ва Абу Али Бакр билан жанг қилмасдан Табаристонга қайтиб кетишди. Абусаид Бакр ибн Молик Абулҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Симжурни чақириб, Нишопурга шиҳна²¹ қилди. Ҳасан Буйа ва Абу Али Чағониёнийдан²² Али ибн ал-Марзбонга мактуб келди. Улар Абусаид Бакр ибн Молик билан сулҳ тузишни исташарди. Ҳасан (160) Рай, Кур ва Жабалдан ҳар йили икки юз минг динор ва бошқа ҳадялар юбориб туриш ва Табаристон важдан Вушмагир билан низолашмаслик мажбурияти олди. Али ибн ал-Марзбон воситачи бўлди ва шу асосда сулҳ тузилди. Ҳасан сулҳ (шартда кўрсатилган) пул ва ҳадяларни юборди ва хунрезлик тўхтатилиб, адоватлар барҳам топди. Хуросон ишлари яхшиланди. Халифа Мути Ҳасан ибн Буйага мактуб йўллаб, ушбу сулҳ ва ярашни маъқулламади. Абу Али касал бўлиб, 344 йилнинг ражаб ойи охирида вафот қилди. Унинг жасадини тобутга солиб Чағониёнга элтишди...

Форсийдан Фулом Каримов таржимаси.

Изоҳлар

1. **Нуҳ ибн Наср**—сомонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор бўлиб, 331 — 343 (942—954) йилларда ҳукмдорлик қилган.
2. **Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Наср ибн Аҳмад**— сомоний ҳукмдор Нуҳ ибн Насрнинг биродари бўлган.
3. Абдулҳай Ҳабибий Ибн Ҳавқал маълумотларига таяниб, “Раҳнаҳамуй Бухоро дарвозаларидан бири бўлса керак”, — деб изоҳ берган.
4. **Нахшаб ёки Нақшоб** — Қарши яқинидаги қадимий шаҳар бўлиб, баъзи даврларда Насаф деб ҳам аталади.
5. **Мути** — аббосийлар сулоласига мансуб халифа бўлиб, 335 (947)— 363 (974) йилларда ҳукм сурган.
6. **Харганг** Самарқанд яқинидаги қишлоқ бўлиб, улуг муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабри шу қишлоқдадир.
7. **Хутгалон ёки Хатлон** — Амударёнинг юқори оқимида Вахш ва Панж дарёлари оралигида жойлашган вилоят.
8. **Гузгонон** — ҳозирги Афғонистондаги Жузжон вилоятидир.
9. **Мила ёки Работи Мила** — Амударёдан кечиб ўтиладиган манзиллардан бири бўлиб, дарёнинг чап қирғоғида жойлашган.

10. Ҳозирги Ҳисор вилояти ва Душанба туманини ўз ичига олган ҳудуд илк ўрта асрларда Шумон деб аталган.

11. Абдулхай Ҳабибий “Кумижийлар Кофарниҳон дарёси сув ҳавзасининг тоғлик қисмидаги Кумуз вилоятида яшовчи халқдир”, деб изоҳ берган. Шунингдек, у “Ҳудуд ул-олам” китобида қуйидаги маълумот борлигини айтиб ўтган: “Бир жамоа одамлар бўлиб, уларни кумижийлар дейишади ва улар Хутталон ва Чағониён ҳудудида яшашади. Чағониён ва Хутталон амирлари зарур бўлганда улардан (ҳарбий) мадад сўрашади”.

12. **Жошт** — Хуросоннинг шимоли-шарқий қисми чеккасида жойлашган манзил.

13. **Илоқ** — ҳозирги Ҳисор водийсининг шарқий чеккаси, Тожикистон ҳудудида.

14. **Вошгирд**— Кофарниҳон ва Вахш дарёлари оралигидаги вилоятдир. Ҳозирги Файзобод шаҳри ҳам илк ўрта асрларда Вошгирд деб аталган.

15. **Босанд** — Чағониёндан Бухоро ва Самарқандга борадиган йўлда жойлашган катта қишлоқ бўлган. Ҳозирги Бойсун тахмин қилинади.

16. **Рукнуддавла Ҳасан ибн Буйа** — Эрондаги буйийлар сулоласига мансуб бўлиб, 335 (947) — 366 (977) йилларда ҳукмронлик қилган.

17. **Вушмагир ибн Зиёр** — Журжон вилоятида ҳукм сурган зиёрийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

18. **Абдулмалик ибн Нуҳ** — сомонийлар сулоласига мансуб бўлиб, 343 (954) — 350 (961)-йилларда ҳукмронлик қилган.

19. Аббосийлар сулоласига мансуб халифалар турли мақсадларни кузлаб ислом ўлкаларидаги амир ва саркардаларга айрим вилоятларни “бағишлаб” ёрлик жўнатишарди. Аммо кўпинча ёрликни олган киши ўзига “берилган” вилоятни рақибларига қарши курашиб, уларни енгсагина қўлга кирита оларди.

20. **Гуйон рустоси** — Хуросондаги Жувайн тумани (ўрта аср манбаларида Эрондаги айрим жой номлари турлича, яъни форсий ва арабий шаклларида ёзилган. Масалан, Гўргон — Журжон, Гузгонон — Жузжон, Гуйон — Жувайн ва ҳоказо).

21. **Шиҳна** — қалъа ҳокими.

22. Абу Алининг нисбаси матнда кўпроқ Чағоний, баъзи ўринларда Чағониёний тарзида ёзилган.

Ибн ал-Асир ва унинг “Китоб ал-комил-фи-г-тарих” асари

XII аср охири ва XIII аср бошларида яшаб ижод этган араб муаррихи Ибн ал-Асир Ўрта Осиё ва шарқ мамлакатлари тарихига оид асарлар муаллифидир.

Унинг тўлиқ номи — Иззуддин Абу-л Ҳасан Али ибн Абу-л-Карам Муҳаммад ибн Абу-л-Карим ибн Абу-л Воҳид аш-Шайбоний бўлиб, Ибн ал-Асир номи билан машҳур бўлган. Ибн ал-Асир 1160 йилда туғилиб, 1233 йилда вафот этган. Ҳозирча бизга унинг 10 та асар ёзиб қолдиргани маълум. Унинг мазкур “Китоб ал-комил фи-тарих” асари 12 жилддан иборат ва у исломгача вақтдан мўғуллар истилосигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Асарда фақат сиёсий воқеаларгина эмас, балки турли даврларда ҳукмрон бўлган табақалар ва уларнинг намояндалари, халқлар маданияти, фан-адабиёт намояндалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Асар араб тилидан бир неча халқлар тилларига, жумладан, эски ўзбек тили-

га ҳам таржима қилинган. Таржима Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1844 — 1910) даврида бажарилган бўлиб, унда 15 нафар хоразмлик арабшунос олимлар қатнашган. Мазкур таржиманинг бир неча нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида мавжуд.

Қуйида асарнинг Сағониён (Чағониён) тарихига оид қисми эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига табдил қилиниб олинди. Унга асарнинг Шарқшунослик институтида сақланаётган 2 жилдлик нусхаси (№ 824—825) асос бўлди.

Ибн ал-АСИР

“КИТОБ АЛ-КОМИЛ ФИ-Т-ТАРИХ”дан

Ҳижрийнинг тўрт юз эллик олтинчи йилида Хутталон вилоятининг амири Султон Алп Арслонга бўйсунмай хирож божини бермади ва унинг одамлари хирож йиғишини ман этди. Мазкур Султон (Алп Арслон) бундан хабардор бўлиб, ўз қароргоҳидан чиқиб, Хутталон вилоятига етиб келди. Кўрдиким, қалъаси маҳкам ва баланд бўлиб, тоғ устида экан. Кўп кунлар у ерда бўлиб, кураш олиб борди, ammo (қалъани) забт эта олмади.

Шундан кейин бир кун Султоннинг ўзи пиёда тоғ устига чиқди. Унинг изидан барча лашкарлари ҳам тоққа чиқиб, ҳаммалари бир ерга тўпландилар. Ammo қалъанинг амири қалъа деворларининг энг баланд ерига чиқиб, ён-атрофдан хабардор бўлган ҳолда барча лашкарларини жангга илҳомлантириб ўтирар эди. (Шу вақтда) Султон лашкарлари томондан отилган бир ўқ мазкур амирга тегиб, ҳаётининг қалъасига раҳна солди, яъни ўлдирди. Шундан сўнг Хутталон амирининг давлатини Султон (Алп Арслон) эгаллади.

Мазкур Султоннинг Ябғу ибн Микоил деган бир амакиси Ҳиротнинг волийси эди. У ҳам хирож божини тўлашдан бош тортди ва Султон юборган мулозимларнинг хирож йиғишини ман этди ва деди: “Ҳирот мамлакати менга тегишлидир”. Алп Арслон буни эшитиб, кўп лашкар билан Ҳирот томонга йўл олди. У Ҳирот аҳлига гўё қиёмат кунини ошкор қилди. Охири, Ябғу ҳолдан тойиб, қалъадан чиқди ва Султонга кўп узрлар айтиб, эъзоз ва икромини бажо келтирди.

Шундан сўнг Султон (Алп Арслон) Ҳиротдан чиқиб, Чағониён томонга йўл олди. Чағониён амирининг исми Мусо эди. (У) Султонга кўп номуносиб ишларни қилган эди. Шунинг учун Султон Чағониёнга борди. Мусо кўп лашкар билан бир тоғнинг устига чиқди. Султон ҳам у тоғ томонга борди ва икки тараф лашкарлари бир-бирлари билан тўқнашдилар. Жанг бошланди, кўп кишилар ҳалок бўлди. Султоннинг лашкар-

лари ғолиб келиб, Чағониённи ҳам эгаллади. Шу вақтда баҳодирлардан бири Мусони тутиб асир этди ва Султоннинг хузурига келтирди. Шу зумда Султон уни қатлга буюрди. Мусо кўп узр сўраб ва ёлбориб, ўзи учун беҳисоб ва бисёр молу давлат бермоқчи бўлди. Султон деди: “Эй Мусо, бу савдогарликнинг вақти эмасдирким, молни ўртага солурсен”. (Султон) Мусонинг вилоятини ҳам эгаллаб, Марв томонига равона бўлди ва бир неча (вақт) у ерда яшаб, сўнгра Нишопур томонга йўл олди”.

Бория Ваҳобова табдили.

Ҳофизи Аbru ва унинг асарлари

Шиҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий (вафоти 1430 йил) ўз даврининг таниқли олимларидан бўлиб, дастлаб Амир Темур хизматида котиб, кейинчалик Шоҳрух саройида асосий тарихчи эди. Иккита йирик асар ёзиб қолдирган:

1. Тарихий-географик асар (“География”).

2. Тарихий асар — “Мажмаи таворихи султония” (бошқа номи “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”).

Қуйида биз Ҳофизи Аbruнинг “География”сидан Термиз ва Чағониён вилоятига оид маълумотларни форсий тилидан ўзбек тилига таржима қилдик.

Ҳофизи АBRУ

“ГЕОГРАФИЯ”дан (Мовароуннаҳр тавсифи)

Мовароуннаҳрнинг бир-биридан гўзал тўртта (йирик) шаҳри бор.

Н а з м

Мовароуннаҳр мамлакати бўйлаб
Тўртта шаҳар бор, бир-биридан гўзал.
Аввал Бухоро — илм ва фазилат манбаи,
Рум ва Чин диёрларига ҳам донғи кетган.
Улуғ Самарқанд шаҳри — салтанат макони,
Шуҳратидан шаҳарлар ичра нигинли тож кабидир.
Ундан сўнг Термиз — сахийлар ва авлиёлар маскани,
(Кўркам) сув бўйлари зилол дарёларнинг рашкини
келтиради.

Хўжанд шаҳри ул мамлакатда кайф-сафо жойи,
Обод мавзе ва суфийлр ватани эрур.

Термиз. Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар, қўрғони (қуҳандиз) бор, (илгарилари) шаҳристони ва рабази ҳам бўлган экан. Бозор ва жумъа масжид шаҳристонда жойлашган. (Шаҳар) аҳолисининг уйлари лойдан қурилган; (аҳолиси) Жайхун (дарёси)дан сув ичади, экинларни эса чағониён дарёси (суви)да суғорадилар.

Термиз шаҳрининг қурилиши ҳақида сўз кетганда, унинг асосчиси Искандар (Александр Македонский) бўлган экан, дейдилар. У шимол томондаги (мамлакатларга) юриш қилиб, Жайхун дарёси бўйига етиб келганида, шу ерни қурилиш учун маъқул қўрган ва ушбу шаҳарни бунёд этган экан. Янги кечув аста-секин обод шаҳарга айланди.

(Термизнинг) боғлари кўп, мевалари мўл-кўл, аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланади.

Бурдоғуй — Жайхун бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар, унга Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса, уни ҳам Искандар қурган, дейдилар. “Бурдоғуй” юнонча сўз бўлиб, “меҳмонхона” деган маънони англатади ва бу ном ҳам Искандар замонида қўйилган, деган фикрни айтганлар. Қадимда зиммасига Жайхуннинг кечувидан ўтишни таъминлаш юкланган кемачиларнинг бошлиқлари шу Бурдоғуйда турганлар.

Бурдоғуй султонлар ушбу дарёдан ўтадиган кечув бўлган, Қадимги подшоҳлар ул мавзенинг аҳолисини дарёнинг гузарини қўриқлаб туриш учун рағбатлантириб, уларга тархонлик берганлар. Шу сабабдан, у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилган. У ерга бирор мусофир келиб қолса, уни яхши кутиб олганлар. Тез орада, ул жойнинг халқи ўз олижаноблиги билан машҳур бўлди. Бирор йўловчи ўша ердан ўтиб қолса, Бурдоғуй одамлари ҳар бири уни ўз уйига олиб боришга ҳаракат қилар экан ва ҳатто бир-бирлари билан талашшишарканлар. (Шу боис) Термиз аҳолиси билан Бурдоғуй аҳолиси ўртасида кўпинча жанжал бўлиб турган. Бурдоғуй атрофида жангал (тўқайзор) кўп ва у жангалда шер бор. Ўша яқин-ўртада Колиф деган бошқа бир кечув ҳам бор.

Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси

Шарафиддин Али Яздий ва унинг “Зафарнома” асари

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари XV асрнинг нодир ёзма манбаларидан биридир. У Амир Темур салтанати тарихини ўз ичига олади ва ушбу мавзуга бағишланган бошқа ёзма манбалардан тарихий кечинмалар баёнининг изчиллиги ва батафсиллиги билан фарқ қилади.

“Зафарнома” Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон ташаббуси билан тузилган: дастлаб, бахши ва муншилар томонидан Темур ҳақида тур-

кий ҳамда форсий тиллардаги маълумотлар тўпланган. Ҳар бир воқеа лозим топилганда мушоҳидлардан сўраб текширилган. Али Яздий олди-га эса асарни жонли ҳамда тушунарли ёзиш, шунингдек, ҳужжатларга қатъий риоя қилиш талаби қўйилган.

Шу сабадан бўлса керак, “Зафарнома” ёзилганидан то ҳанузгача алоҳида эътиборда бўлиб келади. Кейинги асрларда унинг бир қанча назмий ва насрий нусхалари тузилди, турли (француз, инглиз, итальян, ўзбек) тилларга қисқа таржима қилинди, нашр этилди (Калкутта, 1887 — 1888; Техрон, 1958; Тошкент, 1972).

Куйида “Зафарнома”дан Термиз ва Чағониён тарихига оид маълумотлар терма-таржима қилинди. Таржима учун асарнинг ЎзФА Шарқ-шунослик институтида сақланаётган (№ 4472), А. Ўринбоев томонидан нашр этилган (1972) фотофаксимил нусха асос қилиб олинди.

Шарафиддин Али ЯЗДИЙ

“ЗАФАРНОМА”дан

Амир Ҳусайннинг амир Баён Сулдуз билан жанг қилмоққа черик тортгани ва амирлардан мадад сўрагани ҳақида сўз. (в.97а)

Амир Қазағаннинг невараси амир Ҳусайн зудликда Кобулдан отланиб, амир Баён Сулдуз билан жанг тараддудига тушди, лашкарни тузиш ва қуроллантиришга киришди ҳамда элчи юбориб, ҳазрат Соҳибқирон, амир Боязид жалойир ва амир Хизр Ясаурийдан ёрдам сўради. Улар кенгашиб олганларидан сўнг, ушбуни тўғри топдилар: ҳазрат Соҳибқирон ва амир Ясаурий (икковлари) амир Ҳусайннинг илтимосини қондирадиган бўлдилар. Амир Боязид эса Жата амирларида тухмат ва ёмонлик қилмоққа мажол қолмасин, деган мақсадда, Туғлуқ Темурхон томон юрмоқни маъқул деб топди. Амир Боязид ушбу режага кўра йўлга чиқди. Хўжанд вилоятига етганида, Туғлуқ Темурхоннинг барча лашкарлари билан яна қайтиб келганлиги ва Чу суви бўйида ўз уғруқи¹ билан бирикканлиги хабарини эшитгач, мўлжалланган ўйидан қайтди ва ўша ерда тўхтаб турди. Бошқа томонда эса, ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизр тартибга келтирилган лашкар билан амир Ҳусайнга ёрдамга жўнадилар. . .

Улар Дари Оҳанин² деб аталадиган Қаҳалқадан ўтиб, амир Ҳусайн қошига етдилар ва биргалашиб Ҳисори-Шодмон³ томон юрдилар. Чунки амир Баён Сулдуз ўша ерда эди, уларга қаршилиқ кўрсатишни ўз имконияти даражасида кўрмагач, қочмоқни ихтиёр қилди ва Бадахшон томон юзланди. Улар кетма-кет таъқиб қилиб бордилар. Бадахшонга етганларида, ул жойнинг волийси қочди ва мамалакат амир Ҳусайннинг қўл остига ўтди.

**Ҳазрат Соҳибқироннинг амир Хизр Ясаурий билан
жанг қилганлиги ҳақида сўз (в. 99 б.)**

Ҳазрат Соҳибқирон Термиз атрофига етиб борди. (У ерда) шайх Али Журжурий жасорат оёғини ўз чегарасидан ташқарига қўйиб, қўшин тортиб чиқди. (Улар) Ангор мавзеида тўқнашдилар; қўшинлар бир-бирига етган заҳоти душманлар мағлуб бўлди. Зафарпаноҳ мавкабнинг довюраклари биринчи ҳамладаёқ уларни қочирдилар ва то Кўҳна Термизгача қувлаб, тўзитиб-тарқатиб юбордилар. Ул жангдан ғолиб қайтгач, қўҳна Термизни ҳумоюн қўнмоқ хаймагоҳи этдилар.

**Ҳазрат Соҳибқироннинг амир Ҳусайн билан
жанг қилмоққа черик тортгани ҳақида сўз (в. 116а, б.)**

Етти юз олтмиш еттинчи (1365) йилнинг кузида, яъни от йили ҳазрат Соҳибқирон сон-саноксиз лашкар тузди... Уларни олиб Амир Ҳусайн билан урушмоққа отланди. Амир Сайфиддинни катта бир гуруҳ билан манғлой тайинлаб олдинда жўнатди.

Амир Ҳусайн (ўз вақтида) Шер-Баҳромни ҳийла ва алдов ила йўлдан оздириб, макр тузоғига илинтирганлиги ҳамда ўзига муте ва қарам қилиб олганлиги сабабли, ҳазрат Соҳибқиронни ҳам ўша услубда бўҳтон билан ўйнатиш мумкин, деган хаёлга борди, минг афсус.

Шу пайтда, у Малик баҳодир ва унинг ўғли Абдуллоҳни аҳднома ила ул Ҳазрат қошига жўнатди ва фириб берувчи сўзлардан иборат пайғом юборди, яъни: “Шу пайтгача зурур умумий масалаларни бир-биримиз билан иттифоқда ғолиблик тўпини рақиблар ва тенглашувчилар майдонидан юлиб олдик. Маъқул улдурки, бундан кейин ҳам ўша удум сақланса ва ушбу аҳдномага тўла-тўкис ишониб, ҳеч бир дағдаға хаёлга келтирилмаса”.

Ғолиб лашкар Қаҳалқадан ўтиб Бойсун уларнинг ҳумоюн қўнимгоҳи бўлиб турган чоғда (элчилар) Малик баҳодир ва Абдуллоҳ етиб келдилар. Амир Ҳусайннинг аҳдномаси ва пайғомини арзаға етказдилар ҳамда сулҳ ва ярашмоқдан сўз қотдилар. Саодатли Соҳибқирон фурсат безаб турган давлат илҳоми билан, Мисра: Сенинг аҳдингга сабо ели ҳам суяна олмас, (деган мазмунни) англаб етди. (Шу сабабдан), ул аҳдномага эътибор бермади ва айтилган сўзларга қулоқ тутмади.

**Ҳазрат Соҳибқироннинг Амир Ҳусайн устига черик тортгани ва парвардигор
иноятининг қўллови билан зафар қозонганлиги ҳақида сўз
(135 б—136 б-варақлар)**

Амир Ҳусайн ўз аҳду паймонини бузишни ўйлаб яна душманлик қасдида айёрлик ноғорасини нифоқ палоси тагида чертаётганлиги ҳамда фурсат кутиб ўз муродига ҳийла билан етишиш орзусида эканлиги турли далил ва белгилардан равшан бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон шарият

1 асосида жорий этилган фитна қилувчини даф қилиш вожибли-
кмидан келиб чиқиб, унинг ишини бир ёқли қилишга киришмоқ-
уруратдан деб топди ва бу ишни у кўзлаган мақсадига киришишига
сон туғилмасдан олдинроқ амалга оширмоқчи бўлди. Бироқ, аъло
зрат ҳиммати ишнинг асосини ожизлик ва иложсизлик ташкил этган
ийла ва иккиюзламачилик билан бошланишига йўл қўймас эди. (Шу
сабабдан) таваккалнинг орқасини тангри иноятининг қўмаги ила мус-
таҳкамлаб, ҳиммат юзини Амир Ҳусайнни йўқ қилмоққа қаратди ва
мардонавор мухолифат эълон қилиб, сипоҳ йиғишга фармон берди.
Ҳинду-Қарқара қипчоқни Сайхун сувидан ўтиб, Ўтрорга қочиб кетган
Шайх Муҳаммад Баён сулдузни олиб келиш учун жўнатди.

Ҳазрат (Соҳибқирон) паноҳи бўлмиш сипоҳ қазодек кескин фар-
монга мувофиқ, осмон билан тенглашувчи даргоҳга йиғилгач, қўл ва
манғлойни тартибга келтириб, амир Мусони қўлни бошқаришга тайин-
лади. Ўзи эса, саодатли вақт-соатда ва энг бахтли толеъда Кешдан йўлга
чиқиб, бир гуруҳ баҳодирлар билан олдинда борарди. . .

Хузорга етиб келганларида амир Мусо, унга хос бўлган одатга кўра,
ўринсиз ваҳимага тушди ва аҳд-паймонни бузиб, қочиб Самарқанд то-
мон қайтиб кетди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг бу қилмишига эътибор
бермади ва Суюрғатмиш ўғлонни амир Муайяд, Ҳусайн барлос ва яна
бир қанча баҳодирлар билан қўшиб манғлой расми ила олдинда жўнат-
ди. Қўлни эса, (ўзининг) ҳумоюн улуғворлигининг нурлари ила порлоқ
этиб равона бўлди.

Манғлой Қаҳалқадан ўтиб Термизга етиб боргач, Амир Ҳусайн-
нинг Ҳиндушоҳ ва Халил бошлаб олиб келган лашқари, уларнинг қора-
сини кўриш биланоқ қочмоққа юзландилар ва Омўя сувидан ўтиб Балх
томон йўл олдилар. Осмоний тасдиққа эга бўлмиш ҳазрат соҳибқирон
Термиздан уч фарсах наридаги Буё мавзеига келиб қўнди.

Маккайи муаззаманинг буюк шарифларидан бири, ўз асрида ер
юзи сайидларининг пешвоси, зоти шарифи Тоҳа ва Ёсин сараланган
шодасининг воситаси⁴

Б а й т :

Тонг қуёши-ю, тун ҳилоли эрур
Аср дури, бизнинг забаржадимиздур⁵.

бўлмиш нақблар пешвоси, муртазойи аъзам, улуғлиги сифат ва унвон-
ларини⁶ келтиришга ҳожатсиз олийжаноб Сайид Барака⁷ ҳеч қандай
ваъда, олдиндан келишувсиз, кутилмаганда ул ҳумоюн манзилда пеш-
воз чиқди ҳамда салтанат ва подшоҳлик белгиларини англатувчи ноғо-
ра ва 'алам (байроқ) келтириб ҳазрат Соҳибқиронга совға қилди.

Ҳазрат Соҳибқирон кундан-кунга ортиб бораётган давлатининг

бошланишида юз берган бу кутилмаган учрашувдан, энг юксак даражадаги омонлик ва иқбол учун, — фотиҳа (сураси) Китоб (Куръон)нинг онасидир, — деган сўзлар ишоратига кўра, қатъий ва аниқ (қарорга) келди. У дўстлик ва ҳимоя изловчи қўлини, — эй Аҳли Байт, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос — деган (оят) давлатининг байроқлари этагига мустаҳкам қилиб, улкан набийлик дарахти шохининг қутлуғ ташрифини улуғлаш ва таъзимлар ила кутиб олди. Ул Ҳазратнинг чин нияти ва пок истаги туфайли, уларнинг ўрталарида дўстлик муносабати пайдо бўлди. (Шундан сўнг) баракатли улуғ зот бутун ҳаёти давомида, ўзи келганлиги хушxabарини етказган давлат мисоли, ҳазрат (Соҳибқирон)нинг суҳбати ва мажлисини ўз ихтиёри ила ихтиёр айлади ва ҳеч қачон ул ишни тарк этмади. Вафотларидан сўнг эса, икковлари бир гумбаз остида ором топмишлар ва ҳазрат Соҳибқироннинг самимий юзи худди ўшандай унинг томонга қараган...

Ҳазрат Соҳибқироннинг Термиз ва Балх томонга лашкар юборганлиги ҳақида сўз
(1436 — 144а-варақлар)

Илгаридан қазо Зиндаҳашим учун оқибат рақами ва имзосини қисмати саҳифасига чекканлиги учун, шунча кўрсатган марҳаматларга қарамасдан, яна девғурур васваса уни тинч-тотувлик йўлидан оздирди. У жасорат оёғини бўйсунмоқлик йўналишидан четга қўйди, калтафаҳмлигидан орзу жilовини хаёл қўлига топширди. Қизиги шундаки, Хонзода Абулмаол, ҳаёт минг хил тил билан

Байт:

Зинҳор бундай қилмағил, пушаймон бўлурсан
Деб, қайта-қайта етказган бўлса ҳам, барибир унга
(Зиндаҳашимга) қўшилди...

(Иккаласи) бирлашиб Балх ва Термиз улусини таладилар. Улар томондан пайдо бўлган ушбу хато хабарининг нурлари олий Ҳазратлари ёрқин кўнгли сайҳонлигига тушгач, Хитой-баҳодир ва Арғуншоҳ Бўрдолиғийни бир миқдор лашкар билан илғор тарзда жўнатди...

(Бу лашкарга), уларнинг фитна-фасодини бостириб, мардлик ва жасорат кўрсатсинлар; парвардигорнинг омонати бўлмиш раият аҳволи этагини ситамкор зўравонларнинг тиканидан асрасинлар, деб буюрди.

Амирлар зафарпаноҳ сипоҳ билан Термизга етиб келганларида, ул томондаги аҳоли Омўя сувига кемалардан кўприк боғлаган эдилар. (Бироқ) бир гуруҳ душманлар тунда қочиб кўприкдан ўтган ва кўприкни нариги томондан бузган эди. Ғанимлар голиб лашкарнинг қорасини

ари билан юзлари сарғайиб, қўрқувга тушиб қоча бошладилар. аҳнимасига тушиб (отлар) жilовини кўприк томон бурдилар ва бўлган аҳволдан гофил ҳолда кўприкка қараб (от) сурдилар. рикнинг ўртасига етиб борганларида, унинг нариги қисми бузилиб аинини кўрдилар. Фолиб лашкар баҳодирлари уларнинг ортидан етиб либ, (тангри) кўмак берган қўллари билан ўқ ёғдиришга киришди- ар ва ул куни битганлар учун

Б а й т :

Ортдан ўқ, олдинда денгиз (каби) сув,
Ажал келар елиб, жонларда қўрқув.
На шафқатдан умид, йўқ истак жангга.
На қолишга мадор, на йўл қочишга

бор эди. Уларнинг анчаси қилич зарбидан йўқ бўлдилар, кўплари сувга ағдарилиб, жондан жудо бўлдилар. Фақат бир оз киши, аниқроғи ўндан бир қисмидан ҳам озроғигина не азоблар билан қирғоққача етиб олдилар. Зиндаҳашим қочиб Шибурғонга кириб борди ва уни маҳкамлаб, ҳимоя (учун) орқасини ўз тасавурида (гўёки) қўрғон деворига суяди.

**Ҳазрат Соҳибқироннинг (Ҳиндистон) юришидан қайтиб,
Жайҳундан ўтганлиги ва муҳтарам (хотунлар) ҳамда фарзандларнинг
ҳумоюн учрашувдан шод-хурсанд бўлганликлари ҳақида сўз
(345а — 345б-варақлар)**

Йигирма биринчи ражаб (29 март 1399 йил) якшанба куни чош-гоҳда денгиздай ҳимматли Соҳибқирон кемада дарёдан ўтди. У ерда салтанат ва жаҳондорлик осмонининг авлодлари амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон, олий ифғат (соҳибаси) бекаси Султон, улуғлик ва шон-шавкат чодирининг муҳтарам хонимлари — Сароймулк хоним, Тўкал хоним, Тумоноғо, бошқа шаҳзодалар, барча аъёнлар, акобир ва ашроф Самарқанд ва ўша яқин-атрофдан кутиб олиш учун келиб, аъло ҳазрат (Соҳибқирон) билан учрашиш бахтига муяссар бўлдилар...

Якшанба ва душанба кунлари Термизда бўлдилар. Душанба куни насаби сўзсиз набийлик ва пайғамбарлик оиласига мансублиги шубҳа ва гумон доғидан пок ҳамда қадри-қиймати улуғ ва шуҳрати баланд остонали қуёш юксаклигидан ҳам ортиқ бўлган Хонзода Ало ал-Мулк (Термиз сайидларидан) жаҳонгир Соҳибқирон шарафига тўй берди ва муносиб тортиқлар келтирди.

Йигирма учинчида сешанба куни мусратшиор байроқ Термиздан Жаҳоншоҳ қишлоғига кўчиб ўтди. Ойнинг йигирма тўртинчисида чор-

шанба куни Таракий-Гармобага осмондек даража бахш этди. Йигирма бешинчида пайшанба куни Қаҳалқадан ўтди...

Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси

Изоҳлар:

¹ **Угруқ** — лашкар ортидан захира, аслаҳа ва бошқа анжомларни олиб юрувчи қисм.

² **Дари Оҳанин** — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) гарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни 5 — 20 метр, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Қадимий машҳур тоғ ўткили. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча “Дари Оҳанин” (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда: “Темир қапуғ” (“қапуғ” — дарвоза), арабча “Боб-ул-ҳадид” (Темир дарвоза), мўғулча “Қаҳлаға” ёки “Қаҳлақа” (“қалға”, “ҳалға” — дарвоза). Қадимда дара ёнида шу номдаги аҳоли маскани, кўрғон ҳам бўлган, уни Бузғала-хона ҳам деганлар. Бойсун тумани ҳудудида.

³ **Ҳисори-Шодмон** — вилоят ва шаҳар, қадимги номи Шумон (ас сзн ҳозирги Ҳисор водийси), маркази шу вилоятдаги Ҳисор кўрғони ёнида бўлган.

⁴ **Тоҳа-Ёсин** — Қуръони каримдаги “Тоҳа” ва “Ёсин” сураларининг номи. Ривоятга кўра, бу сураларнинг номи Муҳаммад пайгамбар (с.а.в) исмларидан олинган: “тоҳа” сўзи “Тоҳир” исмидаги “т” ҳарфига ва “Ёсин” сўзи “сайид” сўзидаги “ё” ҳарфига ишора тарзида берилган.

⁵ **Забаржад** — оч-яшил қимматбаҳо тош. Бу байт матнда араб тилида берилган ва ундаги “қуёш” (шамс) ва “тун” (лайл) сўзлари Қуръони каримнинг “Шамс” сурасига ишорадир; байтнинг иккинчи мисрасида муаллиф Сайид Баракани ўз асри одамлари ичида “дур” ва олимлари ичида “забаржад” деб атайди.

⁶ **Унвон** (даража) — тасаввуфда маълум босқичга кўтарилиш, суфийлик даражасига эришиш.

⁷ Сайид Барака (вафоти 1404 йил) — Термиз сайидларидан, Амир Темурнинг учта асосий пиридан бири.

“Бобурнома”да Чағониён хусусида

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 — 1530) асарлари ичида энг йириги унинг “Бобурнома”си саналади.

Шоҳ ва замонасининг зукко олими, шижоатли саркарда ва ажойиб шоир, тақдир халқимиз ва Ватанимиз тарихида ниҳоятда алғовли воқеалар гирдобида пишитган инсон, Мовароуннуҳрда Темурийларнинг сўнгги салтанатдори ҳамда Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанатининг ўрнатувчиси бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мазкур асари тарихий ҳаққонийлиги, жуғрофий теранлиги, воқеалар баённинг тўғри талқин этилиши билан ниҳоятда қимматлидир.

“Бобурнома”да бошқа жойлар сингари “Чағониён” вилояти, шаҳри, унинг айрим кентлари, аҳолиси, ҳокимликлари, баъзи тарихий воқеалар ҳақида, унга яқин қўшни вилоятлар тўғрисида ҳам тўхталади.

Уларнинг асосийларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари (нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент — 1966 йил) китобидан олинди.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

«БОБУРНОМА»дан

Вақоеи санаи тисъа миа (тўққиз юзинчи (1494 — 1495) йил воқеалари)

Манга Султон Маҳмуд мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди. Улуғ ўғли Султон Масъуд мирзоға оғаси султон Аҳмад мирзонинг Оқбегим отлиқ иккинчи қизини тўй ва ойин била олғон. Сочикни келтурди: олтундин ва кумушдин бодомлар ва писталар қилиб эдилар (25- бет).

Масофлари: (Султон Маҳмуд мирзо — *тўпловчи*) икки қатла масоф урушти. Ҳар икки қатла Султон Ҳусайн мирзо била, бир мартаба Астрободта мағлуб бўлди. Икки қатла Андихуд навоҳисида Чакман деган ерда ҳам мағлуб бўлди. Икки қатла Бадахшоннинг жануб жониби Кофиристонга бориб ғазот қилди. Бу жиҳатдин фармонининг тўғрисида Султон Маҳмуд ғозий битирлар эди.

Вилояти: Султон Абусаид мирзо Астрободни бериб эди. Ироқ воқеасида Хуросонга келди. Ул фурсат Қанбар Алибек Ҳисор ҳокими Султон Абусаид мирзонинг ҳукми била Ҳиндистон черикини чериклаб, Ироққа мирзонинг сўнгича борадур эди, Хуросонга етиб эди, Султон Маҳмуд мирзоға мулҳақ бўлди. Султон Ҳусайн мирзонинг овозасини эшитгач, Хуросон эли ҳужум қилиб, Султон Маҳмуд мирзони Хуросондин чиқордилар, Самарқандға Султон Аҳмад мирзонинг қошиға келди. Неча ойдин сўнг Аҳмад Муштоқ бошлиғ Сайид Бадр ва Хисравшоҳ ва яна баъзи йигитлар султон Маҳмуд мирзони олиб қочиб, Ҳисорға — Қанбар Алибек қошиға келдилар. Андин бери Қаҳқа била Кўҳтан тоғининг жануб тарафидаги вилоёт, мисли: Термиз ва Чағониён ва Ҳисор ва Хатлон ва Қундуз ва Бадахшон Ҳиндикуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг тасарруфида эди. Оғаси Султон Аҳмад мирзо ўлгандин сўнг анинг вилоёти дағи мунинг тасарруфида бўлди. (26—27-бетлар).

Авлоди: Беш ўғил, ўн бир қиз эди. Бори ўғлонларидан улуғ Султон Масъуд мирзо эди. Онаси Мир Бузург Тирмизийнинг қизи эди (27-бет).

... Тарих тўққиз юз ўнда Аму дарёси ёқасида Боқи Чағониёний манга келиб мулозимат қилди. Бу бегимлар (*Султон Маҳмуд мирзонинг беш қизи — тўпловчи*) оналари билан Термизта эдилар. Булар ҳам Боқи Чағониёнийнинг кўчи била келиб қўшилдилар... (27—28-бетлар).

Вақоеи санаи ихдо тисъа миа (тўққиз юз биринчи (1495 — 1496) йил воқеалари). Султон Ҳусайн мирзо Хуросондин Ҳисор устига черик тортиб, қиш Термиз тўғриси келди. Султон Масъуд мирзо ҳам черик йи-

ғиб, Термизға муқобалада келиб ўлтирди. Хисравшоҳ ўзи Қундузни маҳкам қилиб, иниси Валини черикка юборди. Қишнинг аксарини сув ёқасида ўткардилар, ўта олмадилар. Султон Ҳусайн мирзо кордон ва соҳиб тажриба подшоҳ эди. Қундуз сари сув юқори боқа кўчти... Вали Хисравшоҳким, бу кечган қишининг устига бормоқни ҳарчанд саъй қилди, Султон Масъуд мирзонинг бедиллигидин ё Боқи Чағониёнийнингким, Валининг зидди эди, саъйидин бу кечгон қишининг устига бормади. Бузулгон йусинлуқ Ҳисор сари ёндилар.

Султон Ҳусайн мирзо сув кечиб, Бадиуззамон мирзони ва Иброҳим Ҳусайн мирзо ва Муҳаммад Валибек ва Зуннун аргунни Хисравшоҳ устига юборди. Ўзи Ҳисор устига келди. Ёвуқ етканда хабардор бўлдилар.

Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмоқнинг маслаҳатини топмай, Камруд руди юқори Сиратоғ йўли била иниси Бойсунғур мирзо қошига, Самарқандга борди. Вали ҳам Хатлон сари тортти. Ҳисор кўргонини Боқи Чағониёний ва Маҳмуд Барлос ва Султон Аҳмад Кўчбекнинг отаси беркитдилар ... (33-бет).

Вақоеи санаи салос ва тисъа миа (тўққиз юз учинчи (1497—1498) йил воқеалари) ...

Ушбу йил Хисравшоҳ Бойсунғур мирзо била черик тортиб, Чағониён келиб, мақр ва фириб била олди. Султон Масъуд мирзога элчи юбордиким, келинг, Самарқанд устига юрулинг. Самарқанд муяссар бўлса, бир мирзо Самарқандта ўлтургай, яна бир мирзо Ҳисорда.

Султон Масъуд мирзонинг бек ва ичкиси ва йигит-яланги озурда бўлуб эдилар. Бу жиҳаттанким, Шайх Абдулло Барлос Бойсунғур мирзо қошидин султон Масъуд мирзо қошигаким борди, чун мирзога қойин ота эди, асру улуғ роият топти. Бовужудким, Ҳисор вилояти мукаккар ва мухтасар вилоятдур, улүфасини минг туман фулус қилиб, Хатлон вилоятини дардаст берди. Хатлон вилоятида Султон Масъуд мирзонинг хейли бекларининг ва ичкиларининг тани бор эрди. Барчани мугасарриф бўлди. Ўзи ва ўғлонлари куллий ва жузъий эжик ихтиёрини олдилар. Озурда бўлгонлар қочиб-қочиб Бойсунғур мирзога кела бошладилар.

Фирибомиз сўзлар билан Султон Масъуд мирзони гофил қилиб, Чағониёндин илғаб, Нақора вақтида Ҳисор кўргонини қабай олдилар (53- бет).

... Иттифоқоти ҳасанадин Султон Масъуд мирзоким, Ҳисорни олдуруб, Султон Ҳусайн мирзога келадур эди, ушбу кун етишди. Астрободқа боргон черик ҳам келиб, ушбу кун мирзога мулҳақ бўлди. Рубору бўлғоч, ўқ уруша ҳам олмади. Бадиуззамон мирзо била Шоҳрух мирзо қочти.

Султон Ҳусайн мирзо Султон Масъуд мирзони яхши кўриб, куёвликка юкундируб, иноят ва шафқат мақомида бўлиб эдиким, Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, мундин бурунроқ келиб, Султон

Хусайн мирзо мулозиматида булур эди, ангизе била Хуросонка турмай, бир баҳона била чиқиб, Султон Хусайн мирзодин берухсат Хисравшоҳға борди. Хисравшоҳ Ҳисордин Бойсунғур мирзони тилаб келтурди. Ушбу фурсатта Улуғбек мирзонинг ўгли Мироншоҳ мирзо отаси била ёғиқиб, ҳазорага кириб, ҳазорада ҳам безътиқодликлар қилиб, ҳазорада тура олмай, ул ҳам Хисравшоҳ қошига келуб эди. (54-бет) ...

Бу Манеъ ҳаракаттин сўнг Бойсунғур мирзони подшоҳ қилиб, Ҳисорға рухсат берди. Мироншоҳ мирзоға Саид Комилни кўмак қўшиб, Бомийн сари йиборди (55-бет) ...

Вақоеи санаи ситта ва тисъа миа (тўққиз юз олтинчи (1500—1501) йил воқеалари). Самарқандни ўзбек олғоч, Кешдин Ҳисор сари мутаважжих бўлдук. Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари кўч ва аҳлу аёллари била бизнинг била тебрадилар. Чағониённинг Чилту ўлангига тушганда, Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб бориб, Хисравшоҳқа навкар бўлдилар.

Биз шаҳар ва вилояттин маҳрум, борур тураримиз номаълум. Бовужудким Хисравшоҳ не миқдор бизнинг хонвадага ҳайфлар ўтказиб эди, чора тополмай, заруратин анинг вилоятининг ичи бирла-ўқ ўтук. Бир хиёл қилиб эдиким, Қоратегин ва Алай била ўтуб, кичик хон дадамгаким, Олачакон булғай, борилгай, ул муяссар бўлмади. Камруд била юққори юруб, Сира тоқ добонидин ошмоқ бўлдук. Навандок навоҳисига етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўққиз от ва бир тўққиз парча келтурди. Камруд оғзига тушганда, Шерали чўхра қочуб Хисравшоҳ қошига борди. Тонгласиға Кўчбек айрилиб Ҳисор борди. Камруд дирасиға кириб юққори боқа юрудук. Танги ва учма йўлларда тунд ва тез кўталларда қалин от ва тева қолди. Уч-тўрт ора кўнуб, Сира тоқ кўталига етук, кўтал ва не нав кўтал, харгиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас... (73 - бет).

Вақоеи санаи тисъа ва тисъа миа (тўққиз юз тўққизинчи (1503—1504) йил воқеалари). Муҳаррам ойида Фарғона вилоятининг Хуросон азимати била Илоқ яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоғларидандур, келиб туштум. Ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзимга устара қўйдум. Мени умидворлик била ирашиб юрудургонлар икки юздин кўпроқ, уч юздин озроқ бўлгай эди... (109-бет).

Илоқтин уч-тўрт кўч била Ҳисор навоҳисига Хожа Имод деган ерга келиб тушулди. Бу юрта Муҳиб Али кўрчи Хисравшоҳдин элчиликка келди. Хисравшоҳким, карам ва саховат била машхур эди, икки навбат муруримиз анинг вилоятининг воқеа бўлди, адно кишиларга қилгон инсониятни бизга қилмади (109-бет)...

Қабодиёнга етганда, Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, Чағониён ва Шаҳрисафо ва Термиз анда эди, Хатиб Қаршийни йибо-

риб, давлатхоҳлик изҳори қилиб, бизга қўшулмоқ бўлди. Аму суйини Уёч гузаридин ўтганда келиб мулозимат қилди. Боқининг истидосидин Тирмиз тўғрисига келиб, кўчларини Амудин бебоқи қўчуруб, ўзимизга қўшуб, Қоҳмард ва Бомиён саригаким, ул фурсатта бу ерлар ўғли Аҳмад Қосимгаким, Хисравшоҳнинг хоҳарзодасидир, тааллуқ эди, мутаважжих бўлдукким, Қоҳмарднинг Ажар отлиқ дара қўрғонида уй-элни беркитиб, яна бир маслаҳат рўй берса, анга қараб амал қилғайбиз (109 — 110-бетлар)...

Тўпловчи Абдиназар Хидиров

ЧАҒОНИЁН ШАҲРИСТОНИДА

(Ниҳоят)

*Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд,
яъни бизнинг Ватанимиз нафақат
Шарқ, балки умумжаҳон цивилизация-
си бешикларидан бири бўлганлигини
бутун жаҳон тан олмоқда.*

И.А.КАРИМОВ

Шундай умумжаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлмиш Ватанимизнинг бир кичик гўшаси—қадимий Чағониён диёри, ундаги айрим шаҳарлар, баъзи таниқли кишилари ҳақида муайян маълумот, тушунча ҳосил қилинди.

Сурхон воҳасининг, хусусан, қадимий Чағониён диёрининг дарё, ариқлари бўйлаб, тоғдан бошланиб сайхонликка ёйилган даралари, сойлари ёқалаб қанчадан-қанча манзилгоҳлар, шаҳару қишлоқ қолдиқлари маржондек тизилиб ётибди. Тоғлар билан ўралган Чағониён воҳаси эса даралар, дарёлар, ариқларга тўлалиги билан ном таратган.

Буни Ҳайрондара ҳақидаги ривоят мисолида ҳам тушуниш мумкин. Бойсундан пастга эниб, адирликлар билан туташ текислик бўйлаб шимолга юрсангиз, Жоби, Миршоди, Хўжасоатдан сўнг Ҳайрондарага етиб келасиз.

Эмишки, Чағониён амири икки кишига ўз мамлақати ҳудудидаги даралар сонини аниқлашни буюрибди. Улар тоғ этаги бўйлаб боришибди ва мазкур жойга келишиб, ҳар хил даррандалардан эҳтиёт бўлиш мақсадида оёқларини бир-бирига қаратиб, қўлларини ёпинчиқдан чиқариб ётишибди. Ярим тунда бир дев келиб уларга даҳл қилмоқчи бўлибди ва у ёқдан яқинлашса ҳам, бу ёқдан яқинлашса ҳам бош томонга тўғри келаверибди, ҳайрон бўлганидан шундай дебди:

“Бу Ҳайрон дарадир — минг битта дара,
Томчи сув дардида дийдаси пора.
Бошпана айлаб мен ушбу дамгача,
Ҳеч кўрмовдим икки бошли бир бало”.

(Мелиқул Ханжар тўртлиги)

Бу афсонада ҳақиқат бордек, чиндан ҳам Чағониён — Сурхон ўлкасида Ҳисор—Бойсун тоғ тизмасидан ҳам, Боботоғ тизмасидан ҳам энди диган даралар, сойлару дарёлар шунчалар кўпки, булар мазкур гўшанинг серсувлигини, экинзорлару боғ-роғларга бурканганлигини таъминлаб турган. Зотан илк ўрта асрларда қадимий Чағониёнда ўн олти

мингдан зиёд қароргоҳ — шаҳару қишлоқ бўлганлиги маълум. Бу юртда Термид, Чарманкон, Дорзанги, Чағониён, Басанд, Далварзин, Холчаён, Миршоди, Баранги, Новандак сингари шаҳарлар маълуми машҳур бўлган. Бундаги шаҳару қишлоқлар, қароргоҳлар, қасрлару истехкомлар, сув иншоотларию қурилишлар, ҳунармандчилик, кулолчилик, чилангарлик дастгоҳлари — ҳамма-ҳаммаси, табиий борлиқдан бошқа жамики нарсалар, бор маънавий бойликлар ўтмишдошларимиз — отабоболаримизу моможонларимиз меҳнати, ақл-заковати билан бунёд этилганки, улар ҳануз инсониятни лол қолдириб келаётир. Демакки, бу табаррук заминнинг ҳар қарич ерида боболару момолар руҳлари зоҳирдир, уни топтамай, тавоб айлаймиз.

Бу жойлардаги қадимий шаҳарлару қишлоқлар, маданий ҳаёт, сув иншоотлари, бошқарув тизими юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган”, — (И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ», 20-бет) деган фикрлари нақадар ҳаққонийлигини исботлаб турибди.

Қаранги, тузувчи ҳам, бузувчи ҳам инсон, вақт, қисмат экан. Ўша вақтдаги шаҳару қишлоқларнинг, қароргоҳларнинг аксарият кўпчилиги тарих силсиласи, босқинчилик урушлари, сув тошқинларию табиий офатлар, қурғоқчилик бошқа сабаблар оқибатида йўқ бўлиб, вайронага айланиб, ботин бўлиб мозий қаърига шўнғиб кетган. Уларнинг кўпчилигидан ҳатто ном-нишон ҳам қолмаган. Айримлари эса ер қаърида ботин бўлиб келаётир. Президентимиз: “Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади”, — деганларида худди шу жойларни назарда тутгандек туюлади.

Бундай обидаларни ўз бағрида яширган мўъжизагоҳлардан ҳар бирининг ўз тарихи, ўз пайдо бўлиш, ривож топишу инқирозлари, унда ҳаёт қайнаши, қисмати, аждодлар заковатининг, меҳнатининг маҳсуллари қолдиқлари, ўша вақтдан дарак берувчи мозий сир-асрорлари парча-буронлари мавжуд. Қанча-қанчаси эса йўқолиб, мозий гирдобига шўнғиб кетган.

Деновдан Қизилсув ёқалаб оқим бўйлаб юрсангиз, шаҳарга туташиб кетган Калламинорага дуч келасиз. Унда қанча инсонларнинг бошларию таналари жо бўлганлиги, аждодларимиз руҳлари намоён бўлиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Биродарлик қабристонини ўрнидан, Ихтиёр қишлоғи дарёга туташ йўналишидан қатор кетган тепаликлар текисланган жойидан бутун ва синиқ гиштлар, кўза ва қувур парчалари чиқиб ётибдики, қадимда мазкур жойлар йирик қароргоҳ бўлганлигидан далолатдир.

Сармозоростона — хожа Алоуддин Аттор Валий қабристонининг кекса чинорлар атрофидаги жуда катта майдон — чинорларнинг фарбидан дарёгача, жанубидан Намозгоҳ қишлоғигача, шарқи ва шимолидан Бешкапа қишлоғи оралиғи, чинорлар остидан ўтган сувнинг икки то-

мони — қабристоннинг ўрни бўлмиш улкан тепаликдан ҳануз қабр қази-ганда, гишт, сопол синиқлари, бутун гиштлар, бошқа қадимий ашё-лар чиқиб туради. Кишилар қабр устига бу топилмаларни териб қўйи-шади. Шу жойдаги хожа Алоуддин Аттор мақбараси атрофидаги маж-муа мазкур ердан топилган гиштлар билан қад кўтарган. Демакки, Сармозоростона қабристони ўрни қадимда йирик шаҳар маркази, ул-кан истехком ва қўрғонлари, арклари, бошқа иншоотлари бўлган катта қароргоҳ бўлганлиги аён.

Ундан уч чақиримча дарё оқими бўйлаб жануби-шарқда эса милод-дан олдинги биринчи ва милоднинг биринчи асрларида қароргоҳ сифа-тида пайдо бўлиб, Кушонлар даврида катта шаҳарга айланган, ўрта асрларга келиб Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири сифатида маълуми машҳур бўлган, Сурхон воҳасида мавжуд икки йирик вилоят-дан бирининг маркази, жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшиб келган Термиз шаҳридан аҳолиси кам бўлса-да, ҳудуд жиҳатдан ундан катта жойни ишғол этган Чағониён (“Саканиён”нинг ўзгаргани бўлса керак) — маҳаллий аҳоли таъбирича Будрач (“Будда” сўзидан дейиша-ди) шаҳристони ўрни Қизилсув дарёсининг икки соҳили бўйлаб яста-ниб ётибди.

Қизилсув дарёсининг чап соҳилида Охунбобоев номли хўжаликка қарашли кенг “Гиштли” дала, Қорақўз, Заҳартепа тепаликлари, За-ҳартепа қишлоғидан Қорақўз қишлоғи тўғрисидаги шийпонгача экин-зор дала, ҳар икки томондан ювиб оқиб кенгайиб кетган Қизилсув дарёси ўрни, унинг ўнг соҳилида дарё ўзани бўйлаб “Ғалаба” ширкат хўжалигига қарашли катта экинзор майдон, Шамоли қишлоғи шимо-ли-шарқидан бошлаб Остона қишлоғи шимоли, Султон Санжар мозий қабристони билан дарё оралиғидаги жой, шарқ томонидаги кенг экин-зор майдон, Қоровултепа ва Кулолтепа ҳам қўшилиб молхонагача бўлган жуда кенг ястаниб ётган жой, яъни дарёнинг ҳар икки томонидаги ай-тиб ўтилган ўринлар, дарё ўзани ҳам қўшилиб яхлит бир ҳудуд Чағони-ён шаҳри ўрни бўлган.

Шаҳар уч қисмдан — арк, шаҳристон ва работдан иборат экан. Шаҳарнинг нисбатан ўргасида Оқмозортепа — Будрач арки (қалъаси) бўлган. Тепаликнинг баландлиги айни пайтда 17,5 метр. Унинг энг уст қисмида ҳовуз ўрнини кексалар ҳануз эслашади. Тепаликнинг тўртдан уч қисмини сув ювиб кетган. Ундаги жарликдан тепаликнинг табиий ва маданий қисми ҳамон билиниб турибди. Қалъа қалин девор билан ўра-либ, унинг атрофи хандақ қазилиб сув тўлдирилганлигини шу жой ҳола-тидан билса бўлади.

Оқмозортепанинг шимоли-шарқ томонида юз метрлар ундан анча катта бўлган Дунётепа (2,5 гектар) жойлашган. Унинг усти нисбатан ясси, четлари баланд ўркак-ўркак шаклида. Бу ер турар жой бўлганлиги аён. Тепаликнинг шимолий қисмида археологлар бир неча жойдан қазишма

олиб борганлари тамғаси мавжуд. Ҳар икки тепалик ораси чуқур хандақ билан ажратилган. Арк дарвозаси шу томондан бўлганлиги тахмин қилинади. Бу тепаликнинг ҳам бир четини Қизилсув дарёси ювиб туширган.

Бу тепаликлардан шимолда бир ярим чақиримча масофада, Қорақўз ва Заҳартепа қишлоғи туташган жойда кичик қабристон бор. Шу жой аҳолиси ҳозир ҳам ёш болалар вафот этганда мазкур қабристонга қўяди. Шу қабристон ўрнида Чағониён—Будрач шаҳристонининг бир бўлаги даҳлсиз сақланган бўлса ажаб эмас.

Дунётепа ва кичик қабристон чизигидан шарқ томонга озроқ, ғарб томонга 2,5 чақиримча келадиган, жануб томони дарё билан туташ кенг “Ғиштли” даласи — экинзор майдон ястаниб ётибди. Бу экинзор даласи ва Заҳартепа қишлоғи ҳам қўшилиб шаҳристон ўрни бўлганлиги яққол билиниб турибди. Зотан экин майдонида пишиқ ғишт, сопол синиқлари шундай тўлиб кетганки, ҳар қадамда неча-нечаси тўғри келади. Шу ер аҳолиси, хўжалик аъзолари даладан, ҳовлиларидан ҳануз ҳар хил тангалар, ҳайкалчалар ва бошқа қимматли ашёлар топиб олишади.

Дунётепадан икки чақиримча шимоли-ғарбдаги Заҳартепа анча ривоятларга сабаб бўлган. Эмишки, Вахшивордан Сўфи Оллоёр ҳазратлари амри билан Боботоғнинг Говургон дарасига жўнаган илонлар тўдаси шу тепаликда бир кеча тунаган ва шундан бу жой Заҳартепа номини олган эмиш.

Мазкур тепани шу жойни текширган олимлар Чағониён шаҳристонини таркибига киритмайдилар, табиий тепалик ҳисоблайдилар. Аслида эса ундаги бутун аломатлар мазкур тепаликнинг йирик иншоотлар жамланмаси бўлганлигидан даололат бериб турибди. Аввало, тепаликнинг умумий кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, кун чиқардан кун ботар томонга чўзилиб борган. Энига қараганда узунаси бир неча баробар келади, текис жой орасида бундай шаклда табиий тепалик бўлмаса керак. Фақат тепаликнинг шарқий қисми бирмунча кенгайган ва ясси бўлиб, бу жой ҳозир аҳоли уй-жойлари билан банд этилган. Тепалик жануб томондан Қизилсув дарёсига яқин, ғарб, шимол ва шарқ томони эса ҳануз чуқур пастқамлик бўлиб, бу бир вақтлар сув тўлдириладиган ҳимоя хандақ бўлганлигини англатади. Тепалик бир неча жойидан ўркач-ўркач бўлинган, унинг ўрта қисми Дунётепадаги каби чуқур, четлари эса дўнглик. Бу катта иншоот тизимининг чет қалин деворлари кулаб, дўппайма марза ҳосил қилгандек. Бу жойнинг йирик иншоот тизмаси бўлганлигини мазкур тепаликка чиқиш йўли очилгандаги тик жар орасида ғиштлар кўриниб турганлиги ва аҳоли қазиган ертўлага кираверишда Оқмозортепа ва Дунётепа ўралгани каби хом ғишт ва паҳса навбатма-навбат териб-уриб чиқилган қалин девор мавжудлиги ҳам исботлаб турибди. Демак, Заҳартепа ҳам Чағониён—Будрач шаҳристонини таркибида ўрганилиши, бу жойдан тарихимизнинг янги-янги сиру асрорлари аниқланиши мумкин бўлади.

Аммо шаҳристоннинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган, унинг ҳам икки

томонини шафқатсизлик билан ювиб, 500—600 метрлар чамаси кенгликдаги жойни эгаллаб оқаётган Қизилсув дарёси ўрнидаги тарих синоатларини тиклаб бўлмас. Улардан фақат ўша вақтдаги ёзувлару, дарё ювган жойларидан чиққан ашёлар хабар беради, холос.

Археологлар шаҳарнинг ўнг ва чап қисмини бирлаштирувчи пишиқ гиштдан тикланган кўприк қолдиғини, дарёнинг тик қирғоғида Ўрта Осиёда умуман учрамайдиган ажойиб сув ўлчагични аниқлаганлар. Кўприкнинг қолдиғи сифатида гишт ва ганчнинг иккита йирик қотишмаси дарё ўртасида думалаб ётибди. Ганчни майин сомон аралаштириб қориб гишт қаланганда, минг йиллар давомида ҳам қотишма бузилмай ётар экан. Маҳаллий аҳоли дарё ўзанидан ҳар хил антиқа ашёлар топиб олишмоқда.

Ўша вақти Чағониён шаҳрининг ўртасидан ўтувчи сув бир ариқ бўлиб, турғун из бўйлаб оққан. Чунки ўша вақтда, ҳатто ўтган юз йилликнинг 20-йилларигача Сангардақдарё Кенгузардан чиққач, Отқамар қишлоғи ёнидан, Дуғбой, Минора билан Катта ва Кичик Карши қишлоқлари оралиғидан, Тортувли қишлоғи жануби, Фофилобод қабристонини шимолидан, Чамбил кўрғони, Кумқишлоқ ёнидан, Лағмонота қабристонини шарқидан ўтиб Сурхонга (Чағонрудга) қуйилган. Сангардақдарёнинг ўша эски ўзани, унинг икки соҳили қароргоҳлар тизмаси бўлганлиги ҳануз билиниб турибди.

Қизилсув (Сангардақдарё)нинг ҳозирги ўзанидан эса асосан Юрчи ариғидан, Лўпондарадан, Чўнтош Сағноғидан келадиган, Сина-Ойбарак ва Даҳанадан ўтиб, Омборсойга тушадиган сувлардан таркиб топган нисбатан катта бир ариқ оқиб Чағонрудга қуйилган.

Қизилсув дарёсининг ўнг соҳилида, “Ғалаба” ширкат хўжалигининг Шамоли қишлоғидан дарё соҳили томон нишаблик, Остона қишлоғи шимоли-ғарби дарё соҳили узунаси майдон шундай гишт ва сопол синиқлари билан қопланган. Бу ердаги бир неча жойда “Шаҳид” аталмиш дўппаймалар квадрат шаклидаги юпқа гиштдан терилган гамбаз куббаларни эслатади.

Султон Санжар мозий зиёратгоҳи кўприк бўлган жойнинг нисбатан тўғрисида, ундан сал юқорироқда жойлашган. Зиёратгоҳ ёнида кекса чинорлар қад кўтарган. Зиёратгоҳда мақбаранинг катта қисми сақланган. Унинг ичидаги йирик қабр ҳам ясси гишт териб ёпилган. Лекин зиёратгоҳ атрофидаги қабристон ўрнидан гишт ва сопол синиқлари чиқмайди. Демак, бу жой Чағониён шаҳри таркибига кирмаган.

Султон Санжар мозий зиёратгоҳи тўғрисида шу жой кишилари ажойиб бир афсонани авлоддан-авлодга ўтказиб айтиб келишади. Ривоят қиладиларки, Султон Санжар ўз юртида шоҳ бўлган экан. У жангда аёл ҳукмдордан енгилади ва ориятига чидамай дарвеш кийимида бош олиб чиқиб кетади, шу жойга келиб вафот этади.

Мазкур ерли бир киши ҳар куни ўтин териб сотиб рўзғор тебратар экан. Бир куни кечгача сарсон бўлиб ҳеч ўтин тополмабди. Сув бўйига

келиб нима қиларини билмай ўтирганда, бир нуроний кекса киши — Хизр бобо пайдо бўлибди ва салом-аликдан кейин унга шундай дебди:

— Хафа бўлманг, шу жойда табаррук инсоннинг қони тўкилган. Сувнинг у юзидан гишт ташиб келиб, шу жойда мақбара ва сағана қурасиз. Бу жойдаги инсон қони саксон чақирим атрофидаги инсонларни қўллаб туради. Шу зиёратгоҳда ўзингиздан бошлаб етти авлодингиз назр йиғувчи бўласизлар. Ризқларингиз шу ердан бутун бўлади. Етти авлодингиздан кейин шу ризқ бўлиниб парчаланиб кетади.

Шу гапларни айтиб нуроний киши кўздан ғойиб бўлади. Ўтинчи эса у зот айтганларини бажаришга киришади. Мақбара ва сағана тайёр бўлади ва шу киши зиёратгоҳда ниёзлик қила бошлайдилар. Ҳақиқатан ҳам еттинчи авлоддан, яъни ҳозирги ҳаётларнинг боболаридан кейин навбатма-навбат туриб назр йиғадиган бўлишади. Зиёратгоҳга эса атроф-теварақдан зиёратчилар келишади. Айниқса, ит қопганлар шу жойга келиб устларида бўлган кийимларию, тақинчоқларигача қолдириб кетишади. У жой Аллоҳнинг иродаси билан қутуриш касаллигидан ҳам сақлар эмиш.

Зиёратгоҳдан дарё оқими бўйлаб пастга, Кулолтепа, Қоровултепага етгунга қадар кенг майдон яна пишиқ гишт ва сопол парчалари билан қопланган. Бу жойлардан шу қишлоқ кишилари бошқа ашёлар қатори кўплаб гишталар олишган, иморатлар қуришган. Мозорот қоровули Бўронбой Қосимов дарё ўзанидан 6,5 мингдан ортиқ терилган пишиқ гишт кўчириб олган. Гишт топилган жой тўртбурчак шаклида бўлиб, дарёга томон кенгайиб борган экан. У томонини сув ўпириб кетган. Демак, шу жойда иккинчи кўприк бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Қоровултепа текисланиб кетган. Шаҳристоннинг энг жануби-шарқида Кулолтепа ҳамон қад кўтариб турибди. Унинг ҳам бир томонидан кишилар уй қуриб келишмоқда. Тепаликнинг ўрта бели жануб томонида лаҳм оғзи бўлганлигини эслашади. Тепаликнинг устини археологлар кавлашган. Тепалик нисбатан чўм бўлишига қарамай, хом гиштан терилган бир неча хужранинг ўрни очилган.

Барча манбаларда Чағониён шаҳри Қизилсувнинг Сурхон дарёсига қуйилиш жойида бўлганлиги кўрсатилади. Ҳозир эса Сурхон дарёси Будрач шаҳристонидан икки чақиримча шарқдан оқиб ўтади.

Будрач шаҳристони аталмиш кенг майдонни кесиб чиқсангиз, шаҳристоннинг Сурхон томонидан, Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг Қорақўз, Қозиқўриқ қишлоқлари билан айна пайтда “Гиштли” аталмиш экинзор дала орасидан “Ғалаба” ширкат хўжалигининг Ферма қишлоғи, Қоровултепа, Кулолтепа аталмиш жойлар шарқи орқали ўтган кенг тошлоқ йўналишни пайқайсиз. Демакки, Сурхон дарёси олдин шу ердан, Будрач шаҳристонига туташ жойдан ўтган ва кейинчалик ўз ўзинини ўзгартирган.

Тепаликка чиқиб, тахминан 200 гектарча жойни — тепаликлару

экин майдонлари, дарё ўзанию одамлар яшаш жойлари бўлиб турган, қадимда эртакмисол ва жарангдор Чағониён аталмиш кенг қамровли шаҳар ўрнига суқланиб-суқланиб тикиламан ва ўша даврдаги мазкур жойларда бўлган қайноқ ҳаётни, аждодларимизнинг яратувчилик меҳнатию, уруш суронларини, барпо этишлару вайроналикларни кўз ўнгимга келтираман.

Ушбу жойнинг шу ҳудуд маркази бўлганлигини, айниқса илк ўрта асрларда, араблар келгунга қадар Туронтош ҳукмронлиги даврида, кейинчалик Муҳтожийлар ҳукмронлиги мобайнида Морауннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бирига айланганлигини ўйлайман. Шаҳарнинг турли жойларида кулоллар, темирчилар, дегрезлар, шишадувлар, заргарлар, бошқа ҳунармандлар маҳаллалари, ўз пулини зарб қилиш, тўқимачилик, гилам тўқиш ва кигиз босиш дастгоҳлари, шаҳар ўртасида чиройли тим бозор, пишиқ гиштдан қўтарилган устунли масжид, ҳар бир хонадонга ўтказилган сув, шаҳар ва унинг атрофидаги сўлим боғ-роғлар, қасрлару истехкомлар, ажойиб гўшалару ҳовузлар... барча-барчаси назаримда яхлит гавдаланади. Бу жойларда меҳнат, ижод қилаётган, ўз касби, машғулоти билан банд бўлган, хуллас, тиним билмас яратувчи инсонларни, аждодларимизни кўраман. Бу қадимий шаҳарда яратувчилик, ривожланиш ҳаёти билан бирга, Аҳамонийлар, Искандар босқини, Кушонлар, Сосонийлар, Хионийлар, Эфталитлар, Туркий хоқонлиги жангу жадаллари, араб лашкарлари билан Муқанна қўшинларининг ойлаб тўқнашувлари, Сомоний шоҳи Нуҳ ибн Наср Чағониён шаҳрини бир ой қамал қилиб, Аҳмад Чағониёний билан сулҳ тузиб қутулгани, Чингиз босқинчилари шаҳарни вайрон қилиб ташлаганлари, Оқмозортепанинг арқдан мазоротга айлангани, шаҳар инқиллаб қаддини ростлаётганда Шайбонийхон уни бутунлай ер билан яқсон қилиб ташлагани кўз ўнгимдан бир-бир ўтади.

Қадимий Чағониён шаҳрининг Аллоҳ ёрлақгани шунда бўлдики, милоддан олдин ва милоднинг бошларида барпо этилган шаҳарларнинг аксарият кўпчилиги VI асргача йўқ бўлиб кетган ҳолда, у кейинги давргача яшаб келди. Бу шаҳарнинг аянчли қисмати шундаки, у Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива сингари яшаб-яшнаб кетолмади, тарих гирдобига бутунлай қад ростлаёлмас бўлиб шўнғиб кетди.

Бир вақтлар оламга довруғ ёйган, тарихда ўз ўрни, мавқеи бўлган Чағониён шаҳри мозий қаърига шўнғиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетадими? Оқмозортепани, бошқа тарихий ёдгорликларни ҳар икки томондан сув ювиб кетаётган бўлса, шаҳристон ўрни бўлган жуда катта майдон текисланиб экин экилиб юборилган, бир қисми эса одамлар яшаётган уйлар, қишлоқ тагида қолиб, уни очиш мумкин бўлмаса, кишилар бунга лоқайд қараб туришса, бу ҳол тез орада юз бериши мумкин. Аммо...

Аммо Республика Санъатшунослик институти олимлари, археологлари мазкур жойда 70-йиллар охирларида қисқа муддат қазишма олиб

борганларига қарамай, Чағониён марказий шаҳри ўрнини аниқлаб, у ҳақда жуда катта тадқиқотлар қилдилар, талай хулосалар чиқардилар, муайян асарлар яратдилар. Буларнинг кўплари мазкур мажмуага ўзбек-чалаштирилиб киритилди.

Ҳозир ҳам мазкур жойни ўрганиш археолог олимлар дастуридан тушган эмас. Айниқса, Далварзинтепада қазилма олиб бораётган Ўзбек-Япон экспедицияси археолог олимлари Чағониён шаҳристониغا келиб-кетиб текшириб турибдилар.

Нафақат олимлар, Сурхон воҳаси, Денов жамоатчилиги ҳам ўз тарихи, ўтмишини, қадимий Чағониён осори-атиқаларини ўрганишга, уни асрашга киришганлар. Ўзбекистон Санъатшунослик институти олимлари Холчаёнда қазилма олиб бораётганда, заҳартепалик муҳандис Менғқобил Тўраев уларга мазкур жой — Будрач шаҳристони ҳақида хабар беради. Бу жой ўрганилиб, ҳақиқатда қадимий Чағониён марказий шаҳри ўрни эканлиги аниқлангач, археологик қазилма қатнашчиси, воҳамизнинг машҳур ёзувчиси Менғзиё Сафаров ўзининг бадиий-публицистик қиссасида қадимий Чағониён тўғрисида ўзбек тилида дастлабки маълумот беради. Ушбу ерда жойлашган мактаб ўқувчилари тарих ўқитувчиси Омон Хўжанов бошчилигида Будрач шаҳристонидан топилган осори-атиқалар намуналарини тўплаб кичикина музейча ташкил этдилар. 80-йилларда Деновнинг ўша вақтдаги “Ғалаба учун” газетаси бўлим мудири Зоир Мамажонов “Қадимий Чағониённи сақлайлик” сарлавҳали иккита йирик мақола билан чиқди. Уларда Чағониённинг ўша вақтда маълум бўлган қисқагина тарихи қисман баён этилиб, шаҳристон емирилиб, экин экилиб, сув олиб кетаётганлиги, бунга кишилар, ўша вақтдаги раҳбарлар лоқайд қараб турганликлари ташвишланиб ёзилган эди. З.Мамажонов мазкур газетага муҳаррир бўлгач, унинг номини ҳам “Чағониён” аташга муваффақ бўлди. Ушбу мажмуани тайёрлашга киришганимда дастлабки таржималаримдан кўпгина қисмини “Чағониён” газетасида чоп этиб борди.

Бу ҳаракатлар ҳаммаси қўшилиб, Чағониён шаҳрини тарих зарварафига муҳрлашга, уни абадийликка даҳлдор этишга хизмат қилажак. Мустақиллигимиз шарофати ила ривож топиб, Чағониён шаҳристони ва умуман ўлкаси ҳам Далварзинтепа, Жарқўтон, Кампиртепа, Фаёзтепа, Эски Термиз сингари махсус экспедиция масканларидан бири бўлишига, бу ерларда яшириниб ётган тарихимизнинг кўп минг йиллик жумбоқлари, ботин бўлиб ётган муаммолари очилишига, бу жойлар ҳам истиқлолимиз туфайли туризм масканига айланишига астойдил ишонамиз.

Абдиназар ХИДИРОВ

МУНДАРИЖА

Муқаддима ўрнида. Абдиназар Хидиров	3
---	---

Тадқиқотлар

Чағониён элчилари Самарқандда	7
<i>В.В.Бартольд</i> . Чағониён ҳақида	12
<i>Г.А.Пугаченкова</i> . Холчаён	16
<i>Э.В.Ртвеладзе</i> . Чағониёнга саёҳат	35
<i>Э.В.Ртвеладзе</i> . Сурхондарёнинг ўрта асрлардаги ёдгорликлари	53
I Чағониён тарихининг асосий воқеалари	53
II Археологик ёдгорликлар	66
<i>Баҳодир Турғунов</i> . Қадимий Чағониён тупроғида маданият излари ...	85
<i>Омонулло Бўриев</i> . XIV—XV асрлар ёзма манбаларида Чағониён тарихига оид маълумотлар	140
<i>Менгзиё Сафаров</i> . Она тупроқ қўшиғи	147
<i>Ж.Я.Илёсов, Д.А.Русанов</i> . Будрач харобасидан топилган ўрта асрларга оид бронза буюмлар хазинаси	166

Манбаларда чағониён

Низомий Арузий Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар»асари ҳақида	171
<i>Низомий Арузий Самарқандий</i> . «Нодир ҳикоятлар»дан (<i>М.Ҳасаний таржимаси</i>)	171
«Худуд-ул-олам» ҳақида	176
«Худуд-ул-олам»дан (<i>О.Бўриев таржимаси</i>)	176
Гардизий ва унинг «Зайн ул-ахбор» асари	178
<i>Абдусайд Гардизий</i> . «Зайн ул-ахбор» дан (<i>Ф.Каримов таржимаси</i>)	179
Ибн ал-Асир ва унинг «Китоб ал-комил фи-т-тарих» асари	184
<i>Ибн ал-Асир</i> . «Китоб ал-комил фи-т-тарих»дан (<i>Б.Ваҳобова табдили</i>)	185

Ҳофизи Абру ва унинг асарлари	186
<i>Ҳофизи Абру. «География»дан (О.Бўронов таржимаси)</i>	186
Шарафиддин Али Яздий ва унинг «Зафарнома» асари	187
<i>Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома»дан (О.Бўриев таржимаси)</i> ...	188
«Бобурнома»да Чағониён хусусида	193
<i>Заҳриддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома»дан</i> <i>(Тупловчи А.Хидиров)</i>	194
Чағониён шаҳристонида (Ниҳоят) Абдиназир Хидиров	198

ЧАҒОНИЁН ТАРИХИ

«Тошкент ислом университети» — 2002

Нашриёт директори *Абдурашид Ғофуров*
Бош муҳаррир *Лутфулло Маҳмудов*
Муҳаррирлар: *Абдулборий Зиёдов,*
Маъмура Саидова
Муқова мусаввири
ва бадиий муҳаррир *Шухрат Ҳасанов*
Техник муҳаррир *Жанилқан Бекиева*
Мусаҳҳиҳ *Суннатулла Хўжааҳмедов*

Теришга берилди 10.10.2001 й. Босишга рухсат этилди 14.02.2002 й.
Бичими 70x100 ¹/₁₆. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б. т. 16,9. Нашр т. 13,9. Адади 1000. Буюртма № 51.

«Тошкент ислом университети» нашриёти. 700011. Тошкент,
А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Шартнома № 07-70-01.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент рангли босма фабрикасида босилди. Тошкент. У.Юсупов кўчаси, 86.

ЧАҒОНИЁН
ТАРИХИ

